

НУРИДДИН ИСМОИЛОВ

ИБЛИС САЛТАНАТИ

Саргузашт-детектив роман


Иккинчи китоб

(Иккинчи нашри)

ТОШКЕНТ «O'ZBEKISTON» 2008

84(5У)6

И 81



Исмоилов, Нуриддин.

Иблис салтанати: Саргузашт-детектив роман: [II қисм-ли] / Нуриддин Исмоилов. — Т.: O'ZBEKISTON, 2008.
2-китоб. — 256 б.

ББК 84(5У)6

34196
10 2/II

ISBN 978-9943-01-088-8

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2008.

Қосимнинг уйидан аста-секин одам оёғи узила бошлади. Аввалига Абдуҳамид қаёққадир ғойиб бўлди. Кейин шотирлари ҳам бирин-кетин кўздан йўқола бошлади. Ҳатто доимий қоровуллик учун болохонага қўйилган йигитлардан бири мутлақо йўқолиб, иккинчиси ҳам икки кунда бир келадиган, шунда ҳам шомдан кейин қорасини ўчирадиган одат чиқариб қолди. Шундай кунларнинг бирида тушдан кейин Шокир пайдо бўлди. Бунгача Феруза дўконга чиқиб келган ва дарвозанинг кичик табақасини ёпишни унутганди. Шу боисдан ҳам Шокир бемалол, ҳеч нарсадан тап тортмай, худди ўзининг уйига келаётгандай кирди. Тасодифни қарангки, ҳовлида айнан Маҳфузага дуч келди.

— Сиз, — деди уни кўрган заҳоти вужудига енгил титроқ кирган қиз, — бу ерга қандай...

— Эшикларинг очиқ экан, тўғри кириб келавердим, — дея жавоб қилди Шокир.

Қиз бирдан ерга қаради. Кўзига ёш тўлди. Сўнгра кўзёшлари ювган юзини Шокирга қаратиб:

— Бизнинг энди ҳеч кимимиз қолмади. Мени ўғирлаб кетишдан фойда йўқ, — деди.

— Адашасиз. Мен борман. Сизни ҳеч қачон ташвишга қўймайман.

— Адам... Адам тирик бўлганида бундай хорланмаган бўлардик. Бирорта одам бизни менсимай қўйди.

— Ҳаммаси изига тушиб кетади. Кўрасиз.

— Шундай бўлармикан?

— Бўлади, кўрасиз.

— Уйга кириш.

— Ким бор?

— Феруза опам, кейин ойим.

— Ноқулай бўлмасмикан?

— Йўқ, ўрганиб қолишган. Кейин ҳозир иккаласи ҳам ўзининг хонасида.

Маҳфуза Шокирни тўғри ўзининг хонасига бошлаб борди-да, йигит ичкарига кирганидан кейин эшикни қулфлади. Шокир бундай бўлишини мутлақо кутмаган эди. Қизнинг нима мақсадда бундай қилганини билолмай саросималанди. Бироқ ўзининг ҳолатини билдирмаслик учун Маҳфуза ётадиган каравотнинг бир четига ўтирди ва гўё хонани кузатаётгандай деворларга, шифтга қараган бўлди. Эшик ёнида бир оз туриб қолган қиз секин устидаги ялтироқ халатини ечди. Кейин отаси ўлганидан бери ўраб юрган рўмолни ҳам сочи бўйлаб сирғалтириб пастга тушириб юборди. Бундай ғалати манзарани кўрган Шокир бир ютиниб олди-да, беихтиёр ўрнидан турди.

— Менга етишиш учун, — деди қиз эҳтирос билан, — ўғирлаш шарт эмас.

Шокир секин кўйлаги тугмасини ечаётган маҳал Маҳфуза югуриб келиб, унинг бўйнидан қучиб лабига лабини босди. Кейин орқага ярим қадам босиб, кутилмаганда йигитнинг юзига тарсаки тортиб юборди.

— Тушунмадим! — деди Шокир бир қўли билан қизариб кетган юзини ушлар экан.

— Буниси мени ўғирлаганингиз учун, — деди қиз ва яна изига қайтиб, йигитдан бўса ола бошлади...

Шокир бутунлай довдираб қолди. Шошмаса куруқ қоладигандай пишиллаганча бутун эҳтиросини қизга ҳадя этаётган паллада Маҳфуза унинг кўкрагидан итариб:

— Битта шартим бор, — деди ҳансираганча.

— Ҳозир ўл десанг ўламан. Нима десанг ҳаммасига розиман!

— Нима билан ваъда берасиз?

— Айтганингни бажармасам, юбка кийиб юраман!

— Унда туринг, ҳозироқ никоҳ ўқитиб келамиз!

— Кейинроқ...

— Ваъдангиз-чи?!

— Им-м! — Шокир тилини тишлаб қолди.

— Мендан шубҳаланманг. Бокираман! Бугуннинг ўзидаёқ текшириб кўрасиз... Мен сиздан бошқа нарса истайман... Отамнинг хунини олишда ёрдам берасиз. Кейин талоғимни бераверинг, розиман.

— Шунинг учун никоҳ ўқитиш шартми?

— Шарт!

Улар шаҳар марказидаги масжидга боришди. Шунгача қиз йигитни силаб-сийпаб, эркалади. Оғзидан фақат ширин гаплар чиқди. Хуллас, бисотида қанча макр бўлса, ҳаммасини аямасдан ишлатди. Агар Шокир хоҳласа ўғил туғиб беришини айтишни ҳам эсдан чиқармади. Йигит ҳам шод эди. Ўзи хоҳлаган, ҳатто яхши кўрган (тунлари у Маҳфуза ҳақида ўйлар, шунчаки, ҳирс учун эмас, юрагига яқин олгани, шу қизда ўзига керакли бўлган нимадир борлигини билгани сабаб у Маҳфуза ҳақида хаёл сурарди) қизнинг дил бераётганидан ичига сиғмай қувониб кетаётганди.

Никоҳ ўқилганидан кейин улар яна уйга қайтишди. Маҳфуза Шокирнинг елкасига бошини қўйиб олиб, кўзларини юмганча ширин хаёлга берилди. У ҳозир ўзини оппоқ кўйлак кийган, бахтдан масрур келинчак тасаввур этаётганди. Шу боис ҳам лабида ним табассум, юзи ҳар қачонгидан ёришганди.

— Шокир ака, энди мен бутунлай хотинингиз бўлдим-а! — деди Маҳфуза ярим йўлга етганларида. — Кутмаган-мидингиз?

— Хаёлимгаям келмаганди.

— Битта нарса сўрасам майлими?

— Бемалол.

— Аввал уйланганмисиз?

— Йўқ.

— Унда тўй қилсак ҳам бўларкан-а?

— Бўлмасам-чи, — деди Шокир оғзининг таноби қочиб, — албатта, тўй қиламиз.

— Севмасангиз ҳам сарф-харажат қилаверасизми?

— Ким айтди, севмайди деб?

— Ҳеч ким. Ўзим шунақа ўйлаяпман-да... Тез талоғимни бермайсизми?

— Талоғингни бериш учун никоҳ ўқитганим йўқ.

— Ишонгим келмаяпти, — деди кўзи ёшга тўлган Маҳфуза, — охирги пайтларда ҳеч кимга ишонмай қўйган эдим.

Шундай деб қиз Шокирни маҳкам қучоқлаб олганча юз-кўзидан ўпишга тушиб кетди.

Бошқарувни йўқотиб қўйишдан ҳайиққан йигит даров машинани йўл четида тўхтатди...

Улар уйга етиб борганларидан кейин Махфуза Шокирнинг қўлини қучоқлаб олди. Ва бошини кўтариб, ўзгача бир қувонч, ним табассум билан остона ҳатлади. У бу ҳолини опаси кўришини жуда-жуда истар эди. Кўриб ҳаваси келса, синглисини қучоқласа, сўнг озгина кўзёш тўкишса, кейин учовлари нишонлашса (қиз отасининг беваси Хонбибини ёқтирмасди). Аммо ўйлаганидай бўлиб чиқмади. Ҳовлида келин-куёвни тебраниб турган Аброр кутиб олди.

— Ў-ў! — деди у Махфузанинг бегона йигитни қучоқлаб келаётганлигини кўргач. — Ўлиб ўтирган экансан-да. Қойил!.. Лекин-чи, — дея Аброр кўрсаткич бармоғини ҳавода силтади, — мени эсингдан чиқариб қўйишга ҳақинг йўқ. Ана, аданг менга вообше қарамасдан суриб қолди... Сен бўлсанг ўзингга эр топволибсан! Менга ким қарайди, а? Ким!!! Икковинг ҳам битта-битта эр толиб кетсанг, менинг қорнимни ким тўйғазади!!!

У охириги гапларини шунчалик бақриб айтдики, ўзининг хонасида энди пинакка кетган Феруза чўчиб уйғонди. Ва хаёлига: “Бирорта фалокат бошландими тагин?!” — деган ўй келиб ташқарига отилди. Манзарани кўргач эса бир оз ҳайратланиб туриб:

— Нима қилиқ бу? — дея сўради синглисидан.

— Биз, — деди Махфуза юзига табассум югуриб, — Шокир акам билан турмуш қурдик.

— Ни-ма?! Турмуш қурдик? — зинадан учиб тушиб синглисининг ёнига келди Феруза. — Қан... қандай қилиб? Ҳеч кимдан сўрамасдан-а?!

— Кимдан сўрашим керак, опажон? — дея Махфуза Шокирнинг қўлини қўйиб юборди-да, эркаланиб Ферузанинг бўйнидан қучди.

— Мен одаммасманми?! — дея бақриб юборган Феруза уни итариб юборди.

— Опа, — деди Махфуза йиғламоқдан бери бўлиб, — менинг бахтим сизни қувонтирмайдими?! Мен ҳаммасини сизга кейин тушунтириб бераман. Ҳозир уйга кирайлик.

— Эй-й, — деди опа-сингил орасида бўлаётган гап-сўзга қулоқ тутиб турган Аброр, — аввал муллажирингдан битта ароққа етгулик қилиб беринглар, кейин уйга кирасизлар. Ичмаганим учун бошим ёрилай деяпти.

— Бундан бу ёғига, — деди унга жавобан Шокир, — бир грамм ҳам ичмайсиз, оғайни!

Унинг ҳозирдан осмондан келаётгани Ферузанинг жигига тегиб:

— Ҳали сиз бизнинг оиламизга қўшилиб улгурганингиз йўқ, хўжайинчилик қилмай туринг, — дея унга олақараш қилди.

Шокир уни яхшилаб сўкиб хуморидан чиқмоқчи бўлдию, бироқ ўзини босди. Аброрга ўқрайганча тикилди.

— Юринг, — деди уни қўлидан етаклаган Маҳфуза, — ичкарига киринг, гаплашиб оламит.

Улар меҳмонхонага кирганларидан кейин опа-сингил егуликлар тайёрлаш баҳонасида ошхонага чиқиб кетишди.

— Хўш, — деди Феруза сингисининг қўлидан тутиб, — мақсадинг нима, ҳаммасини бирма-бир гапир-чи.

— Опа, ҳалигача адамнинг ўлганига ишонгим келмайди... Мана қаранг, адажонимдан айрилганимизга ҳеч қанча бўлмай, бизни кераксиз матоҳдай четга чиқариб ташлашди. Бизнинг энди ҳеч кимга керагимиз йўқ. Амаки-ваччам, эсингиздами, нималар деб ваъда берувди? Лекин ваъдаси устидан чиқдими? Йўқ. Қайтанга қорасини ҳам кўрсатмай кетди... Анави Аброрингиздан умид йўқ. Демак, иккаламиз қолдик. Нима бўлганда ҳам адамнинг ўчини олишимиз керак...

— Тўхта, бунга сенинг эрга тегиб олишингнинг нима аҳамияти бор?

— Бу битта ўйин. Мен у боладан фойдаланмоқчиман. Унинг қўли билан адамнинг душманларини йўқ қиламан. Биласизми, унинг қўлидан жуда кўп иш келади. Мени ўғирлаган болаям шу бўлади.

— Ҳали сен бутун умрингни хазон қилмоқчимисан?!

— Нималар деясиз, опа? Менинг режам бутунлай бошқача, лекин ҳозир мен сизга ҳеч нарсани тушунтириб беролмайман.

— Йўқ, ҳаммасига тушуниб бўлдим. Сен номусингни поймол қилиш эвазига адамнинг хунини олмоқчисан. Буниси кундай равшан. Унинг Аброрга қилган муомаласини кўрдингми? Қип-қизил қароқчига ўхшайди! Мен сенинг бундай қилишингга йўл қўёлмайман. Адамни ким ўлдирган бўлса, жазосини Худо берсин.

— Опа, менинг йўлимни тўсманг, илтимос!

Феруза синглисини бағрига босди, юзидан упди, сочларини силади, кўзидан ёшини дув-дув оқизди. Укинди: “Онажоним тирик бўлганида шу ташвишлар бошимизда йўқ эди. Нега бунчалик эрта ташлаб кетдингиз, ойижон?!” У Маҳфузани кучоғидан чиқарди-да:

— Ҳар қалай, шунчаки эрга тегиб кетилавермайди, ҳатто кофирлар ҳам тўй қилишади. Сен нима қилаётганигни ўйлаб кўрдингми? — деди.

— Опажон, ҳаммасини ўйлаганман. Ҳозир Шокир билан масжиддан келаяпмиз. Никоҳ ўқитдик. Оиламиз жам бўлиб буни нишонлаймиз.

— Эл-юрт-чи?

— Эл-юртни қўйиб турайлик. Кейин бирор кун тўй қилиб берармиз. Аввал отамнинг қасдини олайлик, майлими?

— Бу ҳақда менга гапирма, нима қилсанг ўзинг биласан. Лекин ҳамманинг олдида эрга кириб кетмайлик, шундоғам бош кўтариб юргилигимиз қолмади. Менга сенинг бахтинг керак, — деди Феруза хўрсиниб, кўзёшларини кафти билан артар экан.

Ўша куни Маҳфуза бутун инон-ихтиёрини Шокирга топширди...

Маҳфуза худди келинчаклардай кийиниб ҳовлига чиққанда куёш анча кўтарилиб бўлганди. Гарчи кеч бўлса ҳам сув сепди. Ҳаммаёқни супуриб-сидирди, сўнгра овқат тайёрлади, ундан кейингина пишиллаб ухлаётган Шокирни назокат билан юзидан ўпиб, уйғотди.

Нонушта яқунланганидан кейин Маҳфуза хонасига кириб ўғил болача кийиниб, қош-кўзларига аямасдан бўёқ сурди-да, Шокирнинг ёнига қайтиб келди. Уни кўрган йигитнинг оғзи очилиб қолди.

— Нима бало қилдинг?! — деди тиржайиб.

— Ишни орқага сурмай бугуннинг ўзида ҳал қилайлик, кейин тинчгина яшаймиз, қани, жоним, кетдик, — деди Маҳфуза йигитнинг кўзига қаттиқ тикилиб.

— Аниқроқ гапир, нима иш қиламиз ҳозир?

— Адам бечорани Икром деган бола ўлдирган экан. Ўшани қидириб топамиз. Қолганини ўзимга қўйиб бераверасиз... Сиз билан шунга келишгандик, тўғрими?

— Унда мен аввал унинг уйи қаердалигини, ҳозир қаердан топиш мумкинлигини билай, кейин келиб сени олиб кетаман.

— Йўқ, бирга борамиз. Мен ҳамма нарсани ўйлаб қўйганман. Топиб, ана у, деб кўрсатсангиз бўлди. Қолганини ўзим ҳал қилавераман.

— Бўпти, кетдик, — дея ўрнидан турди Шокир.

Кечаги ўжар, ғурури баланд, айтган сўздан қайтмайдиган, мақсади йўлида исталган хунрезликни қила оладиган жаҳлдор Шокир бугун юмшоқсупургига айланган эди. Бир оқшомда шу аҳволга келди. Бир оқшомда Маҳфуза унинг шохини ўзининг жодулари билан қайириб қўйди. Итоаткор, чизган чизигидан чиқмайдиган одамга айлантирди. Бу аёлнинг ниҳоятда нозик, айти пайтда, жуда чуқур, илдизи сувга етган макри меваси эди. Бунга фақатгина ақли расо одамгина чап бериши мумкин эди. Бироқ қўпол бўлса-да, содда, дарров бировнинг измига юрадиган (албатта, ширин сўз, муомала ва уддабуронлик билан алданса) Шокирдай одам ўзини осмон чоғлаб, айти пайтда қулга айланиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолганди.

Барибир Шернинг асосий ишлар бажариладиган уйига бир бекатча масофа қолганида Шокир эндиликда хотини бўлган Маҳфузани йўл четига туширди.

— У ерга сен бормаганинг маъқул, хитланиб қолишадди. Мен бориб вазиятни билай, Икромнинг қаердалигини аниқлаштирай. Кейин шунга қараб иш қиламиз, — деди машина эшигини ушлаб ўзига тикилиб турган Маҳфузага.

Шокирнинг қайтиб келиши чўзилиб кетди. Маҳфуза: “Энди келмаса керак. Ниятига етиб мени алдаб кетди”, деган хаёлга бораётган маҳалда унинг машинаси кўринди.

— Қаерда экан? — дея сўради Маҳфуза машинага ўтириши билан Шокирдан.

— Ҳаммаёқ алғов-далғов бўп кетибди. Ҳамма саросимада, Мавлон ўз-ўзидан йўқолган, Зебрани ўлдириб кетишибди. Бошқалар нима қилишни билмай боши қотган. Хуллас, Шернинг қасри бутунлай вайрон бўпти. Бундай пайтда бунақа жойлардан узокроқ юриш керак...

— Фойдаланиб ҳам қолиш керак, — дея унинг галини бўлди Маҳфуза, — билиб келдингизми Икромнинг қаердалигини?

— Тахминан. Шернинг Соли деган садоқатли “ит”и бўларди. Гап-сўзларга қараганда, ҳозир шу ерда эмиш. Бир-икки марта иш билан борганман.

— Унда кетдик ўша ёққа.

— Балки...

— Шокиржон ака, жоним, ҳамма нарсани тушунтирдим-ку. Мени йўлдан қайтаришга уринманг, уйини кўрсатиб қўйсангиз бўлди. У ёғини ўзимга қўйиб бераверасиз.

— Ўзим бирга бўламан сен билан. Ёлғиз шунча эркакнинг ичига бормайсан.

— Йўқ. Шу сафар менинг бир ўзим ҳамма ишни бажараман. Қолганига Худо пошшо...

Шокир Маҳфузани кучди, лабидан бўса олди. Уни севишини, усиз энди яшай олмаслигини қулоғига шивирлаб айтди. Шундан кейингина моторни ўт олди.

Шокир йигирма дақиқалар юрганларидан кейин машинани эски маҳалланинг тор кўчасига бурди. Йўл ўнқир-чўнқирлигидан машина тинимсиз силкинар, ҳали олдинда нима воқеалар содир бўлишини билмаган Маҳфуза гоҳ эшикка урилиб, гоҳида Шокирнинг елкасига елкаси тўқнашиб, баттар ҳаяжонланар эди. Уни биргина отасининг хунини олиш олдинга етаклаётган эса-да, айни дамда юраги қўрқувдан гупиллаб урар эди. Ниҳоят машина манзилга етиб борди. Шокир уловини тўхтатиб Маҳфузага юзланди.

— Балки ҳалиям ниятингдан қайтарсан. Кейинроқ иккаламиз...

— Мен бу лаҳзаларни жуда узоқ кутдим. Ортга қайтишга ҳақим йўқ. Менга омад тиланг, жоним, — дея эридан бўса олди ва эшикни очиб пастга тушди. Кўрсатилган уй томонга ҳаяжонланганини билдирмаслик мақсадида дадил юриб кетди. “Аввал Икромни сўрайман. Яхши кўрган қизиман, деб айтаман. Ўзи билан учрашим керак, дейман. Кейин у чиқади. Бунгача мен ўзимни босиб, ҳаяжонланаётганимни билдирмай, бемалол турган жойимда биронта қўшиқни хиргойи қилиб, атрофдаги йигитларга ним табассум қилиб тураман. Икром чи-

қиб келиши билан унинг бўйнига осиламан-у, “Жоним, бунча соғинтириб юбордингиз!” дейман. Ундан сўнг қўйнимдаги пичоқни оламан-у, менинг кимлигимни билмай довдираб турган паразитнинг кўкрагига, нақ юрагига икки марта санчаман-да, ортимга қараб бирдан қочаман. Йигитлари ўзига келиб олгунча машинага етиб оламан. Ушлаб олишганда ҳам “ничего”, чиройлиман. Мени шунчаки ўлдириб юборишмайди. Яхшилаб битта-икки тасининг кўнглини олсам, қўйиб юборганини сезмай қолишади... Ўзи рози бўлган офатижон билан ким роҳатланишни истамаскан? Ана, Шокир тузоғимга илиндику!” дея хаёл суриб бораётган Маҳфуза беихтиёр жинси кофтасининг ички чўнтагидаги пичоқни ушлаб қўйди.

* * *

Эгамқул Абдуҳамидни бунчалик довдираб қолади, деб ўйламаган эди. Ювиниш хонасига кириб, осилган одамнинг сочидан ушлаб эгилган бошини кўтарди.

— Бу ёққа келинг, сизга янаям аниқроқ кўрсатай.

Абдуҳамиднинг юраги шувиллаб кетди. “Бунинг мақсади нима? Киришим билан мени ҳам ўлдириш эмасми?” деган ўй яшин тезлигида хаёлидан ўтди.

— Кўрдим, — деди мумкин қадар совуққонлик билан.

— Яхши, — деди тиржайиб турган Эгамқул ва мурданинг сочини қўйиб юбориб, жўмракни очди-да, қўлини ювди, сўнг йўлакка чиқиб, Абдуҳамидни меҳмонхонага, тўкин дастурхонга таклиф қилди. Бир рюмка ароқ ичганидан кейингина Абдуҳамид бир оз ўзига келди ва қошларини чимириб Эгамқулга қаради.

— Бу томошанинг кимга кераги бор эди?

— Аввалом бор, сизга, — деди Эгамқул ликобчадан яхна гўшт олиб оғзига солганча чайнар экан, — Полвоннинг орамизда йўқлигини билдириб қўймоқчийдим.

— Тушундим, — дея ароқ шишаси томон қўлини узатди Абдуҳамид, — нима бўлганини суриштириб ўтирмайман. Мени нега милисахона олдига чақирганингизни биллолмадим.

— Ментга ўхшамайманми?

Абдуҳамид ароқни ичиб лабини кафти билан артди-да:

— Кечирасиз-у, кўпроқ ўғриларга ўхшайсиз! — деди.

— Раҳмат. Обрўйимни туширмадингиз... У ёққа чақирмаганимда сиз келмасдингиз.

— Кимсиз?

— Менимча, ўзимни таништирдим, шекилли.

— Кимга ишлайсиз?

— Ҳеч кимга. Ёлғиз, “заказ” бўйича ишлайман. Менга Полвонни йўқ қилиб, сизга кўрсатиш заказ қилинганди. Мен ишимни битирдим. Энди соққамни олиб бу ердан қуён бўламан.

— Киллерман, денг. Менимча, киллерлар ишларига қизларни аралаштиришмайди, шекилли.

— А-а, Венерани айтаяпсизми? — дея кулди Эгамқул. — У менинг энг садоқатли любовницам. Ҳозир чақираман, — деб у эшик томонга юзланди-да, овоз берди.

Қоп-қора сочлари елкасига тушган, кўкраклари дуркун, жудаям калта юбка кийган, елкалари очиқ қиз нозланганча кириб келди.

— Бу бошқа, — деди Абдуҳамид, — у сариқ сочли эди.

— Маскировка, ока, бир соатдан кейин кўчага чиқади, вообше танитайсиз, — деди Эгамқул илжайиб ва ёнига келган соҳибжамолни белидан қучиб тиззасига ўтқазди, — бу шунақанги шакарки, еб тўймайман. Лекин мен ниҳоятда сахий одамман. Бугун бу жонон, — дея у қизнинг таралган силлиқ сочларини силади, — сизнинг кўнглингизни олади.

— Раҳмат. Ҳозирча зориқиб қолганим йўқ. Керак бўлса топиб олишга ўзимнинг қурбим етади... Менга хизмат йўқми?

— Товба қилдик, ока, гапларимиз иззат-нафсингизга тегеди, деб ўйламабмиз, — деди-да Эгамқул гўзалнинг орқасига енгилгина шапатилаб, чиқиб кетишга ишора қилди.

— Мен, — деди Абдуҳамид қиз чиқиб кетганидан кейин киллерга ўқрайиб қараркан, — сиз ўйлаган одам эмасман. Полвонни ўлдирибсиз, боплабсиз. Очиғи, менинг йўлимни очибсиз, қолган томошаларингиз бўлса, сариқ чақага қиммат. Бўпти, яхши қолинг, — дея у ўрнидан туриб эшик ёнига борди-да, ортига ўгирилиб, ювиниш хонасига боши билан ишора қилди: — Анавини саситиб бу ерда сақламасангиз керак, менимча?

— Бу ёғидан кўнглингиз хотиржам бўлсин, — дея илжайди Эгамқул ва қадаҳини ароққа тўлдириб уни бир кўтаришда бўшатди. — Омадингизни берсин, ҳа, эсимдан чиқай дебди, шаҳар муборак бўлсин!

Абдуҳамид унинг гапига гижинди. Бироқ айна пайтда шундан бошқа нарса қўлидан келмас эди. Шу боисдан жимгина чиқиб кетди.

Эгамқул шошилмасдан йўлаккача борди. Абдуҳамиднинг тушиб кетганига амин бўлгач, уйга қайтиб кириб эшикни қулфлади ва шошилганча ювиниш хонаси томон кетар экан:

— Наташа! — дея бақирди.

Узун киприкларни юлиб ташлаган, қоп-қора, силлиқ жодумисол сочларни пардоз-андоз столига улоқтирган, бояги Венера исмини яна аслига — Наташага ўзгартирган қиз овозни эшитиши билан югуриб чиқди. Унга бир ўқрайиб қараб қўйган Эгамқул ювиниш хонасининг эшигини очди-да:

— Қийналиб қолмадингизми, хўжайин, — дея осилиб турган мурдани оёғидан кучоқлаб кўтарди.

— Ўлик бўлиш осонми, паразит, бўйнимдаги арқонни еч аввал.

Наташа чўзилиб Мавлоннинг бўйнига солинган сиртмоқни бўшатди, сўнгра белига боғланган арқонни девордаги қозиқдан чиқарди.

— Уф-ф! — деди Эгамқулнинг кўмагида пастга тушган Полвон. — Афирис билан гаплашгани вақт тополмай юрган экансан-да, бу ёқда оканг ит азобини тортиб ётибди-ю, сен валақлашасан!

Эгамқул унинг гапларига эътибор бермаётганга ўхшар эди. У жўмракни очиб, илиқ сув тайёрлади. Шундан кейин Мавлон бошини сувга тутаркан:

— Онангни эмгур қон шунчалик ҳам сассиқ бўлади-ми? Ҳушимдан кетаёзим, — дея сувдан роҳатланиб кўзини юмди.

Наташа эса атир совунни кўпиртириб хожасининг сочини ювишга тушди.

— Ишондими? — сўради Полвон Эгамқулдан, ювиниб бўлиб меҳмонхонага кирар экан.

— Бақа бўп қолди. Сизни кўриши билан кўзи чиқиб

кетай деди. Лекин бопладингиз. Қойилман. Ҳозирнинг ўзида болалари сизнинг ўлганлигингизни шаҳарга тарқатиб юборгандир... Манавиндан бир пиёла ичиб юборинг, чарчоғингизни олади, — деб Эгамқул қадахни ароққа тўлдириб Мавлонга узатди.

Ичилган ароқдан Полвоннинг дили яйради, “Яна битта қуй”, деб қўлидаги идишни шотирига узатди.

— Лекин-чи, хўжайин, театрда актёрлик қилсангиз ҳам бўларкан. Ҳаммаси оригинал чиқди.

— Бўпти, кўп вайсама, — дея уни жеркиб берган Мавлон столга ўтирди-да, яхна товуқ гўштини оғзига солиб иштаҳа билан чайнай бошлади.

— Биласизми, — деди унга ҳавас билан термилиб турган Эгамқул, — бечоранинг кўнгли айниб кетганидан овқатга қўлиниям чўзмади... Лекин кетишида бошқачароқ гап қилди. Как будто, сиз ҳақиқатан ўлгансиз-у, шаҳарга эгаликни қўлига олволгандай.

— Майли, — дея оғзидаги луқмани ютди Мавлон, — ҳозирча, ўйнаб турсин. Кейин яхшилаб ҳисоб-китоб қилиб оламиз.

У Икромнинг машиналари ўтиб кетганидан кейин яширинган жойидан чиқиб, то шаҳаргача пиёда келган, ундан кейин ҳар эҳтимолга қарши миттитумандан олиб қўйган уч хонали уйига борганди.

Эртасига Пўлат (Эгамқул)га кўнғироқ қилиб, тезда етиб келишни буюрди. Пўлат етиб келганида унинг кайфияти бир аҳволда, аламини кимдан олишни билмай ўтирар эди. Шунинг учун ўзининг садоқатли шотирларидан бири бўлган Пўлатни ҳам анча-мунча сўкиш билан сийлади. Ундан кейин йигитига бозор қилиб келишни буюрди. У қайтиб келгунича юқоридаги режани ўйлаб топди.

Энди шаҳар бўйлаб Полвоннинг ўлганлиги ҳақидаги гап тарқалиши аниқ эди. Бунга унинг шубҳаси йўқ. Энди жиний тўдаларга кўринмасдан туриб бемалол куч тўплаши, ундан кейин кутилмаганда Абдуҳамид билан Икромга ҳужум қилиб иккаласини ҳам ўйиндан чиқариб ташлашга имконият туғилганди. Аммо уни бошқа нарса ўйлантираётган эди. Яъни, шу пайтгача Шерга бўйсуниб келган, яқинда ўзининг қўлига ўтган ароқ заводи-ю ресторанлар ва ҳар хил мағазинлар Икром билан Абдуҳа-

миднинг ихтиёрига ўтса, улар бундан баттар кучайиб кетиши, қорадорини тўлалигича назоратга олишлари мумкинлиги Мавлоннинг имкониятларини чеклаб қўярди. Агар Абдуҳамид билан Икром келишиб иш қилишса борми, Полвон ҳеч нарсадан умид қилмаса ҳам бўлаверади. “Мен осонликча жон берадиган одамларданмасман! Тегирмонга ташлашса ҳам тирик чиқиб кетаман, улар ҳали менинг совунимга кир ювмабди!” дея хаёлидан ўтказди Полвон. Сўнг Пўлатга юзланиб:

— Энг ишончли йигитларни йиғ. Нечталигини аниқла, кейин менинг олдимга келиб ҳисоб берасан. Лекин битта нарсани эсингдан чиқарма, мени биров билмасин. Тушундингми? Энди бор, ишга кириш, лаллайиб ўтиришдан фойда йўқ, — дея Полвон ўрнидан турди-да, бошини ҳам қилганча хаёл суриб ётоқхонага кириб, юмшоқ ўринга чўзилди.

У шу алпозда талай муддат шифтга қараб ётди. Кейин хумори тутиб овқатдан кейин чекмаганини эслади ва Наташани чақирди.

Орадан бир дақиқа ҳам ўтмасдан, патнисга икки қадаҳ шайтон сувини қўйиб узун, оппоқ оёқларини кўз-кўз қилиб Наташа кириб келди. Мавлон ётган жойида унга разм солиб мийиғида кулди ва:

— Сен ҳам роса кетворган экансан-у, билмай юрарканман, қўлингдаги матоҳни столга қўй-да, ўзинг ёнимга ўтир, — деди.

Қиз илжайиб хожасининг айтганини қилар экан, кўрагини янада кенгроқ очиб қўйди.

Мавлон унинг қўлидан ушлади ва узун бармоқларини бирма-бир силаб уларни томоша қилди, шу лаҳзада Дилоромни, у кўрсатган қаршиликларни эслаб кулди. “Ўша манжалақи керакмиди менга, Шернинг қизи бўлмаса ундан каттасиники бўлмайдими! Ўшани дачага обориб фалокатга йўлиқдим. Асли уйида итдай ўлдириб ташласам бўларкан ҳаммасини”, дея ўйлади ва Наташани секин кучоғига тортди...

Пўлат қайтиб келганида Мавлон ювиниб чиқиб анча енгил тортган, меҳмонхонага кирганча “дугонаси” билан бир-бирини ялаб, бир-бирига “нон чайнаб” бериб ортидан шайтоннинг туҳфасидан симириб ўтиришар эди.

— Хўжайин, — деди Пўлат кириб унинг рўпарасига ўтиргач, — ҳамма айтганингизни бажардим.

— Нечта экан? — дея бепарво сўради Мавлон.

— Тўққизта.

— Яхши, энди улардан тўрттасини ёнингга олиб, Қосимнинг уйига борасан. Кейин нима қилишни биласанми?

— Каллам сизникидай ишламайди-да.

— Тан олишингнинг ўзи катта гап. Бориб уйини ёқиб юборасан.

— Хўжайин, — деди ҳайрон бўлган Пўлат, — Қосим ўлиб кетган бўлса, уйини ёқиб нима қилдик?

— Ана каллангнинг ишламаслигига исбот.

— Қосим Икром билан азалдан душман эди. Демак, Абдуҳамиднинг ҳам Икромда тиши бор. Агар сен унинг уйини ёқиб юборсанг, сўзсиз Абдуҳамид буни Икромдан кўради. Қарабсанки, иккови бир-бирининг гўштини еб, бизга майдонни кенгроқ очиб беришади. Энди тушуниб олгандирсан, ошқовоқ?

— Бўлди, ока, — деди хурсанд бўлиб кетган Пўлат, — айтганингиздай қиламан.

— Фақат сени биров сезмасин. Мабодо сезиб қолгудай бўлса, жанозангга одамларни ўзинг йигиб қўявер.

* * *

— Уларнинг олдига мен чиқаман, — дея ўрнидан турди Санобар опа.

— Ўтиринг, — дея дағал оҳангда амр қилди Икром, — сиз бунақа ишларга аралашманг.

— Мен чиқсам уларнинг хаёллари бузилмайди. Бирон нима деб сўрашса, бу ерда фақат қизларим билан бирга туришимни айтаман. Сизлар бўлса яширинасизлар, — дея жавоб қилди аёл Икромга юмшоқлик билан.

— Окадан ҳам баттар қайсар аёлга ўхшайсиз, юққан экан-да, бўпти, боринг, би-ир кучингизни кўрсатинг-чи.

Санобар опа кўчага чиқишга улгурмади. Милиция машинаси уй рўпарасида бир оз туриб, яна жўнаб кетди.

Дилором онасининг чиқиб кетганидан фойдаланиб Икромга яқинроқ ўтирди-да, унинг қўлини ушлади.

— Мен сизни қаттиқ ҳурмат қиламан, — деди Икром

унга тикилиб, — лекин шундан бошқа бирон нима ваъда беролмайман.

— Биласизми, мен сизни...

— Биладан. Лекин орамизда битта қиз бор. Мен унга уйланмоқчиман... Айтмоқчиманки, аёл зотига муккаси-дан кетган одам эмасман. Агар истаганимда шу пайтгача қанчасини қўлдан ўтказардим. Шунинг учун, узр... Кейин бу ердан эртароқ чиқиб кетганингиз маъқул, умуман, ҳозир сиз ўйлаган мавзуда гаплашишнинг вақти эмас...

Дилором алам билан ўрнидан турди ва эшикнинг ёнига борар экан, “Ўша қизни йўқ қиламан, Икром фақат менгагина тегишли бўлади, кимки йўлимга гов бўлагидан бўлса, бу дунёда яшамайди, ўлдираман”, дея хаёлидан ўтказди ва ҳали ҳатто исмини ҳам эшитмаган эса-да, Дилдорага қасд қилди. У ниятини мумкин қадар тезроқ бажариш учун режа тузмоқчи бўлиб сингиллари ўтирган хона томон кетди.

Рашк уни шайтон билан ошно бўлишга мажбур этди. У ҳозир ўзини ва ҳатто севгисини ҳам унутган, мақсади рўпарасида пайдо бўлган қандайдир қиздан ўч олиш эди. Тўғрироғи, ўзи севиб қолган йигитни тортиб олиши керак. Ёшлигидан нимани хоҳласа шуни қиладиган, доимо айтгани-айтган, дегани-деган бўлган қизнинг танасидаги ота қони жўшди. Қизарди. Зўриққанидан кўзида ёш билан сингилларининг ёнига борди.

— Тинчликми?! — дея ўрнидан дик этиб турди Нигора опасининг аҳволини кўриб.

— Яхши кўрган қизи бормиш, ўшанга уйланармиш... Шартмиди шу гапни менга айтиши! — деди қиз кўзёши-ни артиб кўрпачага омонатгина ўтираркан, бошини ҳам қилиб.


— Кимни айтаяпсиз? — деди хайрон бўлган Нигора.

— Анавини-да, — дея асабий бошини силкиб юзларига тушиб турган сочларини тўғрилади Дилором, — Икром акани!

Уч опа-сингилнинг бирдан юзларида табассум пайдо бўлди.

— Нима қипти бўлса? — деди иккинчи қиз Заҳро.

— Жиннимисан! Мен уни яхши кўриб қолдим-ку, энди нима қиламан?! Қийналиб юраверайми?



— Унутинг, тамом-вассалом, — дея бепарво оҳангда жавоб қилди Захро, — барибир улардан яхшилик чиқмайди. Ҳаётингиз алғов-далғов бўлиб кетади.

— Қандай қилиб унутаман?! Яхши кўраман! — дея пиқ-пиқ йиғлашга тушди Дилором.

Захро унинг ёнига келиб, меҳр билан елкасидан қучди. Сўнг сочларини силаб:

— Ким экан ўша қиз? — дея сўради.

— Билмайман. Лекин барибир Икром акам меники бўлади. Ҳеч кимга бериб қўймайман...

Шу пайт Санобар опа кириб келди-да, қизларининг кайфиятига эътибор ҳам қилмай хўрсинганча деворга суяниб ўтириб қолди.

— Бугуннинг ўзида бу ердан кетамиз, — деди сўнг ғамгин овозда.

Бундан бир-икки соат аввал унинг шашти бутунлай бошқача эди. Бутун тўдани қўлига олиш, кейин ўзи хоҳлаган тарзда бошқариш нияти бор эди. Энди эса кайфияти бутунлай тушиб кетган, худди касал одамдай гапиришни ҳам истамасди. Ундаги ўзгариш бирпасда қизларига ҳам юқиб, ҳаммасининг қовоғи солинди.

— Нарсаларни йиғиштиринглар, мен анави тирранчанинг олдига бориб кетишимизни айтиб келай, — дея Санобар опа ўрнидан туриб ташқарига йўл олди.

Аёл кириб келганида Икром ўрнидан туриб, хона бўйлаб юрганча ниманидир қаттиқ ўйларди.

— Нима хизмат? — дея сўради у, Санобар опага мумкин қадар юмшоқ гапиришга ҳаракат қилиб.

— Кетмоқчи эдик, шунга рухсат сўраб киргандим.

— Йигитлар мошина қилиб беришади. Ҳозирча шундан бошқасига иложимиз йўқ, ўзингиз тушунасиш, — деди Икром аёлнинг қарори қатъийлигини унинг юз-кўзидаги ўзгаришдан сезиб.

— Шарт эмас, — деди Санобар опа йигитнинг кўмагини рад этиб, — ўзимиз етиб оламиз.

— Сиз мендан бекорга хафа бўлаяпсиз... Балки буни ўзингиз тушуниб оларсиз... Кейинроқ ёнингизга бораман.

— Ихтиёринг, — деб аёл ортига бурилди.

Бир оздан кейин ҳовлида қизларнинг овози чиқди.

Икром дераза ёнига борди-да, пардани бир озгина суриб, ташқарига қаради ва онасига эргашган қизларнинг ортидан тикилди. Охирида кетаётган Дилором уч-тўрт марта ортига ўгирилди, аммо қидирганини тополмади шекилли, бошини эгганча кетаверди.

Улар кўчага чиқиб кетганларидан кейингина Икром йигитларига Шернинг оиласини қўйиб келишни буюрмаганлиги эслаб, шошганча ҳовлига чиқди ва болохонадаги йигитларни чақириб, улардан бирига тезда Шернинг аёли билан қизларини тўхтатиб туришни, иккинчисига машина тайёрлаб, уйига кетаётганларни олиб бориб қўйишни тайинлади.

Шернинг уйи вайронага ўхшар эди. Ҳовлида ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлган, деразалар очилиб пардалар шамолда ҳилпирар эди. Уй худди исёндан сўнг талон-тарож қилинган шоҳ қасрига ўхшарди. Аслида ҳам шундай — эшик-ромлари, битта-яримта деразалардаги пардалар ва поллардан ташқари ҳамма нарса ўмарилганди. Булар камлик қилгандай, қайсидир “олижаноб” одам узум сўрисини йиқитган, бунгаям кўнгли тўлмаган шекилли, токни бутунлай кесиб ташлаганди. Она-болалар дарвозадан киришлари билан бу манзарага кўзлари тушиб, ёқаларини ўшланди.

— Вой ўлмасам! — деди Санобар опа ҳайратдан кўзлари каттариб. — Нима аҳвол бу?!

Аёл чўккалаб қолди. Унинг кўзидан ёш дув-дув оқар, “Энди қайси юз билан олдингизга бораман?!” дея лаблари пичирларди. Қизлар бўлса бирдан ҳовлига югуришди, бирови қовжираган узум баргларига термилиб қотган бўлса, бошқаси уйга кириб, кўрганларидан даҳшатга тушиб тили калимага келмай қолганди. Биргина Дилором буларнинг барига ҳафсаласизлик билан қаради. Унинг назарида, Полвоннинг зўрламоқчи бўлиб қийнаганлари, бундан ҳам оғирроғи, Икромнинг севган қизи борлигини эшитиш олдида булар арзимас ўзгаришлар эди. У ҳовлига бир қур қараб чиққанидан кейин ўзи ётадиган, ҳозир шип-шийдам бўлган хонани кўриб чиқди-да, ҳали-ҳамон дарвозахонада тиз чўкиб бир нималарни пичирлаганча гапириб ўтирган онасининг ёнига келди.

— Қайғурманг, — деди у онасининг ёнига чўккалаб, —

ҳаммасини ўзимиз бошқатдан қиламиз. Мана кўрасиз, аввалгисидан ҳам чиройли, файзли бўп кетади.

Қизининг бу гапларига Санобар опа чидаб туролмай унинг юзига тарсаки тортиб юборди-да:

— Отангнинг руҳини чирқиратиб нималар деяпсан, аҳмоқ?! Ҳар битта нарсада бечора отангнинг қўл излари бор эди-ку! — дея чинқириб юборди.

Дилором бошини эгиб, лом-мим демай тураверди. “Отангнинг қўллари ҳаром эди, ҳаром теккан нарсаларнинг ҳаммаси йўқ бўпти... Агар уй ёниб кетган тақдирда ҳам хафа бўлмасдим!” деган фикр эса хаёлидагина жангланади.

— Қизим, — деди ялинчоқ бир овозда она, — аданг мени кечирмайди!..

— Ойи, ҳаммаси жойига тушиб кетади. Сиз кечирим сўраладиган айб иш қилганингиз йўқ-ку, ҳаммасига... — қиз бирдан тилини тишлади. У “ҳаммасига адам айбдор, қилғиликнинг барини адам қилган, касофатига биз қолиб ўтирибмиз”, демоқчи эди. Аммо айтолмади. Еган тарсақиси эсига тушди. Бундан ҳам аввал онасининг кўнглини оғритиб қўйишни истамасди. Аммо оҳангнинг ўзиёқ қиз гапиролмай қолган гапларни ошкор қилиб бўлган эди. Санобар опа хўрсинди ва секин ўрнидан туриб, ҳовли томон юрди.

Ҳаммаёқни кезиб чиққан қизлар билан она айвонда тўпланишди. Ҳаммасининг боши қуйи солинган, биронтаси “чурқ” этишмасди. Худди гапирадиган бўлса, ичидаги қайғу ўтга айланиб, қолган-қутган нарсаларни ҳам домига тортадигандек.

— Энди нима қиламиз, қизларим? — деди ниҳоят чўзилиб кетган сукутни бузиб Санобар опа.

Яна ҳеч кимдан садо чиқмади. Қайтанга бу савол уларнинг кўзларини ёшга тўлдирди. Фақат юқорида айтганимиздек, Дилоромгагина онасининг сўроғи таъсир қилмади.

— Ўғил болага айланасизлар, — дея ўзининг саволига ўзи жавоб қилди Санобар опа, — мана шу уйни аввалги ҳолига қайтармагунимизча биронтанг ҳам тиниб-тинчи-майсан. Ҳамманг ишлайсан. Лекин асло биронта одамнинг қўлига қарамайсанлар. Ҳаммасини аввалги ҳолига ўзимиз қайтарамиз, уқдингларми?

Қизлар худди келишиб олишгандай бараварига бошларини қимирлатиб, “хўп” ишорасини қилишди. Бу сафар Дилором ҳам уларга қўшилди.

— Нигора, сен мен билан қолиб уйни тозалайсан, қолганлар ҳовлини супуриб-сидиради. Бўлинглар, эрта кунни кеч қилмайлик. Бу ерда бир-биримизга қовоқ солиб ўтиришимиздан фойда йўқ.

Қизлар бунақа ишни қилиб ўрганишмаган эди. Шу боисдан ҳам гарчи улар онанинг буйруғига итоат қилиб дарровда ишга киришган бўлишса-да, уқувлари келавермади. Шундай бўлса-да, чин кўнгилдан, берилиб ишлашарди.

Орадан бир соатга яқин вақт ўтганидан кейин теша-болталарини битта халтага жойлаган ўттизлардан ошган уч нафар йигит худди ўзларининг уйларига келгандай, очиқ турган дарвозадан бемалол кириб келишди. Ҳатто улар ҳовлини йиғиштираётган қизларни кўрганларида ҳам пинакларини бузишмади.

— Сизларга нима керак? — уларнинг йўлини тўсиб чиқди Дилором. — Нега сўроқсиз кириб келаяпсизлар?

— Ия, — деди олдинда келаётган сариқ сочли йигит, — сенинг ўзинг кимсан?

— Мен шу уйнинг эгасиман!

Йигит шерикларига бурилиб қараб ўшшайди:

— Бу уйнинг эгалари кетган аллақачон онасиникига!

— Оғзингизга қараб гапиринг, уялмайсизми қиз болага...

— Оғзимга қараб гапирай? — деб йигит Дилоромнинг ёнига келди. — Иложи йўқ-да. Ойна-пойна бўлганида бир нарса қилардик... Лекин-чи, роса кетворган нарса экансан!

Дилором довдиради. Бирор муддат нима деярини билмай жим туриб қолди. Сўнг бир оз ортига тисарилиб:

— Бу уйда ким... ким яшаганлигини биласизми? — деди.

— Бизга нима фарқи бор ким яшаганининг, муҳими, ҳозир ит ҳам турмайди. Шундай пайтда пол-молини кўприб олиб кетмасак, кейин ҳамма нарсадан қуруқ қоламиз, энди сендай қиз бу ерга ўзининг оёғи билан келиб қолибди... Иш бўлса қочмас, тўғрими? — дея у шерикларига қараб гапини маъқуллашиб олди.

— Эй, — деди орқадаги йигитлардан бири, — анави ерда яна иккитаси бор экан!

— Ву! — деди унинг ёнидагиси. — Ҳаммамизга битта-битта, Худо бераман деса, қўшқўллаб бераркан. Ҳов, қизлар! — дея бақирди у Дилоромнинг сингилларига. — Бу ёққа келинлар. Бир бўлишиб олайлик.

Ҳовлида бўлаётган гап-сўзлар қулоғига чалиниб, полни артаётган Санобар қаддини ростлади-да, деразадан ташқарига қаради ва бегона йигитларни кўриб ҳайрон бўлди. Қилаётган ишини тўхтатиб тез-тез юрганча ҳовлига чиққанда йигитларнинг сўнги гапини эшитиб қолди.

— Яна бир марта қайтаринлар! — деди у эшик бўсағасида туриб. — Яхши эшитмадим.

— Қулоқнинг кирини тозалаб олиш керак эди, — деди Дилором билан гаплашаётган сариқ сочли йигит.

— Зўр йигит экансиз-а! Қулоғимни тозалашим керак экан. Эсимга келмаганини қара-я... Қани, менинг ёнимга кел-чи, ўргатувчи! — деди Санобар опа.

Йигит одатига хилоф қилмаган тарзда шерикларига яна бир қараб олди. Унинг нигоҳида кўрқув аралаш ҳаяжон бор эди. Энг қизиғи, унинг бу ҳолати юқумли бўлиб, ошналари ҳам дарров ушбу “касаллик”га чалинишди. Ҳатто улар жуфтакни ростлаб қолишни ҳам мўлжаллашди. Шундай бўлса-да, йигит аёлнинг амрига бўйсуниб унинг ёнига келди.

— Мен, — деди аёл ўткир нигоҳини унга қадаб, — бу уйга ким ўғирликка тушганини билолмай турувдим. Ана энди топдим. Агар бугуннинг ўзида олиб кетган нарсаларингни жой-жойига қўймасанлар, ҳаммангнинг ичакларингни бошларингга салла қиламан. Уқдингми, болакай!

Йигит орқасига бир қадам тисарилди.

— Нега?! — деди тили айланмай.

— Сўроғингни бориб онангга берасан... Вақт кетаяпти. Бирон жойга қочиб, беркинишни хаёлинггаям келтирма, ерга кирсанг қулоғингдан, осмонга чиқсанг оёғингдан тортаман. Айтиб қўяй, йигитлар яна икки соатдан кейин келишади. Улар келгунича аввал олиб кетган нарсаларингни қайтаринлар. Эшитиб олинлар, ҳар битта топилмаган нарсани икки ҳисса қилиб тўлайсанлар!

— Эй.. эй, сиз ким бўлдингиз?! — деди йигит қочишга тайёргарлик кўриб.

— Саволни мен бераман! Сен фақат жавоб берадиган одамсан, қани, вақтинг кетди. Тагин умрингга ўзинг зомин бўлиб юрма.

Унинг айтгани бўлмаслиги кундай аён эди. Санобар ички бир ишонч билан пўписа қилаётган бўлса (Икромнинг ёрдам беришига имони комил эди унинг), гарчи аёлнинг қўлидан ҳеч нарса келмаслигини билса-да, йигитнинг кўнглида қандайдир ҳадик пайдо бўлган ва шу боисдан ҳам бир-икки поғона пастга тушган, бу уйдан чиқиб кетиши билан жуфтакни ростлаб қолиб, қайтиб қорасини кўрсатмасликни мўлжал қилиб турганди.

Бироқ йигитнинг ўйлаганича бўлиб чиқмади. Машинани бозорликка тўлдирган Икромнинг одамлари келиб қолишди. Уларни кўриб юзига табассум югурган Санобар опа:

— Манави шоввозлар уйдаги бор нарсани ўмариб кетишибди. Энди қолганига келишган экан, ўзларинг гаплашиб қўярсизлар, — деди.

Учала босқинчи йигит саросимада бир-бирларига аланг-жаланглаб қочишни мўлжаллай бошладилар.

— Шунақами ҳали! — деди машинани ҳайдаб келган Элдор исмли йигит.

— Йўқ, биз шунчаки усталармиз, ремонт-пемонт қилиш керакмасми, деб сўраб келувдик, шуни гапириб турувдик, опа бошқача тушундилар, шекилли... — пойинтар-сойинтар гапира бошлади сариқ сочли йигит.

— Вой айёр-эй, — деди унинг тўқиб-бичиб ташлаётганидан газабланган Санобар опа, — демак, мен ғалча эканман-да. Шундайми? Сен бошқа нарсани гапиргансан-у, мен бошқача тушунганман, шунақами?

— Ҳозир ақли киради, ундан кейин ҳаммасини булбулигўёдай қўшиб-чатмай гапириб беради, — дея Элдор секин-аста сариқ сочнинг ёнига кела бошлади.

Ана шу маҳал босқинчи йигит кутилмаганда қўлидаги сумкадан теша олиб, ёнгинасида турган Дилоромни маҳкам қучоқлади-да:

— Яқинлашсанг мана шу қизни чопиб ташлайман! — дея ҳайқирди. Буни кўриб руҳланган шериклари ҳам дарров ўзларининг асбоб-анжомлари билан “қуролланишди”.

— Яхши томоша бўладиганга ўхшайди, — деди Элдор билан бирга келган йигит ёнидан тўппонча чиқарар экан.

— Болалар, — деди Санобар опа Икромнинг йигитларига қараб, — бу ерда қон тўкилмасин.

— Жуда яхши-да, — дея илжайди сариқ сочли йигит, — биз секин манави қиз билан бирга сурворамиз, сизлар кутиб турасизлар.

— Рухсат беринг! — дея бақириб юборди Элдор Санобар опага. — Буларга майнавозчилик нима эканлигини кўрсатиб қўяйлик.

— Ўғлим, бу ерда бўлмайди, нима қилсанглар ҳам ташқарида қилинглар.. Кейин, қизимнинг бир тола сочи ҳам тўкилмасин, илтимос, — деди Санобар опа йиғлаб юборишдан ўзини зўрға тийиб.

— Эшитдинглар-а! — дея хурсандчилигини яширмай илжайди сариқ сочли йигит. — Қизининг бир тола сочи ҳам тўкилмаслиги керак экан. Шунинг учун икковинг ҳам четроқ туринглар, биз бемалол чиқиб кетайлик. Ҳа, айтганча, эсимдан чиқай дебди, орқамиздан тушиш хаёлларингга ҳам келмасин, асирамиз қийналиб қолиши мумкин.

Асаблари дош беролмаганидан пешонасидан тер чиқиб кетган Элдор бориб машина эшигига бошини тиради. Иккинчи маротаба азоб чангалига тушиб қолган Дилором аввалгидай кўрқиб кетмаган эса-да, тақдирнинг бунақанги ўйинларидан алами келиб кўзидан ёш тирқираб чиқди. Учта босқинчи йигит қизни ўзлари билан олишиб, орқаларига тисарила-тисарила дарвозадан чиқиб кетишди.

— Нималар бўлаяпти ўзи, болагинам, қизгинам! — дея йиғлаб юборган Санобар опа ўтириб қолди.

* * *

Синглиси куёви билан чиқиб кетганидан кейин кўнглининг қаеридадир бўшлиқ пайдо бўлган Феруза гоҳ уйга кириб, гоҳ эшикка чиқиб, талай муддат гарангсиб юрди. Охири ўгай онасининг ёнига — ошхонага кирди.

— Ойи, — деди ўксик овозда, — негадир йиғлагим келаяпти.

— Нега бунақа дейсан, одамнинг ўзидан ўзи ҳам йиғ-

лагиси келаверадими? Ёки бирон жойинг оғрияптими? — дея ҳайрон бўлиб сўради Хонбиби опа.

— Йўқ, ҳеч қасрим оғримаяпти, билмадим, негадир ўзимга сигмай кетаяпман... Кейин, Маҳфузадан хавотир-даман. Аҳмоқ қиз нима қилаётганини кошки тушунса! Оиламиз барбод бўп кетадими, деб қўрқаяпман.

— Эҳ, қизгина, — деб йиғлаб юборди Хонбиби опа, — менинг ўзим ҳам карахт бўп қолганман. Адангнинг олдида бўлмасаям, ойингдан қарз бўлиб қолдим. Раҳматли ўтгандан кейин унинг болаларини оқ ювиб-оқ тараб узатишим, уйлантиришим керак эди. Лекин ҳеч нарса қўлимдан келмаяпти. Аброржонни йўлга соламан, деб шунча ҳаракат қилдим, бўлмади... Мен ҳам ойингга ўхшаб тўйларингни кўролмасдан ўлиб кетсам керак, деб ўйлагандим... Энди аданг йўқ. Ич-этимни кемириб юрибман. Тўйсиз-несиз Маҳфузанинг етти ёт бегона болага турмушга чиқиб олганини ҳазм қилишим осон бўлмаяпти... Ишқилиб, ҳақиқатан ҳам никоҳ ўқитишган бўлишсин...

У жуда узоқ гапирмоқчи, ичидаги ҳамма ғам-ғуссаларини Ферузага тўкиб-солмоқчи эди. Лекин эшик кўнғироғи кетма-кет чалиниб, унинг сўзлари бўлинди, қалтираган бармоқлари билан кўзидаги ёшни артиб, қизига:

— Бориб қара, балки Маҳфуза келгандир, — деди.

Феруза истар-истамас ўрнидан турди-да, ўйга чўмганча дарвоза томон кетди. Зум ўтмай қизнинг: “А-а-а!!!” дея чинқириб юборган овози эшитилди. Хонбиби опа ўтирган жойидан сапчиб туриб, ҳовлига чопиб чиқди-ю, қўлларида бензин идиши кўтарган тўртта ниқобли одамни кўриб юраги ёрилаёзди. Ва қўшинининг девори томон қочиб, “Ёрдам беринглар!” дея ҳовлини бошига кўтарди. Аммо унинг фарёдини бирорта қўшниси ҳам эшитишга улгурмади. Пўлатнинг йигитларидан бири унинг ортидан етиб бориб, қоқ миясига мушт тушириб ерга қулатди.

— Тез бўлинглар! — деди шундан кейин Пўлат.

Бирпасда уй ичига бензин сепилди. Ўт қўйилди. Ҳушидан кетган аёл билан қизни эса ҳовлининг ўртасига судраб олиб келишди. Кейин Полвон томонидан юборилган йигитлар тезда кўздан ғойиб бўлишди. Айни чоғда болохонада қоровуллик қилиб турадиган йигитлар ҳам йўқ эди. Улар унутилиб қўйилганликлари боис, шаҳарда ўзларининг тирикчиликлари билан овора эдилар.

Ўт ўчирувчилар машинаси келиб, аланга дамани қирқиб бўлганларида, уйнинг фақатгина деворлари қолганди.

Бу уй Қосимга ота мерос эди. Илгари ёнидагиларига нисбатан хийла кўримсиз, пастроқ эди. Қосим вояга етиб атрофига ўзига ўхшаган ўғри, йўлтўсар, зўравонларни йиққанидан кейин анча бойиди ва уйни яхшилаб таъмирдан чиқарди. У энди кўчадаги энг кўркем уй бўлди. Ҳозир эса култепага айланганди...

Феруза билан Хонбиби опа йўлда, “Тез ёрдам” машинасида махсус баллончадаги кислороддан қайта-қайта нафас олдиришганидан сўнггина ўзларига келишди. Икки-си ҳам туман ичида кезиб юргандай, унинг қаердан бошланиб, қаерда тугашини билмагандай, совуқдан этлари жунжиккан, карахт бир аҳволда эдилар. Фақат хастахонада ўзларига келишди. Дўхтирлардан нима юз берганини, нега шундай бўлганини сўрашди. Бироқ аниқ-таниқ жавоб бўлмади.

Абдуҳамид шумхабарни эшитди-ю, қотиб қолди. У ҳали Полвоннинг ўлганлигига тўла ишониб улгурмаган, шундай эса-да, унинг қонга беланиб ётган башарасини ўз кўзи билан кўрганидан ҳалигача ўзига келолмаганди. Тўғрироғи, анави безбет Эгамқул (Пўлат)нинг ҳеч нарсадан тап тортмай, ҳазар қилмай, шунча қонни кўрган эса-да, иштаҳа билан гўштни паққос тушириши унинг кўнглини айнитиб юборган эди. У, Абдуҳамиднинг назарида, худди Полвоннинг этидан бир бурдасини пишириб еяётганга ўхшаб кетди. Шу боис ҳам босиб-босиб ароқ ичган эди.

— Икромнинг иши, — деди у ўзига ўзи гапириб, — шундан бошқа ҳеч ким Қосимнинг уйини ёқиб юборишга журъат қилолмайди. Энди ўзингдан кўр, валакисаланг, онангдан туғилганингга пушаймон қилмасам, отимни бошқа кўяман!

У амакивачасининг уйига аланга ўчирилганидан кейин етиб келди. Ўт ўчирувчилардан хонадон эгаларини сўради. Беҳуш ётган аёл билан қиз ҳақида эшитганидан кейин эса эти жимирлаб кетиб, нигоҳи билан қоровул йигитларни қидирди. Лекин улар ҳам кўринмас эди. Сўнг ҳовлига кириб, олови ўчса-да, тутаб ётган уйни алам

билан қараб чиқди. Ва изига қайтаётган маҳали кўчала саросималаниб турган иккита қоровул йигитга кўзи тушди-ю, бирдан тепа сочи тикка бўлди. Тез-тез қадам ташлаб машинасига ўтираркан, ичидан зил кетиб, ўзига титраганча қараб турган йигитларга:

— Ўтирларинг! — дея ўкирди.

Машина катта тезликда шаҳар ташқариси томон елиб кетди. Ярим соатдан кейин эса, шаҳарнинг қоқ марказидан оқиб ўтадиган дарёнинг қамишзорлар босиб ётган юқори қисмига, шаҳардан ўн беш чақиримлар наридаги хилват жойга етиб боришди. Абдуҳамид қўйнидан тўппончасини чиқарди-да:

— Тушинглар! — дея амр қилди айбдорларга.

Оёқларигача қалтираётган йигитлар сўзсиз унинг айтганини бажаришди. Абдуҳамиднинг ўзи эса машинадан тушиб ўтирмай, уларни нишонга олиб, тепкини босди. Иккала йигитнинг ҳам танасига бирин-кетин қадалган темир парчалари уларни ерга қулатди. Машина изига бурилганидаёқ қоровуллар жон таслим қилиб бўлган эди.

Абдуҳамид шаҳарга қайтиб келиб йигитларини тўплаб, энди уларни Икромни қидиришга жўнатмоқчи бўлиб турганида Семён Эдуардович қўнғироқ қилиб, юк етиб келган-келмаганини сўради.

— Кутаяпмиз, манзилга етказиб қўйишимиз билан сизга телефон қиламан, — деди Абдуҳамид мумкин қадар ўктам овозда гапиришга уриниб.

— Мол менга сув билан ҳаводай зарур. Италиялик дўстлар олдида уялтириб қўймагин, — деди Семён Эдуардович. Шу пайт гўшақдан қизларнинг ҳам овози келди. Абдуҳамид тушундики, катта хўжайин ишрат билан банд. Ўзи ҳам энтикиб кетди. Аммо ҳозир бунинг мавриди эмасди.

— Битта яхши янгилик бор, — деди Абдуҳамид юзига табассум югуриб.

— Бир хум тилла топдингми?

— Тилла топмадим-ку, лекин топгандай бўлдим. Мавлон ҳам оқасининг гўри совимай орқасидан кетди.

— Мен сенга ўлдир демагандим, саломимни айтиб қўй дегандим, — дея тутоқиб кетди Семён Эдуардович.

— Уни мен ўлдирмадим... Ўйлабманки, сиз...

— Мараз, кўп нарсани ўйлайсан сен!
— Мабодо йигитларингиздан биронтасига буюрган бўлсангиз...

— Ҳеч кимга буюганим йўқ. Ўзинг тинчитмаган бўлсанг, ким айтди унинг ўлганини?

— Бориб кўрдим. Эгамқул деган йигит телефон қилиб чақирди. Кейин обориб кўрсатди. Юқоридан буйруқ келди, деб айтди.

— Шаҳарингда кимнинг кимга ишлашини билмайсанми?

— Шернинг яна биронта одами сиз билан яқинлик қиладими, деб ўйлабман.

— Ўйингга урай сенинг. Кўрган жойингга бор-да, Мавлоннинг калласини менга жўнат. Тушундингми, афирис?!

— Бўлди, бугуннинг ўзидаёқ еш қиламан.

Унинг оғзидан шу гап чиқиши билан нариги томон гўшакни кўйиб кўйди. Абдуҳамид эса гўшакни ҳамон қулоғида тутиб турар, кўз олдида башараси қонга бўялган, хору зор бўлиб сиртмоққа осилган Полвоннинг жасади гавдаланган эди. “Ҳақиқатан ҳам Мавлонмиди у? Нега яхшилаб қарамадим?” дея хаёлидан ўтказди. Сўнг гўшакни жойига кўйди-да, йигитлари билан Эгамқулнинг уйига йўл олди.

Улар етиб боришганида, Мавлоннинг ёлғиз ўзи дераза ёнида ташқарига термилганча турарди. У Абдуҳамид келган машинани кўрди. Аммо дастлаб эътибор қилмади. Сўнг оппоқ “Волга”дан бирин-кетин тушаётган йигитларни кўриб, бирдан сергакланди. Синчиклаб машинага тикилди ва эшикни секин ёпиб, юқорига — у турган дераза томонга қараган Абдуҳамидга кўзи тушди-ю, ичига титроқ кирди. Шошиб стол устида турган тўппончани қўлига олиб, эшик ёнига бориб турди. Айни дамда “кўчқор”лардан бирининг боши қозондан олиниши кутилмоқда эди. Эшик секин уч марта тақиллади.

* * *

Шернинг оиласидагилар кетишганидан кейин Икром бир соатдан зиёдроқ хонанинг у бошидан-бу бошига бориб келиб юрди. Лекин барибир юраги сиқилаверди. Энди ташқарига чиқиб тоза ҳаводан нафас олмоқчи бўлиб тур-

ганида, ҳовлига олдинма-кетин иккита машина кириб келди. Икром уларни деразадан кўрди. Ҳар-ҳар замон санчиб, азоб бераётган ярасининг устидан қўлини оҳиста босиб, кўрпача устига ўтириб шотирларининг кириб келишини кута бошлади.

Аввал Самандар, унинг ортидан Соли кирди.

— Бўрими, тулки? — сўради Икром уларга бир-бир назар ташлар экан.

— Икковиям, — деди Самандар, — бошқа ҳайвонлар ҳам бор.

— Унда тез-тез гапиринглар.

— Кароче, Полвонни кимдир тинчитибди.

— Тушунмадим. Ким тинчителиши мумкин?

— Шунисига биз ҳам ҳайронмиз. Гап Абдуҳамиднинг одамларидан чиққан. Кейин Абдуҳамид Россияга бориб келибди. Анави Тиртиқ билан бирга. У ёқдагилар билан чиқишиб қолган шекилли, одамлари гўддайиб юришибди. Менимча, Полвонни уларнинг ўзлари йўқ қилишган.

— Лекин гапларингнинг биронтаси ҳам аниқ эмас, кимнингдир гўддайишига қараб унинг ичидаги гапни билиб бўлмайди, — деди Икром. — Бўпти, у томонларини кейин кўриб чиқаверамиз, ҳозир бизга тегишли бўлган тоққалар рўйхатини тузиб беринглар.

Бу гап кўпроқ Солига тегишли эди, шу боисдан ҳам у ташқарига чиққанидан кейин алоҳида битта дафтарга буюрилган нарсаларни ёзиб чиқиб, Икромга киритди.

— Ўхў! — рўйхатга кўз югуртирган Икромнинг юраги ширин энтикиб кетди. — Анчагина экан. Хўп... Биз Шерни унутиб қўймайлик, хиёбон тўлиқ унинг аёли қўлига ўтади. Қани, кўрайлик-чи, қандай бошқараркан. Кейин у ўзини тиклаб олгунича қарашиб туринглар... Бу ерда кўп туриб бўлмайди. Эртадан кечга қолмасдан бошқа ҳовли олиш керак...

— Ока, — дея унинг гапини бўлди Соли, — мана шу уй мендан сизга арзимас совға...

— Ўзингга буюрсин. Бошқа топ. Кейин, йигитлардан икки-учтаси шу ерда турса, етади, қолганлари “иш” қилсин. Бўпти, бўшсан... Ҳа, эсимдан чиқай дебди, менга Самандарни чақир.

— Хўп бўлади, — дея Соли тез-тез юриб чиқиб кетди.

Икромнинг хаёлига устозининг гаплари келганди: “Битта нарсани эсингда тут, бир жойга эга чиқдингми, аввал участкавой дўхтирни қўлга ол. У сен эга чиққан жойни ипидан-игнасигача билади. Чунки ҳар битта хонадонга кириб-чиқиб юради. Шунда қарор чиқараётганингда адашмайсан”.

У ҳозир айна шу ишни қилмоқчи эди. Яъни, Полвон билан Абдуҳамид яшайдиган маҳалланинг участка врачини топади. Ҳамда эндиликда, шаҳарнинг “кўзир”ларига айланган Полвон билан Абдуҳамиднинг уйларини у орқали кузатади. Тўғри, Полвон ўлди, дейишяпти. Лекин кўз билан кўрмаганидан кейин айтиб бўладими? Ундан кейин унинг тасодифий ўлим топиши... Шер ҳам худди шундай йўқ қилинганди. Бироқ уники аниқроқ эди.

У миясига келган фикрни амалга оширмоқчи бўлиб турганида қандайдир қиз уни сўроқлаб келганини айтишди.

— Менда нима иши бор экан? — сўради Икром ҳайрон бўлиб хабар етказган шотиридан.

— “Жуда қалинман, кўрса, ўзи бирдан танийди. Бизнинг яқинлигимиз уч-тўрт йил аввал бўлган”, дейди, — деди шотири.

Икром хотирасини титкилади, бироқ ҳеч қандай қизни эслай олмади.

— Бўпти, кирсин-чи, — деди у ҳафсаласизлик билан.

Орадан икки дақиқа ҳам ўтмасдан қош-кўзларига бўёқни аямай чаплаган, қадди-қомати келишган, елкасига тушган сочларини ёйиб олган, ўғил болача кийим — жинси кофта-шим кийган қиз эшикдан юзида табассум билан кириб келди. Ва кирган жойида нигоҳини Икромнинг кўзига қадади. Сўнг:

— Акажон! — дея бақриб юбориб, икки қадам босиб Икромнинг ёнига етди-да, бирдан йигитнинг бўйнига осилди. Ундан таралган хушбўй атир ҳиди Икромни маст қилаёзди.

— Кеч... Кечирасиз, мен сизни танимадим, — деди Икром бошқа гап тополмаганидан.

— Наҳотки танимайсиз, бунча тез эсингиздан чиқардингиз! — дея гина қилган қиз бир қўлини секин ички чўнтагига тиқиб, пичоқ сопидан ушлади, — Ҳозир таништираман, жоним! Хўпми?!

У Икромнинг томогидан ўпди. Бу маҳалда унинг пичоқ ушлаган қўли чўнтагидан чиққан эди.

— Қасос қиёматга қолмайди, Икромжон ака, мен Қосим аканинг эрка қизи Маҳфуза бўламан!..

Икром яшин тезлигида ҳаммасини англаб етди, ҳатто қизнинг қўлидаги пичоқни ҳам кўрди. Бироқ кеч бўлган, қизнинг қўли ҳаракатга тушганди. Шундай бўлса-да, Икром танасини бир оз ортга тортиб қолишга улгурди. Тиф унинг биқинини — терисинигина тилиб ўтди.

— Им-м! — дея инграб юборган Икром қизни ўзидан итариб юборди-да, жароҳати ўрнига қўлини босди.

— Ҳаммаси шунчаки осон бўлади, қилмишим дарров унутилади, деб ўйлаганмидинг, чучварани хом санабсан! — бақирди Маҳфуза титраб. — Ўлдираман!

Аммо унинг кейинги уринишлари бекор кетди. Икром Маҳфузани ёнига йўлатмай, ўзи ҳам сезмаган бир ҳолатда, юзига тарсаки тортиб юборди. Қиз бунақа бўлишини мутлақо кутмаган эди. Унинг назарида, йигит мутлақо кучсизланиб қолган, бемалол бориб унинг танасига иккинчи марта тифни ботириб олиш мумкин эди. Кутилмаганда юзига тушган тарсакидан кўзидан ўт чақнаб кетди ва йиқилиб ётар экан, бир неча лаҳза нима бўлаётганини англаёлмай қолди. Ўрнидан туришга уринди, аммо боши айланиб яна ётиб қолди. Бунгача ичкарида кўтарилган шовқин-суронни эшитган Икромнинг шотирлари биринкетин ҳовлиқиб кириб келишди ва ҳали-ҳануз ўзига келолмаган қизни Икромнинг ишораси билан қўлларини қайириб юзтубан ётқизишди. Шундан кейингина Икром чўккалаб ўтириб қолди ва оғриқнинг зўридан афти буришди. Йигитлардан иккитаси унинг қўлтиғига кириб ўрнидан турғазмоқчи бўлганида:

— Қўйинглар, ундан кўра дўхтир топиб келинглар, — деди оғриқ забтига олганидан инграб юбормаслик учун қўлларини мушт қилиб туккан Икром.

Йигитлар аввал уни кўрпачага ётқизишди. Кейин ташқарига ўқдай отилишди. Бу пайтда қолган йигитлар Икромнинг гапи билан Маҳфузани бошқа хонага қўл-оёғини боғлаб қамаб қўйишганди. Икромнинг аввалги ярасига боғланган докани ечиб олиб, бошқатдан, иккинчисини ҳам қўшиб боғлашди.

— Онангни ... — дея сўкинарди Икром ётган ерида тинмай. — Доканинг тепасидан тилибди, сал пастроқ бўлганида, ҳеч нарса қилмаскан. Яхшиям чуқур ботмабди. Қайси гўрдан келди ўзи у?

— Ҳеч кимнинг хаёлига келмабди. Кираётганида текширмабмизам, — деди Самандар гуноҳкорона.

— Сенларнинг доим сайил ўтганидан кейин каллаларинг ишлайди... Бор, ароқ олиб кел, эзиб юборди.

Самандар ўрнидан сакраб туриб, югурганча ташқарига чиқиб кетди. Бирпасдан кейин у бир қўлида ароқ шишаси, иккинчи қўлида пиёла билан кириб келди. Унинг ортидан бошқа бир йигит тўғралган помидор кўтариб кирди.

Аччиқ устида Икром кетма-кет икки пиёла ароқ сипкорди. Помидордан эса номигагина тишлаб қўйди.

Дўхтир ҳам кўп куттирмади. Келди-ю, дарров Икромнинг қорнидаги докани ечиб, ярага тикилиб турди-да:

— Йиқилганга ўхшамайсиз, нима бўлди? — деб сўради.

— Ока, — деди унинг ёнидаги Самандар, — нима ишингиз бор нима қилгани билан? Ундан кўра ярани тузатинг.

— Аввал нима бўлганини билишим керак, шунга қараб даволайман, — деди дўхтир пинак бузмай.

— Бир томонимга ўқ теккан, иккинчи томонимни пичоқ кесган, — деди Икром ҳеч нарсани яшириб ўтирмай.

— Қаерда?

— Нима, прокурормисиз? Айтилди-ку, нима бўлгани! Бўлинг тез, ишга киришинг... Лекин огоҳлантириб қўяй, бу ерда кўрганларингизни дарров эсингиздан чиқарасиз.

Дўхтир тинмай уқтираётган Самандарга бир қараб, нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо дарров тилини тишлади. Балага қолиб кетишдан кўрқди.

У ярани аввал яхшилаб тозалади, сўнг дори суриб, Икромнинг билагига иккита укол қилди.

— Манавиларни, — деди иши битганидан кейин кичкина қоғозчага олти хил дори номини ёзиб, Икромнинг қўлига тутқазар экан, — ичиб туринг. Кечқурун келиб укол қилиб кетаман. Бирор ҳафта жойингиздан қимир-

ламай ётинг, ҳар қалай, ярангиз анча жиддий. Яхшилаб даволанмаса, тузалиши қийин бўлади.

— Раҳмат, — деди Икром бош қимирлатиб, сўнг Самандарга ишора қилди.

Самандар “хўп”, дегандек бошини сермаб, чўнтагидан олган бир даста ўн сўмликни дўхтирга узатди.

— Керакмас, — деди дўхтир унинг қўлини қайтариб.

— Олмасангиз хафа қиласиз бизни. Ундан кейин ишончлиям бўлишингиз керак-ку, — деди ўшшайган Самандар.

Икромнинг жони бир оз роҳат топди. У ёрдамчиси келгунча кўзини юмиб ётди. Ўз ўзидан кулгиси қистади. “Шунча опасний жойлардан омон-эсон чиқиб кетиб, қаердаги қизнинг қўлида ўлиб кетишимга оз қолди-я, — дея ўйлади, у ётган ерида. — Лекин юраги бор экан. Гап йўқ. Айтганча, Қосимнинг қизиман дедими?” Унинг юзи яна жиддийлашиб, шотири келишини кутди. Орадан бирор ўн дақиқалар ўтганидан кейингина Самандар қайтиб келди.

— Дўхтирни разбор-пазбор қилмадингми? Ёки сениям бирон жойинг тирналгандими? — дея захрини сочди Икром.

— Қаерга келиб-кетаётганини тушунтириб қўйдим. Яна бирон жойга бориб сасиб юрмасин.

— Сен айтмасанг ҳам у қаерга келганини жуда яхши билади... Анави қизни бу ёққа опке.

— Хўп бўлади, — деб Самандар чиқиб кетди.

Икром Маҳфузани олиб келишгунча хаёлан унга нима дейишини ўйлаб олди. Аммо сочлари тўзғиган, бир кўзи шишиб кетган қиз келганидан кейин ўйлаганларини унутди.

— Одам ўлдириш аёлнинг ишимас, — деди Икром қизга бир оз ачиниб қарар экан.

— Эркакнинг иши деб қаерга ёзиб қўйилган? Биринчи марта уддалай олмадим. Кейинги сафар отам кетган ёққа сениям жўнатаман! — деди Маҳфуза тап тортмай.

— Ҳалиям ақлинг кирмабди... Сени уриш ниятим йўқ эди. Қиз болага қўл кўтармагандим. Кутилмаганда шундай бўп қолди, бунинг учун узр.

— Узринг ўзингга сийлов. Менга жонинг керак!

— Озгина пастга туш. Жоним кўпчиликка керак. Огоҳ-лантириб қўяй, бошқа бунақа аҳмоқчилик қилма. Эркакнинг ишини эркак қилади. Хотин аралашган иш ҳамма вақт пачава бўлган. Тушундингми? Кейинги сафар сен билан пачакилашиб ўтирмайман... Ҳозир бор, кетавер.

— Марҳаматинг учун қуллуқ. Лекин мен ниятимдан қайтмайман.

— Ўзинг биласан, — деди Икром, кейин Самандарга юзланди: — Кўчага чиқариб қўйинглар.

Самандар хожасининг қилаётган ишидан ҳайрон бўлди.

— Индамай қўйиб юбораверамизми? Қилмишига яраша...

— Менимча, бу қиз анча ақлига ўхшайди, кейинги сафар нима қилаётганини аввал ўйлаб кўради, шундайми? — дея Икром Маҳфуза қаради.

— Ўзингизни герой қилиб кўрсатмоқчимисиз? — дея мийиғида кулди қиз.

Икром кўзидан ўт чақнаб қизга тикилди. Илгари Маҳфуза бунақа қаҳр-ғазабга тўла нигоҳни кўрмаган эди, шу боис, кўрққанидан ортига тисарилди. Вужудига титроқ кирди. Илк дафъа бу ерга келганидаги шиддат, ўч олишга бўлган иштиёқи йўқолди. Мумкин қадар эртароқ қорасини ўчиргиси келди. Яхшиям, Икром бошқа гапирмади унга. Йўқса қандай аҳволга тушишини ҳозир ўзи ҳам билмас эди.

— Йўқот кўзимдан! — деди Икром шотирига.

Улар чиқиб кетганидан кейин Икром Солини ёнига чақириб, қизнинг орқасидан тушишни буюрди.

Соли Маҳфузанинг кўп узоққа кетмай, ўзини талай муддатдан бери кутиб турган машинага шовилганча ўтирганини кўрганидан кейин ҳаммасига тушунди ва зудлик билан хожасига қизнинг ким билан келганлиги хабарини етказди.

Шокирнинг барча берган саволлари жавобсиз қолаверди. Маҳфуза кўзини йўлдан узмас, ҳар-ҳар замон чуқур нафас олиб қўяр, сўнг киприкларига осилган кўзёшларни бармоқлари билан сидириб ташларди. Ярим йўлгача улар шу тахлитда кетишди. У ёғига Шокир чидай олмади. Машинани йўл четига чиқариб тўхтатди-да:

— Одамни сил қилиб юбординг, гапирасанми-йўқми?! — деб ўшқирди.

— Шокир ака, — деди Маҳфуза йиғлоқи овозда эрига қарар экан, — ҳеч нарса қўлимдан келмади. Уни яраладим. Лекин ўлдиролмадим.

— Шундай бўлишини билардим. Лекин сени йўлдан қайтаришнинг иложи йўқ эди. Кўнглинг жойига тушди-ми?

— Мени яхши кўрасизми?

— Ўзинг нима деб ўйлайсан? Бекордан-бекорга сен билан бирга юрибманми?

— Оҳ! — Маҳфуза бошини йигитнинг елкасига қўйиб, ўкириб йиғлаб юборди.

Шокир талай муддат индамай ўтирди. Сўнг хотинининг юзидан ўлиб қўйиб, машинани юрғазди.

Улар уй ёнига етиб келишганларидан кейин ҳайратдан қотиб қолишди.

— Нима бўлди?! — Маҳфуза қуруқ деворларигина сўппайиб турган уйдан кўз узолмай қолди. — Ахир... ахир...

Шокир машинадан чаққонлик билан тушиб, куйиб ётган уйга термилди. Маҳфуза эса йиғлашини ҳам, йиғламаслигини ҳам билмас, ҳатто машинадан тушишга-да мадори бўлмай, ўтирган жойида: “Нега, нега?” дея пичирларди, холос. Бирпасдан кейин унинг хаёлига Феруза келди-ю, бирдан кўзи олайиб кетди. Бутунлай ўзини унутиб, машинадан сакраб тушди ва куйиб кул бўлган ҳовлига югуриб кирди. Деворнинг қорайиб сўппайиб турганига, ҳовлида ҳамма нарсанинг сочилиб ётганига эътибор бермай, тўғри опасининг хонасига борди. Эшик ўрнида қолган тешикдан кирди-да, ҳаммаёқни кўздан кечирди.

Лекин опасининг аломатини берадиган бирон нимани кўрмай, яна югурганча қайтиб чиқди-да, бориб аямасдан қўшни дарвозани муштлай бошлади. Ичкаридан “Ким у? Бораяпман, намуноча урмасанг дарвозани!” деган овоз келганига қарамасдан жон-жаҳди билан ураверди.

— Маҳфуза! — деди қўшни хотин эшикни очиб.

— Муяссар хола!.. Муяссар хола!!! — дея бақирди Маҳфуза. — Опам... Феруза опам қани?!

— Вой ўлмасам, юрагимни ёрай дединг, Маҳфуз... Опангни тез ёрдам олиб кетди.

Маҳфуза унинг қолган гапларини эшитмади. Югурганча бориб машинага ўтирди-да, Шокирдан тез ҳайдашни илтимос қилди.

— Шокир акажон! — деди у йўлда кетаётганларида. — Биладан. Биладан бу ишни ким қилганини, бекорга у мараз мени қўйиб юбормаган, илтимос, акажон, Икромнинг бошини олиб келинг!..

— Ўзингни бос, — деди Шокир қўлини Маҳфузанинг елкасига қўйиб, — ҳаммасини аниқлайман. Мениям қоним қайнаб кетаяпти. Аввал индамаган бўлсам ҳам энди уни ўзим ўлдираман.

— Акажоним! Суянчигим!..

Ўша кунни Маҳфуза опасининг ёнида икки соатдан зиёд ўтирди. Иккиси бир-бирини кучоқлаб талай муддат йиғлаб-сиқташди. Кейин у Шокирнинг миттитумандаги уч хонали уйига кетди. Ярим тунгача ўзига келолмади. Йиғлайди, эрига Икромни эртароқ йўқ қилишини айтиб ялинади. Кейин яна йиғи бошланади. Охири Шокирнинг тоқати тоқ бўлиб, бир шиша коньякни очиб, хотинига ичирди. Шундан сўнг Маҳфуза бутунлай ўзгарди. Худди эри билан илк кечани бирга ўтказгани каби, унинг бўйнидан кучиб, лабига лабини босди... Чарчаб, ҳолдан тойиб ухлаб қолганида вақт ярим тундан ошган эди...

Эртасига эса бутунлай бошқача воқеалар содир бўлдики, қуйида баёнини, албатта, келтириб ўтамыз.

* * *

Полвон секин полга ётди-да, тўппонча милини эшикнинг тақиллаган жойига тўғрилади. Тепкига бармоғини қўйиб, отишга тайёрланиб турди. Бироқ бу сафар эшикни чертган одам қўнғироқни босди. Унинг овози шунчалик хунук эдики, Мавлон ижирганиб ичида сўкиниб қўйди.

— Ҳеч ким йўққа ўхшайди, кетамиз, бошқа сафар келамиз, — деди эшик ортида турган Абдуҳамид. У атай овозини баландлатиб гапирарди.

Унинг овозини Полвон таниди. Ичидан зил кетди. Бироқ қимирламай ётаверди. Оёқ товушлари пастга қараб кетганини эшитганидан кейин эса енгил тортди. Ўрнидан туриб секин эшик ёнига бориб ташқарига қулоқ

солди. Чақирилмаган “меҳмонлар”нинг бутунлай пастга тушганига амин бўлгач, деразанинг ёнига югуриб борди-да, парданинг бир чеккасини озгина очиб, машинага чиқаётган Абдуҳамиднинг йигитларини кузатиб турди. Назарида, ҳамма кетгандай эди. Бироқ у адашганлигини, Абдуҳамид пастга тушаётиб йигитларидан иккитасига пойлоқчиликда қолишни имо-ишоралар билан тушунтирганини ҳали билмасди.

Бундан беҳабар Полвон эшикни очаркан, бир қават пастга тушиб, йўлакни назоратдан ўтказаман, деб ўзини ошкор қилиб қўйди. У изига қайтаётганида Абдуҳамиднинг йигитларидан бири уни орқасидан кўриб қолди.

— Маълонга ўхшайди дедингми? — деди Абдуҳамид хабар келтирган шотирига тикилиб.

— Афтини кўрмадим. Орқасидан кўрдим. Юриши ўшаникига ўхшайди.

“Тўхта, нима ўйин қилмоқчи у? Ўзини ўлдига чиқариш нега керак бўлиб қолди унга? Ёки ҳокимият менинг қўлимга ўтганининг ҳидини олдимикан? Қаёқдан олади? Ким хабарни етказди, Семён Эдуардовичнинг ўзими? Унда нега менга “саломимни етказиб қўй”, деди? Ундан кейин “ўлган бўлса калласини юбор”, деб приказ қилди. Ҳамма нарсани ўзи ташкил қилиб, мени синаб кўраяптими?.. Бир гап борга ўхшайди”, дея ўйлаган Абдуҳамид шотирига назоратни кучайтиришни тайинлади.

У гапини тугатиши билан Жўмард кириб келди. Уни кўриши билан Абдуҳамид қувониб кетди. Лекин буни билдирмай, қовоғини уйганча:

— Нима бўлди? — деб сўради.

— Ока, — деди Жўмард илжайиб, — ҳаммаси окей, милисаларнинг ўзлари ёрдам қилишди. Қозоғистон чегарасига обориб қўйдик. Приказ қилсангиз, далше кетамиз.

— У ёнига қозоқларнинг милисаси олиб кетади. Йигитларингдан иккитаси борсин. Сенга бу ерда иш кўп.

— Телефон қилиб айтиб қўяйми?

— Тез бўл.

Жўмард хўжайинининг буйруғини йигитларига етказиб қайтиб келгач, Абдуҳамид ундан бирорта жўялироқ фикр чиқиб қолармикан, деган хаёлда бўлиб ўтган воқеаларни унга гапириб берди.

— Хўжайин, кимдир ўйин қилаяпти, — деди уни диққат билан эшитган Тиртиқ.

— Кимдирлигини ўзим ҳам яхши биламан. Лекин ўша ким? Икромми? Ёки...

— Менимча, Икром. Зебранинг ўлганлиги аниқ. У билан бирга бўлган Полвоннинг тирик қолиши...

— Унинг ўлигини ўзим кўрдим, дедим-ку.

— Топиб йўқ қилсак, ҳамма ишлар жойига тушади. Ундан кейин сизнинг олдингизни кесиб ўтадиган одам қолмайди.

— Шошма, юк олиб келишингга мусорларнинг ўзлари қарашиб юборишган бўлишса, Икромни ҳам уларнинг ўзлари топишади. Агар улар исташса кўп иш қилишга қурблари келади... Гап бундай. Чўнтакнинг тагиям кўри-ниб қолди. Нефтбазага бор. Директори анчадан бери келётган пулларнинг ҳаммасини чўнтагига ураяпти. Шу пайтгача Шерни боқиб келган. Энди хўжайин йўқлигидан анча семириб қолгандир. Бир ойлик доляни оласан. Бермаса чиққан жойига тиқаман... Ҳали Қосимнинг уйиниям қайтадан қуриб бериш керак.

— Ока, бирорта дом қилиб берсак...

— Ў пандовақи, агар оғзингдан яна бир марта шунақа гап чиқса, тилингни суғуриб оламан, тушундингми?.. Ҳозирнинг ўзида йигитларингни жўнат, иккита стройбригада ташлашсин. Улар камлик қилса, яна иккитасини ташлайсан. Кечи билан икки ойда аввалгисидан ҳам зўр қилиб қурасанлар!

— Бўпти, ҳаммаси айтганингиздай бўлади, — деб Жўмард ташқарига чиқиб кетди.

Шундан кейин Абдуҳамиднинг ўзи ҳам чойхонанинг кичкина хужрасида узоқ туролмади. Юраги сиқаверди. Ҳаёлида Семён Эдуардович унинг учун чуқур чоҳ қази-ган, буни ҳамма, ҳаттоки ўзининг энг кичкина югурдак-лари ҳам биладигандек, “мол” Россияга етиб борганидан кейин уни ўша чоҳга итариб юборадигандек туйилаверди. Хонтахта устидаги арокдан кетма кет икки пиёла ичиб ҳовлига чиқди.

Тўртта чорпоянинг ҳаммасида қиморбозлар ўтириб олишган, қимор ўйини авжида эди. “Қаёқдан шунчаси бирдан тўплана қолишибди? Шуларга мазза-да. Ташви-

ши йўқ. Лекин... Лекин буларнинг бари майдакашлар, — дея хаёлидан ўтказди у. — Сенлар ҳам қимор ўйнаяпман, деб юрибсанлар-да. Ўйин қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўяй”. Бирдан унинг дили яйраб кетди. Чўнтагидан сигарета олиб лабига қистирган эди, сал нарида турган шотирларидан бири югуриб келиб, гугурт чақди. Тутунни ўзгача бир лаззат билан симирган Абдуҳамид югурдагига қараб илжайиб қўйди-да, битта-битта қадам босиб, ўзига яқин чорпоянинг ёнига борди. Қиморбозлар уни кўришлари билан ўринларидан туришиб қўлларини кўксиларига қўйишди.

— Бемалол, — деди Абдуҳамид қўлини ҳавода силкитиб, — ўтиринглар... Қўлим қарта ушламаганигаям анча бўп кетди. Қичувини қолдирай деб келдим.

— Ока, — деди сариқ мўйловли, қориндор, ёши ўттизлардан ошган йигит қўлини кўксидан олмай, — ҳаммамизни уялтириб қўясиз-да.

— Нима, ўйнолмайди, эсидан чиқариб юборган деб ўйлаяпсанми? — деди бирдан аччиғи келган Абдуҳамид.

— Йў-ў-ў-қ, сизнинг олдингизда биз ким бўлибмиз, ҳаммамиз ютқазиб қўямиз-да!

— Вой, баччағарнинг боласи, ичингдаги гапни айтмадинг-а! Кўппак итваччалар билан тенг бўлармиди, демоқчийдинг-да.

— Ока, сиздай улуғ одамни...

— Давай, ундан кўра, менга жой очинглар.

Қиморбозлардан бири пастга тушиб, ўрнини бўшатди.

Абдуҳамид раҳмат айтишни унутмаган ҳолда жойлашиб ўтириб олди-да, ёнидаги йигитга қараб илжайди. Йигит ҳам жилмайди-ю, шу заҳоти кўзини олиб қочди. Унинг бундай қилиғи Абдуҳамиднинг эътиборидан четда қолмади. Бироқ у ўзини ҳеч нарсани сезмаганга олиб, қарталарига қаради: туз кўзир, қирол ва етти.

— Бунақаси кетмайди, — деди Абдуҳамид қарталарни отиб юборар экан. — Тоза ўйнанглар. Сенлар атайлабдан менга кўзирларни бериб қўйдинглар. Отвечаю, бирортангниям қўлингда тузукроқ қарта йўқ. Мени ўзларингга тенг кўрмаяпсанларми? Узатларинг, қартани ўзим сузаман.

Унинг гапига ҳеч ким эътироз билдирмади. Абдуҳа-

мид, айтганидай, қарталарни тарқатди, кейин ўзиникини қўлига олар экан, ёнидаги йигитга яна бир марта нигоҳ ташлаб, уни қаердадир кўргандай бўлди.

— Менга қара, — деди у охири сабри чидамай, ёнидаги, ўзининг қарталарини бирма-бир кўраётган йигитга паст овозда, — исминг нимаиди?

— Олим, ока, исмим Олим, — деди йигит унга қараб илжайар экан.

— Олимбой, шу ҳеч Олимга ўхшамаяпсан-да. Майли, ким бўлсанг ҳам. Шериклик қилиб юборасанми?

— Ока, истаган хизматингизни қиламан, лекин шериклик қилишга ҳаддим сифмайди.

— Шунақа дегин, ақлли бола экансан унда, — деди Абдуҳамид ва ўзи ўтираётганида чорпоя ёнига келган йигитларига, “Бу боланинг кимлигини аниқланглар”, деган мазмунда атрофдагиларга сездирмай ишора қилиб қўйди. Сўнг ўзи гўё ўйинга берилиб, шу билан атрофдагиларни бутунлай унутган бўлди. Ҳозир кимдир у билан баҳслашади. Иккаласи ҳам худди юрт талашаётган сарбозлардай қиличбозлик қилади. Кейин... Кейин Абдуҳамид ютиб чиқади. Оти чўлоқ, қиличи занглаган бўлса ҳам у ютади. Сабаби, жанггоҳда у зўр! У эмас, унинг шотирлари зўр. Подшосининг қўли қайрилиб кетса татмом, рақибнинг шўрига шўрва тўкилади. Яшириниб турган шотирлар замонавий услубда, тўппончаси билан рақибни ер тишлатади. Шу билан айёру маккор Абдуҳамид жангда ғолиб чиқади... Аслида, Абдуҳамиднинг хаёли ёнида безовталаниб ўтирган йигитда эди. Тезроқ унинг кимлигини билгиси келаётганди. Сизгиси алдамаган, ёнидаги қора қош, қора кўз йигит Икромнинг ўнг қўли Самандар эди.

— Кечирасиз, — деди Самандарнинг елкасига қўлини қўйган Абдуҳамиднинг шотири, — бир киши сизни сўраб келибди.

— Кутиб турсин, — деди Самандар ҳаяжонини босиш мақсадида жилмайишга ҳаракат қилиб.

— Жудаям зарур, деяпти, бормасангиз бўлмас экан.

— Окамизнинг ёнларидан у кишининг рухсатисиз кетолмайман.

— Бемалол, — деди Абдуҳамид унга ўгирилиб, — сиз ишингизни битириб келаверинг.

Самандар мажбуран худди биров қўлидан тортаётгандай ўрнидан турди. Зеро, у чақирилган жойда ўзини нималар кутаётганини яхши билар эди. “Ишқилиб, тирик чиқай-да”, деган ўй ўтди хаёлидан.

* * *

— Вой асалим, — деди аёл ўзига тикилиб турган қизни кучоқлаб, юзидан ўпаркан.

— Кечирасиз, — дея қизариб кетганидан юзини ерга қаратди Дилдора, — ойим уйда йўғидилар.

— Айни муддао бўпти-да, жоним, қайнона-келин гаплашиб ўтирамыз, — деб Каримнинг онаси таклифсиз ичкарига оёқ қўйди ва пилдираб кета бошлади. Дилдора кулариниям, куяриниям билмай унинг ортидан анграйганча қолаверди.

Ошхонадаги Нафиса эса қайнсинглисига ўхшаб довлдирамади. Чақирилмаган меҳмонни хушмуомалалик билан кутиб олиб, меҳмонхонага таклиф қилди. Олдига дастурхон ёзиб, чой дамлаб кирди.

— Ҳой, келин, — деди Каримнинг онаси, — дастурхонни тўлдиришни қўйиб турунг. Ҳали кўп тўлдирасиз. Қизимни чақиринг, ойиси йўқлигида би-ир маза қилиб гаплашиб олай. Шундай соғиндим, шундай соғиндимки, агар индамасанглар, бугуннинг ўзида олиб кетиб қоламан.

Нафиса унинг гапларидан кулиб, жавоб қилди:

— Ҳозир ўзидан сўрай-чи.

— Сўраб ўтирманг, қўлидан етаклаб келаверинг. Ўзига қолса кирмайди, уялади. Ҳали уялади. Ўзингиз етаклаб келганингиз тузук.

Нафиса ошхонага кирди. Қовоғи осилиб турган қайнсинглисига:

— Кириб бир гаплашиб қўймайсизми? — деди шивирлаб.

— Нима дейман? — деди келинойисига қараб қўйган Дилдора.

— Кўнглингиздагини айтинг-қўйинг-да.

— Йўқолинг, дейми?

— Одобсизлик қилманг. Ётиғи билан тушунтиринг.

— Ўзи-чи, одоб билан келаяптими?

— Ҳар қалай...

— Гаплашмайман. Йўқолсин, иккинчи бизникига келмасин. Мен унинг бетайин ўғлига тегаман деб ўлиб ўтирганим йўқ.

— Шундай бўлсаям...

— Кеннойи, қўйсангиз-чи, ойимлар келсинлар, ўзлари гаплашиб қўядилар.

— Майли, ихтиёрингиз, — деб Нафиса ликопчада турган ширинликларни олиб меҳмоннинг ёнига кетаётганида Дилдора уни тўхтатиб, қўлидаги ликопчани олиб қўйди-да:

— Шундоғам ёмон ўрганиб қолди, — деди.

Нафисанинг ўзи кириб келганини кўрган Каримнинг онаси ўрнидан турди-да:

— Кўндиролмадингизми? — деди илжайиб. — Ҳозир ўзим бориб гаплашаман.

Нафиса нима дейишини билмай жойида туриб қолди. Каримнинг онаси эса худди аввалдан бу ерга келиб юргандай, унинг қаерида нима жойлашганини билгандай тўғри ошхонага кириб борди.

Уни кўрган Дилдора қизариб кетди. Бу сафар уялганидан эмас, ғазабланганидан, аёлнинг безбетлик қилаётганидан жиғибийрон бўлиб қизарди.

— Ўзим ўргилай, сиз билан гаплашиб бир хумордан чиқай деб келдим, қизим, — дея ялтоқланди аёл.

— Менинг сизга айтадиган гапим йўқ, — деди Дилдора кўрслик билан, — сизларнинг дастингиздан уйимизнинг тинчлиги бузилди... Мен сизнинг ўғлингизга тегмайман. Яхши кўрган йигитим бор. Илтимос, бошқа бизнинг уйимизга келманг.

Унинг гапларидан аёл ҳанг-манг бўлиб қолди. Қоши учди, ранги оқарди. Кейин бирдан кўзига ёш келди.

— Болажоним, — деди ялинчоқ бир овозда, — мен бу уйга яхши ният билан келганман. Сизни ўзимга қиз қилиб олмақчиман... Ўғлим билан гаплашиб, бир-бировларингни ёқтирганларингни эшитганимдан кейин...

— Мен сизнинг ўғлингизни ёқтирганим йўқ. Ким айтди, сизга бу гапларни... Ўғлингиз... Ўғлингиз ёлғон гапирган.

— Вой ўлмасам, Дилдорахон, кўринишингиздан жуда-ям мулойим қизга ўхшайсиз, лекин гапларингиз...

— Нима қилай?! — дея йиғлаб юборди қиз. — Ўз ҳолимга қўймасангиз... Кетинг!

Дилдора югурганча ошхонадан чиқиб кетди. Аёл эса музтар бўлганча қолаверди. Уларнинг гапларига гувоҳ бўлган Нафисанинг кўзлари каттариб кетган, қайнсинг-лисининг оғзидан шунча гап чиққанига ишониб-ишонмай турар, “Индамасдан кўрқ, деб шунақа қизларга қарата айтилган экан-да, вой ўлмасам, нималар деб ташлади?!” — дея ўйлар эди.

— Биз, — деди аёл серрайиб турган Нафисага, — кўчада қолган одамлар эмасмиз, тегмаса ордона қолсин. Онасининг муомаласига қараб... Агар келин қилган тақдиримизда ҳам итдай талаб ташлар экан. Бошларингдан қолсин қизларинг!

Каримнинг онаси Нафисани туртиб, ёнидан ўтди-да, ҳовлига чиқиб, овозига баттар зўр берганча қарғай-қарғай тарк этди уйни.

— Оғзингдан чиқиб ёқангга ёпишсин! — деди унинг ортидан Нафиса.

— Яна нима бошланди? — деб шошганча чиқиб келди Баҳром кўйлагининг тугмаларини қалашни ҳам унутиб.

— Жувонмарг бўп кетсин совчи бўлмай, — деди Нафиса аёл кетган тарафга ишора қилиб.

— Ким?

— Ким бўларди, Дилдорани сўраб келиб юрган хотинда, синглингиз, тегмайман ўглингизга, деса қарганиб кетди.

— Жонга тегиб кетди шулар ҳам. Дилдоранинг ўзи қани?! — деди Баҳром бақириб.

— Хонасида.

— Шу ердан, — деди уларнинг ортида турган Дилдора кўзидаги ёшни артар экан.

— Ҳар ким билан гаплашаверасанми? Ўтирмайсанми уйда қимирламай! — дея дўқ урди акаси.

— Яна мен айбдорманми?! Шуларнинг дастидан кўрдингиз-ку, нима аҳволга тушганимизни!

— Уф-ф! — деди Баҳром бошини ушлаб. — Бўлди қил. Шу гапни сен айтишинг шарт эмасди. Сал ўзингни бошиб турсанг, бир жойинг камайиб қолмасди.

Дилдора акасининг бошқа гапларини эшитмади. Югу-

риб бориб хонасига қамалиб олди-да, худди аввалги сафаргидай аламини йиғидан олди.

Орадан бирор соатча ўтганидан кейин, кўзёшлари қуригач, кийиниб ташқарига чиқди.

— Қаерга бораяпсиз? — сўради ҳовлида боласини кўтариб юрган Нафиса.

— Кеннойи, роса бошим оғриб кетди. Бир айланиб келай, тез қайтаман, — дея дарвозахона томон юрди Дилдора.

Орадан бир оз вақт ўтганидан кейин уларнинг дарвозаси асабий тақиллади. Бориб эшикни очишга Нафисанинг юраги бетламай, эрини чақирди. Баҳром уйдан чиқиб калишини кияр-киймас, дарвоза ортидан кимнингдир: “Бу уйда одам яшайдими, итми?!” деган овози эшитилди. Бундан Баҳромнинг тепа сочи тикка бўлди. Кўзларидан ўт чақнаб, қўлини мушт қилиб тугганча, тез-тез юриб дарвозанинг кичкина табақасини очди:

— Ким керак?!

— Бу уйнинг биронтаям одами керакмас менга. Ойимнинг сумкалари қолиб кетибди. Обчиқиб бер! — деди ғазабдан титраётган Карим.

— Сенинг ўзинг кимсан?! — деди баттар жаҳл отига минган Баҳром.

— Менми?! Менинг кимлигим қизиқтириб қолдими?! Мен шу худо қарғаган уйга адашиб келиб-кетган аёлнинг ўғли бўламан. Энди тушундингми?.. Билдик, жаҳаманг осмон экансан!

— Ў, бола, оғзингдан бузилма, ёмон бўлади! — деди Баҳром унга ўқрайиб, сўнг ичкарига бошини суқиб: — Обке сумкасини! — дея бақирди.

— Бу уйдан, — деди Карим сумкани олиб машинасининг ёнига борар экан, — ойим қон йиғлаб чиқибдилар. Бунинг учун жавоб берасанлар. Келиб-келиб кучларинг аёл кишига етдими?

— Кимнинг қанақалиги билан ишинг бўлмасин-да, бу ердан сур, — деб Баҳром ичкарига кирди-ю, дарвозани ёпди.

Карим эса сўкинди. Жуда ёмон сўкинди. Бунақа сўкишни Баҳром умри бино бўлиб эшитмаган эди. Эти жимирлаб кетди. Кўзига қон тўлди ва отилиб кўчага чиқди.

Аммо улгурмади. Карим юртни бузгудай бўлиб машина-сини ҳайдаб кетди.

Аммо узоқ кетмади. Кейинги кўча орқали катта йўлга етай деганида, бошини ҳам қилганча ўй суриб келаётган Дилдорага кўзи тушиб қолди-ю, унинг ёнгинасида машинасига тормоз берди.

* * *

— Шернинг четда қолиб кетган йигитлари ҳам бор экан-да, — деди Икром Солининг гапини эшитганидан кейин.

— Барибир ўйиндан чиқиб кетолмайди, уйи қаердалигини яхши биламиз, — деди Соли тиржайиб.

— Мени бошқа нарса қизиқтираяпти. У қандай қилиб Қосимнинг қизи билан... Тўхта, тўхта, бу ўша ўғирланган қиз эмасми? Қосим уни менинг бўйнимга илганди. Айбдор мен бўлиб қолгандим. Аслида...

— Менимчаям, уни Шокир ўғирлаган. Ишини ҳал қилиб қўйган. Қизнинг отаси ўлганидан кейин уни ўзиники қилиб олибди, баччағар.

— Ўғирланмаган бўлса-чи, шунчаки яширилиб, ўйин қилишган бўлса-чи? — деди Икром бир оз ўйланиб тургач. — Бунинг тагига етиш керак. Шокирнинг уйига одам қўйинглр.

— Яна битта гап. Қосимнинг уйи ёниб кетибди.

— Ёниб кетибди?! Ким ёқибди?

— Номаълум, лекин буниям сизнинг бўйнингизга юклашибди...

— Онангни эмгурлар... мендан бошқа ташвиши йўқми бу ит эмганларнинг?! Қаёқдаги ифлос ишларига доим мен кўндалангман!.. Самандар қаерда?

— Шаҳар айлангани кетди.

— Топ.

Икромнинг бошига оғриқ кирди. Қони қизиб, ярасини ҳам унутганча эшик томон шиддат билан юраётган эди, ҳовлиққанча кириб келган шотирига урилиб кетай деди.

— Нега ҳовлиқасан?! — дея қичқириб юборди у ўзи ҳам сезмаган ҳолда.

— Хўжайин, Шерникига бозорлик олиб кетган йигитлардан биттаси келди, — деди шотири шоша-пиша.

— Хўш!

— Шернинг катта қизини қанақадир болалар гаровга олган эмиш.

— Расво! — деб юборди Икром. — Ҳеч бир ишни одамга ўхшаб битирмайсанлар. Латтачайнарлар. Қани у?!

У шундай дейиши билан “айбдор”нинг ўзи хонага кўрқа-писа кирди. Унинг кўзлари олайган, икки қўли кўксиди, гўё Икром савалайдигандек титраб-қалтираб турарди.

— Гапир, валакисаланг, яна нимани бошлаб келдинг? — деди унинг туришини кўриб, баттар жаҳли чиққан Икром.

Йигит булбулдай сайраб кетди. У шунчалик тез гапирардики, Икром баъзи гапларига тушунмай қайта сўрашга мажбур бўлди.

— Солига айтинглар, йигитлари билан тайёр турсин, ҳозир чиқаман, — деди ҳамма гапни эшитиб бўлган Икром.

Шотирлари кетишди. Икромни ўй босди. Бу ўйнинг на охири ва на боши бор, алкаш-чалкаш ўйлар эди. Бир ёқда Қосимнинг уйи ёниб ётибди, иккинчи томонда, ўзига ошиқу беқарор бўлиб қолган, жон-жон деб тан маҳрамликка рози бўладиган қиз кимларнингдир қўлида асира, булар камлик қилганидай, кўча-кўйни милиса зоти босиб кетган, ҳаммаси Икромни қидираяпти. Умрларида кўрмаган-у, лекин қидираяпти. Худди Икром чиқиб, “Мен фалончидан, қўлимни кишанлаб обориб тиқиб қўйинглари”, дейдигандек. Буларнинг бари Икромнинг миясида қоришиб кетган эди.

У кўрпачага ўтирди, ароқнинг оғзини очиб, пиёлани тўлдирди. Сўнг симирди. Ичи қизиб кетди. Лекин руҳи енгиллашди. Бош оғриғи ортга чекингандай бўлди. Секин ўрнидан туриб кийимларини алмаштираётганида Соли кириб келди.

— Форда туғилмаганмисан? — деди Икром киноя билан.

— Узр, хўжайин. Ҳалиги, ўзим бориб эплаб келаман. Сиз овора бўлиб ўтирманг. Соғлигингизниям мазаси йўқ.

— Агар яна бир соат шу хонада ўтирсам, ёрилиб кетаман. Ундан кейин сенлар ҳамма ишнинг дабдаласини

чиқарасанлар. Ана, ишонган одамларинг бурнининг та-
гидаги қизни бой бериб ўтирибди.

— Ҳозир иккаласиниям чиққан жойига...

— У ёғини қўяқол, кетдик.

Икром ўтирган машина йигирма дақиқа ичида Шер-
нинг уйига етиб борди. Икром шошилиб ичкарига кирди
ва ҳовлида чўк тушиб юм-юм йиғлаётган Санобар опага
кўзи тушди. “Айтгандим-ку мен сизга. Ҳали бу ерга ке-
лишингизга эрта деб. Барибир аёллигингизга бордингиз.
Гапимга кўнмадингиз”, дея хаёлидан ўтказди унга яқин-
лашаркан. Бироқ бу таънасини тилига кўчирмади. Ак-
синча, музгар бўлиб ўтирган аёл ёнига тиз чўкди.

— Икромжон! — деди Санобар опа хириллаб. — Мен
адоийи тамом бўлдим!

— Ҳаммаси жойига тушади. Сиз ҳеч нарсадан хавотир
олманг, уйга кириб чой-пой қўйиб туринг, унгача қизин-
гиз келади, — дея Икром аёлнинг кўнглини кўтарди ва
бу хонадонга қандай шошиб келган бўлса, шундай шо-
шиб чиқиб машинага ўтирди.

Элдор шеригини Дилоромни ўғирлаб кетишгани ҳақида-
ги хабарни етказишга жўнатиб, ўзи сариқ “Москвич”
ортдан тушган эди.

Шернинг уйига келган йигитлар майда ўғрилик, безо-
рилик, босқинчилик қилишар, топганларини ичкилик-
бозлик, маишатга сарфлашарди. Бу йўлга яқингинада кир-
ганликлари боис, милициянинг назарига тушмаган, кат-
та тўдаларнинг эътиборидан четда эди. Улар Шернинг
кимлигини жуда яхши билишарди, оиласида бўлаётган
воқеалардан ҳам хабардор эдилар. Шундай бўлса-да,
дастлабки марта бу уйга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан,
ярим тунда келишган, қўлга илингулик, сотишга арзигу-
лик нарсаларни олиб кетишган ва бу ҳақда ҳеч қанақа
шов-шув кўтарилмагач, яна келганларида ҳайратдан донг
қотишганди. Чунки Шернинг бир-биридан қиммат ме-
беллари жойида йўқ эди. Ўшанда улар шошиб қолишган,
бунини бошқа чаққонларнинг иши, деб ўйлашганди. Қай-
сидир маънода улар ҳақ эдилар, чунки Шернинг қўшни-
лари орасида ҳам юҳолар топишарди. Хуллас, йигитлар
назарга илинмаган тақир-туқурлар билан кифояланишга
мажбур бўлишганди. Кейинчалик эса сўраб-суриштириб

уйнинг полига ҳам мижоз топишди ва бу сафар ҳеч нарсадан тап тортмай бемалол келишди-ю, юқоридаги манзарага дуч бўлишди.

Шернинг қизлари, ҳали ҳам бу оилага садоқатли одамлар борлигини англаб етганларидан кейин, асли исми Солиҳ бўлган, лекин солиҳликнинг яқинига ҳам йўламаган оқ-сарикдан келган, қолган учта шеригига нисбатан баъзан пишиқроқ, пухтароқ йигитнинг калласига (у хорижнинг жангари фильмларини кўп кўрган, доим шу кинолардан илҳомланиб юрарди) ўзларига дастлаб йўлиққан қизни “асир” олиш йўли билангина қутилмаган ғовдан қутулиб қолиш фикри келиб қолди ва Дилоромнинг томоғига тешанинг ўткир тиғини тираб, дарҳақиқат, омон-эсон бу уйдан чиқиб кетишди.

Улар йўл-йўлакай орқаларидан тушган “Жигули”ни кўришди. Лекин таъқиб этувчи бир киши бўлганлиги учун парво қилишмади. Эски шаҳарнинг тор кўчалари бўйлаб бир оз юришгач, пастқам кулба олдида тўхташди. Бу уй Солиҳга тоғасидан мерос эди. Тоғаси хотини билан бир умр шу кичик уйда яшашган, фарзанд кўришмагач, уйни жиянига — Солиҳга мерос қолдиришди. Бироқ Солиҳ бу ерда оиласи билан бир кун ҳам турмади. Аксинча, ўзига ўхшаган ишининг тайини йўқ ошналари билан келиб маишат қиладиган бўлди. Ҳумарилган моллар ҳам аввал шу жойга олиб келинар эди.

Таъқиб қилаётган машина изидан қолмаганини кўрган Солиҳ машинадан тушиб, илжайганча Элдор ўтирган машинага яқинлаша бошлади. Элдор ҳам ҳар эҳтимолга қарши тўппончасини ўнғайлаб қўйди.

— Оғайни, — деди Солиҳ оралиқ масофа икки қадамча қолганида, — юр биз билан, маишат қиламиз. Бизни пойлаб ўтирганингдан нима фойда? Барибир Шер тирилиб келиб, сени сўроққа тутмайди. Тўртта хотиннинг ёнини оламан деб жонингни жабборга беришинг шартми? Ундан кўра, ўзингни ўйласанг-чи, бу тўрт кунлик дунёда маишат қилиб яшаганинг қолади... Яримта бор. Кайф қиламан десанг, унисиданам топамиз.

Элдор жим турса-да, ичида эртасини ўйламайдиган ҳовлиқманинг устидан кулди. Сўнг тўппончасини чиқариб, Солиҳга тўғрилади.

— Мени отиб ташлаганингдан сенга нима фойда? Ҳозир матоҳингнинг овозини эшитишса, анави ойимчангни сўйиб ташлашади. Кейин қош қўяман, деб кўз чиқариб қўйган бўласан, юр ундан кўра, ҳалиям кеч эмас, бир маишат қилайлик.

— Қизнинг бир тола сочи тўкилса, ичагингни бошинга салла қиламан, ҳали сен бизни ким деб ўйлаясан! Агар жонингдан умидинг бўлса, қизни қўйиб юбориб, ўғирлаган нарсаларингни ўз қўлинг билан эгасига обориб бер. Шундаям соғ қолсанг катта гап.

Бу сафар унинг гапига Солиҳ жавоб қилмади. Ортига бурилиб, кета бошлади. Элдор ўзича: “Қўрқди, ҳозир айтганларимни қилади. Керак бўлса яяиниб-ёлвориб гуноҳидан ўтишимни сўрайди”, деб ўйлаган эди. Аммо Солиҳ кулбага кириб кетганча қайтиб чиқмади.

Орадан ярим соат, бир соат ўтди. Элдорнинг сабр-косаси тўлиб, юрагида ҳадик пайдо бўлди. “Нима қилаяпти ўзи булар? Нега мен қўлимни қовуштириб ўтирибман? Хўжайинга нима деб жавоб қиламан?” дея ўйлади ва машинадан тушиб кулба томонга бир-икки қадам босганча тўхтади. Аввал Икромга, бошқа йигитларга ўзининг қаердалигини билдириб қўйишни маъқул топди.

Икром етиб борганида Элдор дарвоза ёнида у ёқдан-бу ёққа юриб турар эди. Хожасининг келишини кутмаган Элдор Икром кўриниши билан ранги оқариб унинг ёнига югуриб борди-да, бўлиб ўтган воқеани қисқача гапириб берди.

— Сенлар билан кейин гаплашаман, ичкарига бошла, — деди Икром шотири гапини тугатар-тугатмас.

Элдор эски, бир томонга қийшайган ёғоч дарвозани итарди. Аммо дарвоза очилмади.

— Буз! — буйруқ берди Икром.

Элдор бор кучи билан тепган эди, дарвоза шарақлаб очилиб кетди.

— Шуниям тузукроқ қулфлаёлмаган экан, нимасига қароқчилик қилишади? — дея Икром мийиғида кулиб ичкарига кирди-ю, аллакимларнинг хохлашиб кулишаётганларини эшитди. Деразасиз, икки табақали эски эшикни гийқиллатиб очиб ичкарига кирди. Хона торгина, деворлари қорайиб кетган, ўртада кичкина хонтахта, унинг устида ёғ босган қозон, хонтахта атрофида ўтирган

тўртовлоннинг бири қўйиб бири қозонга қўлини тикади, майда тўғралган гўштни оғзига солиб ҳузур қилганча чайнайди. Эски шолча устида иккита шиша бўшаб ётарди. Майшатхўрлар эшик очилиши билан шу томонга қарашди.

— Эй-й, — деди кайфнинг зўридан кўзи қисилган Солиҳ Икромга тикиларкан, — буниси ким бўлди?

— Ҳов, — деди луқмасини чайнаётган Солиҳнинг шерикларидан бири, — онангнинг уйига келдингми?! Сўрамайсанми киришдан аввал?

— Одамга ўхшаб ўтирсанглар ўласанларми? — деди Икром гўё унинг гапига эътибор бермаган киши бўлиб.

— Бизга мана шунақаси ёқади, кайф қиламиз, бошқача кайфни билмаймиз, тушундингми, довдир, ўзингга бу ерда пишириб қўйибдими? — деди Солиҳ истар-истамас ўрнидан тураркан.

— Ана, — дея Икром хонтахта устидаги қозонни кўрсатди, — пишириб қўйибсанлар-ку, ризқим бўлса еб кетарман деган умидда келдим-да.

— Вой, баччағарнинг боласи, — деди Солиҳ тиржайиб, — зўрсан-ку. Ҳе йўқ, бе йўқ, текинхўрлик қип кетаверасанми? Ҳеч бўлмаса яримта-паримта кўтариб келмадингми?!

— Мана яримта! — дея икки ҳатлашда унинг ёнига борган Икром Солиҳнинг қорнига тепиб юборди.

Кутилмаган зарбадан нафаси чиқмай қолган Солиҳ букчайганича шолчага кулади. Буни кўриб Солиҳнинг шериклари оёққа турди. Улар энди Икромга ҳамла қилмоқчи бўлишганида, эшикдан бирин-кетин Икромнинг йигитлари кириб келишди. Уларни кўриб майшатпарастларнинг нафаслари ичларига тушиб кетди.

— Аввал яхшилаб ҳаммасининг ақлини киритиб қўйинглар! — буюрди Икром.

Бирпасда уй тўс-тўполон бўлиб кетди. Босқинчиликнинг эпини қилолмаган Солиҳнинг шериклари муштлашувни ҳам қойиллатишолмади. Чотлари-ю жағларига тушган зарбалардан кўзларидан ўт чиқиб, бирин-кетин, гарчи ўзига келган эса-да, калтақдан қутулиб қолиш мақсадида инқиллаб ётган Солиҳнинг ёнига кулашди. Бироқ бу билан қутулишмади. Бир-биридан қаттиқ, бир-биридан ортиқ оғриқ берувчи тепкилар обдон сийлади.

— Бўлди, — деди Икром бирор фурсат ўтганидан кейин.

— Энди авжимиз келганди, хўжайин, — деди Элдор ҳансираб, — яна озгина тузлайлик.

— Етади, — дея Икром энгашиб, Солиҳнинг сочидан гижимлаб ушлади. — Би-ир туриб юборсинлар-чи!

Ҳамон ўзини ниҳоятда бечора, нимжон кўрсатишга уринаётган Солиҳ инқиллаб, ҳарсиллаб нафас оларкан, кўрқа-писа Икромга ер остидан қаради.

— Қани анави қиз? — деди Икром унга еб қўйгудек тикилиб.

— Нариги хонада, лекин... тегинмадик. Овқат бердик. Яхши ўтирибди. Кечиринг, бир қошиқ қонимдан ўгинг, билмасдан...

Унинг гали оғзида қолди — Икром юзига чунонам туширдик, гурсиллаб чалқанчасига шерикларининг ёнига қулади.

— Ҳаммаёқни титинглар! — деди йигитларига Икром ўзи ташқарига чиқаркан.

Дилором кўшни хонада қўллари боғланган ҳолда ётар, кўп йиғлаганидан қовоқлари шишиб, кўзлари қизарган эди. Унинг қўлидан етаклаб ташқарига олиб чиқишаётганида, ҳали қутқарилганига ишонмаган қиз остонада қоқилиб йиқилиб кетай деди. Шунда унинг нимжонгина “аҳ” деган овози эшитилди. Икром қизнинг аҳволини кўриб, юраги эзилди. Ич-ичидан ўксик бир нидо келиб, ўзига-ўзи қасам ичдики: “Энди Шернинг оиласидагилар кўзида нам бўлмайди”. Дилором Икромнинг ёнига келганидан кейингина бошини кўтарди ва қаршисида яна халоскорини кўриб, кўзи тинди. Лабида маъюсликка йўғрилган табассум пайдо бўлди. Шу ондаёқ унинг оёқлари бўшашиб, гавдасини кўтаролмай қолди ва қиз секин ерга ўтирди. Қизга кўмак бермоқ ниятидаги йигитларини Икром “тегинманглар”, қабалида қўлини ҳавода қимирлатиш билан тўхтатди ва ўзи қизнинг қўлидан ушлаб тортди. Дилором ўзи севган, жонини беришга ҳам тайёр бўлган йигит қўлидан ушлаганига чексиз хурсанд бўлиб нигоҳини унинг кўзига қадаб ўрнидан турди, қўллари Икромнинг елкасига қўйди.

Самандар тўдалар ичидаги вазиятни билиш мақсадида атайлабдан Абдуҳамидга тегишли бўлган чойхонага борганди. Доим эътибордан четда юргани сабабли, ҳеч ким уни танимади. Яна биров кимсан, қаердан келдинг, деб суриштирмади ҳам. Аслидаям қиморбозлик учун (албатта, майда қиморбозлик) йиғилганларнинг кўпчилиги бир-бирини танимасди. Тўдаларнинг одамлари эса қимор ўйнамаётган, ўзларининг дарду касаллари билан овора эдилар. Лекин мутлақо қутилмаганда Абдуҳамиднинг пайдо бўлиши, устига-устак қимор ўйнагиси келиб қолгани, бу ҳам камлик қилгандай, айнан унинг ёнига ўтиргани Самандарни анча довдиратиб қўйди.

— Бу ёқда, — дея чойхона ичини кўрсатди Самандарни чақирган йигит, у чорпоядан тушиб икки қадам юрар-юрмас.

— Кирганини кўрмай қолибман-да, — деди Самандар илжайиб.

— Шунақа бўлса керак.

Самандар ичкарида ким чақирган бўлса ҳам аввал савол-жавобга тутади, деб ўйлаган эди. Бироқ ортидан эшик ёпилар-ёпилмас орқа миясига теккан зарбадан ўзини ўнглаёлмай юзтубан гурсиллаб йиқилди-ю, ҳамма ўйлаганлари бекор эканлигини, Абдуҳамид уни таниб қолганини англаб етди. Ваҳоланки, у янглишганини айни дақиқада билмасди. Абдуҳамиднинг йигитлари атайлабдан бир-икки мушт тушириб унинг кимлигини билиб олмоқчи эдилар.

Биринчи муштнинг оғриғи кетар-кетмас, қорнига яна битта тепки келиб тушди. Самандар инқиллаганча, букчайиб қолди.

— Кимсан? — дея сўради шундан кейин Абдуҳамиднинг шотири унинг устига энгашиб.

— Мен... — дея ингради Самандар афтини буриштириб. — Мен... нима қилдим?

— Кимсан, деб сўраяпман?

— Оли-и-им, дедим-ку!

— Нега биз сени танимаймиз?

— Биринчи марта келишим бу ерга.

— Аввал қаерда ўйнардинг?

— Ҳеч қаерда. Қўни-қўшнилари... — дея Самандар қорнини маҳкамроқ гижимлади. — Қўшнилари билан озгина, ҳар-ҳар замон ишдан кейин ўйнаб турардим.

— Қаерда турасан?

— Ипакчиликда.

— Кулоққа лағмон осма, — деб Абдуҳамиднинг шотири унинг сочини гижимлади. — Ҳар битта ёлғон гапинг учун жавоб берасан.

Самандар навбатдаги ёлғонни ишлатишга улгурмасдан Абдуҳамид кириб келиб, ерда чўзилиб ётган йигитга ижирганиб қаради.

— Ипакчиликда тураман деяпти. Исми ўша-ўша — Олим, — деди шотири хожасига.

— Ипакчиликми? Ҳм-м. Унда Мамат шиқирни танийсанми? — дея сўради Абдуҳамид қўлини чўнтагига тикиб.

— Қайси бири? — деди Самандар оғриқ қўйиб юборган эса-да, баттар букчайиб.

— Ипакчиликда ўнта Мамат шиқир борми?! — деди бу сафар Абдуҳамид пўписа билан.

— Иккита, биттаси умуман кўрмайди. Иккинчисининг лақаби шунақа.

— Вой афирис, Мамат шиқир Фаллалида туради-ку! Ҳали сен мени лох қилиб кетмоқчимисан?! — дея Абдуҳамид унинг биқинига тепиб юборди.

— Им-м! — деб юборган Самандар чуқур-чуқур нафас ола бошлади.

— Эй, мараз! — деди жаҳл отига минган Абдуҳамид. — Нега қасамхўрлик қилаяпсан, мен йўқ одамни сўраяпман!

— Ока, — деди Самандар ўзини абгор аҳволда кўрсатиб, — мен сизни қаттиқ ҳурмат қиламан. Лекин Ипакчиликда шундай одам бор бўлса, мен нима қилай?

— Шунақа де, — дея илжайди Абдуҳамид ва шотирига қараб кўз қисиб қўйди-да: — Узр, ука, кўзимга сал шубҳали кўриниб кетдинг-да, бўп туради бунақанги англашилмовчилик. Давай, энди ўрнингдан тур. Баҳона қилма. Қаттиқ тепганим йўқ.

Самандар инқиллаб-синқиллаб қадини ростлади-да:

— Ока, сиз мени вообше урмадингиз. Ўзим йиқилиб

тушдим. Шу, бир хил пайтлари оёғим чалишиб кетади. Ёшлигимдан қолган касаллик...

— Оббо баччағар-эй, зурсан-ку, унда бу ер сенинг жойинг эмас. Уйингга кетавер. Бошқа кемагин. Кейин, касалинг бор экан. Мошина-пошинанинг тагида қолиб кетмагин. Манави аканг, — дея шотирини кўрсатди у, — сени обориб қўяди.

— Раҳмат, ока, — деди Самандар қуллуқ қилиб, — ўзим...

— Хафа қилаяпсан яна. Менинг даргоҳимга келганлар уйларига соғ-саломат, бирор жойлари тилинмасдан етиб олишлари керак. Сенинг бўлса, чалишиб кетадиган касалинг бор экан. Кўчага чиқиб, ғиз-ғиз қатнаётган мошиналардан бирортасининг тагига йиқилиб тушсанг нима бўлади... Ўзинг-ку, майли, айбинг бор. Лекин бечора шопирниям бола-чақаси борлигини унутма-да.

“Ҳа, тулки, — дея ўйлади Самандар, — яна нима каромат кўрсатмоқчисан? Тузоғингга осонликча илинадиган аҳмоқ йўқ”.

— Майли, — дея бирдан хомуш тортди у, — ока, сиз нима десангиз шу.

— Боринглар энди Ипакчиликка.

Самандар Абдуҳамиднинг иккита йигити билан аввал ҳовлига, ундан кейин бирор юз қадамча наридаги катта кўчага чиқди. Уни Абдуҳамиднинг йигитлари ўзи билан бирга яёв кетишаётгани ажаблантирди. Бўлмаса, чойхона ёнида уч-тўртта машина турар, шуларнинг камида иккитаси Абдуҳамидга тегишли эди. Ўй-хаёли баттар чигаллашди. У Абдуҳамиднинг аввал калтаклаб, сўнг осонгина қўйиб юборганига ҳечам тушунолмаётган эди.

— Мошиналаринг бузилиб қолганга ўхшайдими? — деди Самандар ўзини қувноқ кўрсатишга уриниб.

— Мошинанинг кераги йўқ, сени такси-паксига чиқариб юборсак ҳам бўлаверади, — дея жавоб қилди унга йигитлардан бири.

— Унда қолаверинглар, ўзим кетавераман, ҳар қалай, ёш бола эмасман.

Унинг гапидан негадир йигитлар ҳиринглаб кулишди. Самандар ҳам уларга қўшилиб илжайди. Кўзи эса йўлнинг нариги томонидаги эски телефон будкасида эди. У ерда бирга келган шериги турарди.

Самандар уни кўриқчиликка қўйиб кетган, бирор икки соат ичида чиқмасам, бориб хабар оласан, деб тайинлаганди. Бироқ битта-яримтасини етаклаб келаман, деб айтмаганди. Шу боисдан ҳам йигит Самандарни “дум”лар билан кўриб, шошганча беш қадамча нарида турган машинаси томон кета бошлади.

Абдуҳамиднинг шотирлари такси тўхтатишмади. Йўл четига чиқишгач, чўнтаklarидан сигарета олиб тутатишга улгурмасларидан, сариқ рангли “Волга” келиб ёнларидан тўхтади.

— Ипакчиликкача обориб қўясизми? Пули қанча бўлади? — деди Самандар йигитлардан илдамроқ ҳаракат қилиб машинанинг очиқ деразасидан бош суқаркан.

— Қаёққа ҳовлиқаяпсан? — деди Абдуҳамиднинг шотирларидан бири унинг тепки еган биқинидан ғижимлаб ушлар экан. — Чиқ, ўзимизнинг мошина.

— Эй, шунақа демайсизми, ока, — деди Самандар ўзини хушчақчақ кўрсатишга уриниб.

— Яхшигина ҳовлиқма бола экансан...

Йигит қолган гапини айтишга улгурмай, Самандар бор кучини билагига жамлаб чунонам унинг юзига муштладиди, рақибни орқасига тисарилиб кетди. Шериклари нима бўлаётганига ҳали ақллари етмасдан Самандар жони борича қочар экан, “Мошинани ҳайда! Мошинани ҳайда!” дея шеригига қичқирди. Секин жойидан жилган “Жигули” Самандар ўтирганиданоқ шиддат билан олға интилди.

— Шаҳар ташқарисига ҳайда! — деди ҳансираб нафас олаётган Самандар ҳайдовчига. — Итдан тарқаганларга бир ўйин кўрсатайлик. Ундан кейин биледи мени уришнинг оқибати нима билан тугашини.

— Уч киши. Учаласи ҳам бақувват, кучимиз етмайди. Яхшиси, қочиб кетганимиз маъқул, — деди унга жавобан шериги.

— Айтганимни қил!

— Хўжайинга...

— Ишинг бўлмасин у ёғи билан, ўзим жавоб бераман. Нима, юрак йўқми?!

Йигит Самандарга қовоғини уйганча қараб қўйди-да, тезликни оширди. Самандар бир муддат уни ўз ҳолига қўйди. Сўнг йўлдан кўзини узмаган қўйи:

— Секинроқ ҳайда, йўқотиб қўйишмасин. Ҳисоб-ки-тобни эртага қолдиришни истамайман, — деди.

— Келишаяпти қуюндай! — дея йигит ойнага қараб олиб. — Озгина секинлатсам шаҳардан чиқиб кетмасимиздан етиб олишади.

— Унда худди мана шу масофани сақлаб бор. Ўзим айтаман қачон секинлашишни. Ҳа, тўппонча қани?

— Бардачокда.

Бир-бирини қувиб бораётган машиналар ўн беш дақиқа ичида шаҳардан ташқарига чиқиб кетди. Самандар ўтирган машина икки марта қизил чироқдан ўтиб одам уриб юборишига озгина қолган бўлса, “Волга” битта мотоциклни туртиб ўтди.

— Энди секинлат, мошинани йўлнинг ўртасига ол, ўнг томонимиздан қувиб ўтишсин, — деди Самандар қўлидаги тўппончани кўздан кечирар экан.

“Жигули”нинг тезлиги сустлашиши билан “Волга” етиб келди. Самандар ён ойнани туширди-да:

— Хуш келибсизлар, азаматлар! — деб қичқирганча шофёрни мўлжаллаб тепкини босди.

Абдуҳамиднинг шотирлари унда тўппонча бўлишини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Самандарни қочгани учун яхшилаб адабини бериб, яна Абдуҳамиднинг қаҳридан қутулиб унинг олдида юзларини ёруғ қилмоқчи эдилар.

Масофа яқинлиги сабаб Самандар нишонда адашмади. Ўқ “Волга” ҳайдовчисининг пешонасига келиб санчилиши билан у машина бошқарувини йўқотди ва шу ондаёқ ҳаёт билан видолашди. Айни чоғда қочаётганлардан ўч олишга ҳам улгурди: машина “Жигули”нинг олдига қарсиллаб урилди...

* * *

Карим уловидан сакраб тушиб, икки ҳатлашда Дилдоранинг ёнида пайдо бўлди. Қиз ҳали ўзига келолмаган, титраб ранги оқариб турарди. Каримнинг пайдо бўлишидан у бутунлай довдираб қолди. Кўзлари пирпираб йиғлашни ҳам, йиғламасликни ҳам билмай, нималар бўлаётганини англаёлмай, қаршисидаги йигитга термилди.

— Ў-ў, ойимча, — деди қовоқлари осилган, кўзларидан ўт чақнаган Карим Дилдоранинг биллагидан ушлаб, — кимни ҳақорат қилдинг?!

— Мен... Сиз... Нима гап?! — деди қиз унинг гапидан кейин бир оз ўзига келиб.

— Дарров эсингдан чиқардингми?! Нима, ўзингча, мендан зўр қиз йўқ дунёда, деб юрибсанми?! Мен-чи, сендақаларни фақат маишат қилиш учун оламан, лекин одам ўрнида кўрмайман, сендақалардан уйимдаги ит афзал, тушундингми?! Ит!

Дилдора ҳайратдан бутунлай донг қотди. Юрагидаги кўркув ўрнини қаҳр-ғазаб эгаллади.

— Кўйворинг! — дея Каримнинг кўлини силтаб ташлади. — Унда ана шу итингизга уйланиб кўяқолинг, нега мени ҳоли-жонимга кўймай, кунда ойнингизни уйга жўнатасиз?!

— Вой манжалақи, ҳали сенинг балодай тилинг ҳам бор эканми?! Менга тегмадингми, демак, бошқа ҳеч кимга хотин бўлмайсан! Сени ўзим бузмасам, отимни бошқа кўяман! — дея бўкирган Карим Дилдорани машинаси томонга судрай бошлади.

— Кўйворинг, кўйворинг, ким бор, одамлар! — дея чинқиришга тушди қиз.

Унинг овозидан кўрқиб кетган Карим қизнинг кўлини қайирганча, белидан қучоқлаб кўтариб олди-да, машинаси ичига итариб юборди. Қиз аввал бошини эшикка урди, кейин бошини буришга улгуролмай, юзи билан ўриндиққа тушди.

— Расвонгни чиқараман! — дея дўқ урган Карим эшикни қарсиллатиб ёпди-да, ҳайдовчи ўриндиғи томонга югурди. У то етиб бориб жойига ўтиргунча қиз ўзига келиб, эшикни очди. Машинадан тушиб бирор беш қадамча қочишга улгурди, холос, унинг қочаётганини кўрган йигит баттар ғазабланди. Кўзига ҳеч нарса кўринмай, сакраб тушиб юрганча Дилдорага етиб олиб, сочидан гижимлаб ушлади.

— Вой! — дея қиз бақириб юборди.

Карим болохонадор қилиб сўкинганча, Дилдорани ўзига қаратиб юзига муштлади. Умрида калтак емаган қизнинг кўзидан ўт чақнаб кетди ва боши айланиб чалқанчасига қулади.

— Ифлос, эндиям қочиб кўр-чи?! — дея чинқирган Карим қизни кўтариб олиб, машинанинг орқа ўриндиғи-

га ётқизди. — Энди ниятимга етаман?! — деди у сўнг хунук иржайиб. Лекин машина эшигини очаётиб олдинга қаради-ю, қотиб қолди. Унинг қаршисида икки нафар аёл, мўйсафид чол ва ўн саккиз-ўн тўққиз ёшдаги ўсмир билан турарди. Карим бир оз саросималанди. Сўнг кўрққан олдин мушт кўтарар қабилида:

— Сенлар нима қилиб турибсанлар?! Текин томоша тугади. Йўлдан қочинглар! — дея овозига зўр берди.

— Ў бола, — деди мўйсафид муштлашишга чоғланган ўсмирни тўхтатаркан, — сен у қизни нега мажбурлаб олиб кетаяпсан?

— Хотиним бўлади бу! Ишларинг бўлмасин нима қилаётганим билан. Хоҳласам эркалайман, хоҳласам дўппослайман, — деди Карим ва шошганча машинага ўтирмоқчи бўлди.

— Ҳали у қиз эрга теккани йўқ-ку, биз унинг ота-онасини яхши таниймиз, — деди мўйсафид Каримга яқинлашар экан.

— Энди унаштирилдик. Яқинда тўйимиз бўлади, тушундингизми? Вообщее, нега бировларнинг ишига бурнингизни тикаяпсиз?!

— Унаштирилип, ҳали хотининг бўлди дегани эмас. Дарров мошинадан тушир.

— Ни-ма?! Яна нима қилай, қочинг йўлимни тўсманг, — деди Карим ва машина эшигини очди.

Бу пайтда мўйсафиднинг ёнидаги аёллар бири қўйиб, бири қарғанар, ҳар икки гапларининг бирида қизни туширишни талаб қиларди. Йигитча эса Каримнинг гирибонидан бўғиб олди.

— Бўпти, — деди уларга бас келолмаслигига кўзи етган Карим ва йигитчанинг қўлини юлқиб ёқасини бўшатди-ю, кўзи важоҳат билан югуриб келаётган Баҳромга тушиб, агар қочиб қолмаса ер билан битта бўлиши тайинлигига ақли етди. Шу боисдан “қаҳрамон” машинаси қолиб кетаётганига ҳам қарамасдан, жуфтакни ростлади. У имкон қадар тез югурар, лекин негадир қадими унмаётгандай эди, орқасига бир-икки ўгирилиб, Баҳромнинг ундан тезроқ югураётганини кўрди. Агар шунақа чолиб турса ҳадемай унга етиб олиб, аччиқ устида қора қонига белаб ташлаши, оёқ-қўлини синдириши ҳеч

гап эмас ва ҳатто важоҳатидан уриб ўлдириши ҳам кўри-
ниб турар эди. Карим югуриб кетар экан, аввал ўзини-
ўзи сўкди, сўнг бирорта милиса чиқиб қолишидан умид
қилди. Аммо яқин-орада уларнинг қораси кўринаверма-
гач, дуч келган одамга: “Анавини ушлаб қолинглар! Мени
ўлдирмоқчи бўлаяпти!” — дея бақриб чопа бошлади.
Лекин уларнинг бирортаси ҳам ёрдам бермади. Фақат
унинг ортидан анграйганча қараб қолаверди... Охири ти-
нимсиз тамаки чекканлиги, меҳнатнинг яқинига ҳам йўла-
маганлиги ўз кучини кўрсатди: ўпкаси бўғзига тиқилиб,
оёқларидан дармон кетганча тўхтаб қолди. Баҳромнинг
ҳам аҳволи уникидан яхши эмас, бироқ шайтон ақлини
ўғирлаган, жаҳл отига маҳкам ўрнашиб олган ака калтак
ейишдан кўрқиб ётиб олган Каримни юзинг-кўзинг де-
май тепкилашга тушди. Ҳар зарба тушганида Карим
инграса-да, тепкилар унчалик ҳам кучли эмас, йиқилиб
ётган “шоввоз”га кўпам оғриқ бермаётганди. Карим Баҳ-
ромни баттар қутуриб кетмасин, деган ўйда ўзини ниҳо-
ятда қаттиқ азобга дучор бўлгандай кўрсатаётганди. Ҳимо-
ясиз, фақат қорнинигина кучоқлаб ётавериш охири унга
қимматга тушди. Баҳром нақ бурнига тепди. Каримнинг
кўзидан ўт чақнаб, ўкириб юборди. Бурнидан қон оти-
либ чиқди. Баҳром эса шундан кейингина уни калтак-
лашни бас қилиб, қўлини орқасига қайираркан, болахо-
надор сўкинганча ўрнидан турғазди. Сўнг Каримни ма-
шинаси томон судраркан:

— Онангни... Агар Дилдорага бирон нима бўлган бўлса
ўша жойнинг ўзида сўйиб ташлайман! — дея пўписа
қилди.

Улар етиб боришгунча аёллар Дилдоранинг юзига сув
селиб ўзига келтиришган, қиз нималар бўлаётганини би-
лолмай, вужудидаги оғриқдан юм-юм йиғлар эди. Аёллар
эса унга нотаниш бир йигитнинг қандай ташлангани,
ургани, сўккани ва машинага итқитгани ҳақида тинмай
гапиришар, қиз шўрликни баттар ташвишлантиришарди.

Баҳром Каримни судраб машина ёнига олиб борди-да:

— Нима қилди бу ифлос?! — деб синглисидан сўради.
Аммо Дилдора пиқиллаб йиғлаб тураверди. Унинг ўрни-
га аёллар билан мўйсафид чол Каримга нисбатан
нафратларини қўшиб, бўлган воқеани баён қилишди. Бу

гаплардан кейин ўзини босолмаган Баҳром “бўлмай қолган куёв”нинг қорнига яна бир-икки марта муштлади. Ўсмир йигитча ҳам қараб турмади. Чунки мўйсафид ҳақоратланган, бунга эса ёввойи кучга тўлган йигитчанинг бардоши етмаслиги аниқ эди. Баҳром етиб келмасидан бурун у иккиланган, кучига ишонмаганди.

Каримни абгор аҳволда машинасига ўтқазиб, ҳайдаб юборишди.

Баҳром синглисини елкасидан қучганча уйига йўл олди. Яхши гапириб, Дилдорани овутишга ҳаракат қилди. Аммо қиз ўксиниб, ўпкаси тўлиб йиғлайверди.

— Қара бунга, — деди у уйга етиб борганидан кейин хотинига, — яхшилаб юзини ювиб, упа-пупангдан суртиб қўй.

Дилдоранинг аҳволини кўрган Нафисанинг ҳуши бошидан учди.

— Вой ўлмасам, вой ўлмасам, нима бўлди, ким қилди? Қайси номарднинг иши бу?!

— Ишинг бўлмасин! — деди хотинининг дийдиёларидан аччиғи келган Баҳром. — Сен тезроқ бунинг юзини бир бало қилиб, кўкарганини йўқ қил, ойим келгунича билинмай кетсин.

Аммо юзнинг шишлари дарров тузалиб қолмаслигини Баҳромнинг ўзи яхши биларди. Лекин на илож, бошқа айтадиган гап йўқ эди, гапирса кўнгли бир оз хотиржам тортадигандай бўлганди.

Ошхонага кириб музлаткични очди-да, қачонлардир очилиб озгина ичилган ароқни олиб, столга қўйди. Бирор муддат ичсамми-йўқми, деб ўйланиб турди. Ҳатто шишани нарироққа суриб ҳам қўйди. Йўқ, ўзига келолмади, ҳаяжони босилмади. Пиёлани ароққа тўлдирди-да, бир кўтаришда ҳаммасини ичиб қўйди. Ичи бир оз қизиди. Лекин боши айланмади. Кўнгли таскин топмади. Ва у яна бир пиёла ароқ ичди. Ҳам очлик, ҳам асабининг бузилгани сабаб ичимлик дарров таъсир қилиб, маст бўла бошлади. Аксига олиб худди шу маҳал дарвозадан олдинма-кетин ота-онаси кириб келишди. Дарвозанинг кичик табақаси очиқлиги боис, кўнғироқ чалинмади, шу боисдан касалхонадан қайтганларни кутиб олувчи бўлмади. Ҳатто Абдулазиз ака уйда меҳмон бормикан, деб ҳам

ўйлади. Хонасига ўтаётиб ошхонада пешонасини столга қўйиб ўзича гўлдираётган ўглини кўрганидан кейин эса ҳайрон бўлди.

— Баҳром... Баҳром! — дея уни чақирди.

Ўғил бошини кўтариб кўзларини қисганча падарига қаради.

— Ҳа, нима бўлди? — деди Абдулазиз ака ўглини биринчи марта бунақа аҳволда кўриб турганидан тааж-жубланиб. — Ичдингми дейман?

— Ада, ҳаммаси зўр. Ишлар беш. Бундан кейин доим шундай бўлади. Бирортаси бизга қарши чиқолмайди...

Унинг гапларидан Назира опа кулди ва эрига қараб:

— Эсингиздами, сиз ҳам бир марта шунақа маст бўлиб келганингизда, тебраниб бир балоларни гапирган эдингиз? — деди.

Шу гапининг ўзиданоқ ўғлининг мастлигидан хотинининг хафа бўлмаганини сезган Абдулазиз ака Баҳромни койимади. Хотинининг елкасидан беозор қучиб, хонаси томон етаклади.

Қайнота-қайнонасининг келганини, уларнинг Баҳром билан гаплашганидан сезган Нафиса Дилдоранинг хонасидан югуриб чиқиб, салом берди. Сўнг Назира опа билан кучоқлашиб кўришди.

— Яхши ўтирибсизларми? Дилдора қани? — деди Назира опа келинининг елкаси оша қизининг эшиги томонга қарар экан.

— Бир оз боши оғриб турганди, мен билан гаплашиб туриб ухлаб қолди, — деди Нафиса жилмайишга уриниб.

— Яхши, ҳаммаси зўр, Дилдораям зўр... — деган овоз келди ошхонадан.

— Товба, — деди Назира опа емакхона томонга қараб оларкан, — нима жин уриб, ичиб юрибди?

— Қайдам. Чарчаган шекилли, — дея жавоб қилди келин худди айбдордай нигоҳини ерга қалаб.

— Ишқилиб, гап таланиб қолмадингларми? — деб келинига синчков тикилди қайнона.

— Йў-ў-ў-қ, — деди кўрқиб кетган Нафиса, — уришмадик, ҳечам мани уришмайди.

— Майли, илойим, ҳамиша шундай бўлсин, — деди Назира опа келинининг гапларидан хурсанд бўлиб.

Қайнота-қайнонаси ичкарига кириб кетганидан кейин Нафиса шошганча ошхонага кирди ва эрининг аҳволини кўриб капалаги учди. Тезда бориб қўлтигидан кўтарди.

— Туринг, ойижон келди. Хафа бўлаяпти. Уйга киринг, туринг, — дея Баҳромга ялина бошлади у.

— Кўй... Кўявер, — дея гудранди Баҳром. — Менинг ҳам фаришта эмаслигимни кўриб қўйишсин.

— Жинни бўлдингизми? Эндигина қасалхонадан чиққан бўлса... Асабини бузиб бўлмайди, турсангиз-чи!

Ҳар тугул Баҳром маст бўлса ҳам ақлини буткул йўқотмаган эди. Онасининг қасалхонадан келганини эслаб, хотинига суйанганча ўрnidан турди, гандираклаганча Нафиса билан бирга ётоғига кирди.

* * *

Карим уйига етиб бориши билан ювиниш хонасига кириб юз-кўзларини ювди.

— Тинчликми?! — сўради ўғлининг моматалоғи чиққан юзини кўрган она жон-пони чиқиб. — Нима аҳволда юрибсан?!

— Пул олиб чиқинг, мамашка, тез бўлинг! — деб унга бақирди кўзи қонга тўлган Карим. — Кимлигимни уитдан тарқаганлар билишмабди. Онангни... Ўлдираман!

— Кимлар?! — деди йиғламоқдан бери бўлган онаси.

— Намунча кўп гапирдингиз! Ким бўларди, анави қанжиқнинг оқаси-да! Ўша дабдаламни чиқарди! Ўлдираман! Нега қаққайиб турибсиз, опчиқмайсизми пулдан! Разборга бераман мен уни! Калласини опкелиб оёғингизнинг тагига ташлайман! — дея чираниб бақира бошлади Карим.

— Ўзингни бос, болам. Қамаб қўйишади сени!

— Вой, бунча эзмаланмаса бу хотин! Адам келмасларидан опчиқинг, ишимни битириб келмасам, туролмайман бу уйда!

Кейинги қичқириқ бутун хонада акс-садо берди. Аёл ўғлининг важоҳати тобора ваҳшийлашаётганидан қўрқиб, пилдираганча иккинчи қаватга чиқди-да, хонасига кириб бир даста пулни ўғлига олиб келиб берди.

— Эҳтиёт бўлгин, ўзинг ҳеч нарсага қўлингни урма. Тез қайт! — деб тайинлади сўнг ўғлига.

Карим Шернинг хизматини қилиб юрадиган бир йигит билан таниш, аниқроғи, анча-мунча қалин эди. У ўшани мўлжал олган, “Пулни обориб берсам, у менга Баҳромнинг бошини совға қилади”, деган хаёлда эди.

* * *

Икром бирор фурсат қизнинг кўзига тикилиб турди. Лекин аста-секин айниётган хаёлини дарров жиловлаб олди-да:

— Кетдик, — деди жилмайиб, — уйингизга обориб кўяман.

Унинг “кетдик” деган сўзи Дилоромга қанчалик хуш ёққан бўлса, кейинги гаплари дилини шунчалик хира қилди. Шу боисдан нигоҳи ўзгарди: қарашларида норозилик акс этиб, Икромнинг ортидан зўрма-зўраки эргашди. “Балки йўл-йўлакай, қарорини ўзгартирар. Ёки ўзим, мени бошқа жойга оборинг. Ўзингизга тегишли бўлса яна яхши деб айтарман”, деб фикр қилди. Аммо Икром бошқа машинага ўтирди. Ўтираётиб ҳатто ортига — Дилоромга қараб ҳам қўймади. Бундан қизнинг жиғибийрони чиқди. Алам билан тепиниб қўйди. Икромнинг шотирлари унинг бу қилиғидан ҳайрон бўлишса-да, бироқ тиш ёриб сўрашга ботинишолмади.

— Анавиларни нима қиламиз? — деди Элдор машиналар юришидан аввал хожасининг ёнига келиб.

— Менимча, уларнинг анча ақллари кириб қолди. Иккинчи марта бирон нима қилишдан аввал яхшилаб ўйлаб кўришади. Шунинг учун қолдираверинглар.

Икром Санобар опанинг гапларини эшитгиси келмай, Дилоромларнинг уйига кирмади. Санобар опанинг нима дейишини олдиндан билар, мақтовга ҳуши йўқроқ эди. Бундан ҳам муҳимроғи, Дилоромдан эртароқ қутулиш ниятида эди. Уни кўрса, у билан гаплашса, ғалати бир аҳволга тушар — ўзини айбдордай ҳис қиладиган бўлиб қолганди. Шу боисдан ҳам орадан бир-икки кун ўтказиб келишни режалаштирди.

Шотирлари Дилоромни уйига олиб кириб кетишганларидан кейин ҳайдовчига уйга ҳайдашни буюрди.

У Соли томонидан инъом қилинган уйга етиб бориб машинасидан тушар-тушмас, Самандарнинг фалокатга учраганлиги хабарини етказишди.

— Ўзи тирикми?! — дея бақириб юборди Икром саросимада.

— Касалхонага олиб кетишди. Лекин олдига ҳеч кимни киритишмаяпти. “Волга”нинг шофёри пешонасидан ўқ еб ўлган эмиш, — деди хабарчи йигит. — Авария шундан кейин содир бўлган.

— Кимлар экан улар?

— Абдуҳамиднинг одамлари. Ҳозирча бор хабар шу. Касалхонадаям унинг одамлари изғиб юришган экан.

— Шуниси камлик қилиб турувди... Анави мени даволаётган дўхтир қани?! — деди кайфияти бутунлай бузилган Икром.

— Ичкарида кутиб турибди. Сизнинг туриб кетганингиздан хафа...

— Эй, хафа бўлган онасини... Чақир бу ёққа, — деб Икром пешонасини тириштирганча ҳовлидаги сўрига омонат ўтирди. Сўнг энди етиб келган Солини қўли билан имлаб ёнига чорлади.

— Лаббай, хўжайин, — дея бир зумда Соли ёнида ҳозир бўлди.

— Ҳозир анави дўхтир билан касалхонага борасан. Самандар яна қовун тушириб қўйибди. Хуллас, нима гапсўзлигини аниқла. Фақат кўзинга қара, яна сенам Самандарнинг ёнига чўзилиб ётиб олма, — деди Икром ҳовлиқиб гапириб.

— Хўп бўлади, — дея жавоб қилди Соли итоаткорлик билан.

— Абдуҳамиднинг болалари изғиб юришганмиш... Иложини қилсанг, Самандарни олиб чиқ. Уқдингми?.. Ўзи нима бўлганини Довуд етиб боргунларингча айтиб беради, — дея Икром ўзига хабар етказган йигитнинг исмини тилга олди.

Икром гапириб бўлиши билан дўхтир унинг ёнига қўлида шприци билан келди. Икром унинг юзига тикилиб, ўзидан хафалигини кўрди-да, газаби кўзиди. Лекин жаҳлини сиртига чиқармай, тиржайди.

— Дўхтир, — деди чуқур сўлиш олиб, — менга бошқа ёрдамнингиз керак. Укол... Бугунча қилмасангиз ҳам бўлаверади. Отдай бўп кетдим... Ҳозир касалхонага борасиз. Бир йигитимиз аварияга учрабди. Хуллас, кириб унинг аҳволини билиб чиқиб берасиз.

— Мениям ўзингизнинг сафингизга кўшиб олмоқчимисиз? — деди врач норози бўлиб.

Икром унга ёвқараш қилди. Жони ҳиқилдоғига келиб турган бир вазиятда врачнинг оғзидан бунақа гап чиқиши асабини баттар ўйнатиб юборди. Шундай эса-да, ўзини мажбурлаб кенглик қилди.

— Аллақачон, — деди у мумкин қадар юмшоқ гапиришга уриниб, — кўшилиб бўлгансиз. Қаторимиздан бир қадам чиқсангиз, яхши бўлмайди. Хафа бўп қоламан. Энди ҳамма гапга тушуниб бўлгандирсиз? Тушунган бўлсангиз, боринг, айтилган ишни қилинг.

Врачнинг топшириқни адо этишдан ўзга чораси қолмаган эди. Яна битта гап гапирадиган бўлса оқибати нима билан тугашини у англагани. Шу боисдан ҳам бошини қимирлатиб розилигини билдирди ва Икромдан кетишга изн сўраб, рухсат теккач, шитоб билан Солининг ортидан эргашди.

Икром уйга кириб, тўшакка чалқанчасига ётди. Ишининг фақат чаппасига кетаётганидан, бирор кунни шодхуррам ўтказмаётганидан сиқилди. Ҳаммасидан воз кечиб, ҳай-ё ҳайт, деб боши оққан ёққа кетишни ҳам хаёл қилди. Аммо қилинмаган ишларини, айниқса ҳали Дилдорага етишиши лозимлигини ўйлаб, шу ондаёқ ниятидан қайтди. Ва чигалликдан чиқиб кетиш йўлларини қидира бошлади. Бир оз ўтиб хаёл суришдан ҳам зериккач, шотирларидан бирини ёнига чақириб, егулик билан ароқ олиб келишни буюрди.

Ичимлик таъсирида бир оз хаёли тиниқлашгандан кейин ухлаб қолди. Туш кўрди... Негадир Дилдоранинг — севган қизининг юзи қон, тинимсиз йиғлармиш. Икром унга гапирса, аразлаб юзини тескари ўгирармиш. Кейин қиз туман орасига кириб кўздан ғойиб бўлди. Икром унинг ортидан бориш учун қанча интилмасин, оёқлари жойидан қимирламас, чақирай деса овози чиқмасди. У шу ҳолатда пешонасини реза-реза тер босиб уйғонди. Уйғонди-ю, уйни қоронғилик эгаллаб олгани боис, қаерда ётганини билолмай саросималанди. Атрофига олазарак боқди. Дилдорани қидирди. Кейин бирдан хаёли жойига келиб, чуқур нафас олганча яна жойига чўзилди. Бироқ кўп ётолмади. Ўрнидан туриб, ташқа-

рига чиқди. Шотирларидан бири унинг ҳовлида пайдо бўлганини кўриб, ёнига югуриб келди.

— Соли қайтиб келдимиз? — сўради Икром.

— Қайтмади. Хавотир олдик. Лекин сизнинг рухсатингизсиз бориб хабар олиб келолмадик.

— Уйғотиш керак эди... Майли, бир оз кутайлик. Агар келавермаса... кўрамиз, — дея Икром бориб сўрига чиқди. Шу пайт уйдан телефоннинг жиринглаган овози эшитилди. Икромнинг йигити югурганча уйга кириб кетдида, бир оздан кейин ҳовлиққанча қайтиб чиқди:

— Ока, Соли телефон қиляпти.

Икром ўрнидан чаққонлик билан турганча, шошиб уйга кириб, гўшакни олди.

— Ока, — деган овоз келди гўшакдан, — Самандар билан анави Мурод ҳам бор экан касалхонада. Икковиям комада ётибди. Абдуҳамиднинг учта йигити ҳам ўлган. Ментлар ҳам бор. Абдуҳамид шулар билан бирга юрибди.

— Вой мараз-э, — деди Икром ғазабланиб, — итлик қилаётган экан-да.

— Нима қилайлик, хўжайин? Опчиқишнинг ҳечам иложи йўқ. Болалар қаттиқ кўриқланаяпти... Бунинг устига, олиб чиққан тақдиримиздаям ярим йўлга етмасдан икковиям тамом бўлади.

— Бирорта ҳамширани қўлга ол. У икковидан ҳам хабар олиб турсин. Ўзига келиши билан олиб кетиш йўлини қил.

— Абдуҳамид ўлдириб қўйса нима қиламиз?

— Ўлдирмайди. Унинг одамлари ўлган бўлса, Самандарнинг комадан чиқишини кутади, аввал нима бўлганини аниқлайди. Ундан кейин йўқотиши мумкин. Дўхтир қаерда?

— Мен билан бирга.

— Қўйиб юбор... Йўқ, тўхта, аввал ҳамширани илин-тиришга ёрдам берсин. Ундан кейин жавоб беравер. Тушундингми? Лекин ишни “тоза” қилинлар!

— Хўп бўлади.

Икром гўшакни қўйди. Хаёлига боши-кети йўқ, бири-бирдан чигал ўйлар келаверди. У муаммодан чиқиб кетиш йўлини топгандай эди. Лекин айнан қайси йўл би-

лан чиқиб кетишини ҳал қилолмаётган эди. “Самандар, Самандар...” дея ўзининг энг яқин ёрдамчиси исмини такрорлаб, бўсағада талай муддат туриб қолди. Сўнг бирдан юзи ёришиб кетди. У ўйлаганини топган эди. “Абдуҳамидни чалғитиш керак. Чалғитишнинг ягона йўли — уйида бесаранжомлик келтириб чиқариш. У касалхонадан кетади. Сўзсиз, шотирларидан ҳам уч-тўрттасини ўзи билан олиб кетади... Балки ментлар ҳам унга эргашишар. Ундан кейин бир ҳамла билан... Самандар ўлмайди. Ўлишига йўл қўймайман. Дўхтир кетиб қолмаслиги керак!” У бир қарорга келиб:

— Элдор! Элдор! — дея ҳовли томонга бақирди.

Дарвозахонада шериклари билан гаплашиб турган Элдор югуриб Икромнинг ёнига келди.

— Мошинада тез бориб Солини топгин-да, тайинла. Анави дўхтирни уйига қўйиб юбормасин... Йўқ, яхшиси, менга телефон қилсин. Фақат тез бор. Тушундингми?!

Элдор бошини қимирлатиб машина тарафга югуриб кетди. Икром эса ҳовлининг у бошидан бу бошига бориб келиб режасини янада пиштаверди. Агар унинг ўйлагани амалга ошадиган бўлса, чигал вазиятдан силлиққина чиқиб кетишига ишончи комил эди. Шунинг учун ҳаяжонланар, тез-тез чуқур нафас оларди. Ора-чора устози Қора девнинг руҳидан нажот тилар, унинг ўлганига афсусланарди. Айниқса, устозининг: “Мумкин қадар ҳамма нарсани иссиғида битириш лозим”, деган гапини эслаганидан кейин баттар ҳаяжонга тушди. Вақтни бой бериб қўймадиммикан, деган ўйдан хавфсиради. Охири ҳаяжонига, ичидаги шубҳа-гумонларга ортиқ бардоши етмай, шотирларига ароқ олиб келишни буюрди. Бироқ ичкилик бу сафар аввалгидай муаммолар гирдобидан олиб чиқмади, балки янада баттар ўйга чўмдирди.

— Соат неча бўлди? — дея сўради у ҳовли бўйлаб юришда давом этаркан.

— Ўнга яқинлашиб қолди, — дея жавоб қилди шотир.

— Намунча секин ўтаяпти? — деди Икром ўзига ўзи гапириб. — Бошқа пайтлари киприк қоқишга улгурмайсан, вақт зувиллаб ўтиб кетади.

Ниҳоят унинг оёқлари толди, бунинг устига, яраси

ҳам безовта қила бошлаганди. У биқинига — яраси устига қўлини қўйиб, Маҳфузани эслади. Хаёлида уни яхшилаб сўкмоқчи бўлди-ю, лекин тийилди. Қизга ичи ачиди. Унинг ўрнига ўзини қўйиб кўрди. Ва қизнинг юз карра ҳақ эканлигига имон келтирди. Ахир, Икром бундан баттарини қилган бўларди-да... Аслида, қиз ҳақида ўйлашнинг ҳозир вақти эмаслигини у жуда яхши биларди. Лекин вақтнинг имиллаётганидан сиқилиб, чалғиш йўлини топгандай бўлди.

Орадан яна йигирма дақиқалар ўтганидан кейин телефон жиринглади. Икром шотиридан олдин бориб, гўшакни ўзи олди.

— Хўжайин, — деди Соли, — Элдор билан кўришдим...

— Менга қара, дўхтирни қўйиб юборма. У керак бўлади. Самандар билан Муродни бугуннинг ўзида олиб кетамиз. Ярим тунда.

— Тушундим. Дўхтир биттасини топди. Эски таниши экан. Учраб қолди.

— Яхши бўпти. Кут... Соат ўн икки яримларда кўнғироқ қил.

Шу билан Икром алоқани узиб, ёнида қотиб турган шотирига бошқа йигитларни йиғиб келишни буюрди. Кўз очиб-юмгунча йигитлари жам бўлди. Икром уларга бир-бир синчиклаб қараб чиқди. Бари жиноятчи, бари кимнингдир бурнини қонатган, аслида шундан бўлакка ярамай қолган одамлар. Ора-чора савоб ишларгаям қўл уриб туришади. Лекин савоб эканлигини ўзлари билишмайди. Кўпроқ уларнинг савоб ишлари обрў орттириш учун бўлади-ю, лекин обрў келмайди, у савобга айланиб кетади. Обрў Икромга келади. Ана борса, Самандарга, Солига келади. Лекин шотирлар шундан ҳам қуруқ қолиб кетаверишади. Аммо ўрни келса, Икромга ҳам чап бериб кетишлари мумкин. Лекин ҳозир эмас. Ҳозир тўдадан ажраса, уларни Абдуҳамидга ўхшаган бўрилар бир-бир еб ташлашади. Улар айнан шундан кўрқишади. Шунинг учун ҳам, керак бўлса, бошларини бириктириб турган Икромнинг товонини ялашга ҳам тайёр туришади.

— Бугун ҳаммамиз бир терлаймиз... Сенлар, — дея Икром тўртта бақувват шотирини қўли билан кўрсатди,

— Абдухамиднинг уйига боринглар. Аввал унинг йигитларини қўлга олинглар. Улардан бири хўжайинига телефон қилсин. Аҳвол чатоқлигини, уй ёнаётганини айтсин. Кейин телефон симини узиб ташланглар-да, Абдухамиднинг етиб келишини кутинглар... Қолганлар мен билан бирга боради. Демак, соат бир яримда чиқиб кетамиз. Унгача дам олинглар.

Ҳамма тарқалиб, Икромнинг ёлғиз ўзи қолди. Телевизорни ёқиб, кино кўрди. Лекин фильм кўнглига ўтиришмади. Кўрпачага чўзилиб Дилдорани ўйлади. Кўрган тушини ўзича таъбирлади. “Дилдора мени соғинган бўлса керак”, деган якуний тўхтамга келди-ю, аммо унинг юзи қонагани дилини хира қилди. “Агар биронтаси тегиш у ёқда турсин, яқинроқ ўтган бўлсаям калласини оламан!” дея ўзига-ўзи онт ичди.

Ўзи айтганидай соат миллари тунги бирдан ошганида у йигитлари билан машинага ўтирди. Аммо дарвозадан чиқиши билан машина рўпарасида пайдо бўлган Дилоромни кўриб, таажжубланди. Қиз юпун кийинганидан қонушиб, жавдираб турарди.

* * *

Полвон Абдухамид ҳамма шотирларини олиб кетганига ишонч ҳосил қилганидан кейин ошхонага кирди-да, музлаткичдан ароқ, газак олиб столнинг устига қўйди. Стулга ўтириб, қўлини мушт қилиб пешонасига тиради. Аввал мана шу каталакдай уйга қамалиб, ўзининг назарида, ўта пасткаш одамлардан яшириниб ўтиргани учун газаби қўзиди. Кейин ўксинди, кўзига ёш қалқди. Ўзини бечора-нотавон ҳис этиб, аччиқ устида пиёлани ароққа тўлдирди-да, бир кўтаришда ичиб юборди. Сўнг аламига чидаёлмай қўлидаги идишни ерга уриб, чил-чил синдирди. Йўқ, кўнгли барибир жойига тушмади. Баттар тўлиқиб кетиб, ўкириб юборди. Овози деворларга урилиб, акс-садо берди. У бундан қўрқиб кетди. Душманлари унинг овозини эшитиб қолишдан эмас, аксинча унинг ожизлигини билиб, устидан кулишларидан қўрқди. Ва бўшашиб столга бошини қўйди-да, бир оз шу тахлитда ўтиргач, ўрнидан сакраб туриб кетди.

— Бунақаси кетмайди, — деди ўзига-ўзи гапириб, — ўладиган бўлсам, эркаклигимча ўлай. Менинг устимдан

ҳеч ким кулмасин... Тўхта... Тўхта, нега бекордан-бекорга ўлиб кетаверарканман... Мен ўлмайман! Менинг ўлишимга ҳали анча қовун пишиғи бор. Аввал ҳаммасининг шохини синдираман. Ундан кейин... Кейин ҳам кўп яшайман. Маишат қилиб яшайман.

У ўзининг гапларидан ўзи хурсанд бўлиб кетди. Ва кулимсираб яна ароққа ёпишди. Сўнг ётоқхонага ўтиб кийимларини алмаштирди. Тўппончасини сумкага жойлади-да, ясама мўйлов-соқолини ёпиштирди, бошига оқ ясама сочини кийиб, қўлига ҳасса олди. Энди Полвонга ўхшамайдиган бутунлай бошқа одам пайдо бўлди. У ойнадаги аксига қараб кулди ва кўрсаткич бармоғи билан пешонасига уриб:

— Бунақанги бошни етти иқлимдан кундуз куни чироқ ёқиб ҳам топиб бўлмайди, — деди.

Юришини ҳам ўзгартириб — оқсоқланганча ташқарига чиқди. Йўлакда икки нафар йигит сигарет чекиб гаплашиб туришарди. Улар Полвонга ижирғаниб қараб қўйишди-да, яна ўзларининг гаплари билан овора бўлишди.

Полвон уларнинг нега бу ерда турганини, кимнинг одами эканини, мақсадлари нималигини яхшигина англади. Танишмаганидан қувониб кетди. Ақлининг ҳали ҳам панд бермаётганидан, ҳали ҳам кўпчиликни ипсиз боғлаб кетишга қурби етишидан юраги тўлқинланди. Бироқ унинг кўриниши ниҳоятда ачинарли, қайғули эди.

У оқсоқлана-оқсоқлана рўпарасидаги кўп қаватли уйнинг орқасига ўтди-да, енгил тортиб бемалол юриб кетди. Катта йўлга чиқишига беш-олти қадам қолганида, ўзига таниш бўлган “Жигули” у томонга бурилди. Полвон йўлакнинг ўртасига чиқиб олиб, яна “чўлоқ” бўлиб олди. Машина уни уриб юборишига бир қадам қолганда “ғийқ” этказиб овоз чиқарганча тўхтади.

— Ҳов сассиқ чол! — дея машина деразасидан бошини чиқариб бақирди Пўлат. — Ўлгинг келдими?!

— Кечирасан... Кечирасан! — дея Полвон илдам юриб ҳайдовчининг ёнига борди. — Биттагина сассиқ винога пул бериб кетолмайсанми, болам?

Пўлат унинг оғзидан келаётган ароқ ҳидидан афтини буриштирди.

— Бомж экансан-ку. Ипирисқи, йўқол бу ердан, бўлма-са ҳозир онанг...

— Қулогим яхши эшитмайди, яна бир қайтар гапингни, — деди Полвон хаста овозда, ичида Пўлатнинг ўзини танимаётганидан қувонди.

— Йўқол-э, итдан тарқаган! — деб Пўлат машинага газ берди. Аммо уловини бир метр ҳам юрмасдан тўхта-тишга мажбур бўлди. Чунки “чол” ҳассаси билан машинага туширган эди.

Пўлат машинадан сакраб тушиб унинг энди ёқасидан олганида чолнинг олайган нигоҳига кўзи тушиб, юраги орқага тортиб кетди.

— Ҳозир онангни яхшилаб кўзингга кўрсатиб қўяман, мол! — деди Полвон жаҳл билан.

— Ия! Хўжайин! — деди бирдан шошиб қолган Пўлат. — Танимабман. Узр. Кечиринг.

— Мошинани орқага бур. Ҳозир сенга кўрсатаман, танимаслик қанақа бўлишини! — деб Полвон шотири-нинг юзига тарсаки тортиб юборди-да, орқа эшикни очиб ўтириб олди.

— Қалай? — деди Мавлон тиржайиб улар бир оз юрганларидан кейин. — Боплабманми?!

— Лекин, хўжайин, гап йўқ. Ўлиб кетай, агар грамм таниган бўлсам, — деди Пўлат ҳам илжайиб кўзгу орқали хўжайинига қараб оларкан.

— Мана шунақа. Танитмай қўяман... Ҳалиям бахтинг бор экан. Йўқса ўлиб кетар эдинг.

Пўлат унинг гапига тушунмай хожасига қаради.

— Абдуҳамиднинг болалари подъезд ёнида туришибди. Менимча, сени қидириб келишган. Ҳозирча бошқа жойга бориб турамиз.

— Бўлди, хўжайин... Лекин анави ишимиз ҳам зўр бўлди. Абдуҳамид билан Икром вообше ит-мушук бўп қолишди.

— Яхши, улар бир-бирининг гўштини еб туришсин. Биз қараб турамиз. Вақти келганидан кейин икковиниям секин жойрастонига жўнатамиз... Айтганча, кеннойингдан хабар олдингми?

— Ҳа, бориб келдим. Кеннойим икки-учта шубҳали одам уй атрофида ўралашиб юрганини айтди.

Полвон талай муддат ўйланиб қолди. Хотинини, болаларини кўз олдидан ўтказди. У ўттиз бешга кирганидан кейин уйланганди. Шу боис, катта фарзанди энди ўн учга кирди. Хотини ҳам ёш. Туйқус хаёлига: “Абдуҳамид ёки Икром менинг ишимни — Шернинг қизларига кўрсатган қилиқларимни қилиши мумкинми?” деган ўй келди. Агар уларнинг ҳар иккаласи ҳам чин дилдан қасдланмаса, бунақа иш хаёлларигаям келмайди. Бунинг устига, хотини унчалик ҳам кўзга яқин эмас, болаларни эса... Қийнаши, азоблаши, гаровга олиши мумкин, лекин ундан нарига ўтмайди. Ўлдириши... Бундан манфаат йўқ.

— Адашмасам яхшигина дачанг бор-а? — деди Полвон бир оз сукутдан кейин.

— Бор, — дея жавоб қилди Пўлат йўлдан кўзини узмай.

— Ўша ёққа ҳайда.

— Бўлди, гап йўқ... Бу ёқда...

— Озгина дам оламан. Бир-икки кундан кейин кен-нойингни болалар билан бирга олиб борасан. Унгача битта-яримтасини обориб тур. Ёлғиз ўзим бир жойда туrolмайман, зерикаман... Ўзинг ҳам кўзимга кўринма, йигитларга айт, улар ҳам дам олишсин. Куч йиғишсин. Шаҳар озгина тартибга келганидан кейин қайтамыз. Унгача сен билан мени ҳаммаси унутиб бўлишади.

* * *

— Аҳмоқ, — деди қизни кўрган Икромнинг асаби бузилиб. — Пишириб қўйибдимиз бунга?

У машинадан тушиб, қизга бир сўз демай қўлидан етаклаб дарвозадан ичкарига кирди.

— Мана шу ерда ўтир. Тентак! — деди у изига қайтаркан. Шу пайт Дилором билагидан ушлаб қолди. — Яна нима истайсан? — дея ортига бурилди йигит.

— Мени ҳам ўзингиз билан бирга олиб кетинг, — деди қиз унга жавдираб қарар экан.

— Сенга нима бор? Айтдим-ку, қимирлама деб. Мен тезда қайтаман.

Дилором ёлғиз ўзи ҳайҳотдай ҳовлида қолди. Унинг нияти бир дунё эди. Уйига кирмай, индамай кетиб қол-

ган Икромдан аламини олмоқчи, унга қўрқоқлигини айтмоқчи эди. “Қани ўша севган қизингиз, нега мени алдаб юрибсиз? Мен ўшандан қаттиқ севаман сизни. Менга ўл десангиз, шу пайтнинг ўзида юрагимга тиф санчиб, ундаги муҳаббатни сизга кўрсатаман”, демоқчи эди. Шу боисдан ҳам онаси-ю, сингилларини ухлатиб ҳеч кимга билдирмай уйидан чиқиб, гарчи кўча қоронғи, хийла хавфли бўлса-да, Икромни қидириб келганди. Аммо ҳамма ўйлаганлари чиппакка чиқди. Тағин Икром уни ёлғиз ташлаб кетди, ҳайҳотдай, кимсасиз ҳовлида. Қўрқадиям деб ўйламади. Шунчалик ҳам номард йигит бўладими? Инсоф деган нарсадан зиғирча бўлсин, борми ўзи?

Дилором хўрлиги келиб йиғлаб юборди. Дарвозага сунганча ўтириб қолди. Кафти билан кўзидаги ёшни артар экан, бир хаёли Икромдан воз кечиб кетмоқчи бўлди. Лекин бир оз ўтиб ниятидан қайтди. Ўрнидан туриб, ҳовли томонга олазарақ тикилди. Қорайиб турган дарахтлар, узум сўриси унинг кўзига жудаям хунук кўринди. Гўё ҳозир меваларнинг ҳаммасига жон битади-ю, устига бостириб келадигандек туйилди. Бу ўй ваҳимасидан оёқларидан дармон кетиб, қалтираб кетди. Қиз бир-биридан ваҳимали ўйлар гирдобида уйга яқинлашар экан, дарахтнинг шохлари шамолда шитирлади. Дилоромнинг юраги товонига тушиб кетди гўё. Аъзойи бадани музлаб, қўрқа-писа сас келган томонга қаради. Ана шу маҳал “қийқ”, дея сайради зулматдаги бедор бойўғли. Қиз унинг ёқимсиз овозидан адойи тамом бўлди. “Ойижон!” деди ингроқ товушда ва бирданига югуриб бориб уйга кирди-да, эшикни қарсиллатиб ёлиб, зулфиндан маҳкам тортиб туриб қолди...

Икромнинг қалбида қўрқув деган туйғудан асар ҳам йўқ, мумкин қадар режалаган ишини эртароқ битиришни мўлжалларди.

Машиналарда фақатгина ҳайдовчилар қолишди. Қолганлар эса касалхонани чор томонидан ўраб, аста-секин яқинлаша бошлади.

Абдуҳамидга эса бу пайтда шотирлари қўнғироқ қилиб, уйига ўт тушганини айтишган эди. У қуюндай учиб чиқиб машинасига ўтирди, унинг ортидан шотирлари билан милиционерлар югуришди. Самандар билан Муродга қоровулликка эса бор-йўғи иккитагина йигит қолди.

Абдуҳамид ўтирган машина хастахонадан ҳали узоқлашмай туриб, Икром бошлиқ йигитлар ҳужумга ташланишди. Улар шунчалик тез ҳаракат қилишдики, хастахонага кираверишдаги қоровул чолдан тортиб, навбатчи врач билан ҳамширагача довдираб қолишди. Абдуҳамиднинг одамлари гарчи ўзларини йўқотиб қўйишмаган бўлишса-да, қаршилиқ кўрсатишмади. Жонлари ўзларига ширин кўринди. Шу боисдан беш-олти ниқобли йигитга Самандар ётган палата эшигини ўзлари очиб беришди. Лекин Икромнинг йигитлари уларнинг оёқ-қўлларини боғлаб, оғизларига латта тиқишди.

— Соли, — деди Икром Самандар билан Муродни машинага олиб келиб ётқизишганларидан кейин, — буларга қараган врачниям олиб келинглар. Уйга етгунимизча кўз-қулоқ бўлиб боради.

Соли машиналарга ўтириб кетишга шай бўлиб турган йигитлардан иккитаси билан хастахонага кириб кетиб, бир зумда навбатчи врачни етаклаб келди.

— Кўрқманг, — деди Икром унга қараб, — сизга ҳеч нарса қилмаймиз, фақат бизга ёрдамингиз керак. Беморларингизга манзилга етгунча қараб борасиз. Ўзимизда дўхтир бор, лекин сиз буларнинг касалини яхши биласиз.

— Укажон, — деди ранги бўздай оқариб кетган дўхтир, — мен навбатчиман, холос. Врач бошқа одам...

— Агар, — деди қони қайнаган Икром, — больницада мазаси қочиб қолганида, ўзининг дўхтири келишини кутиб ўтирармидинг... Мана шу икки бола яшаса сен ҳам яшайсан, йўқса ўзингдан кўр!

Врачни баттар титроқ босди. У не бир умидлар билан хастахонага қаради. Кейин чорасизликдан рози бўлди.

Машинанинг қанотсиз учишига яраланганларнинг уришиб қолишидан хавфсираган Икром рухсат бермади. Шундай бўлса ҳам машина йўлда қаттиқ силтанди. Бундан жаҳли чиқиб кетган Икром ҳайдовчини болохонадор қилиб сўқдики, бошқаларнинг нафаслари ичларига тушиб кетди. Врачнинг кўзига эса бу тўданинг бошлиғи ўта шафқатсиз, қайсар кўринди. Шу боисдан ҳам ўзини қаёққа олиб кетишгаётганликларини билиш учун бирор марта бўлсин ташқарига қараб қўймади.

Ниҳоят улар манзилга етишди. Касалларни тезда буш хоналардан бирига ётқизишди. Шундан кейин икки дўхтир обдон уларнинг ҳолатини текширишди. Натижа ижобий чиқди ва уларнинг юзига қизиллик югуриб, хуш-хабарни тўдабошига етказишди.

Икром енгил нафас олиб:

— Хайрият, — деди, — энди яшаб кетади. Яшамаганига қўймайман ҳам. Сиз бўлсангиз, — деб хастахонадан бирга келган врачга юзланди у, — керакли дори-дармонларни ёзиб беринг. Ундан кейин йигитлар обориб қўйишади. Лекин қаерга келганингиз, кимлар сизни олиб кетгани тўғрисида бировга оғиз оча кўрманг. Агар гуллаб қўйсангиз, оқибати ёмон бўлади. Ҳар қалай, уйингизда азиз фарзандларингиз тонг отишини, дадалари келишини интиқлик билан кутишаётган бўлса керак, а?..

— Тушундим, — деди дўхтир бошини қимирлатиб, — раҳмат сизга.

— Нега раҳмат деяпсиз?

— Ўлдиришни буюрганингизда нима қилардим?

— Бизда орқалик қиладиган одат йўқ. Айтилган гап — гап. Бўпти, ишни тезлаштиринг, вақт кетаяпти.

— Мен-чи? — сўради Икромнинг шахсий врачига айланиб қолган иккинчи дўхтир.

— Сиз эрталабгача ҳеч қаёққа кетмайсиз. Навбатчилик қиласиз. Эрталаб шароитга қараб иш қиламиз.

Икром улар билан бошқа гаплашмай, йигитларининг ёнига кетди. Унинг Абдуҳамиднинг уйига борган шотирларидан сўрайдиган нарсаси кўп эди. Нима иш қилганликларини ипидан игнасигача сураб билиши керак эдики, бирорта жойда хатога йўл қўйган бўлишса, тезда тузатиш чорасини кўриш лозимлигини биларди.

У эринмасдан тафсилотларни эшитди. Ҳаракатда нуқсон кўрмади. Шундан кейингина бир оз дили ёришиб, ўзининг хонасига қайтди. Ухламоқчи бўлиб кўрпачага чўзилди. Бироқ уйқуси келмади. Юраги безовта бўлиб, қандайдир хавф устига бостириб келаётгандай туйилаверди. Лекин ўрнидан турмай, у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилди. Бўлмади. Кейин ўрнидан туриб ўтирди. “Ухлашим керак, йўқса, эртага кун билан бошим оғриб, ланж юраман”, дея ўйлади. Ва қайтадан ўрнига чўзилди.

Кошки мизғий олса, боши ёстиққа тегиши билан юраги ҳаприқиб кетаверди.

Ўрнидан туриб чироқни ёқди. Деразадан ташқарига қаради. Бирорта шотири кўриниб қолса, Солини чақиртирмоқчи эди. Аммо ҳеч ким кўринмади. “Шуларга маза. Ҳеч нарсани ўйламайди. Фамсиз, ташвишсиз”, деган хаёл ўтди миясидан. Кейин бошини ҳам қилиб, у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. Эртанги кун режасини тузди. Абдуҳамиднинг алданганини сезганидан кейин қандай йўл тутиши мумкинлиги тўғрисида бош қотираётиб, бирдан хаёли қочди.

— Бу ерда ортиқча туриш мумкин эмас, — деди у ўзига ўзи гапириб, — врач, ҳеч кимга айтмайман, дегани билан барибир Абдуҳамид зуғумга олса, бўлган воқеаларнинг барини оғзидан гуллаб қўяди. Ана, мендан кўрққанидан шу ергача келди-ку. Демак, бу ердан эртароқ кетиш керак!

У шошганча ташқарига чиқиб, Солини чақирди. Йигитлари у ўйлаганчалик қотиб ухлаб қолмаган экан. Югуриб чиққан йигитлардан бири хожасининг ёнида ҳозир бўлди.

— Ҳаммани уйғот! Тез бўл, кетамиз бу ердан, — деди Икром шошиб.

Йигит ҳеч нарсани тушунмай унга анграйганча бир оз қараб қолди.

— Қулоғинг том битганми?! — бақирди унинг ҳалиям турганини кўрган Икром. — Бор тез, айтганни қил!

Шотири ортига бурилди-да, икки қадам ташлаб тўхтади ва хожасига ўгирилиб:

— Ока, анави Шернинг қизи одамни хит қилиб юборди. Келганимиздан бери сиз билан гаплашаман, деб туриб олган, — деди.

— Мен билан битта мошинага чиқади. Кейин гаплашамиз.

Орадан ўн дақиқа ўтар-ўтмас ҳамма йигит тўпланди.

— Яхши, — деди буйруқни бериб хонасига кириб кетган Икром ташқарига чиқиб, — ҳамма тарқасин. Керак бўлсанглар ўзим чақиртириб оламан. Фақат тўрт киши қолади...

— Икромжон, — деди тонггача навбатчиликни бўйни-

га олган дўхтир, — касалларни олиб кетолмаймиз. Шундоғам уларни бир марта безовта қилдик. Ҳалеб у ердан бу ерга кўчаверсак, оқибати яхши бўлмайди. Айниқса, Самандар деган укангизнинг аҳволини яхши деб айтдик. Аслида ҳақиқатан ҳам шундай. Лекин уни бошқа жойга олиб кетадиган бўлсак, мен унинг ҳаёти учун жавоб беролмай қоламан. Аनावи кетган дўхтир ҳам бошқа бирор жойга силжитманглар, дея тайинлаб кетди.

Унга тикилиб турган Икромнинг кўзларидан ўт чақнади. Бироқ айна лаҳзада унинг қўлидан ҳеч нарса келмасди. Бу эса уни баттар ғазаблантирарди.

— Отбой, — деди у йигитларига қараб, — ҳамма шу ерда қолади. Эрталабгача кутамиз. Кейин бир гап бўлар...

Икром хонасига қайтиб кириб кетганидан кейин йигитлар бир-бирига ҳайрон бўлиб қарашди. Уларнинг юзларида норозилик кайфияти бор эди. Икромга қўшилганидан бери жон ҳовучлаб юриш уларни озурда қилиб қўйган эди. Шу боисдан ҳам йигитлар талай муддат тарқалмай туриб қолишди.

— Нима гап? — деди уларнинг кайфиятини сезган Соли. — Буйруқни эшитмадингларми? Айтилдими — бажар ҳамманг!

Шотирларнинг бор умиди Солидан эди. Агар у ҳозир, жонга тегиб кетди бу машмаша, токайгача бунинг қошқовоғига қараб юрамиз, йўқотайлик, деганида борми, йигитларнинг ҳаммаси жон-жон деб рози бўлишарди. Энди эса ноилож тарқалишга мажбур бўлишди.

Икром уйга кирганидан кейин ароққа ёпишди. У қанча қидирмасин, бош оғриғидан қутулишнинг бошқа чорасини топа олмади. Кўп ўтмай маст бўлди. Муаммолари бутунлай йўқолиб кетиш ўрнига, тоққа айланди. Уни ҳал қилишнинг бирор чораси кўринмади. Бўғзига йиғи тикилиб турган бир пайтда, ҳали-ҳамон ухламаган Дилором кириб келди.

— Сиз, — деди унга кўзини зўрға очиб қараган Икром, — нега келдингиз?

— Сизнинг ёнингизга, сизни истаб келдим... Нега бунчалик ичиб олдингиз? — деди қиз йигитга ҳайратланиб қарар экан.

Икром “қўяверинг”, дегандек қўл силтади.

— Нима қийнаяпти сизни? Мен ёрдам бераман. Нима лесангиз ҳаммасини бажараман.

— Ҳмм... Ҳмм... — тобора боши оғриб кетаётган Икром бир сўз айтолмади.

— Ўзимнинг жоним! Севгилим... — туйқусдан Дилором йигитни кучоқлаб олди ва аста бошини ёстиққа қўйиб, лабидан нозик ўпич олди. Шунинг ўзига-да қалби қувончга тўлиб ҳаприқиб кетди. Икром эса ҳеч нарсани сезмас, кўзи уйқуга кетганди. Унинг пишиллаб нафас олаётганини кўрган Дилором жилмайганча секин ёнига ётди. Икромнинг қўйлаги тугмаларини ечиб кўкрагини оҳиста силади ва чуқур хўрсиниб қўйди.

* * *

Шотирларининг бир гўдакка алданиб, ўлиб кетишганидан жони ҳалқумига келган Абдуҳамид Самандар билан унинг шериги тезроқ ўзига келиши учун пулини аямади. Шаҳарнинг энг машҳур дўхтирини бошқа касалхонадан олиб келтирди. Дўхтирнинг оғзидан чиққан энг ноёб дориларни ҳам тезликда топтирди. Операциянинг бошида шахсан ўзи турди. Фалокат рўй берган жойга тезда етиб бориб тирик қолганларни бу ерга олиб келган ГАИ ходимлари ва бир нечта милиционер эса унинг айтганини қилиб туришди. Буйруқ шундай берилган эди уларга.

Семён Эдуардовичнинг Москвадаги амалдорларга сўзи ўтар эди. Вақтида улардан бир нечтасининг тилини қисик қилиб қўйган, энди ана шу одамларга қўнғироқ қилиб, Абдуҳамиднинг “керакли одам”лардан эканлигини туншунтирди. Амалдорлар аввалига ўзларини у ёқ-бу ёққа ташлаб кўришди. Семён сиқувни кучайтиргач, ноилож кўнишди ва ўзларидан пастки поғонада турадиган касбдошларига сим қоқиб, Абдуҳамидни асраш, лозим бўлганда, унга кўмак бериш лозимлигини тайинлашди.

Албатта, булардан Абдуҳамид хабарсиз эди. Шундай бўлса ҳам, ўзининг тили билан айтганда, “мент”ларнинг буйруқларига ҳозир нозир бўлишларидан юқорида нимадир бўлаётганидан англаб етди. Шунинг учун ҳам гўдаийиб юрди. Бир неча марта дўхтирларни жеркиб, сўкди. Лекин хастахонадан кетмади. Ўзига алоҳида хона қилди-

риб, ўша ерда ётди. Майхўрлик қилар экан, кўзга яқин ҳамширалардан олиб келиб ишрат қилгиси келди-ю, бироқ ўзини босди: обрўсини ўйлади.

Ярим кечаси қўнғироқ қилишганида у маст уйқуда эди. Шотирларининг хабаридан эсхонаси чиқиб кетди ва уйига учди. Бориб билдики, ҳаммаси ёлғон. Хабаркаш йигитлари эса оёқ-қўллари боғланганча, дарвозахонада хор бўлиб ётишар эди. Уларнинг ожизлигидан, қилиб қўйган ишларидан Абдуҳамиднинг қони қайнаб, шотирларини арқондан халос этиш ўрнига, тепкилашга тушиб кетди. Уни қайтаргувчи одам бўлмади. Пешонасидан реза-реза тер оқиб, ўпкаси оғзига тиқилиб қолгунча тепкилади. Дармони қуриб қолганидан кейингина шовқин-сурондан уйғониб кетиб ҳовлига югуриб чиққан бола-чақасининг ёнига борди. Уларнинг ҳар биридан алоҳида ҳол сўради. Хотини ҳам, болалар ҳам ҳайрон эди. Шу боисдан ҳам Абдуҳамиднинг сўроқларига елкаларини қисиб жавоб қилишди.

— Мараз, — деди Абдуҳамид шундан кейин бир оз ўзига келиб ва дарвозахонага бориб, инқиллаб-синқиллаб ётган шотирларни сўроққа тутди.

— Аввалига, — деди ерда чўзилиб ётган йигитлардан бири, қўли боғлиқ бўлганлиги сабабли бурнидан оқаётган қонни артолмай, оғзи қонга тўлганидан гўлдираб, — дарвозани бир йигит келиб тақиллатди. Болохонанинг дерзасини очиб, кимлигини сўрадим. У касалхонадан — сизнинг ёнингиздан келаётганини, кеннойига зарур гапни етказиши кераклигини айтди. Касалхонани эшитгач, пастга тушиб, дарвозани очдим...

— Вой лақма! — қичқириб юборди Абдуҳамид. — Сўтак, ким нима деса ишониб кетаверасанми?.. Жўмард, Тиртиқ! — бақирди у кўзи қонга тўлиб.

Жўмард унинг ёнгинасида турган эди. Шу боисдан ҳам хожасига бир қараб олиб:

— Лаббай, — деди.

— Шу ердამидинг, айтмайсанми?! Бу иккаласини ҳам йўқот. Қайтиб кўзимга кўринмасин... — деди-ю, ўзи калтаклаган шотирларига тикилиб қолди у. Бир оздан кейин Жўмардга юзланиб: — Ўйин, — дея пичирлади, — ўйин бўлган. Фақат буларнимас, ҳаммамизни лаққа ту-

ширган. Икром! Ўшанинг иши! Мошинага, мошинага чиқинглар, касалхонага, касалхонага тезроқ!.. Ментларга жавоб. Биронтасиям кўзимга кўринмасин. Уларга больницада пишириб қўйгани йўқ!

Абдуҳамид кейинги гапларни айтаётганида бутунлай ўзини унутганди. Бақириси бутун ҳовлини ларзага келтирган, бўйин томирлари бармоқдай бўртиб чиққан эди.

Абдуҳамиднинг қилиқларига тишларини-тишларига босиб чидаб келаётган милиционерлар унинг шаллақи хотинга ўхшаб айтган гапидан кейин бу “эркатой”нинг қўлларини қайириб турмага тиқиб ташламоқчи ҳам бўлишди. Бироқ уларнинг бошлиғи рухсат бермай, “Индаманглар, вақти келса яхшилаб ҳисоб-китоб қилиб оламиз. Бугун унинг куни туғибди, даврини суриб турсин. Эртага қандай аҳволга тушар экан?” деди. Улар индамай ўзларининг машиналарига миниб, кўздан ғойиб бўлишди.

— Роса лақиллатди, ит эмган! — деди Абдуҳамид “Волга”га минганидан кейин алаmidан аъзойи бадани қалтираб. — Лайча қилиб ташлаб кетди у мараз.

— Хўжайин, — деди уни юпатиш учун Жўмард, — балки ортиқча хавфсираётгандирсиз. Балки ҳеч нарса бўлмагандир.

— Бўлган, мана кўрасан, ҳаммаси мен ўйлагандай бўлган! Уф, нега бирдан хаёлимга келмади-я!.. Мараз, бунчалик тулкиликни қаердан ўрганди? Ёки бирорта маслаҳатчиси борми?!

Машиналар катта тезликда йигирма дақиқага қолмай хастахонага етиб келишди. Абдуҳамид ҳаммадан аввал машинадан сакраб тушиб, дарвоза томон югурди. Аммо ичкарига киролмади. Қоровул ўзининг будкаси эшигини очмади. Айни дарвозага ёндош қурилган уйча — қоровулхона орқали хастахонага кирилар эди. Бундан бир соатча бурун қоровул эшикни очиб балога қолганди. Шу боисдан ҳозир юрагини ҳовучлаб, каравотига маҳкам ёпишиб олганча, эшикнинг тарақлаётганини гўё эшитмаётган одамдай нафасини ҳам чиқармай ётаверди.

Абдуҳамид тутоқиб кетганидан эшикни қарсиллатиб тепишга тушди. Йигитлари эса девордан ошиб тушиб, хожаларига йўл очишди. Ўзини бошқаролмайдиган дара-

жада қутурган Абдуҳамид қоровулнинг бошига итнинг кунини солди. Тўғрироғи, бу ишни унинг шотирлари қилишди. Хўжайиннинг ўзи эса хастахонага югуриб кирди. Эндигина бир оз кўнгли таскин топиб уйқусираб ўтирган, эшикнинг шарақлаб очилишидан чўчиб кетган ҳамшира ўрнидан сакраб турди.

— Ким?! Ким келди?! — дея ўкирди Абдуҳамид унинг ёнига шитоб билан яқинлашар экан.

Ҳамшира шошиб қолганидан нима деярини билмай довдиреди. У дудуқланганча бўлган воқеаларни гапиришга улгурмасидан бурун Абдуҳамиднинг кўзи йўлак охирида чўзилиб ётган иккита шотирига тушиб, алаmidан ўкириб юборди. Зеро, унинг уйда ўйлагани айни ҳақиқат бўлиб чиққан эди. Лекин бу сафар у шотирларини урмади. Ҳансираганча уларнинг ёнига етиб борганидан кейин, кўзлари косасидан чиққудай бўлиб ётган шотирларига бир оз тикилиб қолди. Сўнг энгашиб уларнинг оғизларидаги латтани олиб ташлади-да:

— Нима бўлди? — деб сўради мумкин қадар юмшоқ гапиришга уриниб.

— Ўндан зиёд ниқобли одам бостириб келди, — деди йигитлардан бири тез-тез нафас олар экан, — кучимиз етмади.

— Олишдингми? — сўради Абдуҳамид.

— Ҳа, — дея ёлғонлади йигит, — ҳаммаси барзанги экан...

— Ҳеч қаеринг кўкармабди-ку, ит!

— Нукул қорнимизга тепди... Ичакларимиз узилиб кетай деди. Кейин кўплашиб оёқ-қўлимизни боғлаб ташлашди.

— Калтак еганинг ёлғон. Кўзларинг айтиб турибди. Индамай таслим бўлгансан. Эркакмассанлар! — дея ортига ўгирилди Абдуҳамид ва у билан изма-из етиб келган Жўмардга буюрди: — Икковиниям шаҳар ташқарисига олиб чиқиб, оналариникига жўнатинглар!

У тез-тез юриб ҳамширага яқинлашди.

— Навбатчи дўхтир қани?

— Ҳалиги... Ҳалиги... — тили калимага келмай қалтирай бошлади ҳамшира.

— Кўрқманг, ўзингизни босиб олинг, — дея Абдуҳа-

мид стол устидаги графиндан стаканга сув қуйиб, ҳамширага узатди. Ҳамшира ундан кўзини узмаган кўйи киприк қоқмай икки қултум сув ичди.

— Энди ҳаммасини бир бошдан шошилмасдан гапиринг.

— Дўхтир... Дўхтирни олиб кетишди. Аввалига теги-нишмаганди. Кейин учтаси қайтиб келиб...

— Уришдимми?

— Йўқ, уришмади. Елкасига бир-икки марта турткилашди. Кейин пешонасига тўппонча тирашди, кўрқитишди...

— Раҳмат, синглим, энди бирорта хонага кириб туринг, бу ерда бўладиган воқеаларни кўрмаганингиз маъқул, — деб Абдуҳамид тез-тез юрганча хастахонадан чиқиши билан йигитлари навбатчи врачни олдиларига солиб олиб келиб қолишди. Уни кўрган Абдуҳамиднинг бир оз юзи ёришди. Аввалига ҳеч бир сўз демай дағ-дағ титраётган дўхтирнинг халати ёқасини тўғрилаган киши бўлди, сўнг кутилмаганда юзига тарсаки тортиб юборди.

— Ваҳ! — дея шапалоқ тушган афтини ушлади дўхтир. Унинг кўзларида бирдан ёш қалқиди.

Хастахона ҳовлисининг эшиги тепасидаги чироқ ҳаммаёқни ёритиб турарди. Шу боисдан Абдуҳамид капкатта эркак кишининг кўзёшини кўрди. Бироқ юраги тош бўлиб тураверди. Қайтанга ҳиринглаб кулди. Сўнг бирдан жиддий тортиб шотирларига қаради-да:

— Мошинага опчиқинглар, — деб буюрди.

Бечора дўхтир шундай бўлишини олдиндан билган эди, қолаверса, Икром: “Оғзингиздан гулланманг”, деб аввалдан башорат ҳам қилиб берганди. Шунинг учун у мумкин қадар тезроқ етиб келишга ҳаракат қилди. Лекин улгуролмади. Бунинг устига, Икромнинг йигитлари хастахонага икки юз метрча қолганида йўл четига ташлаб кетишди. Дўхтир машинадан тушиши билан касалхона томон бир-икки қадам босди-ю, бирдан тўхтади. Унинг кўзи дарвоза ёнида турган машиналарга тушган эди. “Кечикибман”, деган аламли ўй ўтди унинг хаёлидан ва секин ортига бурилиб, қочишга тушди. Аммо узоқ кетмай, машинада ўтирган Абдуҳамиднинг йигитлари уни кўриб қолишган, йўл четига ўрнатилган чироқлар ёруғи-

да эса ўша машинадан тушиб қолган одамнинг аввал улар томонга юрганини, кейин бирдан изига қайтиб қочганини бемалол илғаш ҳеч гап эмасди. Кўнгилларида шубҳа пайдо бўлган йигитлар илдамлик билан машинани жойидан кўзғатиб, кўз очиб-юмгунча қочоққа етиб олишди ва уни тутиб Абдуҳамиднинг ёнига келтиришди.

— Сен қайси гўрда юрибсан, галварс, шунча касални ташлаб?! — деб сўради Абдуҳамид дўхтирни машинага чиқарганларидан кейин.

— Срочно уйга...

— Иккита касалнинг йўқолганидан хабаринг борми?! — деб уни гапиришга қўймай ўдағайлади Абдуҳамид.

— Кас-сал... Кас-сал...

— Ўзингнинг томинг кетибдими, дейман! Гапир, қайси гўрдан келаяпсан?! Кимни қаерга обординг?! Анави иккита ифлосни кимлар билан больницадан опчиқиб кетдинг?!

Дўхтирни бутунлай изтироб алангаси қуршаб олди. Тили калимага келмас, боши гувиллар эди. Эшитаётганлари, кўраётганлари тушга ўхшарди.

У ҳали бирон нима дейишга улгурмасидан Абдуҳамид бўғиб олди. Дўхтирнинг кўзлари чақчайиб хириллаганча нафас ола бошлади.

— Гапиролмай қолдингми, ит эмган, гапир! Шерикларинг қани? Анави икковини қаёққа ташлаб келаяпсан?!

— Менинг айбим йўқ. Мени мажбурлаб опкетишди. Пешонамга тўппончасини тиради! — дея бирдан сайрашга тушиб кетди дўхтир бўғилиб.

— Яхши, — деди Абдуҳамид, — дарров одам бўп қоларкансан. Тилинг ҳам бор экан. Қаерга яширинди улар?

— Мени... Менинг кўзимни боғлаб қўйишди. Ҳеч нарсани кўрмадим...

— Кўргансан, ҳозир ҳаммасини айтиб берасан. Айтмасанг онангни учқўрғондан кўрсатаман. Битта ўзим ўлиб кетарканман, қутуларканман деб ўйлама. Бутун уруғ-аймоғингни қуритиб юбораман. Тирноқ қолмайди, сен ит эмгандан, қани, гапир!

Дўхтирга Икром ҳам шунга ўхшаш гапни айтган эди. Ўшанда унинг эти жимирлаб кетганди. Ҳозир эса бутунлай адойи тамом бўлди.

— Беш... Бештут кўчаси, адашмасам...

— Яхшиси, ўзинг бориб кўрсатиб қўяқоласан. Шунда алдамаган бўласан, гапингга ишонамиз, кейин ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайсан, — деди Абдуҳамид ва ҳайдовчининг ёнидаги ўриндиқда ўтирган Жўмарднинг елкасига кўлини қўйиб: — Болалар мошиналарга чиқсин, би-ир сайр қилиб келайлик, — деди илжайиб.

— Хўжайин, — деди Жўмард деразадан кўлини чиқариб ҳавода силкитар экан, — итларим роса оч қолганди, Икромнинг ярим танасини берасиз-да энди, бир тўйиб гўшт ейишсин.

— Нима, сенга ит керакмасми?

— Нега энди?

— Унинг гўштини еган итларинг шу пайтнинг ўзида заҳарланиб ўлади.

Унинг гапидан машинада ўтирганларнинг ҳаммаси хоҳлаб кулиб юборишди. Биргина дўхтир миқ этмади. Балки кўз олдига одам танасини хомталаш қилаётган итлар келиб, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди.

* * *

Вақт алламаҳал бўлган, бироқ ҳали янги келин-куёв ҳисобланмиш Шокир билан Маҳфуза тинай демасди. Улар шунчалик кўп бир-бирини ялаб-юлқашган эдиларки, қиз шўрлик бутунлай кучсизланганди.

— Чарчадим, — деди охири у эрига, — дев ҳам сиздан кучсизроқ бўлса керак. Бунча қувватни қаердан олдингиз?

— Сен учун йиғиб юргандим-да, — дея Шокир бағридаги санамнинг сочини оҳиста силай бошлади.

— Ўзимнинг жоним, — деб Маҳфуза унинг кўкрагидан ўпди ва оҳиста кўзини юмди. Бир оздан кейин унинг пишиллаб нафас олаётгани эшитила бошлади.

Келинчак уйқуга кетиши билан туш кўра бошлади...

Қоп-қоронғи эмиш. У қандайдир ўрмонзорнинг ўрта-сида. Атрофида ундан бўлак бирорта ҳам жонивор кўринмас, эсаётган шамол қорайиб турган улкан дарахтлар шохларини силкитар, шовуллаган овоз қулоқни қоматга келтирар эди. Маҳфуза талай муддат бир жойда қотиб қолди. Қаёқдан бу ерга келиб қолди, энди қайси томон-

га кетиши керак — билмасди. Атрофида ялт этган бирор ёруғлик кўринмас, ҳамма нарса бир хил тусга — қора ранга кирган, яна шохларнинг шовуллаши... хуллас, манзара юракни ёргудек эди. Маҳфуза тугул, исталган эркак киши бундай жойга тушиб қолса, тил тортмай жон таслим қилиши ҳеч гап эмасди. Аммо Маҳфуза негадир кўрқмасди. Унинг хаёлида ҳозиргина ёнида биров бўлгандай эди. Лекин ўша одамнинг кимлигини билолмасди у. Тилининг учига фақатгина эри Шокирнинг исми келар, шуни ҳам қиз эплаб талаффуз қилолмасди.

Бир маҳал чап томонидаги дарахтлар ўз-ўзидан қарсиллаб синиб қулай бошлади. Худди шу томондан шунақанги кучли, совуқ шамол эсдики, сал бўлса қизни учириб кетаёзди. Кейин йиқилган дарахтлар бирма-бир ёна бошлади. Қиз ёнғинга тик қараб турар, негадир ич-ичидан қувонарди. Бир маҳал ҳар битта ёнаётган дарахт илонга — кобрага, кўлворга айланди ва вишиллаганча у томонга яқинлашиб кела бошлади. Шундан кейингина қиз кўрқиб кетиб ортига тисарилганча: “Ойижон! Ойижон! Кутқаринг, ойижон!” дея йиғлай бошлади. У ёрдамга гарчи онасини чақираётган эса-да, унинг оғзидан: “Адажон! Адажон!” деган сўз чиқарди.

— Ҳа, қизим! — деди шу пайт ёнаётган дарахтдан улкан аждарга айланган махлуқ қаддини ростлаб дўриллаган овозда.

Маҳфуза унга қараганча қотиб қолди. Аждарнинг боши отаси Қосимникига ўхшар эди-ю, лекин танаси илонники. Яна ҳар-ҳар замонда отасининг оғзи очилиб, қипқизил чўғдай айри тили чиқиб кирарди.

— Се-е-е-н!.. — вишиллади аждар ота. — Менинг ёнимга келишинг керак. Бир ўз-и-им зерикдим!

У гапирар экан, Маҳфуза ерга ботиб кета бошлади. У тинимсиз типирчилар, эрини ёрдамга чақирар, қочмоқчи бўлар, аммо ҳеч удалай олмасди.

Шунда бирдан улкан илонларнинг ҳаммаси чувалчангга айланиб, унинг оёқлари остида ўрмалай бошлашди. Ижирғаниб кетган қиз чувалчангларни бир-бир эзғилар, лекин биронтаси ҳам ўлмас, қайтанга аста-секин унинг устига ўрмалаб чиқиб келаверарди. Шу пайт қаршисида яна отаси пайдо бўлди.

— Қо-оч, — деди у бу сафар, — аждар мени ҳар куни бўлақларга бўлиб ташлайди, чувалчанглар эса танамни илма-тешик қилиб ташлашган... Гуноҳим кўп экан... Энди улар сени ейишмоқчи, қо-оч, ойингнинг ёнига бо-ор!..

Отаси унга бошқа гап айта олмади. Бошига қаердан-дир гурзи келиб тушиб, унинг бинойидек танаси атрофга сочилиб кетди.

— Вой-дод! — дея бақириб юборди Маҳфуза. — Қутқаринглар!!!

Унинг овозидан чўчиб тушган Шокир сакраб ўрнидан туриб, югуриб бориб чироқни ёқди.

— Нима гап?! — деб сочлари тўзғиган, иккала қўли билан юзини бекитиб ҳўнграб йиғлаётган хотинидан сўради.

— Адам... Адажоним!.. Адажонимни уришди! Адажоним қийналаяпти! — дея жавоб қилди Маҳфуза йиғлаганча. — Илонлар мени ўлдирмоқчи бўлди!..

— Уф, шунга шунчами, тушга нима балолар кирмайди? — Шокир унинг гапига кулди, сўнг келиб хотинини кучди. — Мен ёнингданман, ҳеч нарсадан кўрқма.

— Кўрқиб кетаяпман, Шокир акажон, сув опкелинг... Йўқ... йўқ, керакмас, кўрқаман! — дея Маҳфуза эрини қаттиқроқ кучоқлади.

— Бўпти, ёнингдан қимирламайман, кўзингни юм. Ҳамма нарсани эсингдан чиқар, ухласанг ўтиб кетади бари.

Маҳфуза ухлаёлмади. Бир оздан кейин пишиллаб ухлаб қолган эрига термилиб ётди-да, кейин тескари ўгирилиб олди. Кўз ўнгидан ота-онаси кетмади. У онасининг бирор марта кулганини ва ҳатто жилмаёганини кўрмаган эди. У доим ғамгин юрар, боши мудом эгилган бўларди. Маҳфуза ёшлик пайтлари онасининг бундай юришига умуман эътибор қилмаган эди. Кейинчалик салпал ақлини таниганидан кейин тушунди. Сабабини сўрамади, шундоғам яхши биларди. Чунки ота жонивор уни ҳар куни камида бир марта калтаклаб оларди... Аммо Маҳфуза отасини ҳечам ёмон кўриб қолмаган экан. Эҳтимол, отанинг қизига бир оғиз ҳам қаттиқ гапирмагани бунга сабаб бўлгандир. Балки қалблари бир-бирига жуда яқин бўлганидандир. Яна шуниси қизиқ эдики, қиз она-

сини худди темирга ўхшатар эди: қайрилмайдиган, синмайдиган темирга. Шунинг учун у онасининг касал бўлиши, ўлиб қолиши мумкинлигини сира ҳам ўйламас эди. Лекин у ўлиб қолди. Тўсатдан, шундоқ ётди-ю, қайтиб турмади. Ўшандаям у опаси сингари изтироб чекмади, бир чеккада йиғлаб тураверди... Тушда отаси ғалати гап айтди: “Ойингнинг ёнига бор...” Нима демоқчи бу билан, “Сен ҳам ўл”, демоқчими? Нега бунчалик азобланаётган экан?.. Ким у кишини қийнапти? Нега қийнайди, нима ҳақи бор?

Тонгга яқин у ухлаб қолди. Бу сафар ҳеч қанақанги туш кўрмади. Тушга яқин уйғонди. Эри ундан сал эртароқ туриб, ювинаётган эди.

Маҳфуза ойнага қараб, қўрқиб кетди. Кўзининг кўкаргани етмагандай, лабининг атрофи яра бўлиб кетган эди. У туйқусдан йиғлаганча бақириб юборди:

— Шокир ака!

Шокир ўпкасини қўлтиқлаб югуриб келди. Хотинининг кўринишидан ижирғаниб кетди. Лекин Маҳфуза унинг бўйнига осилиб яна йиғлай бошлагач, бир оз кўнгли юмшади.

— Ҳали тузалиб кетасан.

Маҳфуза бир ҳафта кўчага чиқмай, уйда ғамгин ўтираверди. Негадир Шокирнинг ҳам оёғи тийилиб қолган эди. У бир зумгагина дўконга чиқиб егулик-ичкилик олиб келар, шу бўйи уйга қамалиб ўтираверарди. Ҳатто Ферузани кўриб келишгаям Маҳфузанинг қистови билан бир мартагина борди. Сўнг тухум босган товукдай уйдан жилмади. Ухлади, турди. Ҳушига келса хотинига тегажоқлик қилди. Кўнгли тортса ароқ ичди. Маҳфуза унинг нимадандир ташвишланаётганини сезиб турар, бироқ эри буни айтгиси келмаётган, ўзи ҳам ботиниб сўролмаётганди.

Бардоши узоққа етмай, Шокир охири ёрилди.

— Биласанми, нима? — деди у хотинига тикилиб.

— Айтсангиз билиб оламан, — дея жавоб қилди Маҳфуза ҳам ундан нигоҳини олмай.

— Мен ўйиндан чиқдим.

— Қанақа ўйиндан?

— Аданг ҳам ўйнаган ўйин.

— Ёмонми?

- Ёмон.
- Нега?
- Ўйиндан шу пайтгача ҳеч ким тирик чиқмаган.
- Биринчиси сиз бўласиз.
- Йўқ, бўлолмаيمان. Биронтаси менинг “ишсиз” юрганимни кўриб қолса, дарров калламни олади.

— Демак, сиз ҳали ҳам ўйнашингиз керак. Мен учун ҳам. Менинг қасдим бор, буни биласиз, — деди титраб кетган Маҳфуза. У гапларини дадил айтди-ю, аммо шу ондаёқ бошига оғриқ кириб, сочларини гижимлаб қолди. Оғриқ эса худди у билан ўчакишгандай баттар забтига олди. Жувон аввал чўккалади, кейин ёнига йиқилди.

— Сенга нима бўлаяпти?! — дея унинг қўлларини ушлади Шокир.

— Билмайман... Билмайман. Бошим... Бошим ёрилиб кетай деяпти. Оҳ, чидолмайман! — деди қиз ҳансираб нафас олар экан.

— Ҳозир мен сенга дори топиб келаман. Сен унгача ётиб тур, — деб Шокир уни даст кўтарди-да, каравотга ётқизиб, шошиб хонадан чиқиб кетди.

Маҳфуза аста-секин ҳушидан кета бошлади. У: “Ухлаётган бўлсам керак”, деб ўйлади. Бироқ танаси ҳеч нарсани сезмай қолган эди.

— Қизи-им, — деди бир маҳал Маҳфузанинг кўз ўнгида пайдо бўлган Қосим.

Маҳфуза отасига термилди. Бироқ таний олмади. Рўпарасида турган оламнинг юзини қурт-қумурсқалар илматешик қилиб ташлаган, шилимшиқ, қоп-қора қон чак-чак томарди.

— Сиз кимсиз?! — деди кўрқиб ортига тисарилган Маҳфуза.

— Мен сенинг отанг бўламан.

— Йўқ... Йўқ, отам эмассиз!..

— Отангман. Не кўйларга тушганимни кўрдингми?!

Бир кун келиб мен тушган ҳолга тушишни, ҳар куни кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азобларни тортишни истама-санг, ниятингдан қайт. Кимки нима қилса, эртага шунга яраша ажрини олади... Менга сенинг гапларингни етказишди. Гурзи билан бошимга уриб майда-майда қилиб ташлаётганларида ялиниб-ёлвордим. Икки дақиқага се-

нинг руҳинг билан учраштиришларини илтимос қилдим. Ҳар тугул ижозат беришди... Мен ёнингга бошқа келолмайман. Ўтинаман, жон қизим, ниятингдан қайт. Сен учун ҳам менга гуноҳ ёзилади.

— Нега?! Нега?! — дея қичқирди Маҳфуза.

Аммо унинг овозини отаси эшитмади. Тугрироғи, эшитишни истамади. Ортига бурилиб бир оз юрганидан кейин туман ичига кириб ғойиб бўлди. Қиз шу томонга югурди. Бироқ на туман ва на отасини топди. Шунда ҳам у югураверди, ялангоёқларига чақиртиканлар қалалиб, товонлари ёрилиб кетди. Лекин у оғриқ сезмади, тўхтамади. Бир маҳал қулоғига эрининг товуши эшитилди. У чопа туриб атрофига аланглади. Лекин ҳеч қаерда эри йўқ, қандайдир йўқлик ичидан унинг овози зўр-базўр эшитиларди. Кейин у бирдан силтаниб тушди. Юзига муздай бир нима тегиб кўзи очилиб кетди. Ана ўшандан кейингина Шокир кўз олдида пайдо бўлди. Эрининг кўзлари каттариб, ранги оқарган, ҳайратланганча унга тикилиб турарди.

— Хайрият, — деди у Маҳфуза кўзини очганидан кейин, — ўлиб қолдингми, деб қўрқиб кетдим. Нафас ҳам олмай қўйдинг-а...

Эри шу гапларни айтганидан кейин нимагадир бирдан нига йиғлашга тушиб кетди. Киссавур, ўғри, қаззоб ва бунинг устига, икки жоннинг қотилига айланган одам худди ёш боладай, хўрозқанддан қуруқ қолган гўдакдай ўксиб-ўксиб йиғлади.

— Мен сенсиз яшолмасканман. Сенга қаттиқ ўрганиб қолибман. Сен бошқа бунақа қўрқитма. Хўпми? Нима десанг ҳаммасини қиламан. Агар хоҳласанг, шу бугуннинг ўзида Икромнинг бошини оёғинг остига ташлайман. Фақат сен ўлма. Мени куйдирма...

У бутун гавдасини хотинининг устига ташлаб, Маҳфузанинг бўйнидан ўпишга тушиб кетди.

— Нафас, нафасим қисяпти! Оғир бўп кетибсиз, — деди Маҳфуза нимжон товушда ва эрининг кўкрагидан итарди. Сўнгра унинг кўзига тикилиб туриб:

— Менга энди унинг ҳеч нарсаси керак эмас, жазосини Худо берсин. Менга фақат сиз кераксиз, — деди.

— Нега бундай деяпсан? Боягина бошқача гапираётувдинг-ку! — деди ҳайрон бўлган Шокир.

— Агар мен кўрган нарсани сиз кўрсангиз юрагингиз ёрилиб кетиши мумкин эди, — дея маъюс тортиб қолди Маҳфуза.

— Қани, гапир-чи, — деди ундан кўзини узмай Шокир.

Хотини кўзини юмиб, бир оз жим қолди. Кейин хаста овозда кўрганларини гапира бошлади.

Унинг гапларини эшитаётган Шокирнинг пешонасини совуқ тер босиб, кўзлари олайиб кетди.

— Унда гап бундай, — деди хотини гапини тугатгач Шокир, — масжидга борамиз. Битта таниш мулла бор. Шунга сени озгина ўқитиб юборамиз. Бошингдан шунча галва ўтди. Чарчадинг. Шунинг учун алламбало нарсалар тушингга кирган-да. Ўқитиб юборсак, ҳаммаси ўтиб кетади...

— Адам бошқа келмайман, деди. Балки шартмасдир...

— Ўқитишнинг фойдаси тегса тегадик, зиёни тегмайди. Менинг опам бор, ҳали сенга айтмаган эдим. Қишлоққа эрга тегиб кетган. Жуда художўй, қачон уйига борсам, қўшнисиникига чиқаради. Мулланикига... Кимлигимни опам ҳам сал-пал билади-да. Хуллас, ўрнингдан тур, кетдик.

— Юзим...

— Яхши бўп кетган. Юр.

Улар йигирма дақиқага қолмасдан масжидга етиб боришди. Бир қарашда масжид жуда ғариб кўринарди. Унинг қачон қурилганини саноқли одамларгина биларди. Қурилгани бўйича бу иморат таъмир деган нарсани кўрмаган эди. Лекин ёнига келган одам беихтиёр энтикиб кетарди. Ичига кирмоқчи бўлганлар, динга ихлоси заиф бўлса ҳам, дарров сергак тортар эди. Шокирда ҳам худди шундай бўлди. Ҳатто уйдан чиқаётганларида Маҳфузага бошига рўмол ўраб олишни тайинламаганлиги учун афсусланди ҳам. Қолаверса, хотинининг эгни-бошидаги кийимлари ёқмади. Калта юбка, тор кофта. Кўкраги бўртиб, қарамаган одамни ҳам қаратади. Оппоқ сони эса нақ юракни суғуриб оладигандек... Шокир уйдан чиқаётганларида унинг кийинишига эътибор бермаганини ҳозир — масжид ёнига келганда фаҳмлади.

Улар ичкарига киришди. Аксига олиб Шокир таниши-

ни тополмади. Унинг ўрнидаги мулла Маҳфузага бир қараб, дарров кўзини олиб қочди. Шокирнинг илтимосини ҳам ўзини мажбурлагандек оғриниб бажарди. Сўнг Шокир узатган пулни олмай, уни қўлидан ушлаб, четга олиб ўтди-да, истиҳола билан сўради:

— Ҳақиқатан ҳам жувон... хотинингизми?

— Ҳа, — деди Шокир унинг нима демоқчилигини олдиндан сезиб қизараркан.

— Унда сиздан ҳар қалай тўрт-беш ёш каттаман, кейин, алҳамдулиллоҳ, мусулмонмиз... Айтишим ҳам фарз, ҳам қарз... Аёлингиз бошқа бу аҳволда юрмасин, ўзининг гуноҳга ботиши турган гап, бошқаларниям кўз зиносига гирифтор қилади. Кейин сизда ҳам гурур деган нарса бўлса керак, биров жуфти ҳалолингизга ёмон кўз билан қараса, қандай чидаб турасиз... Хуллас, ука, бу ёғи ўзингизга ҳавола, яхши етиб олинг.

Шокир ер ёрилиб, ерга кириб кетишни истади. Бошини ҳам қилганча масжиддан Маҳфузани етаклаб чиқди. Масжид дарвозасидан чиқаётганларида қоровулнинг хотинига ўзгача бир тамшаниб нигоҳ ташлаганини сизди.

— Маҳфуза, — деди Шокир машинага ўтирганларидан кейин, — энди бунақа кийимларингни йиғиштира, иккинчи марта бу кийимда кўрмай сени.

Маҳфуза ажабланиб унга тикилди.

— Сиз... Шу аҳволимда яхши кўрган эдингиз-ку. Узун, рўдапо кийимларда судралиб юришимни хоҳлайсизми ё?

— Ҳа. Ҳозир бозорга тушамиз-да... Йўқ, яхшиси, сен мошинада ўтирасан. Ўзим, топиб келаман.

— Уфф, — Маҳфуза аразлаб юзини деразага бурди. — Бир-икки кундан кейин паранжига тиқиб қўйишингиз ҳам ҳеч гап эмаскан... Сизга хиёнат қилмасам бўлди-да.

— Мен бошқа гапирмайман, тамом.

Шокир умри бино бўлиб бирор марта бўлсин, аёл зотига буюм олмаган эди. Қийналиб кетди. Нима олишни билмай, бир хаёли, хотинини етаклаб келишни ҳам ўйлади. Кейин қорининг айтганларини эслаб, ниятидан қайтди. У кийим-бошни бир четдан кўриб кета бошлади. Шу пайт кутилмаганда:

— Шокир! — дея уни кимдир чақириб қолди. Овоз жуда-жуда таниш эди. У ортига бурилди-ю, қотиб қолди.

Рўпарасида бўйи икки метр келадиган, сочлари тап-тақир қилиб олинган, калта соқоли қалин, спорт кийимидаги, ҳар елкасига биттадан одам жо бўладиган барзанги турарди. — Қалайсан? Танимамай ўтиб кетаяпсан.

Шокир «қулт» этказиб ютинди. Кўрқа-писа атрофга бир қур назар ташлаб олиб, унинг ёнига борди.

— Темур ака, узр, кўрмай қопман, — дея барзангига қўлини узатди.

Барзанги кўришиш баҳонасида унинг қўлини шунақанги сиқдики, Шокирнинг оғриқдан афти бужмайди.

— Йўқолиб кетганингдан кейин кўрмайдиган бўп қоласан-да. Қаерларда юрибсан?

— Шу атрофда тирикчилик қилиб, кунимни ўтказиб юрибман, — дея Шокир қўлини базўр тортиб олди.

— Шунақа дегин. Бу, оқаларни зиёрат қилмай қўйибсан деб эшитдим, — Темур синовчан сўради.

— Бораман, лекин...

— Нима «лекин»?

— Ўйиндан чиқсамми деб юрибман. Окахондан кейин ҳаммаёқ расво бўп кетди. Энди тинчгина бирор жойга кириб...

— Бўйнингдаги қарзлар эсингдан чиқиб кетдими? Эсингдами, сени деб беш йил ўтириб келганман, Шернинг бир оғиз гапи билан. Демак, мендан қарздорсан. Ҳар қалай, иккитасини сен тинчитиб, бекордан-бекорга емаган сомсамга пул тўлаш менгаям оғирлик қилган. Так что, аввал ҳисоб-китоб қилайлик, кейин кетсанг ярашарди...

— Мен сизга бўйнингизга олинг, демагандим.

— Сен айтдинг нима, окахонинг айтди нима?

— Бўмайди.

— Ақлли бола бўп кетибсан, — деди барзанги қовоги солиниб, — лекин қарзингни тўламай юришинг, менга вообше тўғри келмаяпти.

Темур Шокирни биқинидан кўйлагига қўшиб этиниғижимлаб ушлади. Шокир унинг қўлини уриб юбормоқчи бўлди, аммо кучи етмади.

— Қилган ишингни фақат қонинг билан ювишинг мумкин, — дея барзанги иккинчи қўли билан чўнтагидаги кичкинагина пичоқчасини чиқариб, тап тортмай Шокирнинг қорнига тикди...

Абдухамид ярим йўлга етганидан кейин ниятидан қайтди. “Падарингга лаънатни ҳийла ишлатиб чалғитиш керак. У ўз-ўзидан таслим бўлиб қоладиган болалардан эмас. Бекорга дўхтирни қўйиб юбормаган. Бир нарсани мўлжал қилган, шунинг учун ҳозир шошмаслигим керак”, деб ўйлади ва ҳайдовчи йигитга буюрди:

— Тўхтат!

Жўмард ажабланиб унга ўгирилди.

— Бошқа иш чиқди, — деди унинг нигоҳидаги саволни иллаган Абдухамид, — срочнийроқ.

— Қайтамизми орқага?

— Қайтамиз... Йигитларингдан иккитаси манави сўхта-си совукни, — дея Абдухамид ёнидаги дўхтирни кўрсатди, — ёнига олиб, Икромнинг инини кўриб келади. Бошқаларга отбой, сен мен билан кетасан.

Буйруқ тезда бажарилди. Туни билан изғиб роса ҳолдан тойган йигитлар енгил тин олишди.

Икром жуда кеч — кун пешинга яқинлашиб қолганида уйғонди. Боши лўқиллаб оғрир, ланж бир аҳволда эди. Шу боисдан ўрнидан туриш малол келиб, шифтга термилганча бир оз ётди. Томоғи қақраб кетгач, шотирларидан бирини чақириб, сув олиб келишни буюрди. Худди чўлда қолиб кетган одамдай ютоқиб ичди. Нафси озгина ором топди-ю, аммо бош оғриғи пасаймади. Қайтанга яна кайфи ошиб, юраги ҳам сиқилди. Шундан кейин ўрнидан туриб ҳовлига чиқди-да, хизматкорлари тайёрлаб қўйган илиққина сувда ювинди. Бир оз тетиклашгандай бўлиб, кечаги кунни ўйлаб, бугунги кунга режа тузиб, бўйнига осилган оппоқ сочиққа ҳар-ҳар замон юзини артиб турганида ёнига Дилором келди.

— Яхши ётиб турдингизми? — дея сўради ўта мулойимлик билан.

— Чидаса бўлади, — деб жавоб қилди Икром унга қараб қўйиб.

— Бугун сизга ўзим чой дамлаб бермоқчиман. Шакар чой.

— Бошқа қиладиган ишингиз йўқмиди? — деди Икром энсасини қотириб.

Дилором бошини эгди. Алам қилганидан кўзида ёш

ҳалқаланди. Сўнг нозик бармоқлари билан кўзини артиб қўйиб, ортига бурилиб индамай кета бошлади. Қизнинг кетишини нарироқда Соли кутиб турар эди. Икром у томонга юзланиб, “Нима дейсан?” дегандек бош ирғади.

— Самандар ўзига келди, — деди Соли икки ҳатлаб хўжайинининг ёнида пайдо бўларкан. — Тушдан кейин Мурод ҳам яхши бўлиб қолишини айтди дўхтир.

— Гаплашса бўларканми Самандар билан? — дея сўради Икром қошларини чимириб.

— Бўлса керак. Врач...

— Врачнингни қўй. У барибир мумкинмас дейди. Кетдик, кириб кўрайлик-чи.

Улар олдинма-кетин иккала бемор ётган хонага киришди. Пойгакда Мурод худди ухлаётган одамдай қимир этмасди, тўрдаги ўринда ётган Самандар нигоҳини шифтдан олмасди. Икромнинг дарров кайфияти кўтарилди. Шу боисдан, дераза томонда ўзига тикилиб турган врачга илжайиб қараб қўйиб, қадрдони, укасидай яқин кўрадиган Самандарнинг ёнига борди. Самандар хожасини кўриши билан юзига билинар-билимас табассум югурди.

— Қалайсан, ошна? — сўради ундан Икром.

Самандар жавоб қилмади. Фақат кўзларини бир юмиб очди. Димоқчи бўлдики, “Кўриб турганингиздай, хўжайин”. Аммо гапиришга негадир тили айланмади.

— Ничего, ҳали отдай бўп кетасан. Ундан кейин сен билан кўп ишлар қиламиз.

Самандар бошини бир оз қимирлатиб тасдиқ ишорасини қилди. Юзида ҳам табассум аломатлари пайдо бўлди.

— Бўпти, сен тузалавер, — деб Икром Муродга бир оз қараб турди-да, сўнг эшик томонга юрди. Врач унинг орқасидан эргашиб ташқарига чиқди.

— Хўш, нима демоқчисиз? — деди ҳовлида ортига ўгирилган Икром дўхтирнинг ўзи билан изма-из чиққанини кўриб. — Фақат кетишга рухсат сўраманг.

— Аслида кетишим керак эди. Лекин ундан ҳам зарурироғи чиқиб турибди, — деди дўхтир қошларини чимириб.

— Гапиринг.

— Иккаласининг ҳам борган сари аҳволи оғирлашиб кетаяпти. Мутахассис чақирмасак қийналиб қоламиз.

— Самандар кўзини очибди-ку.

— Очди, лекин кейини чатоқ.

— Э, Худо!

— Битта тумандаги дўхтирни биламан. Уч йил аввал бир-иккитаси сиғиштирмай ишдан бўшатиб юборган. Менимча, ўша одамнинг қўлидан келади...

— Соли, — деди Икром бирдан шотири томонга ўгирилиб, — мошинага ўтиринглар. Оғзига сиққанини сўрасин. Лекин келиб даволасин. Фақат тезроқ!

Дўхтир ҳам Икромнинг йигитлари билан бирга йўлга чиқди.

Улар нақ икки соат деганда қайтиб келишди. Бунгача Икромнинг бўлари бўлди. Нонушта қилмагани етмагандек, тушликда ҳам томоғидан ҳеч нарса ўтмади. Куннинг иссиғида ҳовлида у ёқдан-бу ёққа бориб келиб юрди. Унинг назарида, агар Самандарга бирон нима бўладиган бўлса, бунга ўзи, фақат ўзи айбдордай бўларди. Бундан ташқари, Абдуҳамид томондан хавф туғилиб қолиши, бундан қутулиб қолиш учун эса тезроқ бирон ёққа кетиш керак эди.

Мутахассис дўхтир Самандарни обдон назоратдан ўтказганидан кейин, бу ерда даволаб бўлмаслигини, касалхонага олиб бориш лозимлигини айтди.

— Ундан кўра шу ерда ўлгани маъқул. Касалхона бўлмайди, — деди унга еб қўйгудек тикилиб турган Икром.

— Тўғри тушунинг, бу шароитда унинг яшаб кетишига имкон йўқ. Фақат...

— Унда ўзингиз ишлаётган болницага обorasиз. Жони учун бошингиз билан жавоб берасиз. Акс ҳолда...

— Ҳаммасини тушундим. Қўлдан келган ҳамма ишни қиламан. Лекин мен Худо эмасман... Айниқса, ҳали кўзини очмаган йигитнинг аҳволи оғир. Ҳар қандай шароитда ҳам унинг яшаб кетишига кўзим етмайди, — деди дўхтир Икромнинг гапларидан мутлақо ҳайиқмай. — Шунинг учун мени қўрқитмай қўяқолинг. Қўрқиш давридан ўтиб кетганман.

Унинг гаплари Икромга қаттиқ таъсир қилди. Жаҳли чиқди. Аммо айти дамда у ожизлигини яхшигина англаб турар эди. Шу боисдан ҳам:

— Пешонасидан кўрсин, — дейиш билан қаноатланиб кўя қолди.

Икромнинг ўзи хастахонага бормади. Шотирларидан тўрттасини жўнатди. Қолганлар эса тезда ҳамма нарсани йиғиштириб боққа томон йўлга отланишди.

Бешта машина олдинма-кетин дарвозадан чиқиб кетди. Икром ҳар доимгидай бошловчи машинада кетмай, сўнггисига ўтирди. У чиқиш олдидан Дилоромга жавоб бериб юбормоқчи эди. Лекин қиз йиғлаб ёлворавергач, овқат қилиб юрар, деган мақсадда, унинг ҳам бирга кетишига рози бўлди.

Улар ҳали кўп юрмасдан ҳайдовчи орқани кўрсатувчи кўзгуга қараб, бегона машина изма-из келаётганини айтди.

— Қанақа машина экан? — сўради Икром пинагини ҳам бузмай.

— Сариқ “Жигули”, қийиқкўчалик Шерматникига ўхшаяпти. Йигитларимиз билан салом-алик қилиб юради... Чирогини ёқаяпти, тўхтайтими? — ҳайдовчи хожасига тикилди.

— Тўхтама, ҳайдайвер... Сен ҳам олдинги мошиналарга сигнал бер, бизни қўйиб юборишсин. Кейин ўзлари тўхтаб, нима гаплигини билишади.

Ҳайдовчи Икромнинг гапи тугамасидан бурун унинг айтганини бажарди. Олдинда кетаётган машина секинлашиб, уларга йўл бўшатди. Икром уларнинг ёнларидан ўтиб кетаётганларида қўли билан ишора қилиб, орқадаги машинадагилар билан гаплашиб қўйишларини тайинлади.

Ярим соатлар чамаси вақт ўтганидан кейин чекка тумандаги тўққиз қаватли иморат ёнида бирин-кетин бешта машина тўхтади. Ундан уч киши ва бир қиз тушиб, тўртинчи қаватга кўтарилдилар, сўнг чап томондаги темир эшикдан ичкарига киришди.

Икром ҳамма хоналарни бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Уй жуда яхши жиҳозланган эди. Бунинг устига, яқиндагина таъмирдан чиққанлиги ҳам шундоққина кўриниб турарди. Икромга энг кўп ёққани ошхона бўлди.

— Кимники бу уй? — сўради у Солидан.

— Энди сизникида, ока, — дея тиржайди Соли.

— Мен сендан энди кимникилигини сўраётганим йўқ!

— Тўрт ой бўлди сотиб олганимизга.

— Тушунарли. Энди бу ерга ит ҳам, бит ҳам келавермасин. Ундан кейин менинг домимдан ҳам хабар олинглар. Битга қизча қолганди. Ҳалиям ўтирибдими, қочиб кетдими, Худо билади... Кейин анави сариқ “Жигули”-дагилар кимлигини ҳалигача айтмадинглар, — деб Икром хориждан келтирилган юмшоқ ўриндиққа ўтирди.

— Шермат. Мен уни ёшликдан танийман. Илгари бириккита ишини қилиб бергандим. Кейин у ҳам ёрдам қилган. Ишончли бола. Карим деган ўртоғи билан экан. Кароче, биттаси ўша Каримнинг абжағини чиқариб ташлабди. Разбор қилиб беришни илтимос қилмоқчийкан.

“Разбор” сўзини эшитиши билан Икром Қора девни эслади. Устози бунақанги ишларни ортиғи билан қилганини оғзи кўпириб гапириб берар, Икром эса жон қулоғи билан эшитиб, ўзининг ҳам шундай ишлар қилгиси келарди. У ҳатто тунлари шифтга қараб ётиб, хаёлан келишолмай ёнига нажот истаб келганларни ажрим ҳам қилар, гапига қулоқ солмаганларнинг оғзи-бурни қон бўларди. Ҳозир ёшликдаги орзулари ёдига тушиб тўлқинланиб кетди. Юзида ним табассум пайдо бўлди-ю, шу ондаёқ яна йўқолди... Хаёлига яна ташвишлар бостириб келаётган эди.

— Танишингга бошқа вақт қуриб кетган эканми? — деди у норози бўлиб.

— Бизнинг вазиятни билмаган-да.

— Билмаса ... еб орқамиздан юрибдими?! Жаҳл устида пешонасидан дарча очиб қўйсам нима қиларди?! Йўқот!

— Бўлди. Ҳозир бориб калласини олиб ташлайман, — дея Соли ортига бурилиб, эшик томонга тез-тез юриб кетди.

— Шошма, — Икром уни эшик олдига етганда тўхтатди. — Мусорлар аралашиб қолмасин тағин. Енгилроқ разбор бўлса, ишини битириб беринглар.

Солининг юзи ёришди. У илжайиб бошини қимирлатганча, “хўп” ишорасини қилди-да, чиқиб кетди.

Икром ётоқхонага ўтиб юмшоқ каравотга чўзилди. Дарров уйқуси келди-ю, аммо ухлашга улгурмай, Дилором кириб келиб: “Бирон нима еб олинг, куни билан туз

тотмадингиз”, деди. Икромнинг асаби бузилди-ю, бироқ жаҳли чиқиш ўрнига кулиб юборди. “Тавба, — дея хаёлдан ўтказди у, — қанақа қиз бу ўзи? Намунча ўжар? Елимдай ёпишиб олди-я. Қиз бола деган сал уялиб, тортиниб турмайдими?”

— Хоним, — деди бирдан кулгидан тўхтаб, — сизга, адашмасам, битта хона ажратиб берилди. Қачон керак бўлсангиз ўзим чақириб оламан. Унгача шу хонадан чиқмай ўтираверинг.

— Худди қамоқдаги одамдай, шундайми? — дарров аразлади Дилором.

— Нима деб ўйласанг ўзинг биласан. Уқдингми? Бор, айтганни қил. Иккинчи менинг олдимда ортиқча гап қилма. Оқибати ёмон бўлади.

— Адам раҳматли ҳам сизга ўхшаганмиди? — деди Дилором тап тортмай. У Икромнинг кўз қарашларидан йигитнинг ўзига бефарқ эмаслигини, ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмаслигини яхшигина англаб олган, шу боисдан ҳам эркин сўзларди.

— Адангнинг қандайлигини ўзинг мендан кўпроқ биласан.

— Адамни ҳурмат қилмас экансиз-да?

— Нима, ҳурмат қиламан деб унинг қизини хотин қилиб олишим керакми? Билсанг, агар аданг тирик бўлганида сен билан мен бунақанги гаплашиб ўтирмаган бўлардик. Энди бор хонангга!

Дилоромнинг кўзига ёш тўлди ва шартта бурилиб, жаҳл билан эшикни очганча, хонасига чиқиб кетди.

Уйқуси бутунлай ўчиб кетган Икром шифтга термилиб ётаверди. Бошида мингта ўй-хаёл. Қай бирини ўйламасин, ҳаммаси бир-биридан даҳшатли, ҳеч бири ёруғлик билан тугамайди, бари жарлик томонга етаклайди. У ҳатто ўйи ҳақида ҳам ўйлади. Ва сўнгги пайтларда миясида кўпроқ ҳалокатли келажакдан дарак берувчи хаёллар сузиб юрганидан сергак тортди. Устози бир пайтлар: “Одам ҳеч қачон мағлубият деган нарса ҳақида ўйламаслиги керак. Доим олдинга интилиш лозим”, деган эди унга.

— Йўқ, — деди ўзи ҳам билмай овоз чиқариб, — мен ҳали ҳаммасининг елкасини ерга теккизаман!

Шу гапларни айтишга айтди-ю, лекин барибир миясига аввалги ёқимсиз хаёллар кириб келаверди.

— Дилором! — деди у бақириб. Унинг овозига қиз жавоб бермади. Жаҳли чиққан Икром яна кетма-кет уч марта қизни бақириб чақирди. У ҳали яна чақиришда давом этган бўларди. Аммо қиз ҳовлиққанча эшикни очиб кириб келди.

— Ўзимни мутлақо беҳол сезаяпман. Бошимни ушлаб қўй, — деди Икром ва девор томонга ўгирилиб ётди.

Қизнинг лабларида табассум пайдо бўлди. У секин Икромнинг юмшоққина каравотига ўтириб, нозик бармоқларини йигитнинг сочлари орасида жуда оҳиста юргиза бошлади. Бармоқларнинг гоҳ тегиб, гоҳ қочиб ҳаракатланиши Икромнинг вужудини жунбишга келтирди. Танасида ғалати бир титроқ сезди у. Бу пайтда қизнинг кўзлари юмилган, нафаси қалбининг энг тўридан келиб лаблари орасидан сирғалиб ўтаётганида билинар-билимас, “оҳ”, деган овоз чиқараётгандики, буни Икром ҳам элас-элас эшитиб пешонасидан тер чиқиб кетди. Шунда ҳам у мумкин қадар ўзини босиб туриш учун тишларини бир-бирига маҳкам босиб чидашга уринди. Оппоқ, узун, нозик бармоқлар бир маромда сочлар орасида “сайр” қилиб турганидан кейин, секин қулоқлар орқасига ўтди ва боягидан-да нозиклик, майинлик билан ҳаракатлана бошладик, йигит ўкириб юборишига оз қолди. Шунда ҳам бардош берди. Лекин нафас олини тезлашгани унинг қай қўйга тушганини кўрсатиб турар эди. Худди ана шу паллада қизни ҳам титроқ босди, оппоқ юзига қизиллик югуриб, секин лабини Икромнинг қулоғига олиб бордида, эҳтиёткорлик билан теккизди. Йигит ортиқ чидаёлмай қиз томонга шиддат билан ўгирилди...

* * *

Назира опа бирор соатлардан кейин кириб келган Дилдоранинг оғзи-бурнини дока билан бекитиб олганини кўриб юраги орқасига тортиб кетди.

— Вой ўлмасам, яна нима гап?

— Тинчлик, ойижон, — деди Дилдора. Унинг кўзлари кулиб турар эди. — Учқуқ чиқибди. Энди бир ҳафта уйдан чиқолмай ўтираман.

— Ҳечқиси йўқ, — деди кўнгли жойига тушган Назира опа қизининг пешонасидан ўпиб қўяркан.

— Яхши келдингизми? — деб ҳол сўради Дилдора.

— Худога шукур. Дўхтирлар бирпасда отдай қилиб юборди. Худди касал бўлмагандайман.

— Ўзимнинг ойижоним! — Дилдора эркаланиб онасини кучоқлади.

— Бугун ош дамланглар кеннойинг билан. Адангга айтдим. Қори домла топиб келади. Куръон ўқитвормасак, тинчимайдиганга ўхшаймиз, — деди Назира опа қизининг кучоғидан чиқиб.

Аммо палов тайёр бўлиб, қорини кутиб туришганда важоҳатидан ит ҳуркадиган, ранг-кути ўчиб, сочлари тўзғиган Каримнинг онаси кириб келди. Бу оила шаънига, хусусан, Дилдора билан Баҳромнинг номига айтмаган ҳақорати қолмади унинг. Баҳром маст бўлиб ухлаб ётган эди. Унинг шанғиллашларини эшитмади. Дилдоранинг ҳовлига чиқишига эса йўл қўйишмади. Қайнона-келин, гарчи икки киши бўлишса ҳам, Каримнинг онасига сўз топиб бера олишмади. Хуллас, Баҳромни “турманинг энг тўрида чиритиб юборишни” ваъда қилган аёл қарғана-қарғана чиқиб кетди. Назира опа билан Нафиса бир-бирларига термилиб қолишди.

— Нималар деди ўзи? — дея келинига қаради бошини ушлаб қолган Назира опа дарвоза тарақлаб ёпилгандан кейин.

— Билмадим. Тани-жони соғ бўлмаса керак-да, — мийиғида кулиб жавоб қилди Нафиса.

— Баҳром урганмиди?

— Йў-ўқ, тағинам билмадим... Қўйинг ўша шаллақи хотинни, уйга кирайлик, бошингиз ҳам оғриб кетди. Ўзи яқиндагина касалхонадан келган бўлсангиз. Бунақанги аёллар бировнинг соғлиғи билан қизиқишмайди. Яхшиям Дилдорахонни беришга рози бўлмадингиз, — деб Нафиса қайнонасидан бўлиб ўтган воқеани яширди. Аслида Назира опа нима бўлганини қисман тушуниб, “Бекорга Баҳром ичмаган экан”, дея ўйлади. Аммо ҳамма нарсани миридан-сиригача билиш учун келинини қистовга олмади. Шу боисдан ҳам:

— Худо бир асрабди, — дея унинг гапини тасдиқлади Назира опа, — гулдай қизим увол бўларкан-а. Яхшиям Дилдора тегмайман деб оёғини тираб олгани.

Куннинг қолган қисми бу хонадон учун хотиржам ўтди. Қори келиб Қуръон тиловат қилгандан сўнг ҳамма бирдай энгил тортгандай, кўнгилдаги ғуборлар ортга чекингандай туйилди. Ва бир неча кундан бери илк маротаба уй аъзолари кечки дастурхон атрофида хотиржам жам бўлишди (Баҳромнинг ҳам кайфи тарқаган, шундай бўлса ҳам уялиб, кечки овқатга чиқди). Тунда Абдуҳамид ака қизидан хавотир олиб, киши билмас унинг хонасига бир неча марта деразадан қаради. Дилдора пишиллаб ухлаб ётар эди.

Эртасига эрталаб ҳам шу кайфиятда эди улар. Аммо тушдан кейин мутлақо кутилмаган воқеалар содир бўлиб кетдики, бундан ҳаммаси карахт аҳволга тушишди.

Эрини тушликдан қайтган, деган хаёлга борган Нафиса Баҳромга кўнғироқ қилди. Лекин унинг ўрнига бошқа йигит ғўшакни кўтариб, Баҳромнинг нотаниш икки йигит билан чиқиб кетганлигини айтди. Нафисанинг юраги бирдан “шув” этиб кетди. Аввалига бу ҳақда у ҳеч кимга айтмади. Бирор икки соатни ўтказиб кўнғироқ қилди-да, эрининг ҳали ҳам қайтиб келмаганини эшитиб югурганча Дилдоранинг ёнига борди.

— Дилдор, — деди у қўрқувдан дағ-дағ қалтираб, — Баҳром акам бегона болалар билан чиқиб кетганича ҳали ишхонасига қайтиб бормади.

“Янгилик” Дилдоранинг ҳам этини увуштирди. Бироқ келинойисининг кўнглини кўтариш учун:

— Ўртоқлари билан бирон жойга чиққандир-да, қайтиб қолар. Озгина кутиб яна телефон қилиб кўринг, — деди у ўзини хотиржам тутишга уриниб.

Нафиса тасалли топгандай бўлди-ю, лекин барибир кўнглининг бир четида тугун қолиб кетаверди. У кеч тушгунча телефон ёнига бормади. Кўзига телефон худди бало-қазодай кўриниб кетаверди. Лекин кечга бориб барибир бардоши етмади. Жавоб яна ўша: Баҳром шу кетгани бўйи ишга қайтиб келмади.

Тушликдан сал олдин Баҳром янги иншоот лойиҳасини ҳисоб-китоб қилаётганида иккита йигит сўраб келганини айтишди. Хаёлини турли рақамлар эгаллаб олган Баҳром ҳеч қандай шубҳага бормади. Пешонасини қашлаб, шошганча ишхона ҳовлисига чиқди ва сигарет чек-

канча бир-бири билан гаплашиб турган иккита йигитни кўриб, тез-тез юрганча уларнинг ёнига бориб:

— Кечирасизлар, сизлар сўраганмидингизлар мени? — деб сўради.

— Ҳа-а, — деди улардан бири Баҳромга бошдан-оёқ разм солиб, — агар сизнинг исмингиз Баҳром бўлса, айтиб биз қидирган одам сизсиз. Мен прокуратураданман, — дея у чўнтагидан қип-қизил хужжат чиқариб, Баҳромнинг бурни тагига тиқиштирди.

— Прокуратурадан? — ҳайрон бўлди Икром. — Нима айб иш қилиб қўйган эканман?

— У ёғини отделга борганда биласиз, қани, машинага ўтиринг, — деб бирор ўн қадам наридаги, йўл четида турган оппоқ “Жигули”ни кўрсатди.

— Ишхонадагиларга... — дея Баҳром энди ортига бир қадам чекинганида, йигитларнинг иккаласи ҳам бирдан унинг қўлларидан ушлашди.

— Агар ишхонангиздагилар олдида қўлингизга наручник тақиб шарманда бўлишни истамасангиз, тезда юринг, — деди улардан бири. — Хўжайинингизга ўзимиз қўнғироқ қилиб айтиб қўямиз.

Баҳром ноилож уларга эргашди.

Прокуратура қаерда жойлашганини Баҳром яхши билар эди. Аммо машина бутунлай бошқа томонга кетарди. Даставвал у ажабланиб, деразадан ташқарига бир-икки марта қараб-қараб қўйди.

Сўнг:

— Қаерга кетаяпмиз? — дея сўради.

— Шеригингизниям олиб кетишимиз керак, — деди шофёрнинг ўрнидаги йигит.

— Қанақа шерик, нима гап ўзи? — деди Баҳром тобора асабийлашиб.

— Кеча нима иш қилганингизни мендан яхши билсангиз керак? Энди тушунгандирсиз?

— Менда ҳеч қанақанги шерик-перик бўлмаган, адашганга ўхшайсизлар?

— Нима, шу гавдангиз билан бир ўзим девдай одамнинг абжағини чиқариб ташладим, демоқчимисиз? — ҳайдовчи пичинг қилиб кўлди.

Баҳром Карим шикоят қилган бўлса керак, деб ўйла-

ган эди. Ҳйлагани тўғри чиқди-ю, лекин буларнинг шерик дегани уни ҳайрон қолдирди. “Менимча, у битта ўзи урди, дейишдан орқаси чидамай кўзига ёмон кўринган одамнинг номини айтиб юборган. Йўқ жойдан энди у бечора ҳам айбдор бўлди қолди. Группавой тушганларга каттароқ срок беришади, деб эшитганим бор... Лекин оийм бечорага қийин бўлади... Уфф”, дея хаёлидан ўтказди у ва йигитларнинг қўйнига қўл солиб кўриш мақсадида:

— Балки келишиб кўрармиз, — деди.

Йигитлар хохолаб кулиб юборишди.

— Келишамиз, — деди ҳайдовчи. Нимагадир фақат у Баҳром билан гаплашаётган эди. — Келишишга ақча борми ўзи? Ёки битта ойлик билан қутулиб кетмоқчимилар?

— Ҳар қалай, қариндош-уруғ бор, қараб турмас.

— Боргандан кейин ҳали кўп ҳисоб-китоб қиламиз, — деди бирдан жиддий тортиб қолган ҳайдовчи йигит.

Шу бўйи манзилга етгунча улар оғиз очишмади. Баҳром чуқур ўйга ботган, вазиятдан қандай қилиб чиқиб кетиш йўлини ўйлаб тополмаётган эди. Ҳар қандай шароитда ҳам уйидагилари жабрланиб қолишар экан. Ана шу нарса уни кўпроқ қийнаётган эди.

Машина шаҳар четидаги маҳалланинг тор кўчаларидан юриб, пастқам, кўримсиз бир уй ёнида тўхтади.

— Қани, “зўр”, — деди ҳайдовчи йигит унга ўгирилиб, — машинадан ўзингиз тушоласизми ёки орқангизни кўтаролмай қолган бўлсангиз ёрдам бериб юборайликми?

— Мен шу ерда ўтириб турсам-чи, — деди Баҳром деразадан чор томонга қараркан. У хаёл билан бўлиб, қаерга келишганини ҳам билмасди.

— Яна кўнгиллари нимани тусайди, тақсир? — деди йигит киноя билан. — Туш пастга!

Баҳром унинг муомаласи бирдан ўзгариб қолганидан ҳайрон бўлди ва истар-истамас эшикни очди.

Улар дарвозадан киришлари билан Баҳром бу уйда яқин йиллар ичида инсон зоти яшамаган бўлса керак, деган хаёлга борди. Дарвозахона шифтини ўргимчак уяси босиб кетган, оёқ остида ахлат сочилиб ётар эди. Шунингдек, у бу ердан ўзининг “шериги”ни олиб кетишга келмаганликларини ҳам тушуниб етди.

Ҳовлидаги манзара эса бундан ҳам баттар эди. Беш-олти жойда қора мол гўнги аллақачон таппи бўлиб қолган, ҳаммаёқда ажриқ ўсиб ётар, қачон хомток қилингани номаълум бўлган узум ҳар томонга тарвақайлаб кетган эди. Ҳовли ўртасидаги яшиқдан ясалган стол-стулда эса беш киши айлана қуриб ўтиришар эди.

Ўтирганлар орасида Карим ҳам борлигини кўрган Баҳром ичидан зил кетди. У энди аниқ-тиниқ қаерга келганини биларди.

— Шу болами?! — деди ўтирганлардан бири Баҳромга қараб қўяр экан. — Шарманда бўлганга ўхшаймиз-ов.

— Роса чайир экан, — дея гўлдиради унга жавобан Карим.

— Кўрамиз, — дея биринчи гап бошлаган йигит Баҳром билан келганларга қандайдир сирли ишора қилди.

Баҳром ҳали нима гаплигини англамасидан иккала биқинидан бараварига мушт келиб тушди-ю, кўзидан ўт чақнаб кетди. У инграб юборганча чўккалаб қолди.

— Ана кўрдингми?! — дея хоҳолаб кулди буйруқ берган йигит.

— Соли ака, у кутилмаганда ташланди, — деб ўзини оқламоқчи бўлди Карим.

“Кўйсанг-чи”, дегандек Соли қўлини силтаб ўрнидан турди-да, Баҳромнинг ёнига келиб, сочидан гижимлаб ўрнидан турғазди.

— Биламан кутилмаганда хужум қилишнинг натижаси қанақа бўлишини, бу бола чайир эмас, шумгинага ўхшайди. Қани, бизнинг орамиздан чиқиб кетишнинг эпини қилармикан? Бу ёққа юр, — деб у Баҳромнинг сочини кўйиб юбормаган кўйи ўзи ўтирган жойга етаклади. Баҳромнинг бош териси шилиниб кетадигандек оғриқ берарди. Лекин у бу сафар инқилламади. Тишини-тишига босиб оғриққа чидади.

Соли йигитларидан бирини турғазиб юбориб унинг ўрнига — яшиққа Баҳромни ўтқазди ва стаканга коньяк қуйиб:

— Ич, — дея Баҳромнинг қўлига тутқазди.

— Мен, — деди қизариб кетган Баҳром, — умуман ичмайман.

— Лекин ҳозир ичасан, ичмасанг оғзингдан қуяман!

Баҳром кўзини юмди-да, коньякни охиригача симириб, бўшаган идишни стол — яшик устига қўйди.

— Бўларкан-ку, — деди Соли илжайиб, — энди гаплашамиз. Хў-ўш, манавини танийсанми? — дея у Каримни кўрсатди.

Баҳром бошини ирғаб “ҳа”, ишорасини қилди.

— Башараси бузилиб кетганини кўраяпсанми?

Бу сафар Баҳромдан садо чиқмади. У бутун нафратини кўзига жамлаб Каримга ўқрайди.

— Роса боглабсан, лекин бу башаранинг нархи анча баланд туради. Чўнтагингдаги етадимми?

— Бу ит учун мен сариқ чақа ҳам тўламайман, — деди Баҳром коньяк таъсирида пича дадилланиб.

— Ҳали шунақанги зўрмисан?! — деди Соли қовоғи осилиб, сўнг ўрнидан сапчиб турди-да, яшикнинг устида турган ошпичоқни олиб Баҳромнинг бўғзига тиради.

* * *

Абдуҳамид йигитлари келтирган хушхабардан қувониб кетди. Кафтларини бир-бирига уриб ишқаганча, “Худонинг ўзи йўлимни очиб бераяпти. Энди онангни учқўрғондан кўрсатаман, мараз Икром, бугун охирги кунингни яшайсан, лекин эртага қурт-қумурсқаларга ем бўласан, бечораларниям анча-мунча қоринлари очиқиб қолгандир”, дея ўйлади ва шотирларига Икром жойлашган янги уйни бир дақиқа бўлсин кўздан қочирмасликни тайинлади. Бу орада эса унга иккинчи хабар келди. Яъни, Полвон мутлақо уйдан чиқмай қўйибди.

— У-у, бош оғриғи қачон қарама, оёғимга тушов бўлиб юрдинг-да, — деди у пешонасини тириштириб, сўнг хабарчи йигитга буюрди: — Болалардан уч-тўрттасини олинглар-да, эшикни бузиб киринглар, қўни-қўшниларга ЖЭКданмиз, дейсанларми, хуллас, амаллайсанлар.

Шотирлари итоаткорлик билан буйруқни бажаришга кетишди.

Абдуҳамид эса Икром ҳақидаги маълумотни ювиш учун музлаткичдан ароқ олмоқчи бўлиб турганида телефон жиринглаб қолди. Бу жиринглаш ҳар доимгидан бошқача, худди жуда узоқдан қўнғироқ бўлаётгандай эди. Ҳар қалай, Абдуҳамидга шундай туйилди. Хаёлида Семён Эдуардо-

вич қўнғироқ қилаётганга ўхшади. У гўшакни олсамми-олмасамми, деб бир оз туриб қолди. Охири секин кўтарди.

— Алло, — деган дағал овоз эшитилди. Абдуҳамид адашмагани: бу ҳақиқатан ҳам Семён Эдуардович эди.

— Эй-й, ўзимнинг окагинам, — деди Абдуҳамид хушчақчақ гапиришга уриниб.

— Қайси гўрда юрибсан, ит эмган?! — дея бирдан дағдаға билан гап бошлади Семён Эдуардович.

— Ока, шу, тупроқни босиб юрибмиз.

— Ишқилиб, тупроқ сени босиб қолмадими?

— Ока, сиз борсиз-у.

— Нега айтганимни қилмадинг?

— Мен боргунимча ёқиб юборишибди. Энди сиз билан боғланиб айтиб қўймоқчийдим.

— Шунақа дегин. Оббо сен-э, мен тулкиман десам, сен тулкининг онасига ишқибозлик қилиб қўйган экансан-ку.

Шу билан алоқа узилиб, гўшакдан “ту-ту” деган қисқа овоз келиб қолди. Абдуҳамиднинг пешонасидан муздай тер чиқиб кетди. “Бу ёғи неча пулдан тушди энди? — дея хаёлидан ўтказди у. — Нега бунчалик Полвон билан қизиқиб қолди? Ҳақиқатан ҳам тирикми у ё?.. Ким ўйин қиляпти?.. Падарингга минг лаънат ҳаммангнинг!”

У асабий бир аҳволда музлаткични очиб, ароқни олди, пиёлага ҳам қўйиб ўтирмасдан шишаси билан кўтарди. Фақат шиша яримлаб қолганидан кейингина ичишдан тўхтаб, лабини кафтининг орқасига артди-да:

— Жўмард! — дея қичқирди.

Орадан бир дақиқа ҳам ўтмасдан Тиртиқ уйга югуриб кирди.

— Менга қара, Жўмард, — деди кўзи қизарган Абдуҳамид, — Россиядан Полвоннинг бошини сўрашяпти. Биз алақачон етказиб беришимиз керак эди. Лекин... Топмадик... Аччиқ қилиб телефонни қўйиб қўйди Шеф. Ёқиб юборишибди, дегандим.

— Бўлди, — деди Тиртиқ хожасига тикилиб, — мортга бориб битта мурданинг калласини ёқиб, суягини бериб юборамиз.

— Бир гўрдан Полвоннинг ўзи пайдо бўлиб қолса-чи,

балки у итдан тарқаган аллақачон Семённинг олдида-дир? Ундан кейин нима бўлади?!

— Ўз кўзим билан кўрдим дегандингиз-ку, осилиб ётганини!

— Кўргандим... Кўргандим... Бугун соат нечада Россияга самолёт бўлади?

— Ҳозир аниқлайман.

— Аниқла. Ундан сўнг, мен Полвоннинг мурдасини кўрган уйга бор. Йигитларни ўша ёққа жўнатганман... Отингга урай Эгамқулни ернинг тагидан бўлсаям топинглар. Агар тополмасанг, БТИга одам жўнат, ўша адресдаги уй кимнинг номида эканлигини аниқласин. Телефонини билсин... Самолёт учишига икки соат қолгунча шу ишларнинг барини битир... Мавлоннинг мурдаси топилмаса, ундан кейин бояги ишингни қиласан, бу ёғига таваккал. Ҳа, яна битта гап. Икромни пойлаётган йигитларга отбой бер, ҳозирча ўйнаб туришсин. Бу ёқдаги ишларни битириб олайлик, ундан кейин у билан алоҳида шуғулланамиз.

Жўмарл чиқиб кетганидан кейин Абдуҳамид хона ичида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Аста-секин боши айла-ниб, кайфи ошди. Ҳатто кўз олдини туман қоплаб йиқилиб тушай деди. Ўзига ўзи гапириб, хаёлига келган одамни ёдраниб сўқди. Сўнг турган жойида бир оз чайқалгач, ўтириб қолди. Шу пайт телефон тагин “сайраш”га тушиб кетди. Унинг туришга чоғи келмади, шу боисдан ҳам эмаклаганча телефон ёнига бориб гўшакни кўтарди:

— Ал-ло.

— Менман, — деган овоз келди яна рус тилида.

— О-о, шеф, мен... ҳозир...

— Мастмисан?!

— Оз... озгина, шеф. Айтганингизни есть қилаяпман.

Бугун Полвоннинг бошини жўнатаман, — деди Абдуҳамид.

— Бўлди, керакмас. Ишондим. Менга қара, ҳозир италиялик меҳмонлар учиб кетишди, яхшилаб кутиб ол. Тозаси, зўридан топиб, роса мақта... Билиб қўй, уларни катта партия олишга кўндиролсанг, фойданинг ўттиз фоизи сеники бўлади. Лекин мутлақо ортиқча ҳаракат қилма. Тушундинг-а? Улар хурсанд бўлиб кетишлари керак...

Ҳа, ҳозир муздай сувда ювиниб ол, яна меҳмонларнинг ёнида тебраниб турма.

— Окэй, шеф. Ҳаммасини зўр қиламан. Сиз хурсанд бўласиз. Керак бўлса бир тонна олишга кўндираман, — деди Абдуҳамид оғзи қийшайиб.

— Бўпти, омадингни берсин.

Абдуҳамид гўшакни улоқтириб юбориб, “Мана бу бошқа гап, Мавлоннинг бошини пишириб ейсанми? Ундан кўра крупний ишлардан гапир-да, қари шоқол”, дея ўзига ўзи гапирди ва деворга суянганча инқиллаб-синқиллаб ўрнидан туриб олиб, эшик томонга юрди.

— Ҳов-в, ким бо-ор!

Овози ўзи ўйлаганчалик баланд чиқмади. Шундай бўлса ҳам шотирлари эшитишди. Улардан бири хожасининг ёнига югуриб келиб, қўлини кўксига қўйди:

— Лаббай, хўжайин.

— Анав... Анав... — дея гўлдиради Абдуҳамид. — Жўм... Жўмардни топинглар, менга керак у, срочный!

Шу билан кўзларини зўрға очиб турган Абдуҳамид бир томонга қулади. Яхшиям, шотири зийраклик қилиб ушлаб қолди, йўқса у бирон жойини майиб қилиб олиши ҳеч гап эмасди.

— Юв... Юв... — деди Абдуҳамид шотирининг қучоғида қўлини қимирлатар экан.

Йигит унинг нима демоқчилигини англаб, хўжайинини тўғри ювинишхонасига олиб борди.

Чўмилиб чиққанидан кейин анча енгил тортган Абдуҳамид Семён Эдуардовичнинг гапларини эслади. Жўмарднинг келган-келмаганини суриштирди. Кейин тамаки тутатганча ҳовлида у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. Шу бўйи қилинадиган ишлар режасини хаёлан тузиб чиқди. Вақт эса аёвсиз ўтиб борар, бунини у мутлақо сезмасди. Бир пайт дарвозадан бирин-кетин шотирлари кириб кела бошлашди. Уларни Жўмард бошлаб келарди.

— Нима бўлди? — дея сўради уларни кўрган заҳоти Абдуҳамид.

— Хўжайин, — деди Тиртиқ шошиб, — квартирада ҳеч ким йўқ. Ҳаммаёғини титкиладик, лекин ҳеч вақо топмадик. БТИга кетган бола ҳали қайтиб келмади.

— Майли, — деди Абдуҳамид қўлини силтаб, — бир гап бўлар, ҳозир бошқа иш чиқиб турибди. Уйга кир.

Юмшоқ диванга ўрнашиб ўтириб олган Абдуҳамид Россиядан қўнғироқ бўлганини айтди.

Сўнг энг яхши ресторандан жой қилишни ва қораторнинг беш-олти хилини тайёрлаб қўйишни тайинлади.

— Бирорта жойда ишқал чиқармаларинг, ҳамма нарса силлиққина кетиши керак... Аэропортга мен билан бирга чиқасан, — деди гапининг охирида Абдуҳамид.

Улар меҳмонларни кутиб олгани чиқишганларида қуёш уфққа ёнбошлаган эди. “Айни вақти, — дея ҳаёлидан ўтказди Абдуҳамид, — кечаси шаҳар чиройлироқ кўринади. Меҳмонларнинг обдон қўнглини оламиз”.

— Неча киши экан? — дея сўради Жўмард машинадан тушганларидан кейин.

Абдуҳамид унга ҳайрон бўлгандек қаради, сўнг кулимсираб:

— Қара-я, шуни сўрамабман. Бордир икки-учта, — деди.

— Ҳа, улар ёлғиз юришмайди.

— Худди бизга ўхшаб, чиябўрилардай. Биласанми чиябўриларни?

Жўмард елка қисди.

— Чиябўрилар ёлғиз овга чиқишмайди. Доим тўда-тўда бўлиб юришади. Қўрққанларидан бўлса керак. Бизнинг улардан қаеримиз кам?

— Менимча, биз унчалик ҳам қўрқмаймиз, бошқа мардроқ ҳайвонга ўхшатганингизда ярашарди.

— Бўпти, сен айтганча ҳам бўлсин. Қани, битта ўзинг иккита одамнинг абжағини чиқариб, чўнтагидан пулини ол-чи... Олиб бўпсан, — қулди Абдуҳамид, — сен тугул мен ҳам ололмайман. Биз бирлашсак куч бўламиз, бутун бошли подани яксон қилиб ташлаймиз. Бўпти, бу ёғи майнавозчилик бўп кетди, сен аэропортнинг ичига кириб самолёт қўнган-қўнмаганини сўра, мен шу ерда кутиб тураман.

Орадан бирор ярим соат ўтганидан кейин Жўмард ўзи билан бирга ҳар бирининг бўйи тахминан икки метрлар келадиган, бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган, ҳаммаси бирдай қора костюм-шим кийган тўртта йигитни бошлаб чиқди. Абдуҳамид уларни кўриб шошиб қолди. Юрагига аллақандай қўрқинч кирди. Ва бундан қутулиш учун дар-

ров чўнтагидан сигарета олиб тутатди. Ҳар тугул ҳаяжонни бир оз босилиб, меҳмонларга илжайиб қаради.

Меҳмонларнинг иккитаси у билан рус тилида сўрашди. Қолган икитасининг гапига Абдуҳамид мутлақо тушунмади. Афт-ангори, қилиқларидан билдики, улар ҳам саломлашяпти.

— Ҳозир, — деди Абдуҳамид машинага ўтирганларидан кейин рус йигитларига юзланиб, — тўғри ресторанга борамиз, сизларнинг ташрифларингизни яхшилаб ювамиз, ундан кейин...

— Саунага борайлик, — деди кўзлари кўм-кўк, қизғиш соқол қўйиб, сочини тақир қилиб олдирган йигит.

— Гап бўлиши мумкинмас.

Абдуҳамид гапини тугатиши билан ўша соқолтой италияликларга бир нималарни тушунтирди. Унинг гапига ҳаммалари кулишди. Кўнгил учун Абдуҳамид ҳам уларга кўшилиб кулди.

Ресторан ўша кунни фақатгина уларга хизмат қилди. Бирорта ҳам бегона одам кирмади. Оёқлари узун, кўкраклари ярим очиқ, сариқ сочли қизлар уларнинг хизматида бўлди. Иккита мусиқий гуруҳ бири қўйиб, бири қўшиқ айтиб турди. Меҳмонлар хизматдаги қизларни белларидан қучиб шунақа рақсга тушишлики, Абдуҳамиднинг кўзи ёнди. Маишат тўрт соатлар чамаси давом этди. Ҳамма хурсанд эди. Айниқса Абдуҳамид терисига сирмасди. Кимсан Италияда дунёга донғи кетган давлатдан келган меҳмонларнинг кўнглини овлашни, ўзининг тили билан айтганда, “қотириб” ташлади.

— Энди сауна сизларни кутиб турибди. Ҳозир машинага ўтириб, тўғри ўша ёққа борамиз, — деди Абдуҳамид кайфи ошиб қолганидан лаб-лунжини йиғиштиролмади.

Йиғилганларнинг ҳаммасига бу гап мойдай ёқиб тушди.

— Фақат, — деди арманларга ўхшайдиган меҳмон йигит, — қизлар ҳам биз билан бирга боришади.

— Гап бўлиши мумкинмас, — деб Абдуҳамид Жўмардга ўгирилди. — Бор, хўжайинига айт. Тез тайёрланиб чиқишсин хонимчалари.

Машиналар олдинма-кетин шаҳарнинг шимоли-шарқий томонига жўнади. Йўл бўйи ҳаммалари хохолаб ку-

лишиб кетишди. Гўё дунёда фақат улар бор-у, барча неъмат фақат уларгагина тегишлидек.

Машина елдек учиб ўн-ўн беш дақиқа ичида уларни манзилга элтиб қўйди. Кулги, қийқириқ, бир-бирларини мақташлар яна давом этди. Орада меҳмонлар алоҳида-алоҳида хоналарга кириб ўзлари танлаган “малика”лар билан нафсларини қондириб чиқишди. Бунгача Абдуҳамид кўп ичганидан бошини кўтаролмайдиган даражада маст бўлиб қолган эди.

Соқолтой секин Жўмардни бир четга тортди-да:

— Аэропортда айтган гапимиз эсингда бўлса керак? Ҳозир тезликда бажар, — деди.

— Мунча шошмасанглар, балки...

— Йўқса ўзинг ҳам у билан бирга кетасан, — деди соқолтой ўқрайиб, — эрталабки рейсга кечикиб қолмайлик тагин.

Тиртиқ унга тикилиб турган кўйи “хўп”, дегандек бошини қимирлатди ва ёнидан пичоқ чиқариб, Абдуҳамидга яқинлашди.

Унинг қилаётган ишидан соқолтой кулди ва кўрсаткич бармоғини ҳавода ўйнатиб:

— Гувоҳларсиз, — деди.

— Тушунарли, — дея Жўмард ҳам кулди ва хожасини қўлтиғидан кўтариб судраганча ҳозиргина меҳмонларнинг сўнггиси ишрат қилиб чиққан алоҳида хонага киргизиб кетди. Киран чоғида унинг қўлидаги пичоқ ялтираб кетди.

Қизлар билан ўтиришган меҳмонларнинг қолганлари киши билмас соқолтойга қараб кўз қисиб қўйишди.

* * *

Пешонаси Дилоромнинг лабига қарс этиб урилди, “Вой!” дея бақариб юборган қиз бирдан қадини тиклади-да, кафтини оғзига босди. Ва дарров кўзига ёш олди. Бир оз пешонасини ушлаб уқалаб турган Икром ўрнидан туриб, қизни секин елкасидан кучди-да:

— Нима бўлди? — дея сўради.

Дилором қўлини оғзидан олди. Унинг лаблари қонарди.

— Оббо, — деди Икром ва қизни қўлидан етаклаб ювиниш хонасига олиб борди-да, ўзи ортига қайтди.

У ноқулай вазиятга тушган эди. Боягина пайдо бўлган эҳтиросли титроқ ҳали-ҳануз тарқаманган, ўзини босиб ололмасди. “Йўқ, — дея хаёлидан ўтказди у, — нималар қилаяпман? Кейин Дилдоранинг кўзига қандай қарайман? Яхшиям... Лаби ёрилгани чатоқ бўлди-да, кўрган одам мени урган деб ўйлайди”. У айвонга чиқди, деразани очиб тоза ҳаводан симирди. Шу тахлит узоқ-узоқларга термилди.

Кейин ичкарига қайтиб кирди. Бунгача Дилором лабини ювиб ташлаб, устига сочиқ босганча Икромнинг хонасига кирганди.

Икром ундан кечирим сўрамоқчи бўлди-ю, лекин ҳеч тили айланмади. “Одам умрида бировдан кечирим сўрамасаям чатоқ бўларкан”, деган фикр миясидан ўтди.

— Мен билмай қолдим, — дея ўзини оқлаган бўлди у қизга хижолатли тикилиб.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Дилором, — мен сираям хафа бўлмадим.

— Унда хонангизга киринг... Йўқ, ошхонага бориб менга кофе дамлаб беринг, уйқуям бегона қилиб кетди, — деди Икром бошқа гап тополмаганидан. Сўнг юмшоқ ўриндиққа ўтирди. Дилором эса худди келинчақлардай бошини хиёл эгиб, бир қўлини кўксига қўйди-да:

— Хўп бўлади, — дея орқаси билан юриб чиқиб кетди.

Икром бошини суянчиққа қўйиб, кўзини юмди. Бир оз ҳозиргина чиқиб кетган қиз, унинг эҳтиросли ҳаракати, ўзининг титраб кетгани тўғрисида хаёл сурди. Ва шу бўйи чарчоқ зўр келиб ухлаб қолди. Яна туш кўрди. Яна Дилдора. Яна бир дунё араз. “Сизга нима бўлди?” дея Икром унинг ёнига югуриб борди. “Йўқ... йўқ яқинлашманг, сиз жудаям ёмон одамсиз. Орамизда ҳеч нарса бўлмаган, бўлмайди ҳам”, деди Дилдора ва ортига тисарилди. “Нега, мен сизни яхши кўраман-ку, фақат сиз билангина ҳаловат топишим мумкин, нега мендан хафа бўлаяпсиз?” деб Икром унга янада яқинлашди. Лекин севган қизининг қўлидан тутолмади. У баттар узоқлашиб кетди. Қиз “келманг”, дегандек бошини чайқади. Дилдора шундай қилиши билан Икромнинг оёғи худди елимлангандай битта жойда қотиб қолди. Юришга қанча ҳаркат қилмасин, оёқларини ердан узиб ололмади. Бир пайт

Дилдоранинг орқа томонидан узунлиги уч-тўрт қулоч келадиган, боши нақ хумдай илон пайдо бўлди. Икромнинг жон-пони чиқиб кетиб, севгилисини қочишга ундамоқчи бўлиб қанча бақирмасин, овози чиқмас, Дилдора эса ортига мутлақо бурилиб қарамас, хавф келаётганини сезмас эди.

Илон кўз очиб-юмгунча Дилдорани ўраб олиб бўға бошлади.

Икром чўчиб уйғониб кетди. Бошига эгилиб турган Дилоромни ўзининг севган қизи хаёл қилиб:

— Дилдора! — деб ҳайқириб юборди.

— Икром ака, — дея бирдан унинг ёнига келиб тиз чўкди Дилором.

— Бўлди, бўлди, — деди Икром ҳансираб нафас олганча пешонасидаги терни артаркан, — озгина... озгинадан кейин ўзимга келаман, анави йигитлардан бирортаси борми?

— Чақирайми?

— Йўқ, шарт эмас, ўзим бораман.

Икром ўрнидан туриб, пешонасини тириштирганча аввал ошхонага, ундан ўтиб айвонга чиқди. Иккита шотир шу ерда ўртага стол қўйиб қарта ўйнаш билан овора эдилар. Иккиси ҳам Икромни кўриши билан сакраб ўрнларидан туришди.

— Соли келдими? — сўради Икром.

— Йўқ, келиб қолса керак, — дея жавоб қилди йигитлардан бири шеригига қараб қўйиб.

— Самандардан хабар бўлдими?

— Сиз ухлаётганингизда болалардан биттаси келганди. Анча яхши бўп қопти. Дўхтир эрталардан гапиреди, деганмиш.

Икромнинг кўнгли бир оз равшан тортди. Энди-энди сезаяпти: Самандарга ҳам суяниб қолган экан. Оғзига келган гапни қайтармай сўкади, вақти келса бировларнинг олдида изза қилади. Шундаям Самандар гинг демайди. Индамай кулиб тураверади. Гоҳида Икром унинг ўзига ўхшаган жиноятчи эканлигидан ҳам шубҳаланиб қолади.

Унинг ўша куни осуда ўтди. Ҳеч кимни сўроқлатмади. Биров уни безовта қилиб келмади. Ўрганмаган экан, анча

зерикди. Лекин чидади. Бир-икки марта хонасига кир-моқчи бўлган Дилоромни ҳам ортига қайтарди.

Эртаси куни соат тўққизларга яқинлашиб қолганида Икромнинг юраги ўз-ўзидан сиқилаверди. У хонадан бунисига ўтди, айвонга чиқди, барибир кўнгли жойига тушмади. Шундан кейин пастга тушди. Дастлаб қаёққа боришини билмай машина ичида ўтирди, кейин бирданига хаёлига Дилдора, унинг илон чангалида қийналаётгани келиб, бирдан газ берди. У шаҳар ичида машинани мумкин қадар тезроқ ҳайдади, қизил чироққа дуч келиб қолганда ичини ит кемирар, баъзан сариқ чироқ ёнишини ҳам кутмасдан ҳайдаб юборарди.

Дилдора яшайдиган маҳаллага келгандагина бир оз хотиржам тортди ва тезликни пасайтириб, йўлнинг икки ёқасига қаради: худди Дилдора чиқиб қоладигандек, худди уни кутиб тургандек. Йўқ, у кўринмади. Қанчадан-қанча одам юрибди, лекин уларнинг орасида кошки Дилдора бўлса. Умидлари аста-секин сўна бошлаган Икром бекат ёнига борганидан кейин машинани тўхтатди ва ногоҳ, бошини эгганча, оғзини қандайдир дока билан тўсиб, тез-тез у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган қизга кўзи тушди. Юришлари у ахтариб келган қизга ўхшарди, шу боисдан ҳам юрагининг уриши тезлашди. Машинадан дарров тушиб, ўша қиз ёнига илдам юриб борди. Йўқ, у адашмаган эди.

— Дилдора?! — деди Икром ҳаяжонини яширолмай.

Қиз бирдан бошини кўтарди-да, қотиб қолди. Киприклари пирпиради, сўнг титроқ босди уни. Ва орадан бир неча дақиқа ўтганидан кейингина:

— Икром ака, — деди хаста товушда. Шундай деди-ю, кўзига ёш тўлиб, нигоҳини тезда бошқа томонга қаратди.

Бекатда одам кўп эди. Икром уларнинг эътиборини тортмаслик учун:

— Юринг, — дея қўлидан ушлаб машина томонга етаклади.

Қиз ҳам айни шуни кутиб турган шекилли, индамай унга эргашди.

Машина юра бошлагандан кейин Дилдора пиқ-пиқ этиб йиғлай бошлади.

— Дилдор, — деди Икром бекатдан бирор юз қаламча

узоқлашганларидан кейин машинани йўл четида тўхта-тиб, қиз томонга юзланар экан, — нима бўлди? Нега йиғлаяпсиз?

— Қаерларда юрибсиз?! — деди қиз кўз ёшини кафти билан артар экан. — Одам ҳам шунақа бўладими?! Ишонтириб қочиб кетиш экан-да, бу ёқда мен не азобларда қолганимни ўйламадингизми? Ёки шунчаки...

— Жоним, — дея Икром уни кучди, — сизнинг дардингизда ўзим адо бўлдим!

— Ёлғон! Ҳамма гапингиз ёлғон, қўйворинг мени, тушаман! — дея ҳаяжон билан бақриб юборган қизнинг қўли бехосдан Икромнинг биқинига тегиб кетди.

— Имми! — инграб юборди Икром санчиқ турган жойини чангаллаганча.

— Нима бўлди?! — деди кўрқиб кетган қиз.

— Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади. Йиқилгандим... Сиз кетманг, шошманг, гаплашиб олайлик, — деди Икром ялиниш оҳангида.

— Ярангиз жиддий эмасми?! — сўради ҳамон ҳадиксираётган қиз. — Мен билмасдан...

— Ана, оғримай қолди, — деди Икром биқинини қўйиб юбориб, ўзини мажбур қилиб жилмаяр экан, — ўзингиз нега...

— Икром ака, — деди Дилдора уни гапиришга қўймай, — акажоним йўқолиб қолди!

— Акангиз? — деди ҳайрон бўлган Икром. — Қанақа қилиб йўқолади?

— Билмадим, кечадан бери йўқ, ишхонасидан бегона одамлар билан чиқиб кетган экан, шу бўйи уйга қайтиб келмади, уйимиздагилар бутунлай адойи тамом бўлишди...

Қиз бошқа гапиролмай, қўлларини юзига босганча ўкириб йиғлаб юборди. Икром эҳтиёткорлик билан унинг қўлларини олиб, кўз ёшларини артди. Сўнг ўриндиқ ёнидаги идишдан пиёлага сув қуйиб қизга ичирди. Бир оз ўзига келган Дилдора бўлиб ўтган ҳамма воқеаларни гапириб берди.

— Карим... Карим, — деди Икром диққат билан Дилдоранинг гапларини эшитаркан қони қайнаб, — ҳали у сизга қўл кўтардимми?! Сизга-я?! Менга жудаям таниш бу исм!

— Ҳа... Ҳа! — дея аламидан бақриб юборди Дилдора.
— Ҳаммаси ўшанинг иши... Ўшанинг!!! Ундан бўлак ҳеч ким қилмайди!

— Тушунарли, сиз... сиз, майли, мен билан юраве-ринг, — деб Икром шошганча машинани ўт олдириб, газни босди. “Жигули” турган жойида бир силтаниб ол-динга сапчиди. Икромнинг пешонаси тиришган, кўзи ўт бўлиб ёнар, ҳар-ҳар замон йўл четига қараб қўяр эди. Ниҳоят у қидирган нарсасини топди ва тормоз бериб машинани тўхтатди-да:

— Икки тийинлик борми? — деб Дилдорадан сўради.

— Бўлса керак, — деб Дилдора ҳам шошганча сумка-часини кавлади, у икки тийинлик танга топмади-ю, ле-кин иккита бир тийинлик чиқди. Икром уни олибоқ телефон будкаси томон югурди. Шотирларига қўнғироқ қилиб, Солининг қаерда эканлигини сўради. Ҳар тугул гўшакни олган йигит унинг ҳозир қаерда эканлигини биларкан, дарров манзилни айтди.

— Ҳозир, ҳозир, — деди Икром машинани боягидан ҳам тез ҳайдар экан, — топамиз, тез топамиз, сиз хаво-тир олманг...

— Қаерда экан акажоним?! — деди кўзидан дув-дув ёш оқаётган Дилдора Икромнинг машинани жуда қўпол бошқараётганига эътибор ҳам бермай.

— Етамиз, топамиз, сиз фақат ҳаяжонланманг, ҳамма-си изига тушиб кетади.

Шаҳар ичкарасида катта тезликда юрган “Жигули” ярим соатлик масофани ўн беш дақиқа ичида босиб ўтди. Икром ўзига таниш бўлган машиналарни кўрганидан кейин баттар ғазабланди. У Дилдоранинг ёнида сўкиниб юбормаслик учун зўрға тилини тияр, асаби зўриққани-дан машина рулини маҳкам чангаллаган эди.

У дарвозани тепиб очиб юбориб ичкарига югуриб кир-ди-ю, даҳшатга тушди. Соли қўлидаги личоқни бир йи-гитнинг бўйнига тираб турар эди. Икром сўйилишга тай-ёрланган йигитни Баҳром хаёл қилди ва Солига:

— Тўхта! — дея бақирди.

— Акажон!!! — чинқириб юборди унинг ортидан кир-ган Дилдора.

Соли бирдан қаддини ростлаб, хўжайинига ҳайратла-ниб тикилди.

Икром шиддат билан унинг ёнига келди ва бирданига тарсаки тортиб юборган эди, Соли ўзини ўнглаёлмай орқаси билан яшикнинг устига қулади. Бу ерда Баҳромдан бошқа яна иккита бегона йигит бор эди. Улардан бирининг қовоғи шишган, кўзининг таги кўкарган эди. Шубҳасиз, Икром уни Карим деб ўйлади ва чотига шунақанги тепдики, Карим ўкириб юбориб букилиб қолди. Лекин Икром бу билангина қаноат қилмай, уни тепкилай бошлади.

— Ҳали сен итдан тарқаганга қиз болага қўл кўтариш қандай бўлишини кўрсатиб қўяман! — деб бақирди.

Унинг йигитлари хўжайинининг қилаётган ишидан ҳайрон эдилар ва фақатгина кузатиб туришар, Соли эса жағини уқалаган кўйи ўрnidан туриб, ножўя иш қилиб қўйганини сезиб, “Мен ҳам ҳақимни олмасам яхшийди”, дея ташвишланарди.

Карим бутунлай сулайиб ерга чўзилиб қолгандан кейингина Икром уни уришдан тўхтаб, Солига юзланди:

— Ҳов, мараз, разборшик, аввал нима бўлганини аниқламайсанми, ёки манави итдан тарқаган танишининг, — деб Шарифнинг юзига шапалоқ тортиб юборди, — гапига лаққа тушдингми?!

— Хўжайин, хўжайин! — деб тиз чўкканча ялина бошлади Соли. — Ўлай агар, бу боланинг сизга тегишлилигини билмабман. Билганимда манавиларнинг, — деб у Карим билан танишини кўрсатди, — ўзим абжағини чиқардим.

Дилдора Икромнинг шунча қудратга эга эканлигидан ҳайрон эди. У бунақанги бўлишини ҳечам кутмаган, севган йигитининг ҳеч нарсадан тап тортмай, акасининг бўйнига пичоқ тираб турган одамни муштлаши, Каримни ўлгудай қилиб савалаши, кейин бошқаларни ҳақорат қилишидан ҳайратда қолган, ҳамманинг бош эгиб туриши, ундан кечирим сўраши ва “хўжайин”, деб мурожаат қилишидан бутунлай ғалати аҳволга тушганди. У хавфдан халос бўлган акасининг бўйнига осилиб, “Қўрқиб кетдим!” дея озгина йиғлади. Сўнг бошқалар каби Икромнинг қилаётган ишларини кузатиб турди.

Икром ҳамма йигитларига бир-бир ўқрайиб қараб чиқди-да, “Нима иш қилишни ўзларинг биласанлар”, дегандек Баҳромнинг қўлидан ушлаб:

— Кетдик бу ердан, — деди.

Дилдора ҳали-ҳануз ўзига келолмаган эди. Шу боисдан ярим йўлгача офиз очмай кетди. Охири кўрганларини ичига сиғдиrolмади, шекилли:

— Икром ака, — деди тез-тез нафас олиб, — сиз кимсиз, нега анавилар сизни “хўжайин”, дейишди?! Сиз... Сиз жиноятчимисиз?! Тўдабошимисиз?!

Икром нима деярини билмай қолди. Зеро, у Дилдорадан худди ана шу саволни кутаётганди. Шунча ўйлади, аммо бу саволга арзирли жавоб тополмади. Ана энди севган қизи ундан сўраб турибди. Жавоб қайтариши керак, лекин нима деб?

— Нега индамайсиз?! — деди кўзидан ёши дув-дув оқаётган қиз. — Айтинг, сиз жиноятчимисиз?!

— Кейин, — дея чуқур хўрсинди Икром, — ҳаммасини кейин тушунтириб бераман.

— Эй, Худойим, нималар бўлаяпти ўзи?! Кимни севдим мен...

Қиз шундай дейиши билан Баҳром синглисига “ялт” этиб қаради ва пешонасини тириштирди. Дилдора акасининг борлигини мутлақо унутиб қўйган, шу боисдан кўнглидагини гапириб юборганди.

— Дилдор! — деди баланд овозда Баҳром. — Нималар деяпсан?!

— А-а, — деди унга қараб титраб кетган қиз, — ака, мен...

— Оғайни, — дея Баҳром синглисининг гапини бўлиб, Икромнинг елкасига қўлини қўйди, — бирон жойга тўхта-тинг мошинани, гаплашиб олишимиз керак.

Икром машинани йўл четига олиб чиқиб тўхтатди ва худди айб иш қилиб қўйгандай ортига, Дилдора билан Баҳром томонга ўгирилиб, бошини ҳам қилиб тураверди.

— Энди менга бир тушунтириб беринглар... Яширалиган ҳеч вақо қолмади деб ўйлайман, шунинг учун...

— Сиз уйланганмисиз? — сўради ундан Икром.

— Ҳа, — деди Баҳром “бунинг нима аҳамияти бор”, дегандек энсасини қотириб.

— Менимча, хотинингиз билан орангиздаги гапни ҳаммага дoston қилмасангиз керак?

— У менинг хотиним. Ҳалол. Лекин синглим...

— Бошқа одам бўлганида бошқача жавоб қилардим. Лекин, сизга айтмай, синглингиз мени, мен синглингизни яхши кўришимиз ҳам ҳалол...

— Сиз ўзингиз кимсиз, синглининг гапларига жавоб бермадингиз!

— Унгаки жавоб бермадимми, сиз сўрамасангиз ҳам бўлади. Энди кетдик, қолган гаплар кейин бўлаверади.

Дилдоранинг ичи музлади. Баҳромники ундан ўтди. Иккаласининг ҳам қовоғи осилди. Эртароқ манзилга етишни, эртароқ Икромдан узоқлашишни ишташди. Қизнинг ҳатто ғазаби келди (нафрати десак хато қиламиз. У ҳали нафратланиш даражасига етмаганди).

Икромнинг ҳам бўлари-бўлди. Кимлигини Дилдорага билдирмоқчи эмасди. Ҳар тугул ҳозирча. Ундан кейин билиб қолса, жа узоғи билан бир ҳафта гапирмай юрар, аразлар, кейин иккаласи муросага келиб олишарди. Эрхотин бўлганидан кейин муроса қилади-да. Энди эса қовун пишмасидан палакдан узилди. Бу ёғи нима бўлади, Худога аён.

Манзилга етганларидан сўнг Икром Дилдоранинг тушишини истамади. Унга ҳамма нарсани тушунтирмоқчи эди. Лекин қиз кўнмади. “Ўзингизни эҳтиёт қилинг”, дея машинадан тушди... Ака-сингил дарвозадан кириб кетганларидан кейин ҳам Икром бирор муддат машина ичида ўтириб қолди. Кетишини ҳам, кетмаслигини ҳам билмас эди у. Ниҳоят алам билан машина рулини бурдида, газни босди.

Яхшиям, Баҳромнинг юз-кўзи кўкармаган, биқинидаги оғриқ эса фақатгина ўзига маълум эди. Йўқса, ўғлининг уйига келмаётганидан сиқилиб ўтирган (онага ўғлининг йўқолиб қолганини айтишмаган, “ўртоқлари билан тоққа кетибди, дам олгани”, дейишганди) бир марта инсультни бошидан ўтказган Назира опа адойи тамом бўларди. Ўғлини кўриб чиройи очилди. Хиёл ўтмай эса яна қовоғини уйди.

— Шунчалик ҳам ўйловсиз бўладими одам, уйдагиларим хавотир олади, деб эртароқ келавермайсанми ўша борган жойингдан! — деди у ўғли билан кўришмасидан бурун.

— Ойи, шунақа бўп қолди, — дея ўзини оқлашга уринди Баҳром, — бошқа қайтарилмайди.

Уйга кирганидан кейин эса у хотинининг боши-адоғи йўқ саволлари остида қолди. Лекин уларнинг биронтасига ҳам жавоб қилмай, Нафисага Дилдорани чақириб келишни буюрди. Дилдора дарров келақолмади. У хонасига кириши билан ўзини каравотга ташлаган ва ҳўнг-ҳўнг йиглаб ўтирарди.

— Тинчликми?! — дея сўради Нафиса унинг хонасига кириши билан.

— Кеннойи, — деди Дилдора бошини кўтармай, — одамлар бунча бадбахт бўлишади! Ишончингизга кирволишиб, кейин сизни ўйинчоққа айлантириб, истаган кўйига ўйнатишади-я!

— Нималар деяпсиз?! Кимни айтаяпсиз?! — дея Нафиса қайнсинглисининг ёнига ўтириб, унинг сочларини силай бошлади. — Яна ким хафа қилди?

— Кўяверинг, ҳеч нарса керак эмас, энди кўзим очилди. Яхшиям, эргароқ, яхшиям, гишт қолипдан кўчмасдан аввал...

— Унда сиқилманг, Дилдор, ҳали ҳаммаси яхши бўл кетади. Мана, акангиз ҳам эсон-омон келди... Юринг, кўз ёшингизни артинг, сиз билан гаплашмоқчи.

— Ҳозир... Ҳозир, — дея Дилдора ўрнидан туриб ўтирди-да, чуқур нафас олди ва кўзининг намини кафти билан артиб, келинойисига жилмайиб қарашга уринди. У акаси нима дейишини биларди. Жавоби ҳам тайёр эди. Аммо Баҳром мутлақо кутилмаганда бошқа гапни айтди.

— Дилдора, — деди у синглисига қарамаслик учун деразадан кўзини узмай, — агар ўша боланинг бошқа хотини йўқ бўлса, текканинг маъқул...

* * *

Жўмард орадан беш-олти дақиқа ўтганидан кейин кабинадан чиқиб келди. Унинг битта қўли ва уст-боши қон эди. Уни кўриши билан соқолтойнинг асаби бузилди.

— Ортингга қайт, ит! Қандай чиқишни билмайсанми?! — дея ўкирди.

Унинг овозидан юраги товонига тушиб кетаёзган Жўмард дарров кабинага қайтиб кирди. Шундан кейин соқолтой йигитларидан бирига имо қилди. Шу пайтгача

ишрат чўққиларини бирма-бир забт этиб келаётган қизлар ҳам Жўмарднинг сувга тушган мушукдай бўлиб чиққанини кўрган эдилар, улар йигитни хўжайиннинг ўзига келишига ёрдам берса керак, деб ўйлашганди. Лекин унинг қўли ва уст-боши қонга беланиб чиққанидан кўрқиб кетдилар. Шу боисдан улар ҳам дарров сергакланиб бир-бирига қарашди.

— Хавотир олманглар, шоколадлар, — деди соқолтой қизларнинг ранги ўзгарганини дарров сезиб, — Абдухамиднинг касали бор экан, бир оз ўзига келганидан кейин чиқади. Ана, дўхтир ҳам кетди.

Қизлар унинг гапига мажбуран ҳиринглашди-ю, лекин барибир кўнгилдаги ҳадик кетмади. Буни сезган соқолтойнинг жаҳли чиқди.

— Нима, менинг гапимга ишонмаяпсанларми? — дея сўради у қизларга мумкин қадар юмшоқ гапиришга уришиб.

Қизлар илгари ҳам бунақанги давраларнинг кўпини кўрган эдилар. Орасида жанжал чиққанлари ҳам бўлган. Бу борада “малака”си ошган эди уларнинг, шу боисдан ўзларини аввалги ҳолга солишди. Гўё кўзлари кўр, қулоқлари гаранг, бўйинларида “муҳим” топшириқ; меҳмонларнинг кўнглини овлаш.

Орадан бир оз ўтиб, ювиниб, бир кўзи кўкарган Жўмардга қўшилиб, унинг орқасидан кирган соқолтойнинг йигити чиқиб келди.

— Оҳ, — деди соқолтой шеригига кўз қисиб қўйиб, — шундай кайфу сафони тарк этиш нақадар оғир! Лекин начора. Иш кўп... Қани, йигитлар, кетдик. Сенинг эса, — деб илжайди у Жўмардга юзланиб, — бу ерда қиладиган юмушларинг бўлса керак? Шуларни битириб бемалол уйингга, хотинингнинг қўйнига кетавер. Қизлар бўлса бизни кузатиб қўйишади. Нима дединглар?!

— Ҳали сизларни қўйиб юбормаймиз, — деди қизлардан бири унинг қучоғига кириб, — тез кетиб қолсанглар биз хафа бўламиз.

— Бу ёғини йўлда ҳал қиламиз, қани, одамнинг юрагини суғуриб оладиган кийимлардан кийинглар-чи.

Улар чиқиб кетишганларидан кейин Жўмард ҳолсизланиб ўтириб қолди. Асабий ҳолда сочларини гижимлаб, бўлиб ўтган ишларни бир-бир эслай бошлади...

У аэропортга кирган заҳоти “меҳмонлар”ни топган эди. Тўғрироғи, уларнинг ўзлари дарров Жўмардни таниб олишганди. Ёнига келишиб, ҳали саломлашмасдан устига дастрўмол ёпилган тўппончани биқинига тирашди. Ва ўша, ҳамма нарсани бошқарган соқолтой:

— Хўжайининг ўйиндан чиқади. Ўрнига сен бўласан. Топшириқ шундай. Агар гапимизга қўнмайдиган бўлсанг, хўжайинингга қўшни мазордан жой оласан, тушундингми? — дея сўради паст, аммо қўрқитувчи овозда.

Жўмард ҳайратдан донг қотди. Нима қиларини, нима деярини билмай, юзи оқарди.

— Шефга, — дея гапида давом этди соқолтой, — Абдуҳамиддан кўра сен маъқулроқ тушгансан. Унга имконият берилди. Эплаёлмади... Мавлонни тополмади. Энди бу ёғини тушуниб олгандирсан? Кейин биз кўрсатиб турамиз, ишни ўзинг битирасан.

Бу гапдан кейин Жўмард мутлақо чорасиз қолган эди. Чунки Абдуҳамидни худди отаси каби кўрар, унинг учун жонини беришга ҳам тайёр эди. Шу боисдан: “Ҳаммасини хўжайинга айтиб, уни қочириб юбораман”, деб ўйлаганди. Аммо кейинроқ бу ниятидан қайтди. Чунки юқоридан келганларнинг дасти қанчалик узунлигини у яхши биларди. Айтганларини қилмаса, хожасининг ўрнига ўзи қурбон бўлишини англаб етди. Бунинг устига, кўнглига шайтон оралаб, тахтни шундай гўзал қилиб кўрсатиб қўйдик, ҳали ресторандалигидаёқ Абдуҳамидни бир ёқли қилгиси келиб кетди... Ич-ичидан эса Семён Эдуардовичнинг ўйлаб топган макрига қойил қолди.

Хўжайинининг умрига сўнгги нуқтани қўйиш учун кабинага олиб кириб унинг юзига бир оз тикилиб турди. Абдуҳамиднинг кўзи юмуқ, бир маромда нафас олаётганига қараб туриб ичидан бир нима чирт этиб узилгандай бўлди, қўллари қалтиради. Ана шу маҳал унинг хаёлига ғалати фикр келди. Ва бундан ўзи ҳам хурсанд бўлиб кетиб, дарров тетиклашди-да, хўжайинининг бўйнига зарб билан урди (шундай усулда одамни ҳушдан кетказишни бир пайтлар, ўсмир ёшида дзюдо спортига қатнаб юрганида устози ўргатганди). Абдуҳамиднинг ҳушдан кетганига иқрор бўлгач, унинг томоқ терисини тортиб чўзди ва қўлидаги ўткир пичоқ билан кесиб юборди. Хожаси

бир қалқиди-ю, кейин тинчиди. “Ўлдириб қўйган бўлсам-а?!” деган ўй яшин тезлигида Жўмарднинг миясига урилиб кўзлари олайиб кетди ва кўлидаги пичоқни ташлаб юборди. Шу тахлит у томоғидан қон оқаётган Абдуҳамидга бир оз тикилиб турди. “Мени кечиринг”, дея пичирлади лаблари. Секин энгашиб кўлини қонга яхшилаб ботирди, уст-бошини ҳам қон қилди. Кейин ташқарига чиқди. Анави кўзига бало-қазодай кўринаётган сохта италияликлару уларнинг таржимонларига қонни кўрсатди. Кўнглида эса ҳадик бор эди: “Ишқилиб, бу падарингга лаънатлар қилган ишимни сезиб қолишмасин-да”. Бахтига сезишмади. Унинг ортидан кириб келган италиялик (унинг келиши Жўмарднинг юрагини ёраёзди. “Бу итдан тарқаганлар, менинг кўлим билан Абдуҳамидни ўлдириб, ундан кейин ўзлари меням асфалософилинга жўнатишмоқчи шекилли”, деб ўйлади. Ҳар тугул кириб келган йигитнинг афт-ангорида бунақанги ният борлиги сезилмади) Абдуҳамиднинг тепасига бориб бир оз тикилиб турди-да, ўзига қаққайиб қараб турган Жўмардга юзланиб:

— Яхшилаб уст-бошингни тозалаб ол, — деди соф рус тилида, — шу аҳволингга қизларнинг ёнига чиқмоқчимисан?

Жўмард ювинаётган маҳали ҳам: “Бу баччағар орқамдан келиб пичоқ санчса керак”, деб ўйлади. Йўқ, бу сафар ҳам унинг ўйлагани бўлмади. Йигит Жўмард ювиниб бўлгунча сигарета чекиб турди. Ташқарига чиқаётганларида эса елкасига қоқди-да:

— Ақлли бола экансан, ҳали кўп яшайсан, — деб мақтади...

Жўмард бир муддат шу тахлит сочларини гижимлаб турганидан кейин ўрнидан сакраб турди ва сауна эшигини очиб ечиниш хонасига чиқди. Ундан шу пайтгача ўзларига югуриб-елиб хизмат қилган сауна (ҳаммом) ходимларининг хонасига ўтди. Бир-бири билан гаплашиб ўтирган уч киши уни кўришлари билан дик этиб ўринларидан туришди.

— Анавилар кетишдимми?! — дея сўради Жўмард ҳаяжонини яширолмай.

— Ҳа, — деди улардан бири, — ҳозиргина иккита

такси тўхтатиб, қизларниям ўзлари билан олиб кетишди.

— Яхши, қани, бу ёққа келинлар, тез! — деб Жўмард бирдан ортига бурилиб ичкарига кириб кетди.

Борибоқ Абдуҳамиднинг қулоғи орқасидаги томирини ушлаб кўрди. Жон аломатларини сезиб, бир оз юзи ёришди.

— Нима қилди?! — деди унинг ортидан кириб келган ҳаммомгарлардан бири кўзлари косасидан чиққудек бўлиб.

— Кўп нарса билсангиз тез қариб қоласиз, ундан кўра менга ёрдамлашинг, — дея жавоб берди Жўмард.

Улар Абдуҳамидни кўтариб ечиниш хонасига олиб боришди. Томоғини боғлашди. Юзини муздай сувга бўктирилган дока билан артишди. Шундан кейин Абдуҳамиднинг нафас олиши жонланди.

— Тезроқ больницага обориш керак, — деди ҳаммомгарлардан бири.

— Больница? — унга юзланди Жўмард. — Керак бўлса больницанинг ўзи мен айтган жойга боради... Ташқарида иккита мошина турибди, шофёрларини бу ёққа чақиринлар. Уйқудан бошқани билмайди, эшшаклар!

Абдуҳамидни эҳтиётлаб кўтарганча машиналардан бирининг орқа ўриндиғига ётқизишди. Рулга Жўмарднинг ўзи ўтирди. Шотирларидан бирини нариги машинада дўхтирга жўнатди, иккинчисини ёнига ўтқазиб олди.

Бирор чақирим юрганларидан кейин орқа ойна орқали ортидан такси келаётганини кўриб, ҳаммомгарларнинг гапини эслади. Рулни биринчи муюлишдан ўнгга буриб тезликни оширди. Такси ҳам шу томонга қайрилди. Шундан кейин кўнглига шубҳа оралади: “Орқамдан тушишганга ўхшайди”. Ҳар эҳтимолга қарши орқадан келаётганларни яна бир марта текшириб кўриш мақсадида, аввал чапга, кейин ўнгга бурилди. Такси унинг ортидан қолмади.

Унинг ҳали у кўчага, ҳали бунисига кираётганидан ҳайрон бўлган шотирга қараб қўйди-да:

— Ўйинчоғингни тайёрла, ортимизда дум бор, — деди.

Йигит ёнидан тўппончасини чиқарди-да, ортига ўгирилиб қаради.

— Ҳозир боплайман, — деди мийиғида кулган Жўмард ва тезликни оширди. Қувлаб келаётган машина эскироқ

шекилли, оралиқ масофа узоқлашди. Буни кўрган Жўмард машинани янада тезлатди.

— Светофор қизил, — деди шотири машинанинг қалтираб кетаётганидан хавотирга тушиб.

— Кўрқаётган бўлсанг сакраб тушиб қол, — деди ўзининг қилаётган ишидан завқланган Тиртиқ.

— Тормоз бериб светофордан ўнгга қайрилсангиз, жин кўча бошланади. Шу ерда уларни қолдириб кетамиз, — деди йигит йўлдан кўзини узмай.

Жўмард айна унинг айтганини бажарди. Машина чийиллаган овоз чиқарди. Филдираklarининг остидан тутун чиқиб кетди. Ичидагилар олдинги ойнага ёпишиб қолаёздилар, орқа ўриндиқда ётган Абдуҳамид эса оёқ остига йиқилишига бир баҳя қолди.

Жўмард чаққонлик билан машинани шотири айтган томонга бурди. Жин кўчага битта машина сиғарди. Агар рўпарадан бошқа улов келиб қолса борми, ишнинг пачаваси чиқиши турган гап. Унинг хаёлидан мана шу ўй ўтиши билан рўпарасида чироқ кўринди. Унинг юраги “шиғ” этиб кетди: “Энди ҳаммаси тамом!..”

* * *

Шокир гурс этиб ерга қулади. Атрофда хотин-халаж, умуман, одам кўп эди. Улардан баъзиларининг нигоҳи Шокирнинг қорнига пичоқ кириши ва унинг қулашига тушди. Бирдан қий-чув кўтариб юборишди. Бирпасда атроф ғала-ғовур бўлиб кетди. Кимдир милисахонага югурди. Бошқа биттаси Темурнинг гўрига гишт қалашни бошлаб юборди. Яна бирови қўшқўллаб ярасининг устидан босганча типирчилаётган Шокирга ёрдамлашишга уринди. Кимдир “Тез ёрдам”га қўнғироқ қилишга шошди. Барзанги Темур эса одамлар орасига кириб кўздан ғойиб бўлди.

Орадан икки-уч дақиқа ўтганидан кейин оғриқ бир оз сусайгандек бўлиб, Шокир атрофидагилар кўмагида ўридан турди ва тебранганча машинаси томон кета бошлади. Одамлар ҳайҳайлашиб, уни бирон жойга ўтқазмоқчи бўлишди. Ўлиб қолиши мумкинлигидан огоҳлантиришди. Лекин Шокир уларнинг гапига қулоқ солмади. Мумкин қадар тезроқ машинасига, Маҳфузанинг ёнига етишга

интилди. Унинг бундай кетишига бефарқ бўлмаган одамлар ҳар тугул топилди. Иккита ёшгина йигит қўлтиғига кириб, Шокирни айтган жойига олиб боришди. Бу маҳалда Маҳфуза зерикканидан эндигина машинадан тушган эди. Эрини суяб келишаётганларини кўриб капалаги учиб кетди ва:

— Шокир ака!!! — дея бақириб юборганча унинг ёнига югуриб етиб борди. Бўйнидан кучоқлаб юзидан ўпди-да: — Сизга нима бўлди, жоним, нима қилди сизга?! — дея сўроққа тутаётиб, кўзи эрининг қонга беланган қўлига тушди-ю, кўзи косасидан чиқиб кетай деди.

— Ким қилди?! — дея чинқириб юборди. Бироқ Шокирдан садо чиқмади. Уни суяб келган йигитлар эса қисқагина қилиб воқеани айтиб беришди.

— Эй, Худойим! — дея йиғлаб юборди Маҳфуза. — Ҳали шунисиям бормиди?!

Шокирни машинанинг орқа ўриндиғига ўтқазишаётганларида у унамали. Қўли билан йигитларни итариб:

— Ўзим, ўзим ҳайдаб кетаман, ақлим жойида, кучкуватим ҳам бор, бемалол больницага етиб олоаман, — деди у.

— Йўқ! — деб унга бақирди Маҳфуза. — Бу аҳволда кетолмайсиз.

Шокир унга ўқрайиб қаради ва секин ҳайдовчи томоннинг эшигини очиб, оҳиста ўтирди. Ҳамда бирор муддат бошини машина рулига қўйиб турди. Маҳфуза югурганча айланиб ўтиб унинг ёнидан жой олгач, моторни ўт олдириб, секин уловини жойидан қўзғатди ва шунинг баробарида:

— Маҳфуз, мени олиб келган йигитлар шубҳалироқдай туйилди, — деди хотинига.

— Ишқилиб, ўзингиз ҳайдоласизми?! — дея сўради Маҳфуза хавотир аралаш.

Шокир жилмаймоқчи бўлди. Лекин унинг афти оғриқдан бужмайиб кетди. Шундай бўлса ҳам у машинани бозор ҳудудидан олиб чиқди. Бахтига у томондаги чорраҳанинг кўк чироғи ёниқ эди.

Катта йўлга чиқиб олганидан кейин ярим чақирим масофа босиб ўтилар-ўтилмас, Шокирнинг кўзини туман қоплай бошлади. У кўзини каттароқ очишга, атрофини

кўришга қанча ҳаракат қилмасин, иложини қилолмади. Бу пайтда машина тезлиги анча катта, икки ёндан бир-бирини қувиб бошқа уловлар ўтаётган, тўғридаги чорраҳа бекилиб, “КамАЗ” машинаси тўхтаган эди.

— Шокир ака! Шокир ака! Акажон! Йўқ... Йў-ў -ў-қ!!!
— деб чинқириб юборди олдинга қараган Маҳфуза.

Сўнг Маҳфуза ўзи ҳам сезмаган ҳолда рулга ёпишди. Аммо энди кеч бўлганди: машина ён томондан ўтиб кетаётган мовийранг “Волга”нинг биқинига қарсиллаб урилди. “Волга” эса қарама-қарши томондан келаётган бошқа бир улов билан тўқнашиб кетди...

Маҳфуза эшикка боши урилгандаёқ ҳушидан кетганди. У касалхонада ўзига келди: кўзини очди — ҳаммаёқ оппоқ. Қулоғига элас-элас шовқин эшитилди. Бир муддат қаерда ётганини билолмади. Ҳатто хаёлига келган: “Наҳотки ўлган бўлсам?!” деган ўйдан эти сесканиб кетди. Лекин бир оз ўтиб аста-секин кўз олди равшанлашиб, жисмлар қорайиб бир-биридан ажрай бошлади. Иккита ҳамшира, оҳакланган шифт — барини аниқ-тиник кўрди.

— Хайрият, — деди енгил тортган ҳамширалардан бири, — бемор кўзини очди.

— Мен... — деди Маҳфуза жуда паст, хаста овозда лаблари билинар-билинемас қимирлаб, ҳамширанинг гапини эшитганидан кейин, — қаердаман?..

— Шўрлик қиз, — деди ҳамшира, — чиройлигина экан, увол бўлиб кетишига оз қолди-я. Синглим, балнисада-сиз.

“Балнисада? — ўйлади Маҳфуза. — Нега бу ерда ётибман? Нима қилди менга?.. Шокир акам... Шокир акам қаерда қолди?!”

— Шокир акам... қани? — сўради Маҳфуза.

Бу сафар бир-бири билан кўз уриштириб олган ҳамширалардан садо чиқмади. Афтидан, улар нима деб жавоб беришни билмас, Шокир исмли йигитни танимасди. Билганлари — ҳали исми номаълум манави қиз билан битта машинада бўлган йигитнинг ўлгани, холос. Йигит “Тез ёрдам”дагилар етиб боргунча, ҳалокат содир бўлганидан бирор беш-олти сония ўтибоқ жон таслим қилганди. Ҳамширалар тусмоллаб, қиз ўша йигитни сўраяп-

ти, деган ҳаёлга боришди. Лекин бу ҳақда қизга оғиз очмади. Яқин одами бўлса, шундоғам ажал домидан энди қайтган қизга бирон кор-ҳол бўлиб қолиши тайин эди.

— Ҳаммаси жойида, отдай бўлиб кетасиз, организмингиз кучли экан, юрагингиз ҳам бақувват, — деди биринчи гапирган ҳамшира.

— Йў-ўқ, — деди Маҳфуза нимжон овозда, — Шокир акам қани?

— Сизга кўп гапириш мумкинмас. Чарчаб қоласиз, шунинг учун кўзларингизни юминг-да, ухланг, — дея ҳамширалар олдинма-кетин хонадан чиқиб кетишди.

Маҳфуза шифтга термилганча ҳамшираларнинг гапларидан ҳайрон бўлиб ётаверди. Бир оз ўтиб ухлаб қолди. Кўп ухламади, ярим соат ўтмай уйғониб кетди. Тағин шифтга термилиб ётаверди. Кейин ҳаёлига бирма-бир бўлиб ўтган воқеалар кела бошлади. “Бозор... А-а-а... Шокир акамни сўйиб кетишди-ку... Авария... Шокир акам тирикми?!” дея ўзига ўзи гапирди у ва эшик томонга қараб:

— Ки-им!!! Ким бор?! — дея қичқирди. Лекин Маҳфуза қичқирмаган, овозини ҳеч ким эшитмаганди. Шу маҳал муолажа қилиш учун хонага ҳамшира кириб қолди.

— Опа... Опа! — деди Маҳфуза қуруқшаган лабларини зўрға қимирлатиб. — Шокир акам тирикми, омон қолдими?

Кутилмаган саволдан ҳамшира довриаб, унинг юзига тикилиб қолди. Ҳамширанинг совуққон юз-кўзидан ҳеч вақони англаб бўлмасди. Бу қараш шунчалик маъносиз эдики, оний фурсатда одами зериктирарди.

— Кимни сўраяпсан? — деди ҳамшира бир оз ўтиб ўзига келгач.

— Мен... Мен билан бирга машинада эди... Ярадор эди... Тирикми, ишқилиб?!

— Мен қаёқдан билай... Биратўла тўртта мошина тўқнашган, қайсининг ичида ким борлигини айтишгани йўқ.

— Ҳеч ким... Ҳеч ким ўлмабдими? — дея сўради Маҳфуза шошиб.

— Биттаси ўлган...

— А! Ким экан ўша?! Ишқилиб, Шокир акам эмасми?!

— Ростини айтсам, роса эзма қиз экансан. Уни аллақачон моргга олиб кетишган.

— Эй, Худойим, ишқилиб, Шокир акам бўлмасин!.. Опажон... Опажон, илтимос, билиб беринг!

— Бўлди, бемор! Жим ёт, сенга кўп гапириш мумкинмас, ўзинг бир ўлимдан қолдинг, шунга шукур қилмайсанми? Одам ҳам шунчалик ношукур бўладими-а?! Киминг бўларди у бола?

— Эрим, опажон, эрим! — деди Маҳфуза. У шу гапни айтаётганида титраб кетди, бутун вужуди олов бўлиб ёнди, энтикди. Айни пайтда ичикди ҳам.

Ҳамшира унга ўзгача бир ачиниш билан қаради. Шу қарашнинг ўзиёқ ўлган йигит айнан Шокирлигини англашиб турарди. Лекин бунга Маҳфузанинг ишонгиси келмади. Шунинг учун ички хавотирини йўқотмоқчи бўлиб жилмайишга уринди.

— Жуда ёш қиз экансан, қачон турмуш қургандинглар? — сўради ҳамшира ундан кўзини узмай.

— Яқинда...

— Афсус... — пичирлади ҳамшира ва эгилиб Маҳфузанинг билагига игна санчди. Унинг “афсус”ини қиз эшитмади. Йўқса, додлаб юбориши тайин эди.

Ишини битирган ҳамшира асбоб-анжомларини йиғиштириб чиқиб кетди. Маҳфуза яна ўзи танҳо қолди. Бир оздан кейин эса: “Агар Шокир акамга бирон нима бўлган бўлса, отамнинг руҳи безовта қилиши у ёқда турсин, Худо жонимни олиб, жаҳаннам қаърига улоқтирган тақдирда ҳам Икромнинг қонини ичаман... Бор макримни ишга солиб, уни ўлдираман, гўштини итларга едираман!..” дея пичирлади унинг лаблари.

* * *

Қочоқларнинг таҳликаси узоққа чўзилмади, рўпарадаги машина чапга бурилиб кетди. Шундан кейин Жўмард чуқур нафас олиб, тезликни яна оширди ва ойнадан изма-из қувиб келаётган таксига қаради. Такси анча ортда қолиб кетибди. Агар бирор тасодиф рўй бермаса, бемалол чангида қолдириб кетади. Шундай ҳам бўлди. Навбатдаги икки бурилишдан кейин “дум” узилиб қолди. Шундан кейингина Жўмард енгил тортиб, ёнида қимир этмай келаётган шотирига:

— Шефга қара-чи, нафас олаяптими? — деди.

— Тирикка ўхшайди, — деди ортига эгилиб Абдухамиднинг оғзига қулоғини тутиб кўрган йигит.

— Ишқилиб, етиб боргунимизча ўлмай турсин-да, — деди Жўмард хўрсиниб.

Абдухамидни уйига олиб боришмади. У ер ҳозир хавфли, “меҳмонлар” одам қўйгани эҳтимолдан холи эмасди. Улар тўғри чойхонага боришди. Кўп ўтмай, дўхтир топиб келишди.

Жўмард тонггача юриб чиқди. Эртадаб шотирларини йиғиб, қоровулликка қўйгач, мизғигани кириб кетди. Пешиндан кейин уйғонганида Абдухамид ҳам ўзига келган, бироқ нима бўлганини эслолмай ётарди. Шотирларини биттама-битта сўроққа тутди. Лекин улардан тузук-қуруқ жавоб ололмади. “Меҳмонлар” нега уларни қувгани-ю, ораларида нима гап қочганини ҳеч ким билмасди. “Ким сўраса мени йўқ денглар, ҳеч ким оромимни бузмасин, Шефга бирон жойга кетди, деб айтиб қўйинглар, кейин ҳаммасини ўзим тушунтириб бераман”, дегани учун Жўмардни безовта қилишмади.

Ишончли ёрдамчиси уйқудан туриб келганидан Абдухамид унга аввал заҳрини сочди, сўнг нима воқеалар содир бўлганини сўради. Жўмард ҳеч нарсани яшириб ўтирмади. Рўй-рост ҳамма гапни айтди. Ҳатто Абдухамиднинг томоғини ўзи тилганини ҳам тан олди. Шу гапни айтаётганида Абдухамиднинг кўзи косасидан чиққудай олайиб кетди.

— Бошқа иложим йўқ эди. Шунинг учун... энди мени нима қилсангиз ихтиёрингиз, — дея гапини тугатди Жўмард.

— Қойил, — дея илжайди Абдухамид, — имконият бўлса ҳеч нарсадан тоймас экансан. Лекин сенга катта раҳмат.

— Энди нима қиламиз, хўжайин? — унга термилиб Жўмард.

— Ҳайронман. Менимча, Икром билан иттифоқ тузиш керакка ўхшайди. Бирлашсак, балки россияликлар ҳеч нарса қилолмас. Аммо Икромга бош эгиб боргандан кўра, ўлган афзалроқ. Бошқача ўйин қилиб, у билан келишиб олиш керак. Кейин бир гап бўлар...

— Сиз нима десангиз шу.

— Менга қара, бошим ёрилиб кетай деяпти. Бирон нима опкелтир, — деди Абдуҳамид пешонасини ушлаб.

Жўмард ташқарига чиқиб кетди. “Худога шукур, — дея хаёлидан ўтказди Абдуҳамид, — бахтимга шу Тиртиқ бор экан, йўқса нақ онамни кўрарканман... Падарингга лаънат, қилган ишини қара, кўрқмасдан тилибди-я, яна оғзидан бол томиб, бемалол валдирайди. Бошқа биров бўлганида анави маразларнинг бўйнига шундоқ осиб қўя қоларди... Энди улар тинчимайди, ажабмас, бугундан мусорлар ҳам мени қидиришаётган бўлса... Уларни даф қиларман-а, лекин, асосийси, Икром билан яқинлашиш... Кейин ими-жимиди уни тинчитардим. Ҳар қалай, у билан бир умр ош-қатиқ бўлолмайман. Амакиваччамнинг қотили билан бир дастурхонга ўтиришга сабрим чидамайди барибир. Ҳа, Икромбой, барибир бир куни туғилганинга пушаймон қилдираман!”

Шотирларини эргаштириб Жўмард қайтиб келди. Бирпасда стол усти ноз-неъматга тўлди. Абдуҳамид кўп ичмади. Бош оғриғига бир қадаҳ ароқ ичди-да, иштаҳа билан овқатланди. Кейин лаб-лунжини сочиққа артиб, ўзига шериклик қилиб бир товоқдан ош еяётган Жўмардга:

— Йигитларингдан фақат биттасини ол, Икромнинг ёнига борамиз, — деди.

— Ялинамизми? — пешонаси тиришди Жўмарднинг.

— Ялинадиган аҳмоқ йўқ. Лекин йўлини топамиз. Қосимнинг олдига ёлғиз ўзи борган экан. Биз ҳам бу усулни ўзига қўллаймиз.

Бу пайтда Икром Дилдора билан акасини уйига ташлаб келиб, ғамгин кайфиятда, ўзидан жирканиб, одам зотини кўришни истамай ўтирганди. Фақат Дилором унинг ёнига бир нафасга киришга журъат этди. У ўзи севган йигитдан ҳол сўрамоқчи, дардига шерик бўлмоқчи эди. Лекин... Икром холи қолдиришини сўраб, қизни чиқариб юборди. Айб иш қилиб қўйган Соли эса хожасининг кўзига кўринишга юраги дов бермас, ҳали ошхонага, ҳали айвонга кирар, кўнгли алағда эди.

Соли Каримни бутунлай одамгарчиликдан чиқариб ташлади. У энди уйланишни орзу қилмаса ҳам бўлаверарди.

Аёлдан фарқи деярли йўқ, жўнроқ қилиб айтганда, майиб бўлганди. Ўлиб кетиши ҳам мумкин эди-ю, лекин Икромнинг ҳеч нарса демасдан индамай кетиши Солини шаштидан қайтарди. Икромнинг: “Мен сенга ўлдир, деганмидим?!” деб қолишидан чўчиди. У нима қиларини билмай турган бир пайтда, шотирлари Абдуҳамид Тиртиқ билан бирга келганини айтиб қолишди.

— Тушунмадим, — деди у хабарчи йигитга тикилиб, — бор-йўғи иккаласи-я, нима ишлари бор экан? Бу ерни қандай топиб келишибди?

Йигит унинг саволларига елка қисиб жавоб берди.

— Сенлар ҳеч нарсани билмайсанлар, шунинг учун доим қовун тушириб юрасанлар, — пўписа қилди Соли ва Икромнинг ёнига киришга сабаб топилганидан хурсанд бўлиб югуриб кетди.

— Хўжайин, — деди у эшикдан шошиб кириб, — Абдуҳамид келган эмиш...

Икром бу хабарни эшитиб, даст ўрнидан турди.

— Қаерда?! — сўради у Солига қаттиқ тикилиб.

Соли уларнинг қаерда туришганини билмасди. Шошиб:

— Пастда, — деб юборди.

— Неча киши?

— Анави Тиртиқ билан.

Икром бир муддат пешонасини қашлаб, ўйланиб турди-да:

— Бу ёққа олиб чиқинглар, кейин болаларга айт, ҳаммаёққа кўз-қулоқ бўлиб туришсин. Думлариям бўлиши мумкин, — деб буюрди.

Соли югургилаб ташқарига чиқди. Икром эса Дилоромни чақириб, хонани тартибга келтиришни тайинлади. Сўнг ўзи гўё телевизор томоша қилиб ўтирган киши сиёғида юмшоқ ўриндиққа чўкди.

Бир оз ўтиб ташқаридан бир неча кишининг овозлари эшитилди. Лекин Икром пинагини ҳам бузмай телевизорга тикилиб ўтираверди.

— Мумкинми? — деган овоз эшитилди орадан бирикки сония ўтиб.

Икром эринибгина эшик томонга бошини буриб қаради-да, жилмайиб:

— Наҳотки? — дея ўрнидан турди. — Кулбаи вайрона-
мизга ким ташриф буюрибди? Кўзларимга ишонмайман!

— Ана шунақа биз, — деди Абдуҳамид ҳам илжайиб,
— кутилмаганда меҳмонга келаверамиз.

— Хурсанд бўлдим, — деди Икром сохта илтифот би-
лан.

— Би-ир хурсанд қилай, дедим-да.

Улар кучоқлашиб кўришишди.

— Нечук, — деди Икром иккаласи ёнма-ён қўйилган
оромкурсиларга ўтиришгач, — биз ғариблардан ҳол сўрай
лебсиз-да?

— Соғиндик, — ишшайди Абдуҳамид.

— О-о, сиздай одам ҳам соғинаркан-да, а? Айтмайсиз-
ми, ўзимиз ғизиллаб борардик, овора бўлибсиз.

— Айтиб безовта қилиб ўтирмасдан, ўзимиз келавер-
дик.

— Шунақа денг... Сиз бекордан бекорга соғиниб қол-
майсиз... Балки биз адашиб, яна чумоли-пумолини бо-
сиб олгандирмиз... Аввалги сафардагидай...

— Йў-ўқ, Икромжон, сен адашиб босмайсан, кўриб-
билиб, ундан кейин босасан.

Унинг илмоқли гапи Икромга айилдай ботди, шу боис,
дангал мақсадга кўчиб қўя қолди.

— Очиғини айтавер, нега келдинг?

Энди унинг бу сўроғи, қолаверса, ёши кичик бўлиши-
га қарамай сенсирагани Абдуҳамиднинг иззат-нафсига
тегди. Шундай бўлса-да, у сир бой бермай илжайиб қўйди.
Кейин башараси сал тундлашиб:

— Серёзний иш чиқиб қолди, — дея эшик рошига
суяниб, уларнинг гапини диққат билан эшитаётган Со-
лига бир қараб қўйди.

— Айтавер, қулоғим сенда, — деди Икром.

— Гувоҳсиз...

Икромнинг ишорасидан сўнг Соли чиқиб эшикни
ташқаридан ёпиб қўйди.

— Оғайни, — деди Абдуҳамид гап оҳангини ўзгарти-
риб, — иккаламизниям аҳволимиз чатоқ.

— Мени қўшмасдан гапиравер.

— Россияликлар изингдан тушган.

— Биламан, лекин бунинг сенга нима дахли бор? Сен
улар билан биргасан-ку.

— Шундай эди. Кечагача. Манавини қара, — деб Абдуҳамид бўйнига боғланган докани ечиб, томоғини кўрсатди.

— Ўҳ-ҳў, — деди Икром ўзини ачинган қиёфага солиб, — томоғинг шамоллаб қолибди, деб ўйловдим.

— Хуллас, мен ўшаларнинг гапига кириб, изингдан тушгандим. Лекин уларнинг нияти бошқача экан... Кўрдингми, қаердалигингни адашмасдан топиб келдим... Анави авария бўлган йигитингни қаерга олиб кетганингдан ҳам хабарим бор эди. Лекин тегинмадим. Очигини айтсам, истамадим. Биласанми, нимага? Диктоват қилишларига чидолмадим...

— Мақсадга кўчиб қўяқол.

— Шаҳарни уруш-жанжалсиз иккига бўламиз. Сен ўзингнинг жойингда, мен ўзимникида ишни қилаверамиз. Менимча, бир-биримизни қувиб яшаш жонга тегди. Мен сенга тан бердим.

— Бу сенинг мақсадинг эмас. Шаҳарни ёппа эгаллаб олсанг — сенга шу керак.

— Ўжарлик қилма. Мени ҳали яхши билмас экансан. Мен беш қўлини оғзига тиқадиганлар хилидан эмасман.

— Ўйлаб кўраман.

— Кеч бўлади. Семённинг одамлари изғиб юришибди... Аввал шуларни чиққан жойига тиқишимиз керак.

— Биргалашиб, — дея кулди Икром, — ана энди ўзингга келдинг. Яна мени нишонга тўғрилаб қўйиб, ўзинг чеккада томошабин бўлиб, маза қилиб устимдан кулмоқчисан!

— Шундай дейишингни олдиндан билардим. Лекин адашдинг, менинг улар билан алоҳида ҳисоб-китобим бор. Бу сенга дахлсиз. Аммо минглаб чақиримдан келиб ҳукмронлик ўрнатмоқчи бўлаётганлари менга ёқмаяпти. Буниси сенга тегишли. Чунки сен ҳам шу ернинг одами-сан. Шу ердан нафас оласан, — деди қовоғи солинган Абдуҳамид.

— Нима бўлган тақдирдаям мен сен билан бирга ишламайман. Агар айтганларинг тўғри бўлса, координатларни бериб кетавер. Кейин ўзинг дам олаверсанг ҳам бўлаверади. Мен баъзиларга ўхшаб орқанинг ишини қилмайман, — Икром гап тамом, дегандай ўрnidан турди. — Чой-пой ичамиз...

— Раҳмат, яхшилаб суғординг, эсдан чиқармайдиган қилиб... Жўмард ҳаммасини сента айтиб беради, — деди Абдуҳамид ҳам ўрнидан туриб, эшик томонга юраркан.

Икром унинг шотири билан гаплашиб ўтирмай, Солига буюрди. Ўзи эса ўтириб режа туза бошлади. Бир оздан кейин Самандарнинг вазифасини бажараётган Соли келиб нима воқеалар бўлганини гапириб берди.

— Окаларига ёқмай қолибди-да, — деди Икром кулиб. — Абдуҳамидга этак керак, шекилли, тагига кириб яширингани... Болалардан тўрттасини олгин-да, анавининг югурдаги билан аэропортга бор. Бошқа жойдан тополмаймиз. Тиртиқ “меҳмон”ларни кўрсатганидан кейин жавоб бериб юбор. Лекин тегинма.

Икром жиддий тўқнашув бошланаётганлигини сезиб турар эди. Бунда ким ғолиб бўлиб чиқса, ҳаммасига ўша эга чиқади. Мағлуб эса, ҳатто одамларнинг хотирасидан ҳам ўчириб ташланади. Икромнинг имконияти хийла чекланган, ғолиб келишидан кўра бой бериши аниқроқдай. Шундай эса-да, у “ўйин”га киришга қарор қилди. “Ҳар қалай, милтиқ ушлашни биламан. Шунинг ўзи етарли. Ушлашни билмаганимда ҳам ўргатишарди, кейин... йўқ, мен отмасдим, ўзлари отишарди пойлаб, пусиб, ўзларича яшириниб. Мен эса очиқда қолиб кетавераман, отилган ўқ йўлига тўфондай чиқиб — илма-тешик қилиб ташлашлари учун... Қарабсанки, олам гулистон, маишатини келган жойидан давом эттираверадилар...” хаёл қилди у. Лекин бу ўйлари кимга қаратилганини — Абдуҳамидгами ёки унинг узоқлардаги акахонигами, ўзи билмасди. Лекин шу ўй хаёлидан кечди. Кейин ўйларини бошидан қувиб, ошхонага ўтди-ю, Дилоромга рўпара келди.

— Менга қара, — деди у қизга, — уйингдагилар сени қизиқтирмайдими?

— Уларга телефон қилиб сиз билан биргаман, деб айтиб қўйганман. Хавотир олишмайди, — жавоб қилди Дилором. Унинг юзида ним табассум бор эди. Бироқ бу табассум ортида араз яширинган, у Икромнинг ўзига эътибор қилмаётганидан, сабабсиз ҳайдаб солишидан ранжиётган эди.

— Унда ўзим уйингга обориб ташлаб келаман, — деди Икром кулимсираб.

— Кейин сизга ким овқат қилиб беради? Оч қоласиз-ку.

— Бизнинг ризқимиз кўчада. Шунга ўрганиб қолганман. Овқатинг совиб қолиб кетадими, деб ўйлайман-да.

— Йигитларингиз совишига қўймайди.

Дилором ҳар гапига илиқ бир тафт кўшаётгандай, унинг товушида озгина ноз ҳам бор эдики, бу Икромга хуш ёқаётганди.

— Майли, биз таслим бўлдик, — деди у иккала қўлини юқорига кўтариб. — Биргалашиб зўр овқат тайёрлаймиз. Кейин икковлашиб еймиз.

Унинг гапидан Дилоромнинг боши осмонга етди. Ахир, у қачондан бери Икромнинг оғзини пойлаб, шундай гапни кутади. Бу Икромнинг у томонга бир қадам босгани аломати. Биринчи қадам ташландими, демак, ҳаракат давом этаверади, дея ўйларди у. Бироқ қиз адашаётганини, Икром фақат вақтни ўлдириш мақсадидагина у билан ҳазил-хузул қилаётганини билмасди.

Иккаласи бир-бирига ҳазил қилишди. Бирови картошка арчиди, иккинчиси пиёз тўғради, шу тахлит бир соат ичида бинойидек таом тайёрлашди. Сўнг хуш кайфиятда ўтириб, тановул қилишди.

— Сенга ҳечам тушунмайман, — деди Икром таомдан кейин чой ичиб ўтирганларида, — мендан нима топдинг?

Дилором бу саволни мутлақо кутмаганди. Қизариб кетиб, бошини хам қилди. Сўнг паст товушда:

— Билмадим, — деди, — балки раҳматли адажонимга ўхшаб кетганингиз учундир... Суймаганга суйкалма демоқчисиз-да, тўғрими?

— Йўқ. Кўриб турибсан, сенга жаннатни ваъда қилдиган аҳволда эмасман. Мендан тузук йигитлар кўп-ку, балки...

— Бўлди, гапирманг, — деди кайфияти бутунлай бузилган қиз, — ҳамма гапларингизга чидайман, лекин устимдан кулманг... Одатда, йигитлар қизларнинг ортидан югуришади. Мен бўлсам сизнинг этагингизга ёпишиб олганман. Қиз бола бошим билан. Бўлди, бошқа чидолмайман...

Дилоромнинг киприклари пирпираб, лаблари титраб

кетди, кўзи ёшга тўлди. Унга тикилиб турган Икром эса ичикди, секин ўрнидан туриб, қизнинг ёнига борди-да, сочини силади. Дилоромнинг ўпкаси тўлиб турган эди, бошини Икромнинг кўксига қўйиб, йиғлаб юборди. Икром унинг юз-кўзларидан ўпиб, юпатмоқчи бўлди, аммо шу пайт эшик кўнғироғи жиринглади. Шотирларидан бири Солининг келганини маълум қилди.

— Нимага қараб турибсан, бориб тезроқ очмайсанми?!
— дея унга бақариб берди Икром.

Соли ёлғиз эмас эди. У билан бирга Абдуҳамиднинг энг яқин одами Жўмард ва яна бир бегона, турқидан ҳўкиз ҳуркадиган девсифат, сариқ соқолли эркак ҳам бор эди. Унинг қўли, кўзлари боғланган.

— Бу махлуқни қаердан топдинглар? — кулди Икром.

— Қанот қоқиб учмоқчи экан, қанотини озгина қирқиб қўйгандик, тўрға илиниб қолди, — деди унга жавобан Соли илжайиб.

— Меҳмонхонага олиб ўтиб кўзини еч, бир танишиб олайлик, — деди туйқус қовоғи осилган Икром.

Йигитлари асирни олиб кириб, қўлларини столга маҳкам боғлаб ташлашди. Сўнг кўзидаги қизғиш матони ечишди. Икром бундай қилишларига норозилик қилган эди, Жўмард: “Бир марта бу итнинг боласига марҳамат кўрсатган эдик, лекин тузимизни еб тузлуғимизга тупурди. Яна меҳмондўстлик қилсак, ошириб юбормаймизми?” деди. Унинг ўрнида шу гапларни Соли ёки бошқа йигит гапирганида, албатта, “тегиш”ини оларди. Лекин Икром Жўмардга индамади. Гапиришга имкон бериб, кейинги суҳбатларда ҳам унинг тортинмасдан, мана шундай бемалол гапиришини истади.

— Хўш, — деди Икром рус тилида, соқолтойнинг рўпарасига стол қўйиб ўтирар экан, — аввал танишиб олайлик, менинг исмим Икром.

— Антон, — деди соқолтой кўзини пирпиратиб.

— Ҳе, — деб кулди Соли, — билетига Игор деб ёзилган-ку.

— Йўғ-э, — деди Икром пешонасини тириштириб, — ҳали саломлашишга улгурмасимиздан ёлғонни бошлади-ми?! Тарбиялаш керак!

Унинг оғзидан шу гап чиқиши билан ёнида турган

Соли Антоннинг башарасига мушт туширди. Асирнинг боши илкис чайқалиб кетди, лаби ёрилиб, бурнидан қон оқа бошлади.

— Хў-ўш, сени энди ким деб чақирамиз, айт! — деди мийиғида кулиб Икром.

— Асли исмим Антон, лекин паспортимга Игор деб ёзилган, ҳозиргисига, — деди асир.

— Шунақа дейиш керагида бошидаёқ, — деди Икром, сўнг Солига юзланиб: — Оғзи-бурнини артиб қўйинглар бунинг, — деб буюрди.

Унинг айтгани тезда бажарилгач, сўроқ яна давом этди.

— Бу ерларда нима қилиб юрибсан?

— Бунисини ўзинг яхши билсанг керак.

— Аниқлаштириб олмоқчиман-да.

— ...

— Гапиравер, нега жим турибсан? — деди Икром Антон лом-мим демагач, оёғини чалиштираркан.

— Аввал ким билан гаплашаётганимни билишим керак, — деди Икромга бақрайиб қараб Антон.

— Айтдим, шекилли.

— Исмингни айтдинг. Ундан кейин алоҳида гаплаш-сак яхши бўларди.

— Менинг бу йигитлардан яширадиган сирим йўқ, шунинг учун бемалол, тортинмасдан...

— Агар ҳозироқ мени қўйиб юбормасанг, оқибати яхши бўлмайди. Сенинг ҳам бошингга Абдуҳамиднинг куни тушади.

— Қўрқитвординг, — деб Икром ўрнидан турди. — Мен бир тоза ҳаво олиб келай...

У эшикни ёпиб улгурмаёқ йигитлари Антоннинг устига қуюндай ёпирилишди. Бирови мушт туширди, бошқаси тепди, бетинг-кўзинг, демай тўғри келган жойига ура-веришди. Икром тез қайтди, қўллари боғлиқ асирни ча-лажон қилиб ташлашларини истамади.

— Бас, — деди у кирган заҳоти, — қўлларинг қичиб, кимни уришни билмай юрган экансанлар-да!

У бояги жойига ўтирганидан кейин Антонга бир оз тикилиб турди-да, чўнтагидан рўмолчасини олиб асир-нинг юзини артиб қўйди.

— Очиқ, бемалол гаплашадиган одамни яхши кўра-

ман. Мени кўрқитмоқчи бўлганларни жиним суймайди. Тушунгандирсан? — деди Икром Антонга, сўнг бурилиб йигитларига “чиқиб кетинглар” деган ишорани қилди.

— Мени ўлдирганинг билан ҳеч нарсага эришолмайсан, — деди Антон улар ёлғиз қолишгач.

— Ўлдириш ниятим йўқ... Конкрет гапирсанг, калтакламайман ҳам. Қани, бир бошдан бошла, нега келдинг бу ёққа? Ким юборди? Мақсадинг нима?

— Яширадиган ҳеч нарса йўқ. Абдуҳамид ишончни оқламади. Алмаштириш керак эди... Лекин озгина кўнгилчанлик қилдим. Шунинг учун мана шу аҳволга тушиб турибман.

— Нега Абдуҳамид ишончларингни оқламаскан, бинойидек хизматларингни қилаётган эди, шекилли?

— Мавлонни бизга юбориши керак эди. Лекин эп-лаёлмади... Ёрдамчиси ундан чаққонроқ экан, шунинг учун алмаштиришимиз лозим бўлди... Мана, кўрдим, ҳаммасидан сен зўр экансан. Билганимизда аллақачон Абдуҳамиднинг ўрнига сен бўлардинг.

Унинг гапига Икром кулди.

— Шунақа деб ўйлайсанми, сенлар ким бўлдингларки, хоҳлаган пайтларинг хоҳлаган одамларингни шеф қилиб қўясанлар?! Мен бировга бўйин эгадиган одаммасман... Неча киши эдинглар?!

— Тўртта.

— Қани улар?!

— Меҳмонхонада.

— Сен аэропортда нима қилиб юргандинг?

— Шеф чақирувди.

— Бекорга чақирмаган бўлса керак. Сен ҳам ишни қойиллатмагансан. Демак, бошинг кетади.

Антон бошини эгиб, “қулт” этиб ютиниб қўйди. Сўнг секин Икромга қараб:

— Чектириб юбор, — деди.

— Соли, — деди Икром Антондан кўзини узмай.

Эшик очилиб Соли пайдо бўлди.

— Бунинг хумори тутибди, сигарет бер... Менгаям.

Соли сигаретани ёқиб, Антоннинг лабларига қистириб қўйди. Тутунни ютоқиб симираётган асирга гўё жон кирди, кўзлари чарақлаб очилди. Икром чекмади, рақибини

томоша қилаётгандек унга қараб ўтираверди. Аммо Антоннинг чекиши узоққа чўзилмай, оғзидан сигаретаси тушиб кетди. Соли гилам устига тушган сигарет қолдигини олиб, ташқарига чиқиб кетди.

— Ментлар билан алоқаларинг борми? — сўради Икром Антондан.

— Бизнинг қўлимиз анча узун, келишмасанг, яшашинг қийин бўлади.

— Раҳмат, огоҳлантирганинг учун... Шерикларинг қайси меҳмонхонада?

— Уларни ментлар қўриқлашаяпти. Овора бўласан.

— Овораси бор эканми? Хўш, қайсида?

Антон жавоб бермади. Беролмасди ҳам. Шундайига ҳам Семён Эдуардовичнинг ғазабига дучор бўлиб турибди, “гуллайдиган” бўлса, ўзи тугул уруғ-аймоғининг ҳам шўри қуриydi.

— Тушунаман сени, — деди Икром у жавоб беравермагач, — лекин бошқа иложинг йўқ-да. Мени ҳам тушунишинг керак. Сотқинлик қилмасликнинг битта йўли бор. Мен меҳмонхоналарнинг номини бир четдан айтиб кетавераман, шерикларинг қайсида бўлса, ҳеч нарса деб жавоб қилмайсан.

Икром ўрнидан турди ва бир-бир босиб дераза ёнига борди-да, ташқарига қараган киши бўлиб, меҳмонхоналарни санай бошлади. Тўртинчисига келганида Антондан жавоб бўлмади. “Раҳмат”, дея Икром хонадан чиқди ва Солига тезликда Антоннинг шерикларини “бир ёқли” қилишни буюрди. Ўзи эса ортига қайтиб музлаткичдан ароқ олди-да, иккита қадаҳни тўлдириб, бирини ўзи ичди, иккинчисини Антонга ичирди. Сўнг асирининг қаерда туғилгани, нима ишлар билан шуғулланганини суриштирди. Гап орасида ўзи болалар уйида катта бўлганини ҳам қистириб ўтди. Шу тахлит иккаласи бир соатча гаплашиб ўтиришди. Ниҳоят Соли қўнғироқ қилиб, “меҳмонлар”ни топганини айтди. “Бизга, менимча, уларнинг кераги йўқ”, дея Икром гўшакни қўйди. Сўнг телефонни кўтариб меҳмонхонага кирди.

— Яна битта хизмат қилиб юборасан, — деди у Антонга жиддий тикилиб.

— Яхшиси, — деди Антон ранги ўзгариб, — ўлдир.

— Қўлимдан келмайди, — деди Икром киноя билан, — қадрдон бўлиб қолдик. Ундан кейин, онанг бор экан. Яна синглинг, айтишингга қараганда, жуда гўзал эмиш, сенсиз қўлма-қўл бўп кетади. Балки гиёҳвандга ҳам айланиши мумкин... Бўпти, кўп чуқурлашмайлик, кўнгли бўш одамман. Шефингнинг рақамини тер. Ўзим у билан гаплашаман.

Антоннинг кўзи мошдай очилиб кетди, асабий бош чайқади.

— Ҳов, мараз, Абдуҳамидни ўлдирмоқчи бўлганинга ҳеч нарсадан қўрмагандинг, тўғрими?! Энди нимага тит-раяпсан? Ширинмикан жон! Рақамни айт! — бақирди Икром.

Лекин пўписа иш бермади: Антон миқ этмай ўтира-верди. Бундан Икром баттар асабийлашди, ўзини тутолмай унинг башарасига муштлаб юборди. Мушт зарби асирни тилга киритди, Антон шоша-пиша рақамларни айта бошлади. Икром унинг оғзидан чиққан сонларни тераркан, одамда девдай гавдадан кўра, тузук-қуруқ юрак бўлгани минг марта афзаллигига яна бир марта ишонди. Ич-ичидан Антонга раҳми ҳам келди: “Эсиз, тоғни талқон қилишга қурби етадиган одам-а...”

Симнинг нариги учидан гўшакни қандайдир қиз кўтариб, майин, ширали овозда:

— Алло, — деди.

— Семён Эдуардовични чақириб юборсангиз, хоним, — деди Икром Антонга қараб кўзини қисиб.

Юраги товонига тушиб кетаётган Антон бошини қимирлатиб, “айтма” деган маънода ишора қилди. Ҳали кимлигини тузук-қуруқ билмайдиган, ёшгина, афт-ангори жуда тез ўзгараётган бу йигитчанинг қилаётган ишларидан ақли шошаётганди, боз устига мақсадини ҳам билолмай гаранг эди. Икром мийиғида кулиб қўйди.

— Ким сўраяпти? — сўради қиз.

— Қадрдон укаси бўламан, Ўзбекистондан.

— Мана, ҳозир.

— Алло, — дағал овоз келди гўшакдан.

— Адашмасам, Семён Эдуардович деган нусха ўзлари бўлса керак? — деди Икром атай унинг жиғига тегиб.

— Кимсан?!

— Кимлигимни билишинг шартмас. Фақат ўпкангни босиб ол.

— Мен сени бурдалаб ташлайман! — бақирди Семён Эдуардович.

— Эҳтимол. Одамга ўхшаб келишишни хоҳласанг кейинроқ яна телефон қиламан, — деб Икром гўшакни қўйиб қўйди.

Бу гаплари эртага бошига не бир кулфатни бошлаб келишини у яхши биларди. Семён Эдуардович билан бу тахлитда гаплашиш ажал билан ўйнашишдек гаплиги унга кундай равшан эди. Аини дамда ўзи ҳам нима қилаётганини билмасди. Қизиқ устида сим қоқди. Қизиқ устида аждаҳо — Семён Эдуардовичга кўпол муомала қилди. Энди бу ёғи ёлғиз худога аён. Эҳтимол, ёнида Самандарми, Солими бўлганида, балки улар билан маслаҳатлашиб иш юритармиди. Энди гишт қолипдан кўчди, “аждаҳо”-нинг қитиқ патига тегиб бўлди.

— Мен сенга душманман, — деди Антон Икром гўшакни қўйиб унга қараганидан кейин, — лекин бир нарсани айтиб қўяй, ҳозир бекор бундай қилдинг, ўзингга ўзинг гўр қазидинг.

— Балки. Лекин вақт ҳамма нарсани жой-жойига қўяди. Сўнг мендан хавотир олмай қўяқол. Ҳа, айтгандай, сен билан яхши оғайни бўлиб қолдик. Шунинг учун яшашга мажбурсан, — деди Икром кулиб.

У гўё ҳеч нарса бўлмагандай меҳмонхонадан чиқди. Ўзига қоровуллик қилаётган йигитлар билан ҳазиллашди. Ҳатто бир шиша пиво ичди. Кейин Дилоромнинг ёнига кирди. У билан ҳам шу тахлитда гаплашди... Бироқ барибир ҳаяжонини босолмади. Нимадир ичини кемираётган, қилган ишининг нотўғрилигини уқтираётгандай туйилаверди. Шунданми, Дилоромнинг ёнида узоқ ўтиролмади. Бошини ҳам қилиб ўзини бутунлай тақдир измига топшириб қўйган Антоннинг ёнига борди.

— Қизиқ, — деди Икром эшикка суяниб тикилиб тураркан, — анави ментнинг исми нимаиди?

— Қайси мент?

— Бу ердаги, сизларга ёрдам бериб юрган.

— Кўлдош Омонқуловни айтаяпсанми? — деди Антон пешонасини тириштириб.

— Ҳа, ўшани сўраётган эдим, — деди Икром мийиғида кулиб. Унинг миясига яна антиқа фикр келди: Семён Эдуардовичнинг бу ер билан алоқасини узиб қўйса-чи? Бунинг учун, албатта, алоқачини — буйруқ бажарувчини орадан йўқотиш керак. Чуқур ўйга ботган, хаёли чалкашиб кетган Антон ўзи сезмаган ҳолда яна сотқинлик қилди. Энди унинг бўйнидаги гуноҳи икки ҳисса ортди. Икром уни қўйиб юборган тақдирда ҳам Семён Эдуардович соғ қўймайди. У буни оғзидан Қўлдош Омонқуловнинг исми чиқиши билан англади. Лекин энди кеч эди...

Икром унга тикилиб, хаёлига келган фикрни пишитди-да, чиқиб кетди. Худди шу маҳал Соли Тиртиқни эргаштириб кириб келди. Иккаласининг ҳам оғзи қулоғида, қилган ишларидан жуда мамнун эди улар.

— Бопладик, — деди Соли кирган заҳоти ҳовлиқиб, — охраниям ҳеч бало қилолмай қолди... Ўзлариям молдай ичиб ағанаб ётган экан, ҳаммасини осонгина чиққан жойларига тиқиб юбордик.

— Анави италянман дегани, — гапни илиб кетди Жўмард, — шунақанги ўрисчалаб сайрадики, қўяверасиз.

— Кўнглинг жойига тушдими? — деб унга ўқрайиб қаради Икром. — Ҳаммаси осонгина ҳал бўлди-я, сувдан куп-қуруқ чиқдинглар. Ким ўлдирди? Икром. Сизлар четда қолиб кетаверасизлар, ҳамма бало-қазога гирифтор Икром!..

Унинг гапларидан Жўмард тарракдай қотиб қолди. Икромдан бунақа гапларни кутмаганди у. Умуман, қилган ишлари учун Икром айбдор бўлиб қолиши хаёлига ҳам келмаганди.

— Боплаб кийдирдик, деяпсан-да ичингда, шундайми? — дея сўради Икром ўзига қараб қолган Тиртиқдан.

— Ўлай агар, — деди бирдан ўзига келган Жўмард, — умуман, бунақа гаплар калламга келмади!

— Сенинг каллангга келмайди ҳам... аниқроғи, калланг бўлса келади-да! Лекин анави шефинг худди шуни мўлжал қилган. Мен бўлсам унинг қарашиданоқ ҳаммасига тушуниб етгандим. Фақат менга натижа керак эди. Мана, ўйлаганимдай бўлди... Энди сенга яна битта хизмат бор.

— Бемалол, қўлимдан келса...

— Ўзингча жуда соддасан, гўлсан-а, аслида, балонинг калтагидайсан, қўлингдан келади... Кейинроқ айтаман, унгача ваннага кириб қўлингни ювиб тур, — деди Икром, сўнг Солига юзланди-да: — Сен бу ёққа юр, — деб шотирини айвон томон бошлади.

Соли қилган иши билан хожасини хурсанд қилмоқчи, ўзини қахрамон кўрсатмоқчи эди, лекин ўйлагани бўлмади. Гарчи буйруғи аъло даражада бажарилган эса-да, Икром заррача хурсанд бўлмади. Қайтанга қовоқ-тумшуғи осилиб кетди.

— Сенга раҳмат, — деди унинг кайфиятини сезган Икром Солининг кўнглини кўтариб қўйиш мақсадида, — лекин бошқа иш чиқиб қолди... Қачонлардир менга участка ҳақида гапиргандай бўлувдинг, ўша нима бўлди?

— Аллақачон олиб тайёрлаб қўйибмиз.

— Подвали борми?

— Бўлганда қандоқ, даҳшат.

— Унда эшит, — деди Икром Солининг елкасига қўлини қўйиб, — ҳозир мен йигитлар билан ўша ёққа кетавераман, сен бўлсанг болалардан бештасини олиб Абдуҳамиднинг ёнига борасан. Анави Тиртиқ ҳам бирга кетади. Хуллас, Абдуҳамидни ўша ҳовлига обorasанлар. Қолганини ўша ёқда айтаман...

Ҳали нафас ростлашга ҳам улгурмаган Соли бошини сермаб, “хўп” ишорасини қилди ва эшик томонга юрди. У топшириқни бу сафар ҳам тўла-тўкис бажаришига шубҳаланмасди. Аммо хожасининг мақсадини билолмай ўйланиб қолди. Илгари Шер бирор иш буюрса, Соли сабабини англарди. Энди эса, боши-кети йўқ буйруқлар берилади-ю, нима мақсадда уларни бажариш кераклиги айтилмайди. У Тиртиқни олиб ташқарига чиқиб кетди.

Икром қолган йигитлар билан бирга бир соатларда Соли айтган ҳовлига етиб борди.

Сарғиш бўёқ устидан лак сурилган қалин тахта дарвозага ҳафсала билан нақш солинган, ерга пишиқ гишт гул шаклида ётқизилган, ҳовлининг ўртасидаги мрамар фавворадан сув отилиб турибди, атрофини яшнаб очилган қизил, пушти, оқ гуллар ўраган. Узунлиги беш, энига уч қадам келадиган ҳовуздаги сув мовийрангда товланади. Жаннатмонанд ҳовли. Баланд қилиб қурилган иморат

кўр тўкиб турибди. Икромнинг оғзи очилиб қолди. Бир муддат уй ичига киришга шошилмай, теваракни томоша қилди. Атрофни томоша қилди. Сўнг йигитларидан бирини ёнига чақириб:

— Аввал кимнинг уйи бўлган? — деб сўради.

— Винзаводнинг директори неварасига қурган экан, — деди йигити илжайиб.

— Тортиб олдингларми?

— Й-ў-ў-қ, — деди йигит чўзиб, — сотди.

— Қанчага?

— Йигирма минг...

— Йўғ-э, шу уй йигирма мингми?.. Сал қимматроқ-дир?

— Энди, ока, сиз билан менга арзонроқ бўлади-да, уйнинг ичини кўрсангиз вообше даҳшат, сауналаригача бор. Сизга ярашади, ока, — мақташга тушиб кетди йигит оғзидан тупуги сачраб.

— Мен-чи, — деди Икром кулиб, — мен бу уйга ярашаманми?

— Ока, сиз учун тиллодан қаср ҳам кам.

— Раҳмат, энди анави бассейн ёнига битта жой қилинглр, ўша ерда ўтираман, — деб Икром бошини осилтирганча, битта-битта қадам босиб ўзи кўрсатган тарафга юрди. У ўзини бу кошонада ноқулай ҳис қилаётган, кўрганлари тушга, саробга ўхшаб туйиларди. Бир-икки дақиқадан ўтиб рўпарасида пастқам, сувоқлари кўчиб кетган иморат пайдо бўлиб қоладигандай эди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб у кўзи билан Дилоромни қилдирди. Топди. Уни ҳам худди ўзидек ажабланаётган бўлса керак, деб ўйлаганди. Йўқ, қиз безътибор. Бу унинг юришидан, қарашларидан аён. Икром уни бир оз кузатиб турди-да, сўнг ёнига чақирди.

— Ёқмадимми? — сўради уйга ишора қилиб.

— Ёқишга ёқди. Лекин бундан ҳам зўрини кўрганман... Адам бизни уч йил аввал Сочига олиб борганди. Ўшанда бир кишининг уйида меҳмон бўлганмиз. Ўзиям уйни икки кун маза қилиб томоша қилувдим.

— Шунақа дегин, унда бемалол яшайверсам бўларканда... Лекин кўрганлар нима дейди?

— Ҳеч нарса...

У гапини охиригача айтолмади. Ҳовлига олдинма-кетин Соли, Жўмард ва Абдуҳамид кириб келишди. Уларнинг кайфияти кўтаринкилиги шундоққина юзларидан кўриниб турарди. Икром ўтирган жойида уларнинг ҳар бир ҳаракатига эътибор қилди. Абдуҳамиддаги озгина ҳаяжонни пайқади. У гўё хавфни олдиндан сезаётгандай. Балки унинг салобати босгандир, “Шундай ҳовлиси борлигини қандай яшириб юрган экан бу қисталоқ?” — деб ўйлаб ҳаяжонлангандир. Бу ёғи фақат худога аён эди...

Икром унинг истиқболига чиқмади, мийиғида кулиб тураверди.

— Сенга мутлақо гап йўқ, — деди Абдуҳамид унга яқинлашиб кўришиш учун қўлини чўзар экан, — болалар айтишди, боплабсан. Маразларга шу нарса керак эди ўзи.

— Болаларнинг оғизлари йиртиқ экан-да, — киноя қилди Икром Соли билан Жўмардга қараб. Сўнг йигитлари олиб келган стуллардан бирига ўтириб унга ҳам жой кўрсатди.

— Ундан ҳам каттароқ сюрприз бор, — деди Икром кулимсираб.

— Йўғ-э, — деди Абдуҳамид ўтириб олганидан кейин илжайиб Икромга қаради.

— Кейинроқ. Аввал маишат қиламиз. Мен ҳақ берман.

— Бўлди, — қўлини кўтарди Абдуҳамид, — анчадан бери маишатни ҳам эсдан чиқариб қўйдик.

— Алдаманг, ока, ресторану саунадаги маишатларингиз шунчалик тез эсингиздан чиқиб кетдими? Ҳа, айтганча, анави “меҳмон” қаёқда қолди? — деб Икром Солига юзланди. — Олиб келинглар.

Абдуҳамид қизариб кетди. У шу кунгача ҳали бирор марта шотирларининг ёнида бу кўйга тушмаганди. Икромнинг қочириқлари суяк-суягидан ўтиб кетди. Унинг ёнига ёрдам сўраб келганига пушаймон бўлди.

Соли тезда Антонни етаклаб келди. Абдуҳамиднинг унга нигоҳи тушиши билан кўзи олайди. Асабийлашиб, тишини-тишига босди. Антоннинг аҳволи ҳам униқидан кам эмасди. Пешонаси тиришган, юзи докадай оқариб кетган.

— Ўтир, — деди унга Икром ёнидаги буш столни кўрсатиб, — ҳаммамиз бир бўлиб эллик-эллик қилайлик.

Икромнинг шотирлари дастурхонни сархил мевалару ичимликлар билан тўлдириб ташлашганди.

— Ҳали овқат тайёрмас. Унгача булардан еб турамиз, — дея Икром меҳмонларни дастурхонга таклиф қилди.

— Тўхта, — деди қўллари мушт бўлиб тугилган Абдуҳамид, — менга манави итни бер!

— Э, йўқ, окагинам, — дея Икром қўлини Антоннинг елкасига ташлади, — бу барака топгур ҳали менга кўп керак бўлади. Қанча юким бор елкамда, уларни енгиллатиш учун озмунча куч керакми?..

— Нархини айт, сотиб оламан, — деди Абдуҳамид Антондан кўзини узмай. — Кейин томоқни тилиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман!

Абдуҳамид шошилмасдан бўйнига боғланган докани ечди-да, яра изини Антонга кўрсатиб:

— Мени сўяётганинда тирик қолишимни ўйламаган экансан-да! — деди русчалаб.

— Мен қилмадим, — Антон бош чайқади. — Ўзингнинг одаминг...

— Йў-ў-қ, сен қилдинг буни! — деди Абдуҳамид унга ўқрайиб.

— Стоп, — Икром қўлини баланд кўтарди, — менинг уйимда ғиди-бидига ўрин йўқ.

Қадаҳларни Икромнинг ўзи тўлдирди. Сўнг битта-битта Абдуҳамид билан Антонга узатди. Жўмард билан Соли эса хожасининг ортида тик туришарди.

— Қани, — деди Икром қадаҳни кўтариб, — порлоқ келажак учун олдик!

Антон билан Абдуҳамид унинг тилагига бир оғиз ҳам гап қўшишмай, қадаҳларини кўтаришди. Уларнинг бу қилиқлари кўнгли анча-мунча нозиклашиб қолган Икромга тегиб кетди. У ўрнидан туриб уй томонга секин юра бошлади. Ортидан Соли эргашди. Қолганлар эса ҳайрон бўлиб бир-бирига тикилиб туришарди.

— Ҳозир, — деди Икром Солига меҳмонлардан бироз узоқлашишгач, — анави иккаласининг ҳам оёқ-қўлини боғлаб, подвалга ташлайсанлар, би-ир иккови тўйиб гап-лашсин.

— Хўжайин, — деди Соли паст овозда, — бу сафар Абдуҳамиднинг беш-олтита йигити дум бўп келишган. Кўчада хўжайинини кутиб туришибди. Янги уйингизда тўполон бўп кетадими...

Икром ўйланиб, хаёлан режа тузди. Сўнг мийиғида кулиб:

— Келишгани яхши бўпти, ишимиз анча осон кўчади, — деди.

Соли унинг гапига тушунмай анграйди.

— Жўмардни уйга олиб кирасанлар-да, бирёқли қила-санлар, фақат ўлдириб қўйманглар, ҳушидан кетиб ётсин, кейин навбат Абдуҳамидга келади. Уқдингми, давай, ишни бошла.

Икром изига қайтди ва яна пиёлаларни ароққа тўлдирди. Бу гал у гапирмади. Индамай ичиб юборди. Кейин бир-бирини бурдалаб ташлашга тайёр турган икки рақиб ичишди. Улар ҳам Икромга тақлидан газак қилишмади. Антон-ку, аввалдан шундай ичишга ўрганиб қолган. Аммо Абдуҳамид бир оз қийналди. Сездирмаслик мақсадида чўнтагидан сигарета олиб тутатди. Шу пайт Соли Жўмардни имлаб чақирди, иккаласи уйга кириб кетишди. Уйнинг эшиги ёпилар-ёпилмас Икром қўлидаги пиёла билан мутлақо кутилмаганда Абдуҳамиднинг бошига шунақанги зарб билан урдик, у бир мартагина “оҳ”, дейишга улгурди. Сўнг ерга гурсиллаб юзтубан қулади.

— Кўтар бун! — деди Икром Антонга.

Антон Икромнинг бундай қилишини мутлақо кутмаган эди. Ҳатто бир оз нарида кўзларини узмай турган йигитлар ҳам хожаларининг кескин ҳаракатини кутишмаганди. Шу боис, югуриб етиб келишди.

— Кўтар! — деди Икром бу сафар довдираб қолган Антонга.

Ёп-ёруғ хонага ҳушдан кетган Абдуҳамидни кўтариб кирган Антоннинг пешонасидан тер чиқиб кетганди. Икром уни ҳам ертўлада уриб ҳушдан кетказмоқчи эди, лекин ниятидан қайтди. Айни дамда бунга ҳожат йўқ эди, чунки Антон титраб-қалтираб ҳар қандай буйруққа тайёр турганди.

— Иккаласининг ҳам оёқ-қўлини боғлаб бир-бирига қаратиб ётқизиб қўйинглар! — буюрди Икром ўзи билан

бирга ертўлага кирган беш-олти чоғли шотирларига ва ўзи ташқарига чиқиб кетди. Бунгача Соли ҳам ишини битириб бўлган, ҳовлида хўжайинини кутаётганди.

— Бўлдими? — сўради ундан Икром.

— Худди айтганингиздай, — кулди Соли.

— Шу ишни чатоқ қилганга ўхшаймиз, — Икром пешонасини қашлади.

— Нега, удачний бўлди-ку.

— Ташқаридагиларини қандай ҳаллаймиз? Улар ўла қолса ичкарига кирмас. Аслида Тиртиқни шу ҳолича қолдирсак бўларкан, ўзи олиб кирарди анави одамчаларини...

— Ока, ҳозир ўзим есть қилиб ташлайман. Бирортасининг ҳам қулоғини қимирлатмай ўзимизга қўшиб оламиз. Ундан кейин, иккитаси илгари қўлимизда ишлаган. Кўниши осон бўлади.

— Қара, яна ортиқча гап-сўз чиқмасин, — деб Икром боя ўтирган жойига борди. Ароқ ичди. Буғи чиқиб турган димламадан бир қошиқ олиб оғзига солди-да, иштаҳа билан чайнади. Лекин ютишга улгурмади. Узунқисқа бўлиб бирин-кетин Солининг ортидан Абдуҳамиднинг йигитлари ҳовлига кириб келишди. Уларга кўзи тушиши билан Икром жилмайди ва ўрнидан туриб, хизмат қилиб юрган шотирига пиёлаларни кўпайтиришни буюрди. Ўзи эса лабида табассум билан кириб келаётганларга қараб турди.

Абдуҳамиднинг одамлари у яқинлашганда бирма-бир салом беришди. Уларнинг орасида сочи қордай оппоқлари ҳам, бошида туки қолмаганлари ҳам бор эди. Бироқ ҳаммаси бирдай ҳурмат билан Икромга қўл узатиб кўришди. Икром иззатини қилиб, уларга жой кўрсатди. Сўнг пиёлаларни ароққа тўлдирди.

— Энди оламиз, — деди у қадаҳини тепароққа кўтариб, — бугунгидай кун учун ичмасак гуноҳ бўлади.

Йигитлар пиёлаларини қўлларига олишди-ю, лекин ичишга тайсаллагандай бир-бирига қарашди.

— Нима, — деди қошлари чимирилиб, кўзлари олайган Икром, — менинг эркаклигимга ишончларинг йўқми?!

Унинг саволига ҳеч ким жавоб қилмади. Шунда у ўзига яқин ўтирган йигитнинг қўлидаги пиёлани юлқиб олди-

да, бир кўтаришда бўшатиб дастурхон устига тўнтариб қўйди. Сўнг лабини асабий артиб бақирди:

— Заҳар солинмаганига ишончларинг комил бўлди-ми?! Қани, ич ҳамманг, хотинга ўхшаб сўлжайиб ўтирмаларинг менинг олдимда!

Пўлиса қор қилди, шекилли, йигитлар Икромдек бир кўтаришда идишларидаги ароқни сипқоришди. Насиба-сидан айрилган йигит эса пиёласини ўзи тўлдирди...

— Мен, — деди Икром кўрсаткич бармоғини юқорига кўтариб, — эркаклар билан эркакча гаплашаман. Хотинчалишларга бўлса, онасини кўзига кўрсатамиз. Уқдингларми?! Энди яна бир пиёладан ичасанлар.

Бу сафар Икром ароқ қуймади, ичишга ҳам даъват қилмади. Фақат Абдуҳамиднинг шотирларини кузатиб турди. Улар бу гал кам-кўстсиз, бараварига пиёлаларни бўшатишгач, Икром мийғида кулиб:

— Одам неча секундда ўлиб қолишини ким биледи? — дея сўради.

Дабдурустдан айтилган бундай совуқ гап даврадагиларни сескантириб юборди. Бошқа пайт бўлганида шунчаки ҳазилдек қабул қилиниши мумкин эди. Лекин айни дамдаги кайфият боисми, бу гап бошқача жаранглади. Буни ҳамма, Икромнинг ўзи ҳам сезиб-билиб турарди.

— Кечирасиз, — деди бошқаларига қараганда келбатли, бақувват, кўзи ўйнаб турган йигит, — аввал окамиз билан гаплашиб олайлик, ундан кейин сиз берган саволга жавоб қайтарамиз.

— Гўдакмисанлар? — деди унга атай менсимамай қараб Икром. — Ўзларингнинг мияларинг йўқми?

— Сизнинг ароғингизни ичгани бу ерга келганимиз йўқ, — деди ўша йигит овозини бир парда кўтариб.

— Суякнинг эгасини кўргани келгансанлар. Кирамиз, битта суяк ташласа, оғзимиздан сўлагимиз оқиб, оёғимиз орасига олиб маза қилиб ғажиймиз, деб ўйлагансанлар! — деди Икром овозини униқидан икки баравар баландлатиб.

Бу гапдан кейин келбатли йигит бошини ҳам қилди.

— Мен сенларни бу ерга эзмаланиб ўтириш учун чақирганим йўқ. Бир эркакча гаплашиб қўймоқчиман. Тушундингларми?

Бу сафар ҳеч кимдан садо чиқмади. Икром гапини давом эттирди:

— Хўжайинларинг хотиннинг ишини қилди. У аввалдан ялоқхўр эди, Россияга бориб тагин ялоқхўрлик қилиб келди... Томоғини кўрганмидинглар? Вообше!..

Икром беихтиёр ўрнидан туриб кетди, стол устида турган шишани олиб, ерга қарсиллатиб уриб, чил-чил қилиб ташлади. Аммо бу билан ҳам кўнгли тўлмай, уч-тўртта пиёлани ҳам синдириб ташлади. Сўнг мийиғида кулиб, ранглари гезариб ортга тисарилганча тикилиб турган Абдуҳамиднинг йигитларига бирма-бир қараб чиқди-да:

— Мана шу синган идишларнинг аҳволига тушишни хоҳлаганлар борми? — деди.

Ҳеч кимнинг оғиз очишга юраги бетламади.

— Балки сен хоҳларсан? — деди Соли хожасига бир қараб олиб, келбатли йигитнинг бошини силаркан.

— Менми?... Йў-ўқ!.. — деди у ва ўрнидан туриб кетди.

— Ҳали биров сенга ўрнингдан тур, демади. Дарров гуноҳ қилиб қўйдинг-а! — Соли унинг ёқасини гижимлаб пастга босди.

— Карочче, — деди Икром ёрдамчисининг гапидан мамнун бўлиб, — шу пайтдан бошлаб мана шу одам, — дея у Солини кўрсатди, — сенларга хўжайинлик қилади, уқдингларми?! Агар кимда-ким геройлик қилмоқчи бўлса, манавиларнинг ёнидан жой олади.

Шундай деб, Икром ерпарчин бўлиб, сочилиб ётган идишларнинг синиқларини кўрсатди.

Абдуҳамиднинг йигитлари иложлари қолмаганини ҳис қилишди. Ораларида ҳозир “хўп”, деб қутулиб олайлик, ундан кейин билганимизни қиламиз, деганлари ҳам йўқ эмасди. Лекин кейинчалик...

Икромни бу ғалабаси хурсанд қилмади. Қайтанга у қаттиқ ўйга чўмди. Чунки ўзи ҳам сезмаган ҳолда Семён Эдуардовичдай қаллоб, тулкига дарс бера оладиган “шайтоннинг шогирди”га рўпара бўлиб турар, унга чап бермоқ эса деярли имконсиз иш эди.

* * *

Дилдора кулоқларига ишонмади, у акасидан бу гапни кутмаганди. У деразадан кўз узмай турган акасига термилди. Сўнг ютиниб олиб:

— Ака, шу гапни сиз гапираяписизми?! — дея сўради хаяжонланиб.

— Бошқа иложимиз йўққа ўхшайди. Ўшанда, балки тинчгина яшармидик, — деди Баҳром қилт этмай.

— Сиз ўзингизнинг тинчингизни ўйлаб мени дуч келган одамга бериб юбораверасизми?! — деди Дилдора кўзида ёш ялтираб.

— Ўша тўғри келган одамни ўзинг топгансан. Энди ундан қайтсанг...

— Сизнинг оромингиз бузилади, шундайми?..

— Мен бундай демоқчимасдим, лекин... Бошқа иложимиз ҳам йўқ-да. Ойимнинг аҳволини ўзинг кўриб турибсан. Шу кўйга тушганининг сабабини биласан! — деди Баҳром. У охирги гапни овозини хиёл баландлатиб айтди. Кейин бироз юмшаб қўшиб қўйди: — Ишқилиб, адамниям қийнаб қўймасайдик.

Дилдорага бошқа гапнинг кераги йўқ эди, шунинг ўзи етарди. У ортиқ гапиролмай, юзини қўллари билан тўсганча, югуриб чиқиб кетди. Хонасига кириб, ўзини каравотга отди. Энди унинг йиғлашига нимадир халақит бераётганди. Аслида Икромга турмушга чиқмасликка онт ичган бўлса-да, юрагининг бир четида ўша хайрихоҳлик бор, уни қўмсар эди. Кўргиси, тўйиб-тўйиб гаплашгиси келарди. Эҳтимол, акаси бошқача оҳангда гапирганида ёки юзига шапалоқ тортиб юборганида, балки кўнглида таслим бўлармиди. Лекин акаси... ўзи билмаган ҳолда кўнглига қаради.

— Э, худойим, — қиз бошини ёстикдан кўтарди, бироқ тургиси келмади. Қайта чалқанча ётиб олди. Икром билан илк учрашувини, сўлимгина кафедра бирга ўтирганларини эслади... Аммо хаёли бўлинди, хонасига Нафиса кириб, унинг каравотига ўтириб олди. Дилдора келинойисига қараб жилмайиб қўйди.

— Ҳа, хоним, — деди Нафисанинг ҳам лабига табасум югуриб, — энди ўзингиз севган йигит ҳам ёқмай қолдими?

— Кеннойи, — Дилдора Нафисани кучоқлаб олди, — роса қийналиб кетдим... Акам айтдими?

— Ҳа. Ўша бола ёрдам қилганмиш.

— Биласизми, кеннойи, бошим қотиб қолди. Аввал,

тўғриси, ёқарди. Яхши кўриб қолганим ҳам рост. Лекин... Жиноятчига ўхшайди. Бир кун келиб қамалиб кетса, ундан кейин мен нима қиламан, додимни кимга айтаман? Шуларни ўйлаб, воз кечиб қўяқолдим. Энди бирорта тузукроқ йигитдан совчи келса, ойимга айтинг, розилик бериб юбораверсин, — Дилдора чуқур хўрсинди, унинг кўзлари ёшга тўлди.

— Сиз ҳали ҳеч нарсани билмайсиз-ку, тўғрими? Балки у йигит, сиз айтганчалик, жиноятчи эмасдир. Яхши боладир. Шунчаки безориларни кўрқитиб қўйгандир, — дея Нафиса қайнсинглисининг сочини силади.

— Ўша безорилар, биласизми, уни “хўжайин”, деб чақиришди. Кўргани заҳоти қалтираб қолишди.

— Сиз юрагингизга қулоқ солдингизми, юрагингиз нима деяпти?

— ...

— Ана кўрдингизми, сизни танимаган, билмаган бировга бериб юборишса бахтсиз бўлиб қоласиз, чунки бир одамни сева туриб, бошқаси билан бир ёстиққа бош қўйиш қанчалик оғирлигини биласизми? Бир пайтлар мен ҳам шундай аҳволга тушиб қолишимга сал қолган. Уйдагилар Баҳром акамга эмас, узоқроқ қариндошимизга эрга беришмоқчи бўлишган, ўшанда жуда қаттиқ кўрқиб кетганман... Шунақанги чиройли, гаплашиб тўймайдиган кўшни қиз бўларди. Ошиқлари бир дунё эди. Лекин у бирортаси билан гаплашмасди. Эшитишимизча, бир студент йигитни севаркан. Лекин ота-онаси унга беришмади. Йигит бечоранинг уйдагилари бир ойдан зиёд қатнашди. Барибир рози бўлишмади. Қизни бошқа бировга узатишди. Ўша қиз уйдан қон йиғлаб чиқиб кетган. Орадан икки ойлар ўтганидан кейин, хиёбонда ўша қизни учратиб қолдим — бегона бир йигит билан кучоқлашиб турибди...

— Сиз унинг бегоналигини қаердан билдингиз? — Нафисанинг гапини бўлди Дилдора.

— Тўйда куёв болани кўргандим-да. Бўйи пастгина, тўладан келган эди. Буниси бўйчан, мўйлови ўзига ярашган. Бир қарашдаёқ бегоналигини билганман. Хуллас, улар ўшанда кафега киришларидан аввал ҳамманинг кўз олдида ўпишишдан ҳам уялишмади... Кейин эшитсам,

қўшни қиз эри билан ажрашибди, унинг бегона йигит билан юрганини эри кўриб қолибди. Қизнинг ўзи эрига тик қараб: “Мен сизни мутлақо ёқтирмайман, сизга мажбурлаб беришган, менинг севганим мана бу йигит”, деб кўрсатибди... Кейин улар ажрашибди.

— Севганига тегдими қўшнингиз? — сўради келинойининг гапини диққат билан эшитаётган Дилдора.

— Йўқ, насиб қилмади. Бечора йигит учинчи қаватдан йиқилиб ўлибди. Уни ўша қизнинг эри итариб юборганмиш, дейишади.

— Бечора йигит... — деди Дилдора хўрсиниб, сўнг бироз ўйланиб турди-да, сўради: — Кеннойи, бунинг сиз билан акамга нима алоқаси бор?

— Агар мени ҳам бошқа бировга бериб юборганларида, кейинчалик Баҳром акамни кўрганымда чидаб туролмасдим. Агар акангиз бошқа бировга уйланиб кетган тақдирида ҳам юриб кетардим.

— Вой! — деб Дилдора бирдан Нафисанинг қучоғидан чиқиб, унга ҳайрон бўлиб қаради. — Нималар деяпсиз!

— Тўғри-да, мен акангизни ҳали турмушга чиқмасимдан олдин жонимдан ортиқ яхши кўрардим. Акангиз учун ҳар қандай ишга тайёр эдим...

— Менгаям шундай бўл қолманг демоқчимисиз? — деди ўйланиб қолган Дилдора.

— Агар ҳақиқатан ҳам... Агарига бало борми, ўзим кўрганман-ку, бир-бировларингдан кўзларингни узолмай қолгансизлар. Бундан ортиқ бўладими севги деганлари?

— Кеннойи, сиз Икром акамни аниқ кўрганмисиз?

— Шундай десам ҳам бўлаверади.

— Ёмон одамга ўхшайдими?

— Менимча, ўхшамайди. Янаям билмадим...

— Биласизми, кеннойи, акам ғалати гап айтди.

— Нима деди?

— Агар бошқа хотини бўлмаса, ўша болага тег, деди, — деб Дилдора деразага қаради, унинг ёноқлари қизариб кетди. Боягидай кўзида ёш бўлмаса-да, лаблари билинар-билинемас титрарди. Нафиса қайинсинглисига тикилиб қолди.

— Акангиз, — деди у бирор дақиқадан кейин, — қаердан эшитибди бунақанги гапни?

— Қайдам, — дея елка қисди Дилдора.
— Ёшга ўхшайди-ку... тагинам худо билади.
— Уфф, — деб Дилдора бирдан бошини ёстиққа ташлади ва кўзини чирт юмиб олганча: — Йўқ, тегмайман. Кеннойижон, мени бошқа қийнаманглар, тегмайман! — деди бақириб.

Нафисанинг боши қотди. Қайнсинглисини нима деб юпатишни билмай, анча қийналди. Кейин хаёлига келган ғалати фикрдан юзи ёришиб, Дилдоранинг кўлини ушлади:

— Битта иш қилмаймизми?
— Қанақа иш яна?! — йиғламсиради Дилдора.
— Секин бориб кузатамиз, биламиз... Ундан кейин бир қарорга келасиз!

* * *

Икромнинг телефондаги дағдағасидан Семён Эдуардовичнинг ранги оқариб, кўзлари олайди. Тишини тишига босиб, гўшакни секин жойига қўйди ва аста бошини кўтариб, атрофидаги аъёнларига қаради. Унинг кўзларидаги қаҳрни кўрган шотирлари ортга тисарилишди. Зеро, Семён Эдуардович бундай ҳолатга камдан-кам тушар ва айни вазиятда ёнида турган бирорта одамни, ҳатто у энг яқин кишиси бўлса ҳам, аяб ўтирмасди. Бу сафар эса, у аввалги одатини канда қилди. Телефонни қарсиллатиб ерга урганча бўлак-бўлак қилиб ташлади. Шу заҳоти шотирларидан бири ташқарига югурди ва зум ўтмай янги телефон олиб келиб ўрнатди.

— Сен маразларнинг, — деди Семён Эдуардович кўрсаткич бармоғини ёрдамчиларига нуқиб, — ўлгиларинг келган! Оёқларинг остидаги чувалчангни кўрмайсанлар! Эшитдингларми, менга қилган муомаласини?!

Шотирларининг биронтасидан ҳам садо чиқмади.

— Дори?! — бақирди Семён Эдуардович кўзлари қонга тўлиб.

Шу гапи оғзидан чиқар-чиқмас йигитларидан бири Аслан ёнидан газетага ўроғлиқ наша чиқариб, хожасига узатди.

Семён Эдуардович оромкурсига ястаниб ўтириб, “дори”сини чекди. Сўнг қолдигини гилам устига улоқтириб, кўли билан имо қилиб Асланни ёнига чақирди. Аслан

лапанглаб ёнига келиши билан бирдан унинг ёқасидан тутамлаб ўзига тортди-да:

— Анави сўқим билан ула! — ўшқирди оғзидан кўпик сачратиб.

— Бир дақиқа, — деди Аслан кўзлари олайганча ва хожасининг ўзини қўйиб юборишини кутди.

Семён Эдуардович уни шунчаки қўйиб юбормади, силтаб ташлаб юзига шапалоқ тортди. Аслан гўшакни кўтарганча шошиб рақамларни терди. У томондан қиз боланинг нозик овози эшитилиши билан:

— Трубкани қўймай туринг, — деди имкон қадар мулойим гапиришга уриниб ва телефонни кўтариб хожасига олиб бориб берди.

Семён Эдуардович гўшакни қулоғига тутар экан, қўли билан шотирларига “чиқиб кетинглар”, деган ишорани қилди.

— Ниничкам менинг!

— Во-ой, арслоним! — эркаланган овоз келди гўшакдан. — Қаёқларга йўқолиб кетди бизни соғинтириб?!

— Сенга шунақанги совға тайёрлаб қўйдимки, кўрсанг оғзинг очилиб қолади!

— Ҳозир, ҳозир кўргим келаяпти, чидаб туролмайман, мени доим шунақа қийнашни яхши кўрасан-а, биласан-ку, сенинг совғанг қанчалик қадрли мен учун... Жо-оним, ҳозир олиб кел!

— Бўпти, обораман. Анави гўрсўхтанг уйдасми? Уни озгина ишлатишимиз керак.

— Ҳм, — деган овоз келди гўшакдан, — кетдилар командировкага.

— Қасрга?! — деди Семён Эдуардович овозини бир парда кўтариб.

— Давлат топшириғи билан Кубага, бир ойдан кейин келади.

— Вой, эшшак, ҳар доим ишим тушганида қаёққадир суриб қоладиган бўлди. Иссиғи битган шекилли, бўпти, ҳали болалар ёнингга ўтишади.

— Ўзинг-чи, келмайсанми, соғингандим!

— Вақтим йўқ, ишларим тиқилиб ётибди, — Семён Эдуардович қарсилатиб гўшакни жойига қўйди-да, ўрнидан туриб стол устидаги тамаки қутисидан бир дона си-

гарет олиб лабига қистирди. Боши қотиб у ёқдан-бу ёққа юрди. Оғзи қақраб, қорни очганини ҳис қилди. Шотирларини чақириб овқатлангиси келаётганини айтди. Бирпасда стол ноз-неъматлар билан тўлди. Семён Эдуардович иштаҳа билан овқатланди, “Кока-кола”нинг (у пайтларда шунақа ичимлик борлигини камдан-кам одамгина билар, катта-катта амалдорлару Семён Эдуардовичга ўхшаган ўғриларгина унинг мазасини татиб кўришганди) уч шишасини бўшатди. Шунда ҳам чанқоғи босилмай, икки шиша минерал сув ҳам ичди. Қорни тўлиб, кекириб, яна наша чекди. Бу вақт мобайнида у бошқаларнинг назарида ҳеч нарсани ўйламаётган, гўё қорин ғамини кетказиш билан оворадай эди. Аслида режасини овқатлана туриб миясида пишитиб олди. Кутилмаганда оёғи остида пайдо бўлган Икромни бир ҳамлада йўқ қилишни мўлжаллади. Бу режасидан бироз чиройи очилиб, Асланга қаради. Аслан неча йиллардан бери унинг қаноти остида. У қамалса қамалар, озодликда юрса у ҳам озод бўларди. Уларнинг оиласи йўқ эди. Хотинлари кўчада, ҳатто фарзандлари ҳам бор-у, бироқ бундан ўзлари ҳам беҳабар эди. Мана шундай, шакл-шамойили турлича икки хил феъл-атворли, лекин тақдири бир одамлар эди улар. Аслан бир қарабоқ Семён Эдуардовичнинг кайфияти бироз кутарилганини сезиб илжайди.

— Олмаотага, Серикбойга телефон қил, ўнта йигит Тошкентга келиб турсин, аэропортга, кейин анави қирғизинггаям шу гапни тайинла, уч кундан сўнг учамиз. Анчадан бери сайрга чиқмаётган эдик, би-ир оёқларнинг чигилини ёзиб келайлик, — дея керишди Семён Эдуардович.

— Бориб ўтиришингиз шартми? Ундан кўра бирорта курорт шаҳарда дам олган яхшироқмасми Ниночка билан? Ҳарқалай, қаердаги мишиқининг ёнига сизнинг боришингиз унча ярашмас. Болаларга айтамыз, оёғини ерга теккизмай олиб келишади, — деди бироз ўзига келиб олган Аслан.

— Йўқ, ошнагинам, йў-ўқ, ўша мишиқини эплаганда анави Антон, кейин унга қўшилган учта бола эпларди. Бир гап бўлганга ўхшайдики, Шер ўлдирилган, ҳезалак Абдуҳамид менинг ёнимга ёрдам сўраб келган... Айтган-

ча, у битта ишни бажарди, тўғрими? Юкни ўтказиб берди. Балки ўтказмагандир, ўзимизникилар эплагандир ҳамма ишни. Тулкига ўхшаганди. Майли, у ерда ўзи нима бўлаяпти? Ким зўр? Ким кимнинг гўштини еяпти?.. Кўрдингми, Аслан, мендан яхшигина сиёсатчи чиқади... Эй, онасини ҳаммасининг!.. Сен тайёргарлигингни кўр. Кейин турма бошлиғига айт, мен у билан кўришмоқчиман. Бўл тез, ишга кириш.

У гапира туриб ортига бурилди-да, хосхонаси томон кетди. Сўнгги сўзларни паст овозда айтганидан шотирлари эшитишмади ҳам.

Семён Эдуардович ҳузур қилиб чўмилиб чиқди. Сўнг ёнига икки нафар бир-биридан сулув сариқ сочли жонлонларини чақирди. Аввалига уқалаб қўйишларини буюрди. Сўнг қизларнинг бир-бирини ялаб-юлқашларини томоша қилди. Ўзининг иштирокидан кўра, уларнинг мана шу қилиқлари унга кўпроқ завқ бағишларди, у яйраб кетар, лаззат туяр, бутун дунёни унутар эди. Аммо роҳатбахш томошани инъом этаётган қизларнинг нечоғли азобланишаётганини Семён Эдуардович ҳис этмасди. Тўғри, қизларнинг бири иккинчи жинсдошининг хатти-ҳаракатидан чексиз ором олаётгандай кўринар, аслида, бу хатти-ҳаракатлар эҳтиросни авж нуқтасига олиб чиқар, аммо якун беролмас ва ҳар гал томоша тугагач, қизлар соч юлишиб қоларди.

Семён Эдуардович бу гал қизларнинг қилиқларидан қониқмади, шу боис, уларни ҳайдаб солди-да, ўзи каравотга чўзилди. Хаёлига телефонда гаплашган Нина исмли қиз келиб, мийиғида кулди: “Оҳ, Нина, Нина, ҳеч ким сенинг ўрнингни босолмайди. Дунёда ёлғиз сенинг ўзинг бошқачасан”, пичирлади у ва бундан саккиз йил бурунги воқеаларни эслади...

* * *

Семён Эдуардович “қонуний ўғрилар” орасидан ситилиб чиқиб, ўзига ўхшаганларнинг ҳаммасини бўйсундириб бўлган, энди навбат ҳукумат вакилига етганди. Чунки уларнинг орасидан ҳам бир-иккитасини ўзига қарам қилмаса, жиноят дунёсида барибир бемалол нафас ололмасди. Шу боисдан, юқори мартабалилар орасидан “ёриқ” қидирди. Бироқ ҳадеганда иши ўнгидан келавермади. Ана

шундай кунларнинг бирида тўсатдан ресторанда Нина билан танишиб қолди. Қизнинг кайфи ошиб қолган, дугоналари билан стол атрофида хохлашиб, ичкиликбозлик қилишар, ора-сира рақс тушишарди. Нина дугоналаридан гўзал, кулишлари, қилиқлари ва ҳатто ароқ ичиши ҳам жуда ўзига ярашарди. Семён Эдуардович ёқимтой бу қизалоқни анча кузатиб турди ва оғир мусиқа янграганида секин қизлар даврасига яқин бориб уни рақсга таклиф қилди. Қиз ўзига ром қилувчи табассум билан билан бироз қараб турди-да, секин ўрнидан туриб, унинг елкасига қўлларини қўйди. Семён Эдуардович эса эҳтиёткорлик билан қизнинг нозиккина белидан кучди.

— Сулув қиздан исмини сўраш мумкинми? — деди бироз рақсга тушганларидан кейин Семён Эдуардович қизнинг сочларидан таралаётган ажиб хушбўй ҳиддан боши айланиб.

— Нина, — деди қиз майин товушда.

— Мени Семён Эдуардович дейишади. Семён деб чақирсангиз ҳам хафа бўлмайман.

— Яхшиси, — қиз шўх кулди, — отангизнинг исми билан чақирай, шунда сизга ярашади.

— Қарияга чиқариб қўймоқчимисиз?

— Ёшингизга мос-да.

— Шу гапингиз билан мени бутунлай сеҳрлаб қўйдингиз, — деди Семён Эдуардович тагдор гапиришга уриниб, — сизни ўзимизнинг столга таклиф қилсам, йўқ демассиз?

— Эрим келиб қолишидан чўчимайсизми?

— Асло!

— Уч киши экансизлар, кўплик қилади, — кулди Нина.

Семён Эдуардович ўзидан кўз узмай илжайиб турган шотирлари томонга қараб, кўзини қисиб қўйди-да, бир қўлини қизнинг белидан бўшатиб, уни секин ўзининг столи томон етаклади:

— Дугоналарингиз ҳам, сиз баҳона, бизга меҳмон бўлишади, — дея қизнинг қулоғига шивирлади.

— Во! Сиз олижаноб инсон экансиз! — қиқирлади Нина.

Семён Эдуардович қиз билан бирга столга ўтираркан, шотирлари ўринларидан туришди.

— Қанақанги эркаксанлар? — деди уларга Семён Эдуардович кулиб. — Ўзларингга битта-битта пара олиб келмайсанларми?!

Йигитларнинг ҳам ичи қизиб турган экан, хўжайиннинг оғзидан шу гап чиқиши билан бир зумда қизларни олиб, жуфт-жуфт бўлиб келиб ўтиришди.

Стол устига қайта егулик-ичимликлар тортилди. Икки шиша ноёб француз виносини кўрган қизлар қийқириб юборишди.

Ўтириш бир соатдан кўпроқ давом этди. Бу вақт мобайнида Семён Эдуардович ва унинг йигитлари қизлар билан иноқлашиб олишди. Фезълари бир-бирига мос келгани боис, жуфт-жуфт бўлишиб ресторандаги хўрандаларнинг кўзларини ўйнатиб бир неча марта эҳтирос билан ўпишишга ҳам улгуришди.

— Бу ер бизга торлик қилиб қолди, — деди Семён Эдуардович ўзини маст кўрсатиб, Нинани маҳкам бағрига босар экан, — бошқа жойга борамиз. Даҳшатли жойга борамиз, қизлар у ерни кўришса сеҳрланиб қолишади. Кетдикми?!

Унинг таклифи бир овоздан маъқулланди. Жуфтликлар бир-бирини кучиб чиқиб кетишди.

Чайковский кўчасидаги иккинчи муюлишда улкан универмаг бор эди. Унинг ертўласи ресторанга айлантирилган. Бу жойга фақат “элита” ташриф буюрарди. Семён Эдуардович бир неча марта бу ерда тамадди қилган ва ҳар сафар у кирганидан кейин ресторан эшиги ёпилиб, бошқа ҳеч ким киритилмасди. Мансабдорларга эса “вақтинчалик таъмир” деган баҳона рўқач қилинар эди. Ҳозир ҳам қайсидир ташкилотнинг тўрт-беш раҳбари ресторанда ўтиришарди. Семён Эдуардовичнинг ишораси билан хизматчи аёл бошлиқни чақирди. Ўғрибошининг келганини эшитган директор оёғини қўлига олиб етиб келди.

— Анави ипирисқиларни йўқот, — деди Семён Эдуардович секин, аммо таҳдидли шивирлаб.

— Хўп... Хўп бўлади, — дея икки қўлини кўксига қўйган бақалоқ директор югуриб бориб чироқни ўчирди. Шу ондаёқ шовқин-сурон кўтарилди. Мансабдорлар ўринларидан туриб сўқинишди. Ресторан бошлиғи қўлида шам кўтариб яна пайдо бўлди. У ёритиш тизимидаги носоз-

лик учун узр сўраб, бир-икки соат чироқ бўлмаслигини эълон қилди.

Унинг гапидан залда шовқин баттар кучайди. Лекин мансабдорлар бирин-кетин чиқиб кетишди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас чироқ ёниб, майин мусиқа янгради.

— Хонимлар! — дея ўрнидан турди Семён Эдуардович. — Сизлар учун ҳамма нарсага тайёрмиз, ҳатто худодан чироқни сўраб олишга ҳам!

Даврадагилар қийқириб, чапак чалиб юборишди.

Ора-сира ўпишишлар бошланиб кетди. Шу маҳал Семён Эдуардовичнинг миясига ғаройиб фикр келди: “Бу қизлардан усталик билан фойдаланиш мумкин”. Ўйи ўзига нашта қилиб, кайфияти баттар кўтарилди ва хизматкорлари қатори ҳар қандай буйруққа ҳозир бўлиб турган ресторан директорини ёнига чақириб, бояги усулда:

— Ҳаммоминг тайёрми? — деб сўради.

— Албатта, — дея илжайди директор.

— Яхши, бизни ҳозир кузатиб қўясан, — деб Семён Эдуардович Нинага юзланди ва унинг лола мисол чўғдай лабидан юмшоққина ўпич оларкан, қулоғига: — Сени жудаям-жудаям хоҳлаяпман, — деди.

Қизнинг кайфи ошган, шу боис, эркакдан аввалроқ бу нарсага ўзида майл сезганди. Семённинг гапидан кўзлари каттарди ва баттар унга суйкалиб:

— Шу ернинг ўзидами? — деб сўради.

— Жойимиз алақачон тайёр бўлган.

— Биласанми, — сенсирашга ўтди Нина, — сен менга янада кўпроқ ёқиб қолаяпсан.

Нина бу масалада шунақанги усталик қилдики, тобора бўшашиб, ўзига ишончини йўқотаётган Семён Эдуардович гўё жаннатга тушиб қолгандек бўлди...

— Энди мен сени умуман қўйиб юбормайман, — деди Семён Эдуардович қулочини кериб ётар экан.

— Наҳотки, — Нина эркаланиб унинг кўкрагини силади, — эрим борлигини айтсам, шу дақиқадаёқ қўйиб юборасан.

— Айтгандинг. Дарвоқе, эринг нима иш қилади?

— Оддий одам. Қурилишда прораб. Маоши ресторанинг эшигидан киришга ҳам етмайди.

— Ҳм, — кулди Семён Эдуардович, — шу бузоқ билан

сен бутун ёшлигингни исроф қилиб юбораётганинга ачинмайсанми?

— Иложим қанча, чидайман-да. Ора-сира сенга ўхшаганлар чиқиб қолади...

— Бунақаси кетмайди, — деб ўрнидан туриб ўтирди Семён Эдуардович, — ҳаётингни ўзгартириб юборамиз.

Ҳақиқатан ҳам у Нинанинг турмушини ўзгартириб юборди. Эртасигаёқ Нина эри билан ажрашиб, Семён Эдуардовичнинг эркатойига айланди. Лекин уларнинг маишатбозликлари узоққа чўзилмади. Эркак қарилик қилиб қолди. Шу боис, у Нинадан бошқача усулда фойдалана бошлади. Яъни...

У бу режани ўшанда — ресторанда ўтирганларида ўйлаб қўйган эди: Нинага энг машҳур қиморбозлар қарта ўйинини ўргатишди. Қизнинг ўзида ҳам қиморга уқув бор экан, тез орада уста қиморбозга айланди.

— Энди, — деди бир куни Семён Эдуардович, — ўша ресторанга борасан. Эшитишимча, ҳозир у ерга министрлар ҳам келиб туришаркан. Хуллас, ўзингга ўхшаган кетворган дугонанг билан қимор ўйнайсанлар, мумкин қадар катта-катта амалдорларнинг эътиборини тортасанлар... Бошида беш-олти марта ютқазилларинг шарт. Ундан кейин аста-секин чўнтагидаги бори бўй кўрсатаверади. Қолгани бизнинг ишимиз.

Дастлабки иш улар ўйлаганчалик чиқмади. Нинани амалдорларнинг салобати босдими, Семён Эдуардович бошқа усулни ўйлаб топди.

Кейинги гал Нина Лена исмли қора сочли, калта этакли дугонаси билан Аслан ҳамроҳлигида ресторанга борди. Аввал оз-оздан ичишди. Сўнг уларнинг буюртмасига биноан шўх мусиқа янгради. Нинанинг кўзи олазарак, атрофдагиларни кузатар, бойроғи, нуфузи баландроғини топишга уринарди. Аммо етти-саккизта столнинг атрофини ўраб ўтирганлар орасида у қидираётган одам йўқ эди. У ҳафсаласизлик билан чуқур “уф” тортди.

— Ўзингни бос, ҳаммаси жойида бўлади, — деди унинг асабийлашаётганини сезган Аслан бармоқларини ушлаб сиқиб.

— Менга яна озгина вино ичишимга рухсат бер, — деб мўлтираганча Асланинг кўзига тикилди қиз.

— Тушунарли, — деди Аслан ва столнинг устида турган ноёб винодан қулқуллатиб Нинанинг қадаҳини тўлдирди, сўнгра: — Бу аҳволда ишлашинг қийин бўлади, — дея илжайиб қўйди.

Нина асабийлашган пайтда ёки ҳаяжонланганида ичимликни ҳўплаб ўтирмас, бир кўтаришдаёқ сипқорарди. Лекин бу сафар ундай қилмади, лабига теккизиб қўйди, холос. Аслан ҳам унинг макрига қойил қолди. Орадан ўн беш дақиқа ўтгач, Нина кутган одам — оқ оралаган сочини ёнига силлиқ тараган, хорижнинг кўкимтир костюм-шимида, оппоқ кўйлаги устидан таққан бўйинбоғи ўзига ярашиб турган ўрта бўй, эллик ёшлардаги киши шериги билан алланималарни гаплашганча кириб келди. Нинанинг бирдан чиройи очилиб, Асланга кўз қисиб қўйди ва паст товушда:

— Мижоз келди, — деди ним табассум билан.

Мижоз уларга яқинроқ столга жойлашди. Хизматчи аёлга юзидаги кулгичини яширмай нималарнидир гапирди. Нина ундан кўзини узмай, ҳар бир ҳаракатини кузатиб ўтирарди.

— Ёқиб қолдими дейман? — деди Аслан бармоқларини қирсиллатиб.

— Аслан, — унга юзланди Нина, — биласанми, ҳозир сен ортиқчалик қилаяпсан. Лена иккаламизни қолдириб чиқиб кет. Керак бўлсанг, ўзим чақириб оламан.

— Уддалайсанми, ишқилиб?

— Бу ёғини менга қўйиб бер.

— Яхши, — Аслан ўрнидан турди ва чўнтагидан сигарет олиб лабига қистирди ва уни тутатиб, шу баҳона “мижоз”ни зимдан кузатишга ҳам улгурди.

— Лена, — деди Нина дугонасига қараб, — қадаҳларни винога тўлдир. Бугун иккаламиз бир маза қиламиз, нима дейсан?

— Маишат, — деди Лена кўрсаткич бармоғини юқорига қилиб, — менинг жону дилим. Қани энди ҳар куни маишат қилсанг!

— Иштаҳанг ёмон эмас. Агар ҳаракат қилсанг шунга эришининг мумкин, — деди Нина сумкачасидан сигарет олиб тутатаркан. У “мижоз”дан кўзини узмай назокат билан чека бошлади. Ниҳоят ўзини амалдордай тутаётган

одамнинг эътиборини қозонишга эришди. Тўғрироғи, Нинанинг нигоҳини аввал “мижоз”нинг шериги илғаб, унга пичирлади ва қизни кўрсатди. “Мижоз” ёнига қараши билан Нина унга майин табассум ҳада қилганча қўлига қадаҳини олди-да, унга кўрсатиб ҳавода уриштирган бўлди. Унинг бу қилиғи “мижоз”га хуш ёқди ва у ҳам Нинага қараб қўлига қадаҳини олди...

Уларнинг сўзсиз мулоқотини ресторан эшиги ёнида кузатиб турган Аслан мусиқачилар ёнига бориб оғирроқ мусиқа буюрди. Бу айнан мўлжалга урилган ўқ эди. Бошқа столдагилар ўзларининг жононларини рақс майдончасига олиб чиқишиб белларидан қучишганча, куй монанд тебрана бошлашди. Табиий, бу Нинанинг “мижози”га ҳам таъсир қилмай қолмади. У секин ўрnidан кўзғалиб, Нинани рақсга таклиф қилди. Нина сир бой бермай дугонасига қараб:

— Зерикиб қолмайсанми? — деди.

Лена чуқур нафас олиб, икки қўлини ёнига ёзди ва табассум билан:

— Иложим қанча? — деди.

— Хавотирга асло ўрин йўқ. Биз сиздайин гўзал хонимни яққалатиб қўймаймиз, — деди мижоз унга кулиб қараркан.

Бу пайтда унинг шериги ҳам ёнига келиб кулиб турарди.

Нина мижознинг елкасига қўлини қўйиш баҳонасида кўкрагини унга ботириброқ теккизиб олди. Унинг бу қилиғи эътиборсиз қолмади ва мижоз ҳам унинг белидан маҳкамроқ қучди.

— Сиздай санам билан танишсам, бошим осмонга етарди, — деди у хушомадгўйлик билан.

— Исмининг Нина эканлигини яширишдан фойда йўқ деб ўйлайман, — деди қиз табассум билан мижознинг кўзига тикилиб.

— Ниничка — гўзал исм. Ўзим ҳам шунга яқинроқ исмни ўйлаб тургандим. Мен Николайман.

— Ко-ля, — деди Нина чўзиб, — тўққизинчи синфда ўқиётганимда Коля исмли йигит билан севишиб қолгандик.

— Бунга қара-я. Хўш, ўша йигитга турмушга чиқдимиз сулув қиз? — деди Николай жиддийлашган бўлиб.

— Агар чиққанида ҳозир сиз унинг нозик белидан қучиб турмаган бўлардингиз. Ёшлик экан, ҳаммаси ўтди-кетди.

— Хафамисиз?

— Асло. Ҳаётимдан гоятда мамнунман, — деди Нина ва бармоғи билан Николайнинг юзига тегиниб қўйди.

— Сиз ниҳоятда офатижонсиз, — деди унинг қилиғига жавобан Коля.

Шу маҳал мусиқа тинди ва жуфтлар бир-бирини қўйиб юбориб, жойларига қайтишга мажбур бўлишди.

— Балки бизнинг столга меҳмон бўларсизлар? — деди Николай қўлини Нинанинг белидан олишни истаб-истамай.

— Тескариси бўлса-чи? — деди Нина унга табассум ҳадя этаркан.

— Бошимиз осмонга етарди, — деди Коля ва ўзининг столидан аллақандай дафтарчани олиб, Нинанинг ёнидаги бўш стулга ўтирди. Шериги Ленанинг ёнидан жой олди.

— Мен, — деди Коля кўзи чақнаб қизларга назар соларкан, — Нина билан танишман, деб бемалол айтолман. Дўстим Федя ҳам ўзи билан бирга рақс тушган жононнинг исмини билишига шубҳам йўқ. Демак...

— Демак, — дея гапни илиб кетди Лена, — фақатгина сиз билан мен ҳали танишганимиз йўқ. Аввал бир қадаҳдан мен ниҳоятда ҳурмат қиладиган ва яхши кўрадиган, — дея у чет элнинг виносини қўлига олди, — винодан татиймиз, ундан кейин танишамиз.

Даврада шўх кулги кўтарилди. Коля тилак айтди, сўнг Ленанинг қўлини ўпиб, газатига вино ичди. Шундан кейингина исмини Ленага маълум қилди.

Давра қизий бошлади. Эркаклар винога қаноат қилмай хизматчи аёлга ароқ буюришди. Ўткир спиртли ичимлик қадаҳларда биллурдай товланишини кўрган қизлар ҳам ўзларини тутиб туришолмади ва Коля билан унинг дўстига шериклик қилишди.

Суҳбат айланиб латифага уланди. Эркакларнинг бири қўйиб, иккинчиси қизиқ-қизиқ воқеалардан, ичакузди хангомалардан гапириб беришди. Қизлар баъзан самимий, баъзан атай қотиб-қотиб кулишди.

— Биласизларми, менинг энг ёқтирган ўйиним қайси?
— сўраб қолди Нина бир маҳал.

— Менимча, — деди унинг қулоқлари ва лабларини бармоқлари билан эркалаётган Коля, — теннис бўлса керак.

— То-пол-ма-динг, — деди Нина эркалик қилиб нозли тебраниб, — менинг жону дилим — қарта.

— У-у! — деди Федя. — Иккаламиз бир хил эканмиз.

— Наҳотки, — деди кўзлари қувнаган Нина, — бир қўл ўйнамаймизми?!

— Ўйнаймиз, — деди Коля, — фақат бир рюмкадан ичамиз, ундан кейин ўйнаймиз.

— Балки, — дея атрофга бир қараб олди Федя, — бошқа жойда... Ҳар қалай, бошқаларнинг назаридан четда қизиқроқ бўлармиди?..

— Фединка, — деб энгашганча дўстининг бўйинбоғини ушлади Коля, — шаҳар прокуратурасининг ходимига баъзи нарсалар рухсат этилган. Тушунгандирсан?

— Худди шундай, — дея уни энди Нинанинг ўзи кучоқлаб олди, — мумкин...

Гарчи у шундай деган эса-да, “прокуратура” сўзини эшитиб ичидан зил кетган ва ўгринча эшик ёнида сабр билан уларни кузатиб турган Асланга қараб олганди.

— Ахир, биз қимор ўйнамаймиз-ку, — дея гапга қўшилди Лена.

— Балки, — деди Коля, — рестораннинг алоҳида хонаси бордир.

— Балкига ўрин йўқ. Аниқ, — деди Федя, — қани, ўша ёққа кетдик. Бемалол ўтирамиз.

Қизлар унинг гапини қарсак чалиб олқишлашди.

Ресторан директори жой йўқлигини баҳона қилиб, бироз оёқ тираб турди. Колянинг қаерда ишлашини эшитганидан кейин эса, ноилож рози бўлди. Аслида турли тоифадаги амалдорларни кўравериб, кўзи пишиб кетган директор Колядан мутлақо ҳайиқмаганди. Умуман, у органларнинг одамларидан чўчимас, уларни озгина пул бериб тинчитиб юборса бўлади, деб ишонарди. Бироқ Семён Эдуардович билан унинг югурдақларидан ўлгудек ҳайиқарди. Чунки уларнинг кўнглини пул билан ҳам овлаб бўлмаслигини яхши биларди. Бундай одамлар ҳам

пулингни, ҳам жонингни олади, деб қўрқарди. Аслида унга бироз тихирлик қилиб, кейин кўнгин, деб Аслан тайинлаганди. Чунки “мижозлар”нинг хатти-ҳаракатидан уларнинг алоҳида хона сўраб қолишларини Аслан сезиб улгурган эди. Қолаверса, Нина охир-оқибат нима бўлса ҳам қармоғига илинганларни рестораннынг ички томонидаги махсус, ўта нозик одамларга мўлжалланган хонага етаклаб боришини биларди.

Хилват жойга боришгач, Коля ўзини бемалол тута бошлади. Ҳатто ичкарига кирган заҳоти Нинанинг қайноқ лабидан бўса олишга ҳам улгурди. Федя ҳам ўзини босиб туролмай, Ленани ўпич билан сийлади. Қизлар заррача эътироз билдиришмади. Албатта, бу ҳаракатлар қизларнинг режасида йўқ эди. Лекин аралаш ичилган вино-ю ароқ кучини кўрсатмасдан қўймади. Айниқса, бундай пайтда эркакларга майли кучли Нина билан Ленанинг чидолмасликлари аниқ эди.

Қадаҳлар икки мартадан тўлиб-бўшади. Ўтирганларда қартага ҳафсала қолмади. Бироқ Нина ўйинни бошлаши шарт эди, акс ҳолда Семён Эдуардович уни кечирмасди. Шу боис, у бежиримгина қип-қизил сумкачасидан янги қартани олиб, столга ташлади. Агар прокуратура ходимлари маст бўлмаганларида қизларнинг бу ҳаракатлари замиридаги ниятни пайқашарди. Бироқ ҳозир уларнинг бунга қурби етмасди.

Нина энди қартани сузиб бўлган маҳал кутилмаганда хонага Аслан кириб келди.

— Сен... Сен! — деди кайфи бутунлай ошиб қолган Коля кўзини йириб очар экан. — Кимсан, нега келдинг?! Йўқол, кўзимга кўринма, бўлмаса умрингни авахтада чиритаман!

Аслан унинг гапига кулди ва бемалол келиб стол атрофидан жой олди ва Нинани кўрсатиб:

— Ўзинг авахтабоп бўп қолибсан-ку. Манави қизча менинг синглим бўлади. Ҳақиқий, — деди.

Коля афтини бужмайтириб Нинага қаради-да:

— Ниничка, бунинг гапи тўғрими? — деди гўлдираб.

— Афсуски, шундай, — жавоб қилди қиз ҳам пинағини бузмасдан, — хўш, қарта ўйнаймизми ёки мен бугун сеvimли машғулотим билан шуғулланолмайманми?

— Үй... Үйнаймиз, — деди баттар кайфи ошиб ўтирган жойида тебранаётган Коля.

— Кейинга қолдиришга мажбурсан, — деди Аслан Ни-нага қараб, — ҳозир биз эркаклар бир қадаҳдан ютамиз, кейин ким оёғида туролса, ўша қимор ўйнайди.

Коля билан шериги оёқда туролмаслигига унинг ишон-чи комил эди. Кўнглида прокуратура ходимларининг бир шармандасини чиқариш нияти бор эди. Бир пайтлар беш йил ўтириб чиққанига шу касб эгалари сабабчи бўлган-ди. Аслан гуноҳ қилиб улгурмаган эса-да, ўзгаларнинг айбини унинг бўйнига босиб юборишганди. Айни лаҳза-да ўшандаги аламини олгиси келиб кетди.

Аслан “мижозлар”га тўлдириб-тўлдириб яна икки қадаҳ-дан ароқ ичирди. Сўнг қизларнинг ёрдамида уларни (дар-воқе, қизларнинг кайфи унчалик ошмаган, улар қалаҳла-рини “мижозлари”ники билан тўқиштиришар, лекин ичишмас, лабларига бир теккизиб қўйишарди, холос) рес-тораннинг ҳаммомига олиб киришиб, қип-яланғоч қилиб ташлашди. Кейин қизлар ҳам ечинди ва Нина Коля би-лан, дугонаси эса Федя билан турли ҳолатларда айқашиб ётди. Аслан шошилмасдан уларни суратга ола бошлади. Ҳамма иш кўнгилдагидек тугагач, қизларни кийинтирди.

Орадан ярим соат ўтиб, Федя билан Коляни милиция ходимлари хиёбонга кираверишдан топишди. Уларнинг афт-ангорига қараб бўлмас, кийимлари лой, сочлари тўзгиган, ҳали кайфлари тарқамаганидан нуқул аллани-малар деб гўлдирашарди.

Семён Эдуардович эртасига кечга томон Коляга кўнғи-роқ қилди. Бу пайтда илдам амал пиллапояларини босиб кўтарилиб бораётган прокуратуранинг ишончли ходими уйида боши оғриб, ўтган оқшом нималар бўлганини эс-лаб-эслолмай ётар эди.

— Бош оғриғи қолдими? — сўради Семён Эдуардович шўх овозда.

— Ким бу? — деди Коля овоз эгасини таниёлмай.

— Афсус, шундай ташкилотнинг одами жиноят қила-ди, деб ҳечам ўйламагандим.

— Қанақа жиноят, ким бу?! — бақариб юборди Коля.

— Ҳозир йўлакка чиқиб биринчи қаватга тушасан, почта қутингни очасан, у ерда конверт бор, уйингга олиб

чиқиб яхшилаб томоша қил, ундан кейин мен сенга яна телефон қиламан.

Коля шоша-пиша гўшакни жойига қўйди-да, яримялонғоч ҳолда югуриб йўлакка чиқиб, қутидан конвертни олди. Уйига кириб, эшикни маҳкам ёпди-да, конвертни очиб эхонаси чиқиб кетди. Суратларда Коля бир қиз билан ишрат қилаётгани акс этганди... Коля қизнинг кимлигини дарров эслаб, бошини чангаллаганча ўтириб қолди...

* * *

Семён Эдуардович хотирасининг мана шу жойига етганида ҳалигинада хонасидан чиқиб кетган қизлардан бири кириб келди. Унинг қўлида телефон бор эди.

— Ким экан?! — деди Семён Эдуардович хаёли бузилганидан жаҳли чиқиб.

— Тошкентдан, Мавлон деган одам эмиш... Асланинг киришга ҳадди сизмай менга берди телефонни, — деди қиз жилмайиб.

— Ўлган одам тирилибдими?! — у ҳайрон бўлиб телефонни олди.

Полвонни ҳаяжон босиб, айтмоқчи бўлган гапларини унутди — қуюқ саломлашди. Семён Эдуардовичнинг гаплашгиси келиб турганди, шу боисдан ҳам аччиғи чиқмади. Қайтанга мурувват кўрсатиб, унинг йўқолиб кетганини, соғинганини айтди. Бу тил учида айтилган гап эсада, айна чоғда Мавлоннинг пайдо бўлгани уни қувонтирди. Ҳар қалай, уни анави Абдуҳамиддан беҳроқ, деб биларди.

— Хўжайин, — деди Полвон овози титраб, — биз ўйиндан чиқиб қолдикми?

— Ким айтди сенга бу бўлмағур гапни? — деди Семён Эдуардович қувноқ оҳангла. — Сен худди аввалгидай бизга керакли одамсан... Тўғриси, сизларда нима бўлаётганига мен тушунолмай турибман, шунинг учун уч кундан кейин бир саёҳатга чиқмоқчиман. Одамнинг бадани қуёш тафтини хоҳлаб қоларкан. Бу ерларда захлаб кетдик. Менинг боришимга қаршилиқ қилмасанг керак, ҳар қалай, шундайми?

— Ўзим кутиб оламан... Битта нарсани айтиш учун телефон қилаётган эдим. Шерни мен ўлдирганим йўқ.

- Ишонаман.
- Сизга нотўғри маълумот беришган.
- Биламан... Сен йўқолиб кетма, хўпми, аэропортда кўришгунча!

Семён Эдуардович гўшакни кўйди-да, мийиғида кулди ва ўрнидан туриб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Сигарет чекди. Кейин қайтиб жойига чўзилди. Нинани кўргиси келди. Унинг ишини бошқалари эплай олмайди, фақат Нинагина Семён Эдуардовичга ёшлигини эслата олади. Ундаги эҳтиросни шу ёшигача ҳеч қайси аёлда кўрмаган. Гоҳ-гоҳида эркакларни ипсиз-арқонсиз бунчалик усталлик билан бўйсундира олиш маҳоратига қандай эришган бу, дея ҳайрон бўларди. Ҳатто дастлаб: “Бу қиз мендан бўлак ҳеч кимнинг кўнглини олмайди”, деб ҳам ўйлаганди. Шунинг учун ҳам уни эридан ажратиб олганди. Лекин бироз ўтгач, уни ўз кўли билан Коляга топшириб кўйди.

Дарвоқе, ўшанда Коля шармандали суратларини кўргач, Семён Эдуардович унга қўнғироқ қилди. “Беҳаё расмлар, — деди ошкора уни калака қилиб, — манзур бўлган бўлса, бемалол йиртиб ташлашинг мумкин... Йўқ, яхши-си, ёқиб юбор, мабодо хотининг кўриб қолиб, учинчи жаҳон уруши бошланиб кетмасин. Ҳа, қолган нусхалардан хотиринг жам бўлсин, битта нусхаси, албатта, идорангга боради. Улар ҳам бир кўриб маза қилишсин”. Колянинг юраги товонига тушиб кетаёзди. Расмлар бошлигининг кўлига тушиб қолгудай бўлса, ҳолига маймунлар йиғлашини яхши биларди. Шу боисдан ярани газак олдириб юбормай чорасини кўришга шошилиб, ялинишга тушди. Семён унга учрашувга таклиф қилди. Икки оёқ бир этикка тиқилиб турган пайтда “йўқ” дейиш ақлга сиғмайди — Коля жон-жон деб рози бўлди. Учрашув жойини ўша — Коля Нинани учратган ресторанда белгилашди.

— Мендан нима истайсиз? — деди Коля шапкасини бостириб олган, одмигина кийинган одам ўтирган столнинг ёнига бориб. У ўзига қўнғироқ қилган шу кимса эканлигини ресторанда ундан бошқа ҳеч ким йўқлигидан билди. Билган заҳоти ўзидан ўзи хафа бўлиб кетди. “Қаердаги алкаш мени мазах қилмоқчи бўлдими, ҳали

мен бу аҳмоқнинг гапидан чўчиб, юрагимни қўлтиқлаб юрибманми?” деган хаёлга борди.

— Марҳамат, ўтиринг, — дея рўпарасидаги стулни кўрсатди Семён Эдуардович.

Коля истар-истамас ўтириб, унга еб қўйгудек тикилди.

Семён Эдуардович эса эътибор ҳам бермай, қадаҳларни ароққа тўлдириб биттасини унга узатди.

— Ичмайман, — деди Коля гижиниб, — мақсадга ўтайлик.

— Шунақами? — деди киноя билан Семён Эдуардович. — Майли, хоҳишингиз. Сиз мендан анча-мунча қарздор бўп қопсиз. Ишонсангиз, бугун эрталаб пайқабман буни? Манавини ўқиб кўрганимдан кейин, — деб у ён чўнтагидан бир варақ қоғоз олиб Коляга узатди. — Сиз ҳам ўқиб кўринг.

Коля қоғозга кўз югуртирди. СССР Бош Прокурори номига ариза, Нина томонидан. У ўқимасданоқ мазмунини тушуниб, Семён Эдуардовичга қаттиқ тикилди.

— Нима истайсиз? — деди бироздан кейин.

— Истакларим кўп. Қай бирдан бошласам, деб бошим қотиб турибди, — деди Семён Эдуардович ва қадаҳини бўшатди. — Биринчидан, гўзал хотинингиз бор экан. Техникумда адабиётдан дарс бераркан. Эшитишимча, у билан бор-йўғи бир йил олдин турмуш қурибсиз. Шу пайтгача бўйдоқ юрганингизга тушунмадим. Гапнинг индаллоси, ўша хонимча билан ажрашишингизга тўғри келади...

— Ўйлаб гапираяпсизми?! — деди жаҳл билан Коля.

— Бизда ҳамма нарса аввалдан пишитилади. Сизларга ўхшаб қўл учида ишламаймиз. Биз нима қилсак, ўзимиз учун қиламиз. Сизлар эса, давлат учун... Майли, менинг вақтим зиқ, — Семён Эдуардович Коляга ўқрайди. — Менинг айтганимни бажарасан ёки расвонгни чиқараман! Нинага уйланасан. У сенга ёқиб қолди-ку, шундай эмасми?.. Қолган буйруқларни у орқали оласан. Яхшилаб ўйлаб кўришинг учун икки кун вақт.

Коля қотиб қолди: “Ким ўзи бу? Нега менга дағдаға қилаяпти, мақсади нима? Нега мен хотиним билан ажрашишим керак экан?” Семён Эдуардович яна бир қадаҳни бўшатгач, ўрнидан туриб илжайганча чиқиб кетди.

Икки кундан кейин Коля унинг таклифига, хотини билан келишган ҳолда, рози бўлди. Улар расман ажрашишмаган бўлса-да, бирга яшамасликка келишиб олишди. Чунки ажрашиш Колянинг лавозимига тўғри келмас, амал пиллапояларидан кўтарилиб боришига тўсиқ бўларди.

Семён Эдуардович унга Нина орқали пул бериб турди. Коля эса бу пулларни бошлиқларига етказар ва шу тариқа амали ортиб, министр ўринбосари лавозимигача кўтарилди. У энди Семён Эдуардовични бемалол йўқотиш қудратига эга бўлганди. Аммо бунга юраги дов бермади — ўзига ноаён хавфдан қўрқди. Боз устига, амал пиллапояларидан юқорилаётганда катта-ю кичик мансабдорлар билан ўғрибошини таништириб борди ва бу қалтис ҳаракатлари ўзининг бошига етиши тайин эди. Шу боис, тоқат қилиб яшайверди, ора-сира ўзининг ажрашиб-ажрашмаган хотини билан хуфёна учрашиб турар ва бунинг оқибатида фарзандли ҳам бўлди: ўғил кўрди.

Семён Эдуардович эса, унинг ёрдами билан жиноят оламидаги таниқли кимсаларни қўлга олишга киришиб кетди. Бироқ барчасини бўйсундиришга кучи етмади. Ўзига бўйсунганлари унга етиб ортарди. Бу ёғи чет элдан — Италия ва Колумбиядан ҳамтовоқлар топди. Бунда ҳам Нинанинг кўмаги асқотди, у ўзи билмаган ҳолда ёрдам бериб юборди. Нина ҳар ҳафта Коляни “илинтирган” ресторанга бориб, қимор ўйнаб турарди (энди Семён Эдуардович ўйинни такомиллаштирганди: қиморни унинг йигитлари ўйнар, даврага амалдорлар келиб қўшилишар, қизиқмаганлари орасига Нинага ўхшаш хонимларни солиб илинтирарди). Бошида бир-икки марта қўли баланд келган амалдор кейинча ўзи билмаган ҳолда Нинанинг чиройига учиб, бор-йўғидан айрилиб қолар, кейин ичкиликка муккасидан кетиб, обрўсини ҳам бой берар ва Семён Эдуардовичнинг тузоғига илинади. “Даромад”нинг органидан Семён Эдуардович юксалиб, ҳатто чет элдаги қиморбозлар тўдасига киришга муваффақ бўлди.

— Оҳ, жуда ажойиб қизсан, — деб юборди беихтиёр Семён Эдуардович ўзининг қилмишларини бир-бир эсга оларкан, — агар сенга ўхшаган яна иккитагина қиз бўлганда борми, бутун дунё кафтимда рақс тушарди.

Семён Эдуардович юраги орзиқиб ўрнидан турди. Шошиб кийина бошлади. У Нинани қаттиқ соғинган эди.

Ташқарига чиқиб шотирларига тезда машинани ҳозирлашни ва дарвозаларни очишни буюрди. Шу пайт Аслан келиб, қамоқхона бошлигининг у билан учрашмоқчи эканини хабар қилди.

— Бошқа пайт, ҳозир зарур иш билан кетаяпман, келгунимча кутсин. Нинага телефон қил, дала ҳовлимга бориб турсин, мен бир соатда етиб бораман, — деди Семён Эдуардович қўл силтаб.

Унинг дала ҳовлиси шаҳар ташқарисида, ўрмоннинг қоқ ўртасида эди. Европача услубда қурилган бу оромгоҳда Семён Эдуардович ҳар ойда бир марта дам олади. Бу пайт унга ҳеч ким халақит бермайди. Ичкарида Нина ва у бўлади. Дам олаётган маҳали шотирларининг уйга кириши тугул, ҳатто ҳовлида юриши ҳам тақиқланади. Бари деворнинг орқасида қоққан қозикдай туради. Гўё қудратли салтанатнинг буюк султони оқбилакли ойимчаси билан лаззат оғушида-ю, уларни безовта қилиш асло мумкин эмасдек. Аслида ҳам Семён Эдуардович ўзини шоҳлардан кам тутмас, зеро, унга қанчадан-қанча одам бўйсунарди, айтгани — айтган, дегани — деган эди.

Бу сафар Нина хушторини ўзгача кутиб олди. Семён Эдуардович яхши кўралиган француз атирига беланиб, кийимларини ечиб ташлаб, оппоқ, ҳарир шойи ичкийимда қолди. Сўнг ҳовли ўртасидаги майсазорга иккита қадаҳ ва битта шампан виносини олиб бориб, ўтирди. Бироқ кутгани тезда келавермади. Шу боис, орқасига қайтиб вақтни ўтказиш илинжида бир шиша пиво ичиб қайтди. Ниҳоят дарвоза тарафдан машина товуши эшитилди. Нинанинг юзига табассум югурди ва шошганча шампан виносини оча бошлади. Семён Эдуардович ичкарига кириши билан аввалига “поқ” этган товуш, ундан кейин Нинанинг қийқириб кулгани эшитилди...

Семён Эдуардович икки кун ҳеч қаяққа кетмади. Ишрати бу гал шоҳона бўлди, неча ойлар йиғилиб қолган чарчоқлари бирваракайига чиқиб кетди. Учинчи кун милтигини елкасига осиб, Нина билан овга чиқди. Аввал ҳам бир-икки марта овга чиққан, аммо ҳеч нарса отолмай хуноб бўлиб қайтганди. Бу сафар ови бароридан

келди. Тўрт соатда иккита қуён ва битта кийик отди. Қайтганларидан кейин кийикнинг терисини ўзи шилди, пиширган кабобини Нина билан маза қилиб еди. Ортиб қолганини шотирларига бериб юборди.

Қуёш эндигина уфққа ёнбошлаётганида Семён Эдуардович дала ҳовлисидан тўғри аэропортга жўнади. Унинг хаёли нотинч, сабаби эса Икром исмли мутлақо нота-ниш, аммо ўзига бино қўйган йигит билан боғлиқ эди.

У билан бирга самолётга бир жуфт шотири ҳам чиқди. “Хизмат сафари”да зерикиб қолмаслик учун Семён Эдуардович Нинани ҳам ўзига ҳамроҳ қилиб олди.

* * *

Сўнгги пайтларда ишлари ўнгидан келаётган эса-да, Икромнинг кайфияти тушкун, юрагига қил ҳам сиғмасди. Эшикка чиқади, уйга киради. Самандарни бориб кўриб келди. Туғишган укасидай бўлиб қолган ёрдамчиси соғая бошлаганини кўриб ҳам кўнгли кўтарилмади. Атрофидигилар тугул, ўзи ҳам бундай юришидан ҳайрон эди. Аввалига ўтиб кетса керак, деб ўйлади. Йўқ, юраги баттар сиқилаверди. “Дилдорани хафа қилиб қўйганим учун шу аҳволга тушган бўлсам керак”, деган ўйда севган қизининг кўчасидан бир неча марта айланиб ўтди. Баъзан четроқда туриб соатлаб кутди. Учратиб гаплашаман, ҳаммасини жой-жойига қўяман, деб хаёл қилди. Бироқ қиз бир марта бўлсин, уйдан чиқмади. Дарвозани тақиллатишга эса Икромнинг юраги дов бермади. Шундан кейин кутилмаганда хаёлига Қора девнинг: “Жимжитликдан кўрқ, жимжитлик ортидан бўрон қўпиши мумкин”, деган гапи келди-ю, кўнгли сезаётган хавфга руҳан ҳозирлик кўра бошлади.

Шотирлари эса пайтдан фойдаланишди — маза қилишди. Хўжайин буйруқ бермайди, ўзи билан ўзи овора. Муҳими, унинг кўзига кўринмаган маъқул. Қолаверса, талай кундан бери ўлпон ҳам йиғилмаган. Шотирлар шу иш билан шуғулланишди.

Антон билан Абдуҳамидни ҳам биров ортиқча безовта қилмади. Улар ейишди, ётишди. Гоҳида шу кўйга тушганлари учун бир-бирини айблаб сўкиниб олишади. Уларнинг шундан бошқа ташвиши йўқ, баъзан хаёл отига

миниб: “Қутулиб чиқсам ундоқ қилиб юбораман, бундоқ қилиб юбораман”, деган ширин ўйга берилишар ва шу ўйдан масрур бўлиб эртанги кундан умидланишарди.

Икром ўтаётган вақтнинг учинчи куни Абдуҳамид билан Антон ётган ертўлага тушди. Уни кўриб рақиблар жойларидан бироз кўзғалиб қўйишди.

— Дам олиб чарчамаяпсизларми? — деди Икром мийиғида кулиб.

— Душманимгаям раво кўрмайман бундай дам олишни, — жавоб қилди Абдуҳамид титраб, — лекин сен бола эркакнинг ишини қилмадинг. Ёмон туширдинг!

— Шунақами? Унда сиз эркак экансиз-да? Ҳм, эркак? Бировни гумдон қилиш эвазига эркак бўп юрадиган жўмардни энди кўришим.

— Кимни йўқотибман, айт! — Абдуҳамид овозини бир парда кўтарди.

— Хотирангиз чатоқлигини ошкор қиляяпсизми?! Нима, мени лақма деб ўйлаганмидингиз? Манави маразларни, — деб бармоғи билан Икром Антонни кўрсатди, — ким йўқ қилди? Мен. Булар нега келишганди? Сизга. Сизнинг абжағингизни чиқаргани. Лекин ҳеч нарса қилишолмади. Нега? Чунки мен кўндаланг бўлдим. Ким айбдор бўлди? Хўш, қаранг — яна мен. Хўш, хотин билан эркакни бир-биридан яхши ажратадиган одам, гапиринг энди! Ким аёллик қилди?! Аслида булар эмас, сизга ўхшаган иккиюзламачини ўзим сўйиб ташлашим керак эди. Тириксиз, шунисига шукур қилиб ётмайсизми? Мараз!

Икромнинг кўзларидан ўт чақнади. Юрагининг сиқилиши асабини бузиб, алам устида Абдуҳамидни тепиб юборишдан ўзини тийиб туролмади.

— Имм! — инграб юборди Абдуҳамид оғриқдан кўзини юмиб.

Унинг бу қилиғидан Икромнинг қаҳри баттар кўзиди, у яна тепмоқчи бўлиб чоғланганда шотирларидан бири ҳовлиққанча ертўлага кириб келди-да:

— Хўжайин, хўжайин! — деди у кўзлари косасидан чиққудек бўлиб.

— Ҳа, бирон жойга ўт кетдимми?! — унга ғазаб билан қаради Икром.

— Зарур иш чиқиб қолди.

— Гапир.

Шотири оғриқни ҳам унутиб, қулогини динг қилиб турган Абдуҳамидга қаради.

— Яхши, — деди Икром ва илдамлаб ертўла зиналарини босганча юқорилади.

— Хўжайин! — деди ташқарига чиққанларидан кейин ҳамон ўзини босолмаётган йигит. — Лапас аэропортдан телефон қилди.

— Нима гап экан аэропортда? — кўнглига шубҳа оралади Икромнинг.

— Полвонни кўрибди. Яна беш-олтита бегоналар ҳам бор эмиш.

— Полвон улар билан бирга эканми?

— Йўқ.

— Унда қандай билибди уларнинг шубҳали эканини?

— Кўзлари бежо ҳаммасининг, деяпти. Олмотадан ёки Фрунзедан келишганмиш. Бу ернинг одамларига ўхшамайди, дейди.

— Билардим, — деди Икром ўйчан, — худди шу нарсани кутаётгандим. Лекин бунчалик тез содир бўлиши хаёлимга келмаган экан... Солини топ. Тез!

Икром уйга кириб, стол тортмасидан тўппончасини олди. Уни камарига қистириб, устидан костюм кийди. “Бўлмайди, — деди сўнгра ўзига ўзи ва костюмини ечиб ташлади. Энди тўппончаси кўриниб қолди. У яна асабийлашди ва тўппончани камаридан суғуриб олди-да, гиламга отиб юборди. Худди шу лаҳзада Дилором кириб келди. У Икромнинг кайфияти йўқлигини кўриб ортига қайтди.

— Тўхта, — деди Икром, — менга пиво опкел.

— Хўп бўлади, — деди қиз итоаткорона ва зипиллаганча хонадан чиқиб кетди.

Икром тўппончани яна қўлига олди ва айлантриб ўйнай бошлади. “Шошма, Дилором кириб яна қўрқиб кетмасин”, деган ўй келди хаёлига ва бирдан шимининг почасини кўтариб, қуролини пайпоғига қистирди.

— Воҳ, — деди кейин ўзининг ишидан хурсанд бўлиб, — бўларкан-ку!

У Дилором келтирган муздек пивони симираркан, қиздан бироз ўтиришини сўради.

Бундай таклифга Дилором бажонидил рози бўлиб, диванга ўтирди-да, оёқларини чалиштириб олди. Шунда Икром унинг кийимига эътибор қилди.

— Тинчликми? — сўради Икромнинг кайфияти яхшиланганини кўрган Дилором юзига табассум югуриб.

— Тинчлик. Фақат менда кўникма йўқ экан.

— Нимага? — сўради қиз ҳайрон бўлиб.

— Юбканг ҳаддан зиёд калта экан.

Дилором ҳафсаласизлик билан оёқларига қараб қўйди-да:

— Ёқмадими? — деди.

— Сенга ярашади. Лекин бу хилда юриш яхшимас, — дея Икром пивони симириб тугатди. — Агар хотиним бўлганингда чидолмасдим.

Шу гапдан сўнг Икром тез-тез юриб чиқиб кетди. Энди унинг кайфияти хийла кўтарилганди. Бунга ўзи яхшиликка йўйди. Иши яна бароридан келишига кўнглида ишонч туғилди.

Ҳовлида кутиб турган Солидан зинадан тушаётиб:

— Эски “Москвич” топишнинг иложи борми? Юрса бўлди, — деб сўради.

— Топилиб қолса керак. Нима, бошқа мошиналар бўлмайдими? — деди ҳайрон бўлиб Соли.

— Бўлмайди-да, — деди Икром унга кўзини қисиб.

Бу гапдан Соли баттар ҳайратланди. Охири пайтлар у хожасининг ғалати қарорларидан ажабланиб юрганди. Айниқса, Абдуҳамиднинг қўл-оёғини боғлаб ертўлага қамаб қўйиши, кимсан Семён Эдуардовичдай хорижга ҳам донғи кетган зўравонга очиқча қарши чиққани уни ўйлантириб қўйганди. Ҳатто: “Бунинг этагидан тутиб хато қилмадимми?” деган хаёлга ҳам борганди. Энди шалтоғи чиққан машина сўраб туриши... Йўқ, бунинг тагида бир гап борлигини ҳис этиб турарди. Шу боис, Икромга бироз тикилиб қолди.

— Тушунмаяпман, — деди Икром Солининг бақрайиб турганини кўриб, — мен сенга “Москвич” топ дедим!

— Проблема йўқ, — дея бирдан тусини ўзгартди Соли, — дарров есть қиламиз.

У дарвоза томонга югуриб кетди. Икром эса шотири қайтиб келгунча ҳовлида айланиб юрди. Дарахтларга, гул-

зорга, деворларга худди энди кўраётгандай кўзи тўймай қаради ва бу уйни қурган одамнинг “фаросат”ига қойил қолди. “Миянгни еган экансан. Шундай замонда бундай қаср керакмиди сенга! Барибир насиб қилмади-ку, илиб кетадиган одам топилди-ку... Эрта бир кун мендан ҳам бирови илиб кетса-я. Топилармикан шундай зот?” дея ўйланиб пешонасини қашиди. Сўнг столга бориб ўтириб, шотирларидан бирига нард тахтасини олиб келишни буюрди. Кейин у билан ўйнай бошлади. Икром ҳалол ўйнади, йигитидан ҳам шуни талаб қилди. Икромнинг фойдасига нотўғри юриш қилганида унинг пешонасига уриб турди. Охир-оқибат ютқазиб қўйди. Аммо бундан асло хафа бўлмади. Қайтанга яйраб кетиб, шотирига:

— Кўрдингми, бизга ҳалоллик тўғри келмайди. Ютқазиб қўямиз, — деб кулди.

— Йўғ-э, хўжайин, — деди шотири ноқулай аҳволга тушганидан ўнғайсизланиб, — сиз атайлаб ютқаздингиз. Зўр тошлар тушди сизга. Ютишингизни кўриб туриб нотўғри юрдингиз.

— Бўпти, сенам ёмон ўйнамадинг, — деб Икром ўрдидан турди. Бу пайтда Соли Икром буюрган юмушни бажариб, қайтиб келган эди.

— Рулга сен ўтир, — деди Икром “Москвич”ни айланиб кўриб чиққанидан кейин, — тўғри аэропортга ҳайда. Бир томоша қилиб келамиз.

Икромнинг шу гапидан кейингина Соли унинг ниятини тушуниб, илжайиб қўйди.

Улар манзилга етиб борганларида қуёш ҳали уфққа олмаган, лекин нури бироз сўниклашиб қолганди. Ҳаво салқин, айна сайрбоп эди.

— Мен мошинадан тушмайман, — деди Икром Солига, — сен яхшилаб разведка қилиб чиқ. Бу ялоқхўрларнинг нега келганини аниқла.

Соли машинадан тушиб шитоб билан юриб кетди. Унинг ортидан кузатиб қолган Икром Самандарнинг ўрнига ёрдамчилик қилаётган шотирининг қадам ташлашидан ҳам камчилик топди: “Ҳовлиқма”, деб ичида яниб қўйди. Сўнг бунча кўп одам тўпланганининг сабабини қидира бошлади. Турли-туман тахминлари орасидан ҳақиқатга яқини Семён Эдуардовичнинг келиши эҳти-

моли эди. Бунга ҳам сабаб бор: уни бир ёқли қилиш. “Майли, аждаҳо, — деб бирданига лақаб қўйди Икром Семён Эдуардовичга хаёлан мурожаат қилиб, — келавер, қуёшдан зар олиб кетасан. Кейин бу зарни бир умр эсингдан чиқармайсан”.

Соли аэропортни назорат қилиб турадиган Лапас билан қайтиб келди. Унинг ранги бироз оқаринқираган эди.

— Гапиринглар, — деди Икром уларга қарамай.

— Аҳвол ҳақиқатан ҳам жиддий экан, — деди Соли хожасидан кўзини узмай, — бегоналар йигирмадан зиёдга ўхшайди. Уч-тўрттадан уймалашиб туришибди.

— Балки ментлардир? — деди Икром унинг гапига ишониб-ишонмай.

— Йўқ, уларга ўхшамайди. Ментлар бўлганида ўтган-кетганни тинтиб кўришарди. Кейин, юқоридан ҳам бирортаси турарди. Кейин Мавлон ҳам...

— Кўрдингми ўзини? — дея Солининг гапини бўлди Икром.

— Дарров танидим. Эгамқул деган садоқатли “ит”и бор эди. Ўша билан бирга кафедра ўтирибди.

Эгамқул деган исми эшитиб, Икром бир қалқиди. Устози Қора девнинг ҳам исми Эгамқул эди-да.

— Кейин, — деб давом этди Соли, — тўпланиб турганларнинг кўпчилиги кўринишидан бу ерликка ўхшамайди. Биттасини танигандай бўлдим. Шер Ўшга юборганида кўргандим, адашмасам.

— Хўп, кимни кутаяпти улар?.. Тўхта, Россиядан бирорта самолёт яқин ўртада келармикан? — деди Икром Лапасга юзланиб.

— Ярим соатдан кейин қўнади, — жавоб қилди шотир.

— Операторлардан танишларинг борми?

— Бор.

— Яхши. Самолётда учиб келаётганларнинг рўйхатини қўлга кирит. Қандай оласан — бунга ўзинг ҳал қил, кейин бу ерга олиб келасан, — Икром Солига ўгирилиб буюрди: — Сен тез йигитларнинг ёнига бор. Бирор жойга тўпла. Фақат уйғамас. Кўздан панароқ бўлсин. Болалардан биронтасини қолдирасан. Қаерда эканликларинг-

ни унга телефон қилиб айтиб қўясан. Энди боринглар. Чаққон. Вақт кетмасин.

Тахмини тўғри чиқаётганига Икромнинг шубҳаси қолмагани. Энди уруш қай йўсинда кечиши мумкинлиги ҳақида бош қотира бошлади.

* * *

Полвон шу кунлари ич-этини еб битираёзди. Ҳеч ким билан кўришишни, гаплашишни истамас, бироқ ёлғиз қолишдан ҳам қўрқарди. Хаёлида бир ўзи ёлғиз қолгудай бўлса, Икром бостириб кириб, тилка-пора қилиб ташлайдигандек. Абдуҳамид билан Икром бир-бирини адо қилса, кучсизланган бу икки шербаччани бир ҳамладаёқ гумдон қиламан, деган режаси тескари кетиб, боз устига, улар иккаласи бирикиб Полвонни мисоли икки мушук бир сичқонни ўйнагандай ҳолидан тойдириб, кейин жонини оладигандай... Йўқ, бундай мудҳиш оқибатни Полвон хаёлга келтиришни истамай, ваҳимага тушиб ўрнидан туриб кетди. Чоғроқ хона ичида у ёқдан-бу ёққа бориб келаверади. Ора-сира сўкинади. Кейин ё шотирларидан бирини ёки Эгамқул туҳфа қилган оқбилак ойимчани ёнига чақириб, улар билан ҳазиллашган бўлади. Лекин барибир кўнгли таскин топмайди. Унинг энг кўрққани — қоронғилик. Қуёш уфққа ёнбошлай бошлаши билан типирчилаб қолар, ҳовлига чиқиб офтобга тикилганча, ич-ичидан унга яна бироз ботишга шошмай туришни сўраб ялиниб-ёлворарди...

Шундай уқубатли кунларнинг бирида у Эгамқулни ёнига олиб машинага ўтирди-да, шаҳар томон жўнади. Шотирига нега у ёққа бораётганини айтиб ҳам ўтирмади. Бориб Россияга — Семён Эдуардовичга кўнғироқ қилди. “Ўлдирса шу ўлдирсин. Ҳар қалай, обрў билан кетаман”, деди хаёлан. Аммо мутлақо кутилмаганда катта хўжайин уни сўкмади. Шерни отиб ташлаганинг учун лабдалангани чиқараман, демади. Қайтанга боражагини ва у билан кўришажагини айтди. Шундан кейингина Полвон бироз ўзини босиб олди.

— Ҳали ҳаммаси олдинда, — деди у шотирининг ёнига қайтиб келгач, — биз ҳали таслим бўлмаймиз. Қасд қилганларнинг онасини кўзига кўрсатамиз.

Эгамқул унинг кайфияти ўзгариб кетганига ҳайрон бўлиб:

— Нима бўлди, хўжайин? — деб сўради илжайиб.

— Мен шахсан каттанинг ўзи билан гаплашдим. У мени танирди — икки марта Шер билан ёнига боргандим. Эсидан чиқармабди, қисталоқ. Келаркан, ўзинг кутиб оласан, деди! — дея шодлигини яширолмай шотирининг елкасига қўлини қўйди Полвон.

— Значит, одамга ўхшаб яшарканмиз-да яна.

— Конечно! Унинг гапига қараганда, Абдуҳамид қовун туширган... Унинг ёнига бориб оёғини ўпган-да, кейин бу ерга келиб ялло қилган, шекилли.

— Хўжайин, — унинг гапини бўлди Эгамқул, — кулоққа лағмон осмаяптими, ишқилиб? Нияти бузуқмасмикан?..

Шотирининг гапи Мавлонни ўйлантириб қўйди. У ўйланиб бир нуқтага тикилганча туриб қолди. Тагин юзи аввалгидек ғам-ғуссадан буришди. Бироздан кейин чуқур хўрсиниб қўйди-да:

— Майли, нима бўлса бўлар, у ёғини пешонамиздан кўрамиз. Ҳар қалай, анави ипириқилар қўлида шарманда бўлиб ўлгандан кўра, обрўлироқ... — деб у шотирига юзланди. — Лекин сен омон қолишинг керак. Болачақадан хабар олиб турасан. Ҳар қалай, яхшиликларимни эсингдан чиқариб қўймассан?

— Йў-ў-қ, нима деяпсиз, болаларингиз ўзимнинг укамдай бўлиб қолган, қўлдан келганча... Хўжайин, одамни кўрқитасиз-да! — деб зўрма-зўраки илжайди Эгамқул. — Мана кўрасиз, ҳали оёғингиз остида эмаклайди бари. Кейин, ўзингиз айтгандай, Шернинг тўртта қизига бақувват эр керак-ку!

— Вой баччағар-э! Эсингдан чиқармабсан-да... Одамни энтиктириб юбординг. Лекин онангни эмгурларни дачага оборманидан кейин бошланди-да, ҳамма фалокат. Энди қўлимга тушса, учаласиниям отасининг орқасидан жўнатиб юбораман, биттасини, хотин эмас, шунақанги ўйнаш қилайки, ит азобини тортсин.

— Хўжайин, — деди Эгамқул кўзини қисиб, — Шернинг қизларидан биттасига бизниям кўзимиз тушган, ўзиям офатижон эди. Кўриб титраб кетганман. Ҳалигача тушларимга кириб чиқади, йўқ демасангиз, шунисиниям олиб қолайлик. Ҳар қалай, бу ёғи бўйдоқчилик..

— Қўй. Онасини Зебрага тортиқ қилувдим. Лекин бечорага насиб этмади...

Эгамқул “пиқ” этиб кулиб юбориб, деди:

— Ҳар қалай, биз қизларидан биттасини танладик-ку, астойдил ҳаракат қилсак, насиб этиб қолар.

— Бўпти, у ёғини кўрамиз. Аввал манави ишларни битириб олайлик. Энди мошинани ҳайда, сенинг квартиранг бўш бўлса керак. Катта келгунча ўша ерда яшаб турайлик. Ҳар қалай, меҳмонни ҳайдамассан?

— Хўжайин, жонни сўранг, бермаган — номард, — деди қўлини кўксига қўйиб Эгамқул.

Мавлон билан Эгамқул Семён Эдуардовични кутиб олгани чиқишганида, аэропорт ичида юришган бегона йигитларга кўзлари тушди. Эгамқул секин хожасини туртиб:

— Кўрдингизми? — деди шивирлаб.

— Ҳа. Қайси гўрдан келишибди булар? Мусорлар хитланиб қолишганми, дейман. Секин аниқлаштир.

Эгамқул ҳеч иккиланмай ташқарига чиқди. Чунки шу ерда учтаси сигарета чекиб туришганини кираётганида кўрганди. Эгамқул бегоналарга яқинлашиши билан уларнинг қозоқча гаплашишаётгани қулоғига чалинди. Шундай бўлса ҳам, ўзини бепарво кўрсатиш учун чўнтагига қўлини тиқиб, сигарета олди ва лабига қистирганча гугурт излаб бошқа чўнтақларини пайпаслаган киши бўлди, сўнг афсуслангандай бош чайқаб, бегона йигитлар ёнига борди-да:

— Тутатиб олсам майлими? — сўради рус тилида.

— Марҳамат, — деди улардан бири ва чўнтагидан гугурт олиб узатди.

Эгамқул тутунни ичига тортиб чиқарди-да:

— Хумор қилса чидаб бўлмайди-да, тўғрими? — деди илжайиб. — Айниқса, сигарета ёки гугурт тополмаганинда одамни синдиради.

— Ишинг битдими? — деди турган йигитлардан бири унга ўқрайиб.

— Битди, шекилли, — жавоб қилди Эгамқул ўзини ажабланаётгандай кўрсатиб.

— Ундай бўлса сайрамасдан жўна.

— Эрик, — деди унинг ёнида турган бўйи пастроқ, кўзи қисик озғин йигит, — керакмас.

— Гап бўлиши мумкин эмас, — деди Эгамқул уларга

бир-бир қараб чиқиб, — кутиш одамни эзиб юборди. Биров билан гаплашиб турсанг, вақт ўтгани билинмайди, шунинг учун сизларга гапиргандим. Гаплашишни хоҳла-масанглар, дўқ урмасдан айтаверинглар, тушунаман.

Эгамқулни ҳайдамоқчи бўлган йигитнинг қўли мушт бўлиб тугилди. Лекин шундан ортиғига унинг ҳадди сиф-мади. Чунки айна дамда ортиқча ҳаракат зиён келтири-ши мумкин эди.

— Мусорлар эмас, — деди Эгамқул Полвоннинг ёнига бориб, — лекин Икромга ҳам, Абдуҳамидга ҳам тегиш-лимас, булар. Қозоқча гапирганларини ўз қулоғим билан эшитдим.

— Ни-ма?! — деди Полвон унинг гапига ишонқира-май. — Кунимиз шуларга қолдими ҳали? Ипирисқилар. Ҳаммасига анави иккита гўрсухта айбдор. Шу итдан тар-қаганлар эркак бўлганида, ҳозир манавинақанги томо-шалар бўлмасди!

Полвон гапиргани сайин овози кўтарилиб бораётгани-ни ва атрофдагиларнинг аланглаб ўзига қараётганини сез-ди. Лабини тишлаб, шотирига бироз тикилиб турди-да:

— Сен ўзингни йўқотиб қўйма, аҳволни кўриб туриб-сан, сал хато қилиб қўйсақ, чатоқ бўлади. Кузатиб тур, нима қилишни ўзим айтаман. Бўл, ука, бўшашма, — деди.

Мавлон шотирига кўрсатма бериб бўлганидан кейин қаҳвахонага кирди. Қаҳва олиб, энди бир хўплаганди, бўйи чамаси икки метрлар келадиган кенг елкали, оч-сарик сочли, қизғиш соқоли ўсиб кетган йигит келиб рус тилида салом берди. Полвон чўчиб, идишидаги қаҳва чайқалиб кетди. Аслида Мавлон унинг эшикдан кирган-нини кўрган ва кўз қири билан кузатиб турганди. Атай ўзини чўчиган кўрсатдики, бу ҳам ҳозир унга керак эди.

— Узр, — деди йигит жилмайиб, — сизни безовта қилиб қўйдим.

— Нималар деяпсиз? — деди рус тилида Полвон ҳам табассум билан. — Ҳечқиси йўқ. Одам қаҳва ичаётганида уни қандай қилиб совитиш кераклиги ҳақида ўйларкан. Сиз хижолат тортманг.

— Сиз бир танишимга жудаям ўхшаркансиз, — деди йигит бироз жиддийлашиб.

— Бўлиши мумкин. Дунё кенг, бир-бирига ўхшайдиганлар тиқилиб ётибди.

— Гапирди тўғридир. Лекин мен сизни Олмотада кўрганман. Бир ҳафта дам олиб кетгандингиз. Исмингиз Мавлон.

Полвоннинг пешонаси тиришди. Сўнг кўрсаткич бармоғини чаккасига қадаб:

— Тўхтанг, тўхтанг, адашмасам, бирорта меҳмонхонада дуч келгандирмиз. Ростини айтсам, менга Олмота ёққанди, — деди кулимсираб.

— Серикбойнинг уйида меҳмон бўлгандингиз, Шер билан бирга...

Йигитнинг оғзидан шу гап чиқиши билан Полвон унга бошдан-оёқ қараб чиқди-да:

— Шунақами, хотира салгина чатоқ, қарияпмиз, шекилли, — деди ўзини гўлликка солиб.

— Серикбой сизни кутаяпти. Юринг.

Йигит энди жиддий оҳангда гапирди. Гапираётиб Полвонга тик қаради. Полвоннинг ҳам юзи жиддий тус олди ва у ўзи яхши танийдиган Серикбойнинг йигитига ортиқча савол бериб ўтирмай:

— Бошла, — деди.

Йигит нозик меҳмонлар кутиб олинувчи зал томонга юрди. Мавлон йўл-йўлакай кўзи билан Эгамқулни қидириб топди. У эшик ёнида, қоп-қора сочлари елкасига тушган бир қиз билан гаплашиб турарди. Хожасининг бегона йигит орқасидан кетаётганини кўриб, Эгамқул у томонга юрмоқчи бўлганида, Полвон бошини сермаб “келма”, деган ишорани қилди.

Серикбой паканароқ, озгингина, тепакал, кўзи қисик, қиррабурун, соқол-мўйловини қиртишлаб, озода кийинган, ёши олтмишлардан ошган киши эди. У Полвонни кўриши билан қучоғини очди.

— Боврим, — деди аввал қозоқчалаб, сўнг русчалаб кўшиб қўйди: — Кўришмаганимизга неча йиллар бўп кетди!

Улар қучоқлашиб кўришиб, кичкина айлана столнинг атрофини ўраб турган юмшоқ чарм диванга ўтиришди.

— Қани, гапир, — деди Серикбой қўлини Полвоннинг тиззасига қўйиб, — ҳамма гапларни бирма-бир гапир.

— Ўзинг, — деди унга қараб илжайган Мавлон, — бир оғиз огоҳлантирмадинг, индамай келаверибсан?

— Сени роса изладим. Бирор жойдан топиб бўлмади, кейин келавердим.

— Менимча, уйимни яхши билардинг? — ўпкалаган бўлди Полвон.

— Бэ-э, келганимга бор-йўғи бир соат бўлди. Шошдим.

— Қандай шамол учирди?

— Ўзинг бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Серикбой келиб қолгандир, деб ўйладим-да.

Унинг гапидан иккаласи ҳам ҳиринглашиб кулишди. Сўнг Серикбой ўрнидан чаққон туриб, йигитларига имошора қилиб, у-бу олиб келишларини буюрди.

— Шошма, — деди Полвон, — сени меҳмон қилишга ҳали қурбим етади.

— Биламан, — деди унга жавобан Серикбой, — шунчаки сув ичиб ўтирамин. Эсингдами, ўз қўлим билан ош қилиб бераман, дегандинг. Мана, вақти келди, боврим.

— Хўш, — деди Мавлон ҳазил-ҳузул ниҳоясига етганидан кейин, — энди гапир-чи, нималар қилиб юрибсан бу ёқларда?

— Ўзингнинг хабаринг бўлса керак, — сир бой бермади Серикбой.

— Бошқа гапдан хабарим бор, лекин сенинг келишинг тушимга ҳам кирмаганди.

— Чақирди каттакон, келавердим. Келибоқ сенинг болаларингни кўраманми, деб ўйлагандим, лекин ҳеч кимни учратмадим. Ҳайрон бўлиб тургандим, яхшиям ўзинг келиб қолдинг.

Серикбойнинг гапларидан унинг ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқлиги аён бўлди. Лекин у Шернинг ўлгани, ўрнига Полвон ўтирганини эшитган, бироқ бунинг тафсилотлари унга тўла етиб бормаган, чунки бунга ўзи унчалик қизиқмаганди.

Полвон Серикбойнинг қучоқ очиб кутиб олишидан билдики, қўшниси кўп нарсалардан беҳабар, акс ҳолда, бошқача кутиб олган бўларди.

“Ифлос, — гижинди ичида Полвон, — ҳаддингдан ошибсан, чегарани унутганга ўхшайсан!”

— Боврим, — деди Серикбой унинг хаёлидагини уққандай кўзига тикилиб, — сендан берухсат кириб қўйдим, хафа бўлмайсан.

— Қизиқмисан, — деди Мавлон, — хоҳлаган пайтингда келишинг мумкин, сенга биров бир нима демайди. Энди, каттанинг топшириғи билан келибсан. Агар у менга Олмотага бориб тур, деганида мен ҳам борардим-да. Сен хафа бўлмасдинг, тўғрими?..

Серикбой унинг гапига жавоб қилишга улгурмади, шотири келиб самолёт кўнганини кулогига шипшиди.

— Иккаламиз кутиб олаётганимизни кўрса, Семён Эдуардович хурсанд бўлади, — деди Серикбой ва ўрнидан турди.

* * *

Икром Лапас олиб келган қоғоздаги рўйхатни синчиклаб қараб чиқди. Рўйхатда фамилиясининг тўғрисиغا билинар-билинемас нуқта қўйилганини кўзи илғади. Шундай нуқталардан тўртта бор эди рўйхатда. “Ҳаммаси равшан, — дея ўйлади у юзи ёришиб, — демак, анавилар уни кутиб олиб, бир йўла бизларниям гумдон қилишда ўша аждаҳога ёрдам беришади. Тезлик билан ақлли иш қилиш керак”.

— Бунисини боладинг, — деди у Лапасга қараб, — эндиги ишинг уларнинг орқасидан тушиш. Адашмасам, меҳмонхонага боришади. Шундай бўлсаям, орқасидан пойла. Ҳаммаси бўлиб нечта улар? — деди-ю, Икром ўйланиб, пешонасини қашлаганча, кўкрак чўнтагидан ручка олиб, Лапасга узатди: — Бардачокда қоғоз бўлса керак, боя кўзим тушгандай бўлувди, эсимдан чиқиб кетмасидан тезроқ ёз, — дея ташқарига қараб, айта бошлади. — *“Келганингиздан хурсанд бўлдим. Бегоналарга эмас, ўзимизга айтганингизда ҳам кутиб олардик. Ишончсизлик ёмон нарса. Эртага роппа-роса кундузги иккида, Қайсар тепалигининг пастидоги хароба иморатнинг ёнида кўришайлик. У ерни сизга ялоқхўрларингиз кўрсатиб қўйишади.*

Икром”.

Рус тилидаги бу хатни Лапас ёзиб бўлгач, Икромга юзланди. Унинг юзида бир олам таажжуб бор эди. Лекин Икром бунга эътибор бериб ўтирмади.

— Энди қоғозни буклаб, аэропортнинг ичида изғиб

юрганлардан бирортасига обориб бер. Кейин ўзинг кета-вер. Бояги айтганимни қилма, чунки сени таниб қолишди, — деди.

— Хўжайин, аэропортда ишлайдиган битта таниш қизим бор. Нима айтсам, қойиллатиб бажаради. Ўша қиз уларнинг орқасидан тушса, бирортасиям гумон қилмайди. Агар сиз рози бўлсангиз...

— Яна ишқал қилиб қўймайдими? — дея унинг гапини бўлди Икром.

— Пишиқ, эплайди.

— Менга қара, ҳар битта ҳаракат учун калланг билан жавоб берасан. Уқдингми?! — деди Икром унга ўткир нигоҳини қадаб.

— Хўп бўлади, хўжайин, — дея қўлини кўксига қўйди Лапас.

— Ма, калитни ол, арава сенда қолаверади. Ишни битириб, ўзинг тез етиб бор, — шундай деб Икром машинадан тушди-да, тез-тез юриб таксилар турган жойга кетди.

Лапас бошқача йўл тутди: таниш қизи орқали хатни аэропортдаги хизматчи аёллардан бирига берди. У эса, ўз навбатида, хатни россиялик меҳмонга топшириши керак эди. Самолёт қўнгани эълон қилиниши билан ғала-ғовур бошланиб кетди. Бегоналарга қўшилиб олган Полвон ҳам ғимирлаб қолди. Унинг ёнида, ҳеч кимдан ҳайиқмай, бемалол Эгамқул кетиб борарди.

Орадан йигирма дақиқалар ўтиб кутилаётган меҳмоннинг қораси кўринди. Лапас унинг Семён Эдуардович эканини Мавлон ва яна бир-иккита пўрим кийинганлар билан кучоқлашиб кўришганидан билиб олди ва тез-тез юриб хизматчи аёлнинг ёнига борди-да, унга ўша одамни кўрсатиб, қоғозни зудликда унинг қўлига беришни тайинлади ва қўлига битта кип-қизил ўн сўмлик тутқазди. Аёл хурсанд бўлиб кетганидан Лапаснинг гапларини охиригача эшитмади ҳам, шотирлари қуршовида, илжайиб ташқарига чиқиб кетаётган Семён Эдуардович томон югурди. Йигитлар аёлнинг йўлини тўсишди. Шунда у қўлидаги қоғозни кўрсатиб алланималар деди. Унинг гапларини Лапас эшитолмади. Бироқ киприк қоқмасдан воқеа ривожини кутди. Ҳартугул Семён Эдуардовичнинг

назари аёлга тушиб, хатни олди ва очиб ўқиб кўрди-да, чўнтагига солиб, бошқаларга илжайиб қараб қўйганча, йўлида давом этди. Натижа кутганидай бўлганини кўрган Лапас мийиғида кулиб, ташқарига ошиқди...

Икромни қаттиқ ҳаяжон босганди, у кетма-кет икки пиёла ароқ ичди ва ҳовлида у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. Ниҳоят кутилган қўнғироқ бўлди. Икром гўшакни шотирлари олишини кутиб ўтирмай, шошиб ўзи олиб, қулоғига тутди.

— Хўжайин, — Лапаснинг овози келди, — айтганларингизнинг ҳаммасини бажардим. “Н” гостиничасига жойлашишди. Нима қилай?

— Яхши, шу ёқда қимирламай тур. Меҳмонхонага ким кириб, ким чиқаяпти, ҳаммасини кузат, бирортаси эътибордан четда қолмасин. Ўн минутдан кейин яна телефон қил, — деб гўшакни қўйди Икром ва буйруқ кутиб турган шотирларидан бирига тезда Солини чақириб келишни тайинлади. Бироқ йигити кетишга улгурмай, Солининг ўзи ҳовлига кириб келди.

Икром уни кўриб, ич-ичидан қувонди. Аммо қувончини ташига чиқармади, қайтанга қовоғини уйди.

— Хўжайин, — деди Соли ўзини оқламоқчи бўлиб, — келавермаганларингдан кейин, хабар олай-чи, деб...

— Бўпти, план ўзгарди, марказдаги меҳмонхона билан алоқаларинг қалай?

— Ўзимизники.

— Унда зўр... Мен битта режа тузиб қўйдим. Агар аждаҳога кутилмаганда ҳужум қилмасак, ютқазиб қўйишимиз ҳеч гапмас. Хуллас, гостиницага болалардан иккитасини юбор. Пишиқларидан бўлсин. Кириб “меҳмонлар” нечта хонага жойлашганини, одамлари қанчалигини аниқласин. Кейин кечаси иккиларда борамиз. Ўша ернинг ўзида ҳамма нарсани ҳал қиламиз...

* * *

Тун ярмидан оғди. Икром машинага ўтираётиб режасини яна бир бор хаёлида пухталаб, сўнг шоҳона қурилган уйга узоқ тикилиб турди-да, шундан кейингина рулга ўтирган Солига: “Ҳайда, худо омадимизни берсин. Шарманда қилмасин”, деди.

Шаҳар кўчалари, онда-сонда учраётган машиналарни айтмаганда, деярли бўм-бўш эди. Шу боис, Соли чорраҳаларда тезликни бироз пасайтириб, икки ёнига қараб олар, бегона машина кўринмаса, қизил чироқда ҳам ўтиб кетаверарди. Икромнинг бўлса ўй-хаёли тузган режаси қандай тугаши билан банд эди, у қимир этмай ўтирарди.

Соли уловни меҳмонхонадан берироқда тўхтатди. Сўнг секин тушиб, сигарет тутатди ва бармоқлари орасидаги гугурт чўпини ўчирмай, охиригача ёниб тугашини кутиб турди. У меҳмонхона эшиги тарафга қаради. У ёқда ҳам худди шундай бўлди: аланга озгина муддат ёниб турганидан кейин ўчиб қолди. Бу шотирларининг: “Ҳаммаси жойида, бемалол келаверинглар”, деган ишораси эди.

— Кетдик, — деди Соли энгашиб машинанинг очиқ деразасидан Икромга қараб.

Улар илдамлаб боришаркан, иккаласи ҳам тез-тез ён-атрофга қараб-қараб кўйишарди.

Эшик ёнида меҳмонхона бошлиғи кутиб олди.

— Ҳаммаси жойида, — деди у мўйловини силаб Солига тикилганча.

— Болалар қаерда? — сўради ундан Икром.

— Тайёр туришибди, — қисқа жавоб қилди бошлиқ.

— Пастда йигитларидан биронтаси йўқми? — деди Икром паст овозда.

— Бор эди, йўқ қилдик.

— Яхши, бошла, — деди Икром.

Меҳмонхона бошлиғи уларнинг олдига тушиб, ичкарилади. Икром билан Соли чўнтақларидаги тўппончаларининг дастасидан маҳкам тутамлаб унинг ортидан юрдилар.

Улар олдинма-кетин чап томондаги дам олиш хонасига киришди. У ерда Икромнинг йигитлари меҳмонхона хизматчилари кийимида туришарди.

— Учинчи қаватда, бешта хонани эгаллашган, коридорнинг охиридагисида бош меҳмон. Мавлон, яна уч киши у билан бирга, ҳали ухлашгани йўқ. Гаплашиб ўтиришибди. Зинада, қаватлар оралиғида иккитадан йигит турибди. Ҳаммасининг қўлида рация, — дея маълумот берди Лапас Икром ёнига келиши билан.

— Икки кишидан чиқасанлар, — деди Икром бир

Солига, бир Лапасга қараб, — биринчи кетганлар учинчи қаватдаги қўриқчиларнинг ёнига етганида, охиргилар пастдагиларнинг ёнида бўлиши керак. Бирортанг ҳам тўппонча ишлатма, фақат пичоқдан фойдаланинглр...

Аввал Соли ёнига йигитларнинг энг бақувватини олиб, унинг ортидан Лапас шериги билан, охирида қолган икки йигит чиқиб кетишди.

* * *

Мавлон Серикбой билан бирга кутиш залидан чиқаркан, энди ҳаётини бутунлай тақдирнинг измига топшириб қўйганди. Айни дамда неча йиллардан бери авайлаб-асраб келаётган, мусичанинг кўзидай бриллиант тош солинган қутичани чўнтагига солди. Бир лайтлар Шер шундай усул билан Семён Эдуардовичнинг кўнглига йўл топганди. Ўшанда ҳам вазият қалтис эди: Шер ўзи билмаган ҳолда Семён Эдуардовичнинг водийдаги одамларидан бирини йўқ қилганди. Семён Эдуардович бриллиантни кўрди-ю, яйраб кетди. Махсус лупасини кўзига тақиб, обдон томоша қилиб, кейин Шерга қараб илжайган, шушу орадан гина кўтарилган: Семён Эдуардович бурунгидай очилиб Шер билан гаплашганди. Полвон ҳам шуни мўлжаллаб, агар чўнтагидаги тошни “катта оға”га топширса, кайфияти кўтарилади, унинг қилган гуноҳларини нутиб, яна ишонч билдиради, деган умидда эди.

Ниҳоят қутилган дақиқалар келди — Семён Эдуардович залда пайдо бўлди. Серикбой шотирлари билан, Ўшдан келган йигит ўзининг одамлари билан, Полвон эса, орқароқда унинг истиқболига шошишди. Ҳаммадан кейин Семён Эдуардович у билан кўришди, кўришаётиб, Полвон унинг юз-кўзига диққат қилди. Ҳар қалай, кулимсираб сўрашди-ку, демак, бемалол гаплашавериш мумкин, аммо бу бир ниқоб эканлигини у ҳали билмасди.

Фаррош аёлнинг хат олиб келиб бергани ҳаммадан ҳам Полвонни ажаблантирди. “Абдуҳамиддан келдими ёки анави тулки Икром пайтдан фойдаланиб қолмоқчи бўляптими?.. Нима ёзилган экан?” дея ўйлади у. Қоғозчадаги ёзувни ўқиб бўлганидан кейин ҳам Семён Эдуардовичнинг кўриниши ўзгармагач, унинг ичига гўлгула тушди. “Яна ютқазганга ўхшайман. Булар ўйин қилишяпти. Абдуҳамид билан келишиб олган бу. Мени нишон қилишмоқчи булар!” деган фикр хаёлидан ўтди.

— Мавлончик, — деди Семён Эдуардович машиналар ёнига борган пайт, — сен мен билан бирга кетасан.

— Албатта, — деди Полвон, ичидаги ғулғулани билдирмасликка тиришиб илжайганча.

Йўл-йўлакай Семён Эдуардович ундан жиддийроқ иш билан боғлиқ бирон нарса сўрамади. Шаҳарни томоша қилди. Айрим иморатларни сўраб-суриштирди. Ароқ заводидадан ўтаётганларида эса:

— Шу ер билан қаттиқ шуғулланиш керак... Айтганча, кимники? — деди.

— Шерга қарашли эди, — деди Полвон бироз чайналиб.

— Ҳа, у ақлли йигит эди, афсус, эрта кетиб қолди-да, кўп ишлар чала қолиб кетди, — деди Семён Эдуардович бош чайқаб.

— Эдик, — деди шу маҳал Семён Эдуардовичнинг ёнида ўтирган соҳибжамол Нина, — ҳаво иссиқ экан. Қандай нафас олаяписизлар?

Семён Эдуардович кулди. Сўнг аёлнинг юзидан чимдиб қўйиб:

— Мен эркакман, чидашга мажбурман, манави бўлса, — дея у Полвонни кўрсатди, — шу ернинг одами, эллик градус иссиқдаям бемалол юраверади. Хў-ўш, сен ҳам ўрганиб кетасан.

Меҳмонхона олдига кетма-кет бешта машина келиб тўхтади. Қолган машиналар, бирови орқароқда, яна иккитаси бироз ўтиб тўхтади. Лекин фақат Семён Эдуардович ўтирган қоп-қора “Волга” билан яна иккита шу рангдаги уловларнинг эшиклари очилди. Меҳмонхона директори айни шу дамда эшик олдида сигарет тутатиб турганди. Бир неча машинанинг келиб тўхтаганидан у шошиб қолди. Чунки уни ҳеч ким ҳеч нарсадан огоҳлантирмаган, ҳатто кўнғироқ ҳам қилмаган эди. Шу боис, у ичкарига киришини ҳам, кирмаслигини ҳам билмай бироз туриб қолди. Сўнг, ҳойнаҳой министрликдан келишган бўлса керак, деган хаёлда, рўйхатга олиш бўлмасига югуриб бориб, лабини бўяётган сариқ сочли қизга:

— Текширувчилар келишди, тез ҳаммани огоҳлантир, анави люксхоналарга фаррошларни жўнат, тайёрлаб туришсин, ҳар эҳтимолга қарши, — деди-ю, тагин югурганча ташқарига чиқди.

Бу пайтда меҳмонлар зиналардан кўтарилиб, эшикка яқинлашиб қолишган эди.

— Хуш келибсизлар, қадамларига ҳасанот! — деди директор ўзбекчалаб, кейин ранги оқариб кетди. Чунки беш-олти одам орасида Мавлонни кўриб қолган эди. Бошқаларнинг эса биронтаси ҳам ўзбекка ўхшамас, шу боисдан бояги илтифотини русчада такрорлади.

— Анави жойларинг тайёрми? — сўради ундан Полвон, бироз иягини кўтариб.

— Ҳа-а, — деганча киприклари пирпираб тикилди унга меҳмонхона директори, — аввалдан одам...

— Қани, бошла, довдирама кўп, — кулган бўлди Полвон. Унинг табассуми замирида қаҳр яширингани овозининг тагдор чиққанидан билиниб турарди.

Меҳмонхонада ҳар доим тўрт-бешта хона, эҳтиёт шарт, бўш сақланар, бу хоналар оддий одамларга берилмасди. Директор ўзи олдинга тушиб, ўша хоналарга кутилмаган меҳмонларни бошлаб чиқди. Улар яхшилаб жойлашиб олишгандан сўнг кўнгли хотиржам бўлиб пастга тушди-да, хизматчиларига “нозик одамлардан” тез-тез хабар олиб туришни тайинлади.

Семён Эдуардович иш масаласини орқага ташлади. Мезбонлар билан у ёқ-бу ёқдан гаплашди. Кейин уларга руҳсат бериб, ўзи ювиниш хонасига кирди-да, икки соатдан зиёд сув ичида ётди. Сўнгра Нина билан бирга тансиқ таомларга тўла стол атрофидаги курсига ўтириб, оз-оздан ичди, тўйиб овқатланди. Фақат шундан кейингина Нинанинг бошқа хонага чиқиб кетишини илтимос қилиб (у илк маротаба “илтимос” сўзини ишлатди. Ўта яйраб кетганидан, кайфиятининг кўтаринкилигидан, қолаверса, бу ернинг ҳавоси ёққанидан шундай деди. Сўнг кулиб юбормаслик учун тишини тишига босиб ўтираверди. Нина чиқиб кетгач, портлади гўё: шу қадар бақириб кулиб юбордики, дераза-ю девор зириллаб кетди. Нина ортига қайтиб эшикни қия очганча ажабланиб қаради. Аввалига ҳеч нарсани тушунмади. Кейин юзига табассум югурди. Семён Эдуардовични ўзининг устидан кулаётган хаёл қилиб эшикни қарсиллатиб ёпиб кетди), тўда бошлиқларини ёнига чақирди. Шубҳасиз, улар орасида Полвон ҳам бор эди.

Икки соатлар чамаси Семён Эдуардович гапни “асосий мавзу”га яқинлаштирмади. Латифалар айтиб, ўзи ҳам кулди, бошқаларни ҳам кулдирди (гарчи, бу латифаларнинг кўпи жилмайишга арзимаса ҳам, хўжайин кулганидан кейин бошқалар ҳам зўрма-зўраки илжайишди).

Ниҳоят бир неча ароқ шишаси бўшаб, ўтирганларнинг кайфлари ошганидан кейин Икром масаласи кўтарилди. Семён Эдуардович унинг кимлигини, қаердан пайдо бўлиб қолганини, кимлар билан алоқа боғлаб юрганини Полвондан бирма-бир сўради. Жавобни эшитганидан кейин афти бужмайди ва ўтирганларга бир-бир қараб чиқиб:

— Мен ҳақиқатан ҳам дам олгани келган эканман. Келинлар, битта сўлим жойни топиб беринглар, Ничкам билан ором олай, ишларни ўзларинг бажараверсанлар, кейин нима бўлганини айтасанлар, — деди илжайиб.

— Унда, — деди Серикбой Полвонга қараб кўйиб, — мен ҳам сиз билан бирга бора қолай, Мавлон акамизнинг ишига аралашиб обрў топмасам керак.

— Бўлди... Бўлди, — дея икки қўлини тепага кўтарди Полвон, — ҳаммаси ўз бўйнимда, ўша итдан тарқаганнинг бошини оёқларинг остига ташлайман... Аслида, мен сизлардан жудаям хафаман. Агар сенинг юртингдаям бир дам олайлик, деб келганларингда бошим осмонга етарди. Бу масалада келиб мени хафа қилдинглар!

— Ҳе, гапини қаранглар бунинг, — деди Семён Эдуардович, — сени топсак айтамизми ёки ҳавога гапирган билан қулоқларинг эшитаверадими?

— Бўлди, мен айбдорман. Манави гуноҳимнинг хуни, — деб Полвон чўнтагидаги қутичани олиб, Семён Эдуардовичнинг олдига қўйди.

— Нима, мени хотин деб ўйладингми? — деди Семён Эдуардович, қип-қизил юрак шаклидаги қутичани қўлига олиб, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўраркан.

— Хўжайин, — деди Полвон илжайиб, — агар сизни шундай деб ўйласам, бошқалар умуман эркакмаскан, ичини очинг. Сиз учун махсус совға.

— Шунақами, майли, — деб Семён Эдуардович қутичани қия очиб қаради. Бошқалар шу пайтда ҳатто нафас олишдан ҳам тўхтаган, совғанинг нималигини билиш

илинжида Семён Эдуардовичнинг қўлидаги қутичага кўз тикишганди. — О-о-о! Биласа-а-ан, сен нима совға қилишни! Қойил! Ишқилиб, тозами?

— Во-о, — дея Полвон қўллари ни ёнига чўзди, — биз ҳамини тоза ишлаймиз. Баъзиларга ўхшаб хом иш қилмаймиз!

Семён Эдуардович бриллиантни авайлаб стол устига қўйди ва Полвонга илжайиб қараб:

— Ҳа-а, сен тоза ишлайсан, лекин Шер янаям тозароқ ишларди. Шундайми? — деди.

Полвон бир муддат жавоб қилолмади. Сўнг асаб томирлари таранглашиб:

— Агар менинг ўрнимда сиз бўлганингизда ҳам шундай қилардингиз! — дея бақириб юборди.

— Шунақами? Ўлдирмаганман, деганингга адашмасам уч кунгина бўлди-ку!

— Телефонда айтишнинг иложи бўлмади.

— Нега унда ёнимга бормадинг?! Кимнинг рухсати билан уни орадан олиб ташлардинг?! —

— У мени ўлдирмоқчи бўлди, мажбур эдим шундай қилишга, чунки ҳали яшашим керак...

— Ҳозир-чи, ҳозир ҳам яшагинг келаяптими?! — бўкириб юборди Семён Эдуардович.

Унинг гапини Серикбой бошқача тушуниб, йигитларига сирли қараш қилиб қўйди. Унинг шотирлари дарров ёнларидан тўппончаларини чиқаришди.

— Шарт эмас! — бақирди Семён Эдуардович Серикбойга қараб. — Ҳовлиқмаларинг. Ҳаммасига улгураамиз. Аввал мен бундан бошқа нарсаларни сўраб олай.

У кутилмаганда жимиб қолди. Деразага узоқ тикилди, гўё хонада ўзидан бўлак бирор кимса йўқдай, қаттиқ ўйга берилиб кетди. Унинг ўтириши бошқаларга ҳам таъсир қилиб, бирор киши қилт этмади. Ора-сира кимнингдир чуқур-чуқур олаётган нафас товуши эшитилиб турар, бу эса яна бир маротаба чув тушиб, бошини осилтириб ўтирган Полвон эди. Унинг ўзга чораси қолмаган, миясида: “Ўлдирса, Семён Эдуардович ўлдирсин. Обрў билан бировларнинг тилига тушаман”, деган хаёл ўрнини энди: “Шу ердан омон-эсон қутулиб чиқсам, қайтиб бу газандаларга қорамни кўрсатмайман, агар имконият ту-

гилиб қолса, қўлимга тушганининг қонини ичаман”, деган фикр эгаллаганди. Айни чоғда у хомуш, кейинги сониялар ўзига бир дунё ғам-ғусса олиб келишидан хавотирда эди.

— Келинлар, бугун ташвишларни гаплашмайлик, кайфиятим жуда зўр, бир ичайлик, — деб Семён Эдуардович ароқ шишасини ўзи қўлига олиб, қадахларни тўлата бошлади.

Аммо ичиш ҳаммага ҳам насиб этмади. Йўлакдан қарсиллаган товуш эшитилди. Семён Эдуардович қадахини стол устига қўйди-да, бир Полвонга, бир Серикбойга қаради. Хўжайинларининг безовталанганини кўриб шотирлар қуролланиб эшик ёнига боришди.

Туйқусдан ҳаммаёқ жимиб қолди. Ичкаридагилар шовқин кўтарганларнинг кириб келишини кутишаётган бўлишса, эшик ортидагилар бирор кимсанинг эшикни очиб қолишидан умидвор — қимир этишмасди. Ниҳоят Семён Эдуардовичнинг тоқати тоқ бўлиб кетди. У ҳеч қачон бундай ҳолатга тушмаган, бунақа пайтда биров унинг оромини бузмаганди. Шу боис, жаҳли чиқиб:

— Шунақа қилиб тураверасанларми, ит эмганлар?! — дея бақириб юборди. Унинг овозидан шотирларига қўшилиб, Серикбой билан Полвон ҳам жонланди. Улар жойларидан туришиб, тўппончаларини чиқаришди-да, эшик ёнига боришди.

Серикбой ўзининг одамларига хўмрайиб қараб, энди эшикни очганди ҳамки, бирдан тасир-тусур бошланиб кетди. Бирор икки дақиқа ит эгасини танимайдиган тўполон бўлди. Кимдир гурсиллаб полга қулади, кимдир деворга боши билан урилди. Биров ўқ тешиб ўтган кўксини гижимлаганча, чўк тушиб қолди. Серикбой бўсағага узала тушганча хириллаб нафас олар, Полвон эса жон таслим қилиб бўлганди. Семён Эдуардович нима бўлаётганига ақли етмай, ўтирган жойида қотиб қолганди. Бос-тириб кирганлар, ҳар тугул, уни нишонга олишмади. Бошқа хонадагиларнинг ҳаммаси бирёқли қилинганидан кейин иккита йигит келиб унинг гарданига тўппонча тиради. Худди шу маҳал хонага беш-олти шотирлари қуршовида Икром кириб келди. У эшик ёнида тўхтаб атрофни бир қур назардан ўтказди-да, бошини сарак-сарак

қилди ва илжайганча Семён Эдуардовичга яқинлашди ва қўлларини ёнига ёзиб:

— Афсус, — дея русчада гагира бошлади, — нима ҳам дердим, болалар шўх-да, баъзан ҳаддан ошириб юборишади. Келинг, танишайлик, менинг исмим Икром.

Семён Эдуардович бир муддат унга қараб турди, оқарган юзига қон югурди. Сўнг секин Икромнинг қўлини ушлади ва ўзини таништирди.

— Жудаям хурсандман, очиги, сиз билан танишишни анчадан бери орзу қилар эдим. Лекин, — дея Икром ағдар-тўнтар хонани кўрсатди, — илк учрашувимиз бундай бўлади, деб ким ҳам ўйлабди, дейсиз? Қани, юринг, меҳмоним бўласиз.

Икром орқасига қайтаркан, кўзи Полвоннинг мурдасига тушди ва жасадга ғазаб билан тикилиб:

— Чигирткадай бир сакрадинг, қутулдинг, икки сакрадинг қутулдинг, учинчисида сакраш насиб этмабди-да, ит эмган, — деди. Сўнг шотирларига ўгирилиб: — Яриминг шу ерда қол. Манавиларни, — дея у ўликларни кўрсатди, — бирон жойга олиб бориб кўмиб ташлайсанлар.

Улар зинадан туриб бораётганда Семён Эдуардовичнинг ёнига Нина келди. Унинг кўзидан дув-дув ёш оқарди. Семён Эдуардович унинг қўлини сиқиб қўйишдан ўзга тасалли беролмади. Чунки унинг ўзи ҳам жуда тўлиқиб турганди.

Икром бир қизга, бир унинг хўжайинига қараркан:

— Бунақа жойларга аёлларни аралаштириш шарт эмасди, озгина қолди йигитларнинг адашиб кетишига, — деди русчани бузиб гапираркан.

Семён Эдуардович унинг гапига: “Мен нима қилишни энди сендан, оғзидан она сути кетмаган гўдакдан сўрайман”, дегандек хўмрайиб қўйди.

Икром уларни тўғри уйига бошлаб борди. Бу ҳақда ҳатто шотирларини ҳам огоҳлантирмаган эди. Семён Эдуардовичнинг ёлғиз ўзи ранги оқариб, отиб қўйишларидан чўчиб, бечораҳол бўлиб қолганини кўрганидан кейингина шундай хаёлга келган ва доимгидай ортиқча мулоҳаза қилиб ўтирмаганди. Икром ўзини йўқ қилиш умидида келган Семён Эдуардович билан битта машина-

да кетишни истамали. Ана шу маҳал ғазаби ичидалигини билдириб қўйди. Машиналар дарвозадан ичкарига кирганидан кейин эса, Икром душманига мутлақо бошқача илтифот кўрсатди. Шаҳсан ўзи Семён Эдуардович ўтирган машинанинг ёнига бориб, рақибининг қўлтиғидан олиб, уйи томон бошлади.

— Мана шу, — дея у иморатни кўрсатди, — бизнинг кулбамиз. Албатта, сизнинг қасрингиз олдида бу ҳеч нима эмас, лекин яшаса бўлади, нима дедингиз?

— Яхши, — деди Семён Эдуардович уйга бир қараб қўйиб йўлида давом этар экан.

Меҳмонхонадаги узун стол турли егуликлар билан тўлдирилди. Аммо Семён Эдуардовичнинг қовоғи очилмади.

— Устимдан кулишнинг бошқача усули топилмадими? — деди Икром қадаҳини ароққа тўлдириб қўлига тутқазганидан кейин унга ўқрайиб қараб.

— Аввал ичинг, — жавоб қилди Икром ҳам жиддий оҳангда.

Семён Эдуардович бир кўтаришда идишни бўшатиб, столга “тўқ” этказиб қўйди. Икром ҳам улушини сипқорди ва газак ҳам қилмасдан Семён Эдуардовичга юзланиб:

— Мана энди гаплашамиз, — деди.

— Сен фирромлик қилдинг. Мени тулкилик қилиб энгдинг, — дея Семён Эдуардович ликобчадаги кўкатдан оғзига солиб, асабий чайнай бошлади.

— Ишимизнинг оти нима?.. Билагингизнинг кучи билан шу даражага етганмидингиз? Қанча одамни тулкилингиз билан туғилганига пушаймон қилдирмадингизми? Энди бизнинг ишимиз фирромлик бўл қолдимми?

Кетма-кет берилган саволлар Семён Эдуардовични, ҳар қанча уста бўлмасин, довдиратиб қўйди.

— Хўш, — деди у талай муддатдан кейин, — мени нима қилмоқчисан? Нега анавиларга ўхшатиб меҳмонхонанинг ўзида отиб ташламадинг?

Икром илжайди ва ароқ шишасини қўлига олиб яна қадаҳларни тўлдира бошлади.

— Мен, — деди Семён Эдуардович Икром ишини охирлатганидан кейин, — биродарларимнинг ўлимини байрам қилиб нишонламоқчи эмасман.

— Мен сизни байрам қиламиз, деб бу ерга олиб келганим йўқ. Ундан кейин, аданмасам, сизларда яқин кишиси қазо қилса, албатта, ичишди. Дейлик, ҳозир сиз ўша маросимдасиз. Биродарларингизнинг хотираси учун ичинг.

Семён Эдуардович Икромнинг шу гапларидан кейин киборланиб ўтирмай қадаҳидаги ароқни сипқарди. Бироқ бу сафар Икром ичмади.

— Мен, — деди у, — сизни қўйиб юбораман. Шунчаки... Фақат битта шарти бор. Иккинчи марта безовта қилмайсиз. Мен сизга тобе бўладиган одам эмасман. Шунанга руҳда ўстиришган мени. Агар ҳамкорлик қилиш ниятингиз бўлса — марҳамат. Шунда ҳам фақат элликка эллик. Назаримда, бир-биримизга энди чап бермасак керак.

Семён Эдуардович қадаҳни қўлида айлантириб ўйлай бошлади. Икром унинг фикрини бўлмади, ҳатто қовурилган жўжани олиб кирган шотирига имлаб, уни чиқариб юборди.

— Фақат, — деди ниҳоят бошини кўтариб Икромга қараган Семён Эдуардович, — ўзингнинг худудингда иш қиласан.

— Оббо сиз-э, — деди Икром унинг гапига кулиб, — мен сизга тенгликни таклиф қилаяпман. Тушунгандирсиз? Бунда агар зарурат туғилиб қолса, Сочига бориб дам олиб келишим ҳам мумкин. Сиз анави итальянларга буйруқ беролмайсиз, шекилли, тишингиз ҳам ўтмайди уларга.

— Тушунарли, — деди чуқур сўлиш олиб Семён Эдуардович, — бошқа маҳал оғзингдан шу гаплар чиққанида туғилганингга пушаймон едирардим. Лекин ҳозир...

— Мен шундай қилишим мумкин сизни. Аммо қўлимдан келадиган ишни қилмаяпман. Сиз буни яхши тушуниб турибсиз, деб ўйлайман.

Семён Эдуардович жавоб қайтармади. Ўзи қадаҳини ароққа тўлдириб ичиб юборди ва Икромнинг ҳам ичинини кутди. Кейин таклифга розилигини билдириб, рақибига қўлини чўзди.

— Мана, келишиб ҳам олдик, — деди Икром кулиб туриб унинг қўлини сиқаркан, — ўйлайманки, ҳамкорлигимиз бизга фақат фойда келтиради.

— Мен ҳам шундай фикрдаман. Ўйлаб кўрсам, қандайдир валакисалангларнинг шилтасини тозалаб юргандан кўра, фақат сендайлар билан ҳамкорлик қилиб қўя қолганим тузукка ўхшайди.

— Ҳа-а, — деди Икром кўрсаткич бармоғини тепага қилиб куларкан, — эшитишимча, қонингизда жухуд қони ҳам аралашган экан, усталик билан вазиятдан чиқиб кетаяпсиз.

— Сен бўлсанг мендай одамни чув туширдинг, қойил, умуман кутмаган эдим. Мабодо устозинг жухудмасми?

Икром “пиқ” этиб кулиб юборди. Сўнг:

— У ёғига кафолат беролмайман. Бўлса бордир. Ҳар қалай, унинг ота-онасининг тепасида чироқ ушлаб турмаганман... Қани, ярашганимиз учун яна биттадан олайлик.

Улар яна икки соатлар чамаси шу тахлит суҳбатлашиб ўтиришди. Кайфлари анча ошиб, гаплари чалкаша бошлагач, Соли хонага кириб, Икромнинг қулоғига:

— Бундан бу ёғига эҳтиёт бўлинг, бу афирис шундай пайтдан усталик билан фойдаланиб қолади, — деб шивирлади ўзбекчалаб.

— Ҳай, ҳай — деди бирдан ҳушёр тортган Семён Эдуардович, — бунақанги пайтда ўз тилида гаплашиш ярамайди.

— Худо сизга билимдан берган экан, ҳурматли Семён Эдуардович! Ҳатто қийналмай она тилимизда сўзлашишга ҳам кўнмайсиз! Лекин билсангиз, биз ўз тилимизни жуда тез соғиниб қоладиган одамлар тоифасига киримиз... Шундай бўлса ҳам бунинг гапини, — дея Икром Солини кўрсатди, — сизга таржима қилиб беришим мумкин. Сизга аталган совғаси бор экан. Шуни беришни ният қилибди. Бундай, ҳиқ, бундай буюк одам билан яна қачон гап... ҳиқ... ҳиқ... гаплашаман, деяпти.

— Менинг, — деди Семён Эдуардович кўзлари қисилиб, — битта ожиз томоним бор, айтайми?

— Қани, эшитайлик, — пешонасини қашлади Икром.

— Мен совға олишни ўлгудай яхши кўраман.

— О-о-о! — қарсак чалиб юборди Икром, сўнг тиржайиб турган Солига қараб: — Подвалдагиларни олиб кел, — деди ўзбекчалаб.

“Подвал” сўзи рус тилида айтилганидан ва у ерда кўпинча яхши нарсалар бўлмаслигини англаган Семён Эдуардович хушёр тортди. Аммо ундаги ўзгаришни Икром сезадиган аҳволда эмасди. Шу боисдан ҳам меҳмонидан чекиш-чекмаслигини сўради. Семён Эдуардовични аллақачон тамаки хумори тута бошлаганди. Айниқса, ҳар гал қадаҳни бўшатганида шунақанги тамаки чеккиси келардики, азбаройи ориятининг зўридан тишини тишига босиб чидарди у.

— Бор экансан-ку! — деб юборди юзига табассум югурган Семён Эдуардович.

Икром шотирларидан бирини ёнига чақириб, сигарет олиб келишни буюрди. Шотирининг чўнтагида доим сигарет бўлар, аслида, бу ёзилмаган қонун Шердан “мерос” олат эди.

Икром сигаретни лабига қистириб тутатишга тутатдию, лекин тутунни ичига ютмади. Кашандаликка ҳали у ўрганиб улгурмаган эди. Лекин Семён Эдуардович хузур қилди: ўпкасини тўлдириб-тўлдириб тутун ютар, сўнг ўзича мириқиб тутунни ташқарига чиқариб юборарди. Сигарет совға ҳақидаги гапни унуттирди. Бир зум ароқдан-да хуш ёқувчи тамаки таъми унинг танасига роҳат бағишлади. Шу боисдан ҳам, у эшикдан аввал Абдуҳамид, унинг ортидан Антоннинг кириб келганини илғамай қолди.

— Мана сизга ажойиб совға, — деди уларни кўрсатиб Икром.

Семён Эдуардович кўзларига ишонмади, кўзини йириб очиб қаради-да, келганларни таниб сўкиниб юборди.

— Тсс! — деди Икром бармоғини лабига босиб. — Меҳмонсиз, жаноб, эсингиздан чиқарманг.

Семён Эдуардович унинг гапига мутлақо эътибор бермади ва ўрнидан туриб, қўлини мушт қилиб тугди ва тебранганча Абдуҳамид билан Антонга яқинлаша бошлади. Соли унинг йўлини тўсиб чиққан эди, Икром унга:

— Индама, — деди ва иягини муштира тираб томошага тайёрланди.

Семён Эдуардович аввал Абдуҳамидга яқин борди ва бироз тикилиб турди-да, кейин туйқусдан унинг юзига тупуриб юборди. Сўнг Антоннинг жағига мушт тушир-

моқчи бўлди, аммо эпини қилолмай, мувозанатини йўқотиб, гурсиллаб полга қулаб тушди. Икром ўзи турса керак, деган хаёлда қараб турди. Йўқ, Семён Эдуардович ўрнидан туролмади. Икром ёмон йиқилибди-да, деган хаёлга бориб улгурмай, унинг хуррак ота бошлагани эшитилди. Хонадагилар бир-бирларига қарашди. Улар ўзларини кулгидан зўрға тутиб туришарди.

— Ҳм, — дея илжайди Икром, — пишиб қолган экансан-ку.

У бошини қашлаб, эшикка юрди, сўнг ортига ўгирилиб Солига:

— Манавиларни, — дея Абдуҳамид билан Антонни кўрсатди, — яна жойларига олиб бориб қўй, кейин мен ҳаммомда бўламан, ўша ёққа бор, — дели.

Унинг кайфи ошиб бораётган, бундай аҳволда ухлаёлмасди. Ювиниб, озгина енгиллашмоқчи бўлди.

У узунасига тўрт, энига уч қадам келадиган ҳовузнинг кўм-кўк сувида гоҳ сузиб, гоҳ шўнғиб, роҳатланаётган маҳал Соли кириб келди. У ҳам ечиниб ўзини сувга отди. Бироз муддат ҳовузда сузгач:

— Хўжайин, — деди Икромга, — анави маразни бекорга қўйиб юбораяпсиз-да, қутулиб кетганидан кейин яна балони бошлаб қолмасайди.

— Адашасан. Биз битта ўқ билан иккита қуённи урдик. Насиб бўлса, энди олдимизни кесиб ўтадиган олам бўлмайди... Янаям кўрамиз, ҳаммасини вақт кўрсатади. Анави “балиқча”си қаерда? — деди сувдан чиққан Икром юзини артаркан.

— Иккаласини битта хонага тиқиб қўйдим.

— Наҳсга ботиб юришмасин яна...

— Ҳеч вақога ярамайди у аждаҳо, тамом бўпти.

— Яхши, бугун сенга яна битта иш бор. Болаларингни аэропортга жўнат. Учта билет топиб келишсин. Анави Антонини ҳам бирга олиб кетсин. Биладан, борганидан кейин уни соғ қўймайди. Лекин менгаям кераги йўқ. Ҳа, эсингдан чиқмасин. Билетни биринчи рейсга олинглар.

— Кечикиб қолдиг-ов, биринчи рейс соат олтида учди.

— Унда бу ерда нима қилаяпсан, бўл тез, югур!

Соли истар-истамас сувдан чиқиб, кираверишдаги кич-

кина шкафдан халатини олиб, йўл-йўлакай кийганча чиқиб кетди.

Шу куни Икром пешингача қотиб ухлади. Анчадан буён бунақа мириқиб ухламаган эди. Уйғонгандан кейин ҳам туришга эриниб талай вақт шифтга термилиб ётди. Ўтган оқшомги воқеаларни бирма-бир хотирлади, ўзича хулоса қилди. Шундан кейингина ўрнидан кўзгалди.

Ҳовлига нонушта қилишга чиқаётганида Дилоромга дуч келди. Кайфияти аъло эди, шу боисдан ҳам, қизга жилмайиб қаради. Қиз ҳам унга жавобан табассум қилди.

— Сен билан бирга овқатланамиз, бўлтимми? — деди Икром.

— Мен нонуштани аллақачон қилганман-да, ҳозир тушлик вақти бўлди, — деди чехраси ёришиб Дилором.

— Нима фарқи бор? Тушлик бўлса тушлик-да.

Улар дастурхон устида деярли гаплашишмади. Қизнинг эса, умиди катта эди: у Икромдан ширин гаплар эшитишни истар, чунки Икром кўринишидан бугун жуда бошқача эди. Аммо йигитдан садо чиқмади. У овқатини иштаҳа билан еб бўлгач:

— Энди кетдик, мен сени бир жойга олиб бораман, — деди.

— Қаерга? — ҳайрон бўлиб сўради қиз.

— Борганда кўрасан. Ҳа, кийимларингнинг ҳаммасини олгин, керак бўлади.

Икромнинг бу гапидан кейин Дилором қаерга бора-жакларини тахмин қилди. Шу боис, чуқур хўрсинди. Кўзининг ости билан Икромга қаради. Бироқ лом-мим демади. Бир нима дейишга чўчиди. Чунки охириги пайтларда Икром жиззаки, арзимас нарсага ҳам ловиллаб кетадиган бўлиб қолганди. Бундан ҳам ғалати томони, у ҳар дақиқала ўзгарарди. Мана, ҳозир ҳам майин овозда, ҳатто юзида табассум билан Дилоромни бирга тамадди қилишга таклиф қилди. Бундан қизнинг боши осмонга етди. Бироз кейин пишиллаб овқатини еди, оғзидан бирон калима сўз чиқмади. “Бир жойга борамиз”, деди тўнғиллаб, холос. “Уйингга олиб бориб қўяман”, демади. Бошқача айтди.

— Анави қиз чиройлими? — сўради Дилором йўлда Икромдан.

- Қайси қиз? — ўзини гўлликка солди Икром.
- Ўша, сизнинг юрагингиздан урган қиз.
- Ҳм... уми? Нега у сени қизиқтириб қолди?
- Билгим келаяпти.
- Бир куни ўзинг кўриб кейин айтарсан — хунукми ёки чиройлими. Мен фарқлолмайман.
- Жуда ўлиб турганим йўқ, кўраман деб. Дуч келиб қолсам ҳам тескари қараб ўтиб кетаман.
- Унда нимага менинг бошимни қотираяпсан?
- Билгим келди-да... Сиз ёмонсиз. Тошбағирсиз. Ўзингизга бино қўйгансиз.

— Раҳмат. Лекин бу гапинг мен учун янгилик эмас. Кимлигимни ўзим яхши биламан.

Дилором Икромдан бошқача жавоб кутганди. Ҳозир ўзини оқлашга тушиб кетади, деб ўйлаганди. Аммо у ўйлагандай бўлмади. Шундай бўлганида, унинг жаҳли чиқмас, таъналарни қалаштириб ташларди. Энди жимиб, алам билан машина деразасидан ташқарига қараб олди.

Икромнинг хаёлида Шернинг шип-шийдам уйи муҳрланиб қолган экан. Келиб ўзгаришни кўриб, бир зум ҳайратга тушди. Бевасининг серҳаракат, тадбиркорлигига ич-ичидан қойил қолди.

Санобар опа бу сафар унинг дарвозадан қайтишига кўнмади.

— Ичкарига кириб бир пиёла чой ичиб кетинг, — деб туриб олди.

Икром ноилож кўнди. Шернинг қизлари у билан ширинсуханлик қилиб, кулиб кўришишди. Қарашлар, Дилоромга айтилган илмоқли гаплар ҳам бўлакча, улар замирида “Балосиз, поччанинг зўридан топиб бердингиз бизга”, деган маъно бордек. Бундан Икром ўзини ноқулай сеза бошлади. Буни пайқаган Санобар опа қизларини ташқарига чиқариб юборди. Қизлар айвонга чиқишлари билан хохлашиб кулиб юборишди ва Икромнинг юзига ҳам беихтиёр қизиллик югурди.

— Ишларингиз яхшими? — ҳол сўради Санобар опа, шу пайтгача сенсираб келган йигитни бу гал сизлаб.

— Тузук. Энди биров сизни безовта қилмайди. Ҳаммаси жойига тушди, — жавоб қилди Икром.

— Айтганингиз келсин. Юрак ҳовучлаб яшаш жони-

мизга тегиб кетди... Шояд, энди бу ёғига хотиржамроқ кун кўрсак.

— Қизларингизни узатасиз, неварали бўласиз. Оғир кунларни бутунлай эсингиздан чиқариб юборасиз ҳали.

Санобар опа бошини эгди, чуқур хўрсинди ва:

— Ишқилиб, қизларимнинг бошига мен кўрган кўргиликлар тушмасин-да, одамга ўхшаб яшашсин-да улар, — деди.

Икром бошқа маънода гапирган эди. Санобар опа бошқача тушунди. Айтган гапидан, “Дилором кўзлари мўлтираб, жони ҳалак бўлиб умрини ўтказиб юбормасмикан?” — деган маъно англашилар эди.

— Мана кўрасиз, ҳаммаси яхши бўп кетади, қизларингизга ўзим яхши жойлардан куёв топиб бераман, — деди Икром Санобар опанинг қизларига ўзининг дахли йўқлигини билдириб қўйиш мақсадида.

Аммо аёл бу гапга ҳам бошқача маъно берди.

— Эсимнинг борида айтиб қўяй, — деди Санобар опа мавзунни ўзгартириб, — ҳар қалай, сиз бизга қадрдон бўп қолдингиз. Раҳматли эрим бир нарсага қаттиқ амал қилардилар. Катта давраларда тушунарсиз гапирардилар. Гапирганларини бегоналар тугул, ҳатто шунча йил бир ёстиққа бош қўйиб келган мен ҳам тушунмасдим. Йўқ, биттасини тоғдан, биттасини боғдан гапирмасдилар. Нутқи равон эди. Лекин негадир гапидан ҳеч балони илғаб бўлмасди.

— Кейин-чи, нима деганини билмай юравердингизми? — деди ажабланиб Икром.

— Бир куни сўраганман. Аввал кулди, кейин: “Майли, хотин, сенга айтсам айтақолай, балки вақти келиб асқотар. Мен ўз-ўзимдан шунақа одам бўлиб қолмаганман. Бировлардан ўрганганман. Ўргатишмаган, шунчаки ўзим сезиб қолганман. Улар ўзлари яхши билган, тушуниб етган нарсани ҳеч қачон бошқа бировга ўргатишмайди. Асли улар шундай яралган, қонида бор бу одат. Хуллас, бундай гапириш аввало жуҳудларга хос. Улар ҳеч қачон бировларнинг ақли етадиган қилиб, тушунтириб гапирмайди. Бундай гапирадиган бўлса, бошқалардан уларнинг фарқи қолмайди, манфаат ҳам шунга яраша бўлади-да. Бу эса, уларнинг фожиаси... Ҳеч эсимдан чиқмай-

ди. Бир пайтлар заводда ишлаганимда жуҳуд ҳамкасбим бўларди. Тушликка чиққанзимизда ҳар доим иккита яримта овқат оларди. Мен бўлсам битта бутун. Нима фарқи бор, иккита яримтани қўшсанг битта бутун бўлади-ку, дрсан. Аслида шундай. Лекин ошпазлар яримтани кўпроқ сузишади-да. Бу, майдакашлиг-у, лекин жуҳуд бир нима ютмаса, кўнгли таскин топмайди-да. Шуниям мен содда орадан ярим йил ўтгандан кейин сезибман”, дедилар... Балки бу гапларнинг сизга мутлақо қизиғи йўқдир, лекин айтдим-қўйдим-да, — жилмайди Санобар опа.

— Билиб қўйсақ, ёмон бўлмаскан, — деди Икром Санобар опага қараб, — ҳар қалай, хўжайинингизда тажриба катта эди. Кўп нарсадан хабардор эди. Ажабмаски, энди менинг гапимга ҳам биров тушунмаса.

Икром кўп ўтирмади, икки пиёла чой ичиб чиқиб кетди. Уйдан чиқибоқ Санобар опанинг гапларини унутди. Аммо ўзи сезмаган ҳолда тушунарсиз гапирадиган одат чиқарди.

Орадан бир ой ўтди. Беш-олти марта Самандарни кўргани бориб-келганини айтмаса, Икром бирон жойга чиқмади. Ҳамма ишларни ўтирган жойида бажарди. Солининг айтишига қараганда, чўтал берувчилар янги хўжайинга анча кўникиб қолишган, унинг номини эшитишса, ранглари оқарадиган бўлишган эмиш. Бу гаплардан Икром негадир хурсанд бўлмас, кўнглининг бир четида ўзидан норозилик туйғуси уйғонар, лекин буни синҳор бировга билдирмасди.

У бўш вақтларида кўпинча ертўлага — Абдуҳамиднинг ёнига тушар ва у билан гаплашиб ўтирарди. Абдуҳамид бир неча марта ундан: “Қўйиб юбор, бола-чақамнинг олдига борай, майли, тўда-пўда — ҳаммасидан воз кечдим. Тинчгина, бориға қаноат қилиб яшайман”, деб ялиниб-ёлворди. Бироқ Икром кўнмади. Авваламбор, у шубҳаланди: агар айтганини қилиб қўйиб юборадиган бўлсам, унинг, ўзи айтганидай, тинчгина умргузаронлик қилишига кафолат йўқ. Чунки бировга зуғум ўтказишга, маишатга ўрганиб қолган одам осонликча бундан воз кечиб кетолмайди, деб ишонарди Икром. Иккинчидан эса, у қўйиб юборгани билан бошқалар, айниқса, Абдуҳамид бир пайтлар бурнини қонатган одамлар энди тинч

турмасди. Ҳеч бўлмаганда, қаматиб юбориши мумкин. Аввал ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб юрган одамнинг бирдан бутун обрў-ю бойлигидан айрилиб турмага тушишини Икром душманига ҳам раво кўрмасди. Чунки қамоқдагилар бундай одамни беҳад хўрлашар, бунинг таърифига тил ожиз. Хуллас, у шу томонларини ўйлаб, Абдуҳамидни ертўлада сақлашни маъқул топди.

У ҳар икки куннинг бирида кечки пайт Дилдоранинг дарвозаси ёнида пайдо бўлар, гоҳ пиёда у ёқдан-бу ёққа ўтган киши бўлиб деразаларга, дарвозага термилар, кутгани кўринавермагач, ноилож изига қайтиб кетарди. Кейинги сафар машинасини берироққа қўйиб, тузатган киши бўлиб куймаланди, моторини ўт олдирди, ўчирди, сўнг юкхонани очиб, керакли асбобларни олганча, филдиракларни ечиб, яна жойига қўйди. Шу билан кун кеч бўлди, қоронғилик тушди, умидлари саробга айланиб, қайтиб кетишдан ўзга илож тополмади. Уни узоқдан кўрган киши, ҳақиқатан ҳам, машина тузатаяпти, деб ўйлар, лекин икки-уч марта нигоҳи тушса, унинг уқувсизлигидан куларди. Ҳафта давомида айни бир жойда битта машинанинг икки-уч кун узлуксиз бузилиб турганига гувоҳ бўлган одам эса, ҳайдовчининг ўзида бир гап бормикан, деган фикрга келиши мумкин эди.

Абдулазиз ака Икромнинг бир неча марта куймаланганини кўриб:

— Ёрдам-пордам керакмасми? — деб сўради. Икромнинг асаби таранглашиб турган эди, бироқ у ўзини босди, гапирмай, бош чайқаб қўя қолди.

Абдулазиз аканинг кўрганида кўнглига шубҳа оралади. “Мошинангиз шу ерга келиб бузиладиган бўп қолди, йигит, тинчликми?” деб сўрамоқчи бўлди-ю, индамди. Чунки Икром турган жой унинг уйдан кўра қўшнисиникига яқинроқ эди.

Баҳром эса, машинаси бузилган йигитни бир кўрган-даноқ таниди, лекин ўзини кўрмаганга олиб ўтиб кетди. Уйга боргач, синглисига:

— Чиқиб айт, ҳовлимиз олдида кўп ўралашмасин, гапнинг тагида қолиб кетмайлик, — деди.

Дилдора индамди. Акаси узоқлашгач, югуриб дераза ёнига борди-да, пардани қия очиб, машинаси билан овора

бўлаётган Икромга қаради. Ярим соатлар кўзини узмай қаради. Икромнинг ҳаракатидан хулоса чиқариб, “Бошқа баҳона тополмабсиз-да, яхши йигит”, дея хаёлидан ўтказди ва жилмайиб, хонасига кириб кетди.

Унинг юраги гупиллаб урар, югуриб кўчага чиққиси, унинг умидида келиб, бошқаларда шубҳа уйғотмаслик учун ўзини минг хил кўйга солаётган йигитнинг ёнига боргиси келди. Аммо дарвозадан қайтди, азоблагиси келди Икромни. Йигит уни кутавериб тинка-мадори қуриб кетаётганидан қиз ўзини қўярга жой тополмаётган, бироқ айни чоғда, аразга ўхшаш бир туйғу унинг оёғига тушов солаётганди. Бу туйғу ҳам балки Дилдорани йўлдан қайтаролмасди, агар у Икромнинг жиноятчи эканини билмаганида... “Яхши одам бўлсинлар, ундан кейин келсинлар”, дея хаёлидан ўтказди қиз ва юрагининг безовталигини босмоққа уринди.

Эртаси кун у эса деразадан нари кетмади. Йиғлади. Худога ёлвориб бирон чорасини қилгин, дея илтижо этди. Кўчага чиқиб кетишдан ўзини зўрға тийди.

Акаси Нафисага айтган шекилли, келинойиси ёнига келди.

— Боринг, ё у ёқли, ё бу ёқли қилинг, акангиз аччиқ-ланяптилар, — деди.

Аммо Дилдора бунга ўзида куч тополмади. Тонг отган маҳал ҳали Икром уларнинг кўчасида пайдо бўлмасидан шаҳарнинг нариги чеккасида турадиган аммасиникига кетиб қолди.

Кўчага Нафиса чиқди.

— Яхши йигит, — деди у Икромнинг кўзига қарамасликка уриниб, — Дилдора уйда йўқ. Қариндошлариникига кетиб қолган. Кетинг бу ердан, бошқа келманг.

Бу гапни эшитиб, Икромнинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Ҳангу манг бўлганча келинчакка термилиб қолди.

Аммо эртаси куни у яна келди. Кейинги кун ҳам шу кўчага қоровуллик қилди. Шундан сўнг икки ҳафта қорасини кўрсатмади. Хаёлида Дилдора уйда ўтирибди-ю, у билан гаплашгиси келмаяпти. Эҳтимол, уни ёмон кўриб қолгандир.

“Майли, нозингни қилиб юравер, кўрамиз қанақа йи-

гитга тегаркансан, ўша йигитнинг қаери мендан ортиқ бўларкан?” деб ўйларди жаҳли чиқиб. У ўзини бошқа ишларга андармон қилишга, шу баҳона, Дилдорани унутишга уринарди.

Лекин қизни унутолмади. Бунинг устига, ноз-фироғи хирмонга айланиб кетган қиз ҳар куни тушига кирар ва ўзининг борлигини унинг ёдига солиб турарди.

Бир сафар у Дилоромларникига борди. Бу пайтда уларникида Дилоромдан бошқа ҳеч ким йўқ, сингиллари онаси билан бозорга кетишганди. Қиз уни кўриб, хурсандлигидан сакраб кетаёзди. Югуриб келиб Икромнинг бўйнига осилди. Юзидан ўпди. Кейин уйга бошлаб кирди.

— Йўлим тушиб қолувди, сизларни бир кўриб кетай девдим, — деди Икром, Дилором ёнига ўтириб, унинг қўлини кафтига олгач.

— Зўр бўпти, — дея қиз уни елкасидан кучди, — мен сизни энди қўйиб юбормайман. Биласизми, ташлаб кетганингиздан бери қанчалик азобландим? Билмайсиз, билганингизда келардингиз, қийналиб кетдим.

Қизнинг ўксиб гапиргани Икромга таъсир қилмасдан қолмади. У: “Дилдорани деб шунча азобланишим шартми? У мени ёмон кўриб қолди. Ҳадеб қадримни ерга уриб уйига бораверишимдан нима фойда? Биронта кўриб қолса, обрўим сувдай тўкилади. Кимсан шаҳарнинг эгаси битта қизни кўндиролмай, дайди итга ўхшаб уйининг ёнида искаланиб юрибди, демайдими?” дея хаёлидан ўтказди-да, бир қўли билан секин Дилоромнинг муаттар ҳид таралаётган қоп-қора сочини силади. Икромдан буни кутмаган қиз таъсирланиб кетди ва секин юзини йигит томонга бурди. Уларнинг юзлари шунчалик яқин эдики, нафаслари бир-бирига урилиб турарди. Дилоромнинг чарос кўзлари оҳиста юмилди. Икромнинг вужуди жунбушга келиб борлиқни унутди ва эҳтиросга тўлиб-тошган қизга талпинган маҳал дераза томонда нимадир “қарс” этиб синди. Улар чўчиб тушиб, овоз келган томонга қарадилар. Дераза тоқчасида Дилоромнинг суюкли, оппоқ мушуги думини ликиллайтиб турар, ерда пиёла синиб ётарди. Аввалига нима бўлганлигини билолмай ҳайрон бўлиб турган қиз билан йигит мушукнинг қилиғидан қаҳқаҳлаб кулиб юборишди.

— Қизганди, — деди Дилором ўзини кулгидан зўрға тўхтатиб.

— Шунақага ўхшайди, — дея Икром ўзи сезмаган ҳолда ўрнидан турди.

Қизнинг жон-пони чиқиб кетди. У ўпишай деб ўлиб тургани йўқ, азбаройи кўнгли суйган йигитига талпинганди, холос. Унинг кўзлари намланди. Ҳар доим унга нисбатан беқарор Икромни ёмон кўриб кетди, кўкрагидан итариб юбориб, югурганча ташқарига чиқиб кетди. Бунинг сабабини Икром тушуниб турарди, аммо Дилоромнинг хоҳиш-истагини бажаришга, унга эга чиқиб, уни хотин қилиб олишига нимадир халақит бераётганди. Нега бунақа бўлаётгани йигитга ҳам, қизга ҳам қоронғи эди. Энг ғалати томони эса, Икромнинг эҳтироси кутилмаганда сўниб қолаётганди.

Икром кетаётиб ҳовлида Дилоромга дуч келди. Қиз бошини эгган кўйи ёнидан ўтиб кетаётган йигитга:

— Ўша қизга уйланинг, бу ерга бошқа келмасангиз... мени хурсанд қилардингиз, — деди.

Икром жавоб қилмади. Фақат ҳар қандай йигит орзу қиладиган бу соҳибжамол қизга бир қараб қўйди-да, чиқиб кетди.

* * *

Самандар соғайиб чиққач, Икром ҳамма ишни унга юклади. Ўзининг эса ишдан кўнгли совиди. Кунлари файсиз ўтар, тун бўйи алақандай кўрқинчли тушлар кўрар, алаҳсираб уйғониб кетар, кўзини юмишга кўрқиб, тонггача бедор юрарди.

Шундай кунларнинг бирида Семён Эдуардович кўнғироқ қилиб қолди.

— Қалай, қаҳрамон, ўзингга хон, ўзингга бек бўлиб юрибсанми? — деди у кулиб.

— Ҳар қалай, нафас олиб турибман, — жавоб қилди Икром.

— Менга қара, иш чиқиб қолди... Беш юз кило юк келаяпти. У сенинг кўчангдан ўтади. Қарашворарсан?

— Элликка элик, — деди Икром пинагини бузмай, — тўлов олдиндан.

Унинг гапидан кейин Семён Эдуардович чуқур нафас олди ва озгина сукут сақлаб:

— Сенинг шу чўрткесарлигинг қолмади-да. Бўпти, рози бўлиб қўйганман. Бугун кечки рейсда етказиб беришади. Фақат анавилар хитланиб қолишмасин, — деди рози бўлиб.

— Улардан қўрқадиган жойингиз йўқ эди, шекилли, — деди Икром киноя билан.

— Вазият ўзгарди. Падарингга лаънат, Кубада хол қўйиб, ертўлада ётибди. Ундан умид йўқ энди.

— Таништирмагандингиз ҳам. Таништирганингизда, бу ёқдагисини ишлатиб турардик.

— Ҳе, — деди Семён Эдуардович, — унисиям учган. Бечора Нина зерикиб қолди-да. Колясига анча ўрганиб қолган экан.

— Нинага тегишли эдими? Балосиз, қария. Қаеридан ушлашни биласиз. Энди ўзингиз Нинахонни зериктирмай турарсиз.

— Бўпти, у ёғини қўявер, хуллас, сенга ишондим.

Шу билан алоқа узилди. Икром мийиғида кулиб қўйди: “Зўр келса ҳамма нарсага рози бўласан, Аждаҳо!” Кейин Самандарни ёнига чақириб, Семён Эдуардовичнинг гапларини унга етказди-да, йигитларнинг аэропортдан хабардор бўлиб туришларини тайинлади. Самандар қулоқ қоқмай унинг гапларини эшитди, сўнг секин ўзининг дардини айтди:

— Ока, битта ишни ҳал қилиб қўяйлик, — дея гапни узоқдан бошлади.

— Нима иш экан? — ҳайрон бўлиб сўради Икром.

— Анави қиз бор эди-ку, сиз етаклаб келган. Оти Ҳанифа. Кўчанинг дайди қизлари ураётганида, ажратиб олдим, дегандингиз.

— Ҳмм, эсладим. Хўш, у қизга нима қипти? Домда эди, шекилли. Кейин биров у қизни менга эслатмадиям.

— Ҳозир ҳам у ўша ёқда. Бечора биздан қолган нарсаларни еб анча вақт жон сақлабди. Эшикдан бир қадам ҳатламабди.

— Значит, яхши қиз экан.

— Ўшанга уйланмоқчийдим... — Самандар бошини ҳам қилди.

Икром кулиб юборди-да:

— Ўзи билан гаплашдингми? — деб сўради.

— Гаплашолмадим. Тилим бормади. Лекин қарашидан кўнгли борга ўхшайди.

— Кўчада бировга йўл бермайсан-у, битта қиз билан гаплашиш қўлингдан келмайдими?

— Энди унга уйланмоқчиман-да, шунга қандайдир бошқача...

— Совчи бўлайми? Ўзим уйланмай турибман-у! — кулиб юборди Икром.

Ўз кучига ишонган, мақсадларига зўравонлик билан эришадиган бу икки йигит айни дамда ғалати бир аҳволда эди. Четдан уларнинг бу гапларини эшитганлар ажабланарди. Икромнинг хаёлидан ўзининг севган қизи ўтди, ўша қизга етишолмаётгани боис, гарчи кулиб турган эсада, ичидан қиринди ўтаётганди.

— Бўпти, ҳал қиламиз, укамдай бўп қолгансан, сенинг ишингни битирмасам, кимникини битираман? — деб Икром Самандарнинг елкасига қўлини қўйди.

Икромнинг ўзи совчилик қилмади. Дилоромларникига бориб, Санобар опадан илтимос қилди. Аёл жилмайиб унинг илтимосини жон-жон, деб бажаришга розилигини билдирди.

Орадан ўн беш кун ўтиб, кичикроқ ресторанда Самандарнинг тўйи бўлди. Тўйга Дилором бошқача кийиниб келди — ҳамма эркакнинг кўзини ўйнатди. Ҳамманинг унга ҳаваси келди, бироқ ҳеч ким юрак ютиб гап ташлай олмади. Ҳатто Икром ҳам. Айни чоғда, Дилоромнинг сўнгги гапи уни ортиқча хатти-ҳаракатдан тийиб қўйганди. “Эртага бораман, — хаёлидан ўтказди у, — нима қилиб бўлса ҳам гаплашаман, агар кўнмаса, мана шу Дилоромга уйланаман”.

Эртасига Икром Дилдоранинг тўғри ўқиш жойига борди. Унинг дарсдан чиқишини кутиб ўтирмади. Сўраб-суриштириб қайси хонада ўқиётганини аниқлади-да, эшикни тақиллатиб, ўқитувчидан қизни чақириб беришини илтимос қилди.

Дилдора Икромни келади, деб ўйламаганди. Шу боис, эшикдан чиқиб Икромни кўриши билан беихтиёр “Вой!” деб юборди.

— Кўрқиб кетдингизми? — деди Икром жилмайиб.

Дилдор жавоб қилмади, фақат бироз қизарди, сўнг эшитилар-эшитилмас салом берди.

— Сиз билан гаплашиб олмоқчи эдим, — деб Икром бошини қашлади.

— Ташқарига чиқайлик, — деди нигоҳини йигитдан узмай Дилдора.

— Унда сумкангизни ҳам олволинг, анча қолиб кетсак керак, — деди Икром.

— Қизлар олиб чиқишар.

Улар университет ҳовлисига, учрашувларига гувоҳ бўлган ўша ўриндиққа бориб ўтиришди. Икром талай муддат гапни нимадан бошлашини билолмай гарангсиб турди.

— Уйингизнинг ёнида анча кун қоровуллик қилдим, лекин ҳеч ташқарига чиқмадингиз, — деди охири бошқа гап тополмай.

— Уйда йўқ эдим...

— Айтишди.

— Ким?

— Билмадим, қандайдир бир келинчак.

— Ҳа, кеннойим айтган бўлса керак. Нима гапингиз бор эди менда? — бармоғини ўйнай бошлади Дилдора.

— Ҳалиги... Бунча қийин гапириш!..

Дилдора “пиқ” этиб кулиб юборди ва бу билан Икромга далда берди.

— Уйингизга совчи юбормоқчи эдим!

— Совчи? — деди Дилдора қошини чимириб. — Нега?

— Сизга уйланиш учун.

— Тушунмадим. Нега менга уйланишингиз керак экан? Қизлар кўп-ку. Хоҳласангиз истаганингизга уйланишингиз мумкин. Биров қаршилиқ қилолмайди сизга. Чунки кўрқади сиздан, зўрсиз.

— Кўрқадиганининг кераги йўқ, менга кўрқмайдигани керак, сиз кераксиз.

— Мен? Мен ҳам кўрқаман. Сизни кўрсам оёқларим қалтирай бошлайди. Ўзимни кўярга жой тополмай қоламан.

— Ҳе, — кулди Икром, — унда мен одам эмасканманда? Қандайдир саккиз оёқли, елкасида бешта хумдай боши бор бир махлуқ...

Дилдора унинг гапидан портлади гўё: ҳузур қилиб, кўзлари ёшланиб кулди. Сўнг кутилмаганда йиғлаб юбор-

ди. Икром уни кулаяпти, деб ўйлаганди. Шунинг учун жилмайиб тураверди.

— Қанақа одамсиз ўзи?! — деди Дилдора йиғи аралаш кўзидаги ёшини кафти билан артаркан. — Эрта бир кун сизга бирон нима бўлса, кейин мен қандай яшайман? Шу ҳақда ўйлаясизми? Сиздан ҳам зўр чиқса-ю...

Икром бирдан қизни кучоқлаб, бағрига босди. Дилдора оҳиста бошини йигитнинг кўксига қўйиб, унсиз йиғлай бошлади.

Ўтиб-қайтаётганлар мусичалардай бир-бирининг пинжигига тиқилиб олган ошиқ-маъшукларга ажабланиб, ҳавасланиб қарашар, баъзилари эса: “Бетларинг қурсин, ҳаёсизлар!” дегандай ўқрайиб ўтишарди. Лекин на қиз ва на йигит уларга парво қилар, ўз ўй-ташвиши билан овора эди.

— Юринг, бир айланиб келайлик, озгина кўнглингиз ёзилади. Гаплашиб ҳам оламиз, — деди Икром.

Дилдора итоаткорона ўрнидан турди. Шу куни у дарсга қайтиб келмади. Кечгача Икром билан бирга бўлди. Иккаласи боғ айланишди, ресторанда тамадди қилишди, сўнг кинога киришди.

Хайрлашар чоғи Дилдора:

— Агар мени десангиз ҳамма бемаза ишларингизни йиғиштириб, оддий одамлардай бўласиз, ундан кейин мен сизга розилик бераман. Йўқса, мени тинч қўйинг, — деди.

Бу шарт гарчи оддий туйилса-да, лекин жуда оғир эди. Икром ҳозир тўдабоши, унга зиён етказиш тугул, ҳатто қарши гапирадиган одамнинг ўзи йўқ эди. Лекин ўйиндан чиқадиган бўлса, оёқостида қолиб кетиши муқаррарлигини Икром жуда яхши тушунарди. Шу боис, Дилдоранинг шартига лом-мим деёлмади. Машинадан тушиб кетаётган қизни кўзи билан кузатиб қолди, холос.

Ўша куни унинг тушига Қора дев кирди. Одатда қўрқинчли туш кўраётганида Икром уйғониб кетарди. Бу сафар уйғонмади. Қора дев тушида унинг ёнига башараси йиртилган, ириб-чириган, қонга беланган — кўрган одамнинг юраги ёриладиган бир алпозда кўринди.

“Кимсиз?!” — деди уни кўрган заҳоти ортига тисарилган Икром.

“Танимадингми?” — ўшшайди Қора дев, ўшшайиши шу қадар хунук, ёқимсиз эдики, кўнгилни айнитиб юборарди. “Мен сенинг устозинг, маънавий падаринг бўламан, мени бунча тез унутиб юбординг, болам?”

“Йўқ... Йўқ, мен сизни танимайман, сиз менга ҳеч ким эмассиз!” — деб қочмоққа шайланди Икром.

Унинг оғзидан шу гап чиқиши билан Қора дев жон таслим қилаётган палла қандай бўлса, худди ўша қиёфага кирди.

“Энди танидингми?” — деди у.

“Ҳмм!” дея бошини қимирлатди Икром.

“Баракалла, ановигаям бир қараб қўй”, деб Қора дев чап ёнига қўлини чўзди.

У кўрсатган томонда қандайдир баҳайбат қоп-қора қуш у ёқдан-бу ёққа учиб ўтар, оғзидан битта одамнинг калласи чиқиб турар, қуш унинг танасини ғажир, танасиз бош тинимсиз нола қилар, дод солиб ёрдам сўрарди.

“У, — деди яна кўрқинчли қиёфага кирган Қора дев, — сенинг душманинг, сен ўлдирган Қосимнинг боши. Қора қуш жуда ёмон, суякларингни майда-майда қилиб ташлайди. Ҳозир кўниб, Қосимни чиқариб ташлайди-да, мени оғзига солади. Ютиб юбормайди. Фақат азоб беради. Билсанг эди, болам, шу пайтгача суякларим урвоқ бўлиб кетганини. Қиёматгача кўргилигимиз шу бўларкан. Қани энди, қиёмат деганлари эртароқ келса-ю, бу азоб-уқубатлардан қутулсак...”

Икромнинг Қора девга ичи ачиди, ёрдам бергиси келди. Шунда Қора дев яна ўшшайди:

“Агар сен ҳам бу ёққа келсанг, зўр бўларди. Уч киши навбатда турардик, навбат чўзилса дам олишга имконият туғиларди. Сен мени яхши кўрасан-ку, шундайми? Кел, мени азобдан қутқар!”

Худди шу маҳал унинг кўзлари оқиб тушди. Бу манзарадан даҳшатга тушган Икром орқасига бурилганча қочишга тушди. Бироқ қанча югурмасин, йўли унмас, катталашиб, улкан махлуққа айланган Қора дев эса тобора унга яқинлашиб келарди. Қоча туриб у кўкрагидан осилган, оёқлари икки томонга йирилиб, бутлари айрилиб кетаётган аёлларни ҳам кўрди. Ортидан қувиб келаётган Қора дев: “Булар фоҳишалар, фоҳишалар!” — дерди қаҳ-қаҳ отиб...

— Хўжайин, хўжайин!

Уни кимдир туртгандай бўлди. Бирпасда Қора дев ҳам, кўрқинчли манзаралар ҳам қаёққадир ғойиб бўлди, Икром чўчиб уйғониб кетди.

— Нима гап?! Нима бўлди?! — деди у кўзлари ола-кула бўлиб қараб турган шотирига.

— Ошга айтишган, эртароқ уйғот дегандингиз...

— Уф, — манглайини ушлади Икром, пешонаси жиққа хўл эди. — Ҳеч нарса демадимми? — сўради у шотиридан.

— Гапларингизга тушунмадим, бир нарсалар деб бақирдингиз, — жавоб қилди шотири.

Матлубот жамиятининг раиси қизини узатаётган эди. Икром уни танимас, лекин илгари Шерга хушомад қилиб ўрганиб қолган раис орқаворатдан Икромнинг тўдабоши бўлганини эшитиб, унга пой-патак бўла бошлаганди.

Икром тўйхонага тушкун кайфиятда кириб борди. Ошдан ҳам бир-икки қошиқ еган бўлиб, жамоадан узр сўради-да, ўрнидан турди.

— Икромжон, — деб қолди ундан икки киши нарида ўтирган оппоқ соқолли чол. Икром қарияни дабдурустдан таниёлмади. Шу боис, бироз қараб қолди.

— Мен, — деди чол юзида ҳазин табассум билан, — Норбой қори бўламан.

Бу исмни эшитиб Икромга жон кирди гўё. У ўзининг нажоткорини кўргандай суюнди. “Яхшиям, шу одамни Полвоннинг чангалидан қутқарганим”, деган ўй хаёлидан яшиндай ўтди ва кўксига қўлини қўйиб, салом берди-да:

— Сизни қидириб юргандим, ота, — деб юборди.

— Майли, ошдан кейин... Нега дарров туриб кетаяпсиз? — деди қори майин овозда.

— Ишларим зарур эди. Сизни ташқарида кутиб турарман, — деди Икром жилмайиб.

— Яхши, — жавоб қилди Норбой қори ниманидир англаб етгандай.

Ресторан ҳовлисига чиққан Икром шотиридан сигарет олиб, тутатди. Чекишга ўрганмагани боис, тутунни ичига ютмай, оғзидан қайтараверса ҳам таъсир қилдими ёки қорини кўрганидан қувондими, ҳар қалай, бироз кайфи-

яти кўтарилди. Ёнига пилдираб келган тўй эгаси билан ҳам очилиб гаплашди. Лекин матлубот жамияти раисининг ялтоқланишидан бироз энсаси қотса-да, уни жеркиб ташламади.

Норбой қори кўп куттирмади. Афтидан, у ҳам Икром чиққач, ошдан тотинган бўлиб, қўлини артган кўринади. Икром уни аввал машинага таклиф қилди. Кейин қоридан бир нарсаларни сўрамоқчилигини, бунинг учун бир жойга бориб ўтириб гаплашишса, яхши бўлишини айтди.

— Унда масжидга бора қолайлик, ҳар тугул Оллоҳнинг уйи, у ерда айтилган калом бошқача бўлади, — деди қори юмшоқлик билан.

Икром эътироз билдирмади. Қайтанга бу таклиф унга маъқул тушди. Дарвозадан кираётганида масжиднинг са-лобати босдимми, у бироз ҳаяжонланди. Икром илгари ҳам масжидга келган, қориларнинг гапларини кўп эшитганди. Лекин ҳозиргидек аҳволга тушмаганди ўшанда.

Улар чоғроқ хужрага кириб жойлашиб ўтирганларидан кейин, Норбой қори, “Қани, нима ишингиз бор эди?” — деган маънода унга юзланди.

Икром аввалига бошини эгди, гапини нимадан бош-лашни билмай бироз ўйланиб турди. Сўнг фикрини жам-лаб, руҳий аҳволини, уйқуси нотинчлигини, кўрқинчли тушлар кўраётганини, айниқса, Қора девни кўрганини гапириб берди. Қори унинг гапини бўлмай, диққат билан эшитди. Фақат пешонасидаги ажинлари йиғилиб, қошлари чимирилиб турди. Икром дардини тўкиб бўлиб, гапиришдан тўхтагач, қори бироз хаёл суриб турди-да, сўнг:

— Юринг, сизни бир жойга олиб бораман, кейин қай-тиб келиб яна гаплашамиз, — деди ва ўзи Икромдан аввал ўрнидан туриб эшикка йўналди.

Масжиднинг бир томони қабристонга туташган эди. Лекин буни Икром билмасди, шу боис, бир-бир қадам босиб кетаётган қорининг ортидан эргашиб бораверди. Кутилмаганда Норбой қорининг қабристонга кирганини кўриб, беҳосдан сесканиб кетди. Яхшиям, тонг отган, қуёш энди чиқиб келаётган, ҳамма нарса аниқ-тиниқ кўриниб турар эди. Йўқса, унинг юраги ёрилиб кетиши ҳеч гап эмасди. Шундай бўлишини қори олдиндан сез-гандай, ортига бурилди ва Икромга:

— Бемалол келаверинг, — деди.

Улар қабристон оралаб боришаркан, Икром дўмпайиб турган мозорларга қўрқа-писа қараб қўярди. Қори тахминан қабристоннинг ўртасига етганларида тўхтади. Бироз орқада қолган Икром қадамини илдамлатиб, унинг ёнига етиб келди. Норбой қори секин чўккалаб ўтириб, Куръон тиловат қила бошлади. Икром бошини қуйи эгганча миқ этмай ўтирар, ўқиладиган оятлар унинг вужудига ажиб бир енгиллик олиб кираётгандай руҳи тетиклашарди.

Қори тиловатни ниҳоялаб, юзига фотиҳа тортди. Икром ҳам у қилган амални бажарди.

— Икромжон, — деди Норбой қори юмшоқ, сеҳрли овозда, — мана шу масканда қанча одам ётганини биласизми?

Икром бунақанги саволни кутмаган эди, ҳайрон бўлиб қорига қараб қўйди. Сўнг елкасини қисиб:

— Билмадим, бирор беш юз, олти юз чиқар, — деди.

— Йўқ, — деди қори бошини чайқаб, — бутун бошли шаҳарнинг одами бор бу ерда. Бирининг нариги дунёга рихлат қилганига уч юз, тўрт юз йил бўлган бўлса, бошқаси куни кеча жон таслим қилган. Катта-катта амалдорлар, бойлар ҳам бор бу ерда, донишмандлар, қаллоблар, киссавурлардан тортиб, гадоларгача, шу ерда ётишибди бари. Бири ёшини яшаб, ошини ошаб, ўз ажали билан қазо қилган, бошқаси кимнингдир қўлида жон берган.

Қорининг кейинги гапидан Икром бир қалқиб тушди ва ерга қаради. Унинг вужудини ғалати бир титроқ эгаллаб олганди.

— Энди, — гапида давом этди қори, — бу марҳумлардан бирортасининг ҳам мансаби, мавқеи йўқ. Ҳаммаси тенг — марҳум... Анави қабрга қаранг, ниҳоятда ғариб, бошида қандай тупроқ уйилган бўлса, шу ҳолича турибди. Устидан чиққан ҳар хил ёввойи ўтларни шу ернинг қоровуллари юлиб, атрофини тозалаб қўйишибди. Бу одам ҳаётлик чоғида ўзига бир қадрдон, яқин дўст орттира олмаган. Шунинг учун бу қабрга қоровуллардан бошқа ҳеч ким қарамайди. Орадан ўн йил ўтар, йигирма йил ўтар, охири бу қабр ер билан битта бўлиб кетади. Сўнг

шу жойга бошқа бир банда кўмилади... Энди наригисига қаранг, ниҳоятда ҳашаматли, қора мрамор билан қопланган, барака топгурлар қабр тошига марҳумнинг исми-шарифини ёзиб қўйиш билан қаноатланмасдан, расмини ҳам ўйиб қўйишибди. Демак, бу марҳумнинг фарзанди бой-бадавлат. Шунинг билан бирга манман. Бу ерга келиб кетувчиларга “Кўриб қўйинглар, мен падаримнинг қабрини қанақа қилиб қўйибман!” демоқчи бўлган. Лекин бу ожиз банда билмайдики, ўша марҳум падарининг руҳи унинг қилган бу ишидан нечоғли азоб тортаётганини...

Қори чуқур нафас олди. Лаблари қимирлаб бир нарса-лар дегандек бўлди. Сўнг ёноғидан икки томчи ёш думалаб тушди.

Икром эса, ўрнидан туриб қочиб кетгудек аҳволда эди. Тушида кўрганлари қорининг айтганларига қўшилиб, юрагини баттар ўйната бошлади. Дунё кўзига қоронғи бўлиб кетди.

— Юринг энди, — деди қори унинг ҳолатини сезгандай, — қолган гапларни масжидда гаплашиб оламиз.

Ҳалигина масжиддан чиқиб қабристонга борган Икром билан қабристондан қайтиб масжидга келган Икром ўртасида осмон билан ерча фарқ бор эди. Шу қисқа фурсатда кўрган ва ҳис этганлари унинг руҳини тамом ўзгартириб юборганди.

Норбой қори унинг баттар изтироб алангасида ёнаётганини сезиб, ич-ичидан хурсанд бўлди.

— Ана, — деди одатдаги юмшоқ товушида қори, — қанчадан-қанча одамларнинг қаро ер билан битта бўлиб ётганини кўриб келдингиз. Бундай манзарани аввал ҳам кўрган бўлишингиз аниқ. Лекин эндигисида бошқача назар билан қарадингиз, деб ўйлайман.

Икром унинг гапларини тасдиқлаб бошини қимирлатди.

— Мен, — гапида давом этди қори, — сизни биринчи мартаба кўрганимдаёқ қандай одамлигингизни билгандим. «Бу йигит шу ёшида қандай қилиб зўравон тўдага бош бўлиб юрибди? Мутлақо бошқа дунёнинг одами-ку бу», деб ўйлагандим. Хато қилмаган эканман. Бунинг исботини ҳозир кўриб турибман.

— Сен яхши одамсан, демоқчимисиз? — деди Икром чуқур нафас олиб.

— Туғилганингизда сутдай оппоқ — гуноҳсиз бўлганингизга кафил бўла оламан. Кейин қандай яшагансиз, билмайман, шунинг учун қандай одамлигингизни ҳам айтолмайман. Ҳар тугул, ўша, бир йўла тўрт-опа сингилни ўзига никоҳлаб қўйишга мени мажбур қилмоқчи бўлган одамнинг феъли ёмон эди. Унинг атрофида ўзига ўхшаган мардумлар кўп эди. Унга қарши чиқиб, йиқитган одамнинг, ўйлайманки, кучи уникидан кам бўлмаган. Аммо ўша кучнинг қандайлиги мени ўйлантиради, болам.

— Мениям, — дея нигоҳини ерга қаратди Икром, — ўша одамдан заррача фарқим йўқ. У қилган қилғиликларни мен ҳам қилганман... Шу пайтгача ҳеч кимга ўзимнинг кимлигимни очиқ айтмаган эдим. Лекин... Билмадим...

— Афсусланишнинг ўзи катта гап. Энди бу йўлдан қайтинг. Одам ўлдириш гуноҳлар ичида азим гуноҳ. Бандасига Оллоҳ жон ато этади. Уни олмоқ ҳам фақат Ўзининг инон-ихтиёрида. Бандасининг бунга аралашиши кечирилмас гуноҳ. Кимда-ким бунга қўл ургудек бўлса, абадул-абад дўзах алангасида куяди.

— Унда мен, — деди Икром ҳирқираган товушда, — ҳеч нимадан умид қилмасам ҳам бўларкан. Жойим дўзахнинг энг тубида, олови зўр, чўғи кўп жойида тайин бўпти. Шу пайтгача қўлимни қонга ботириб бўлдим. Ҳозир мендан одамлар Азроилдан қўрққандай қўрқишади.

— Ундай деманг, тавба-тазаррунинг кечи йўқ. Оллоҳ кечиргувчи. Иншооллоҳ, сидқидилдан, ёлбориб сўрасангиз, гуноҳларингиздан ўтар.

— Қандай кечирим сўрай?.. Ахир, менинг йўриғим бошқача бўлса. Агар мен тўдамдан чиқсам, тамом, шу соатдаёқ йўқ қилиб ташлашади мени. Бизда ёзилмаган қонун шундай. Бу йўлга кирган одам фақат ўлиб қутулади. Бошқа пайт сиз айтган ўша гуноҳларни қилади: одам ўлдиради, кўзига яхши кўринган қизми, жувонми, номусини топтайди, ўғрилиқ, нашавандлик... Хуллас, жиноят борки, барисини қилади...

— Шайтон! — деб юборди лаблари титраб қори. —

Ҳаммаси шайтоннинг макри! Ёруғлик йўқ айтаётган гапларингизда. Менга қаранг, ахир, устозингиз қандай азоблар чекаётганини тушингизда кўрибсиз-ку. Буниси ҳали ҳолва, бу ҳали унинг жаҳаннам олдидан тортаётган азоблари. Эртага қиёматда азоб юз чандон ортади. Унинг таърифига тил ожиз. Аввал билмасангиз ҳам, мана энди буларнинг баридан бохабар бўлдингиз, шундаям тавба қилиш ниятингиз йўқми?! Атрофингиздаги одамлардан шунчалик кўрқаркансиз, мислсиз куч-қудратга эга Худодан кўрқмайсизми?! Сизга фақат бугунингиз керакми?!

— Нима қилай? — деб бошини чангаллаб Икром. — Бошим қотиб қолди...

— Нима қилиш зарурлигини айтдим. Қолгани ўзингизга ҳавола. Яхшилаб ўйлаб кўринг, — дея қори гапимиз тамом, дегандек Икромга қараб.

Икром бунини дарҳол илғади. Шу боис, ўрнидан туриб, қори билан хайрлашди-да, ташқарига йўл олди.

Шундан сўнг у икки кун ўзига кела олмади. Ҳар куни тушига Қора дев кириб, уни қуварди, Икром қочарди. Кундузлари тушнинг таъсиридан бир жойда ўтиролмай, гоҳ уйга киради, гоҳ эшикка чиқади. Майхўрлик қилса, бироз кўнгли таскин топгандай бўлди-ю, кайфи тарқашибилан яна руҳан эзила бошлади. Икки кун ичида у телбадай бўлиб қолди.

— Хўжайин, — деди Самандар учинчи кун унинг ёнига келиб, — анави Абдуҳамидни нима қиламиз, томи кетиб қолганга ўхшайди.

— Қайси Абдуҳамид? — пешонасини тиришиб шотирига қаради Икром.

— Анави, ертўладаги мараз-чи? — ҳайрон бўлди Самандар.

— Эй, — кулди Икром, — ўзимнинг хаёлим ҳам паршон шу кунларда, нима қипти унга?

— Ётаверганидан мияси айниганга ўхшайди, ғалати-ғалати гапларни гапираяпти.

— Шунақами, унда қўйиб юборинглар. Аммо ортидан бирорта йигитингни қўй, пойлаб юрсин. Яна майнавозчилик қилаётган бўлмасин. Ҳа, айтганча, агар чиндан томи кетган бўлса, тегмаларинг.

Икром шу гапларни тайинлаб, ҳовлидан чиқди ва ма-

шинасини минмай, пиёда кўчага чиқиб, уч бекатлар чамаси юрганидан сўнг такси тўхтатди ва ҳайдовчига Норбой қори имомлик қиладиган масжидга ҳайдашни буюрди.

У пешин намози ўқилиб, жамоа тарқаётган маҳал масжидга етди ва тўғри қорининг ёнига кирди. Унга кўзи тушиши билан Норбой қори жилмайди ва кучоқ очиб кўришди. Икром: “Саломимга алик ҳам олмаса керак, балки келган жойингга қайтиб кетавер деса керак”, деган хавотирда эди. Лекин хавотири ўринсиз чиқди. Шу боис, у анча дадиллашди.

— Қори ака, менга ёрдамнингиз керак, — деди андак истеҳзога бориб.

— Жоним билан, — дея жавоб қайтарди Норбой қори ўша меҳрибонлик билан.

— Мен кўп ўйладим. Охири сизнинг айтганингизни қилишга қарор қилдим. Лекин аввал бир ишда ёрдамнингиз керак.

— Қанақа иш экан?

— Хабарингиз борми-йўқми... Мен ҳали уйланмаганман... Лекин танлаб қўйган қизим бор. У яхши оиланинг фарзанди. Хуллас, ўша қиз ҳам менинг кимлигимни билиб қолганидан сўнг, шарт қўйган. Шарт, сиз айтганингиздай, бошқаларга ўхшаган одам бўлишим зарур.

— Ақлли қиз экан, отасига раҳмат, — деб юборди хурсанд бўлиб қори.

— Ҳа-а, ақлли... Ана шу қизга уйланишимга ёрдам бериб юборсангиз. Совчи бўлиб борадиган одам йўқ.

— Уйланиш ота-боболаримиздан қолган удум... Балки қизнинг ота-онасини ҳам кўндирармиз. Лекин, ўзингиз айтгандай, келин боланинг ҳаёти хавф остида қолиб кетмайдими? Ҳар қалай, жуфти ҳалолингиз бўлгач, унинг сочидан бирор толаси ҳам беҳуда тўкилмаслиги лозим.

— Бу ёғини менга қўйиб беринг, қори ака, — жавоб қилди Икром тилига келган гапни қайтармай.

— Битта гап. Сиз кетганингиздан кейин мен кўп ўйлаб кўрдим. Агар рози бўлсангиз, қўшни областдаги тоғда танишларим бор, улар чўпон, шундоққина тоғ этагида яшашади. Маълум муддат шу ерда яшаб турсангиз, ҳар қалай, ишончли, содда одамлар, қўйдайд ювош. Алдам-

қалдамни билишмайди... Ұша жойда туриб, беш вақт намоз ўқиб, худога илтижо қилсангиз, шояд...

Икромга таклиф маъқул туйилди. Лекин Дилдора-чи, у билан бирга шаҳарни ташлаб, тоққа кетишга рози бўлармикан?

У бошини қуйи эгганча бир неча дақиқа жим қолди. Сўнг нигоҳини қорига қадаб:

— Эртага айтаман, — деди ва ўрнидан туриб паришон ҳолда эшик томон юрди.

Бахтига, дарси тугаган эса-да, Дилдора ҳали кетиб улгурмаган экан. Кутубхонага кириб, конспект ёзибди. Икром етиб борганида, энди ҳовлига чиқиб, курслош дугоналари билан гурунглашиб турганди.

Икром беш-олти қадам бериди тўхтаб, Дилдорани чақирди. Қиз “ялт” этиб унга қараганида юзига қизиллик югурди. Дугоналари ким келганини Дилдоранинг ҳолатидан сезишиб, тезгина хайрлашишди. Дилдора эса, оҳиста қадам босганча йигитнинг ёнига келди.

— Кетиб қолганмисиз деб қўрққандим. Омадим бор экан, — деди Икром у билан саломлашгач.

— Нега келдингиз? — деди Дилдора лаблари хиёл титраб.

— Айтадиган гапларим бор. Аниқроғи, ҳамма нарсани ойдинлаштириб олмоқчиман.

— Мен сизга бўладиган гапни айтганман, шекилли.

— Унисига тушундим. Бирор жойга борайлик, бу ерда туриб гаплашиш ноқулай.

Икромнинг гапидан сўнг Дилдора атрофига бир қараб олди-да:

— Майли, юринг, — деди.

Икром қизни илк мартаба иккаласи бирга ўтирган кафега олиб борди. Манзилга етганларидан сўнг, Дилдора таниш жойни кўриб, ичида норози бўлди-ю, лекин йигитнинг раъйини қайтармади.

— Дилдора, — деди Икром четроқдаги столлардан бирига ўтирганларидан сўнг, хизматчи қизга буюртма бергач, — мен сиз учун ўлишга тайёрман. Нима десангиз, ҳаммасини қиламан. Биласиз, сиздан бўлак ҳеч кимим йўқ...

— Аввал айтгандингиз бу гапларни, — деди бошини эгиб ўтирган қиз.

— Яна айтаяпман... Ҳамма ишларимни ташлайман, бошқалардай яшайман. Лекин сиз мен билан бирга қаерга бўлсаям кетасизми?

Дилдоранинг кўзида ёш йилтиллади ва у йиғлаб юбормаслик учун лабини тишлади. Сўнг, ёнига қараб кўйдиди, чуқур нафас олиб:

— Чўлу биёбон бўладими, океаннинг ўртасига дейсизми, тоғу тошларни истайсизми, ҳақиқий инсон бўлсангиз, ҳар қандай жойгаям бораман...

Икромнинг кўзида гўё ўт чақнади, у сапчиб ўрнидан туриб, қизнинг ёнига ўтди ва уни қучди-да, қизнинг лабига оҳиста лабини босди. Дилдора буни кутмаган эса-да, қаршилиқ кўрсатмади. У Икром учун аллақачон ҳамма нарсага рози, фақат севган йигитининг жиноятчиликдан юз ўгиришини истарди, холос... Уларнинг ажралиши анчага чўзилди. Балки, хизматчи қўлида патнис билан келиб, томоқ қирмаганида, шу аҳволда кўп туриб қолишарди... Дилдора уялганидан юзи қизариб, ўзини қаерга қўйишни билмай қолди.

— Кечирасизлар, — деди хизматчи қиз ҳам бевақт келиб қолганидан ўнғайсизланиб, — манавиларни қўйсам...

— Икром ака, — деди Дилдора хизматчи кетгач, — мен бу ерда ўтиролмайман энди.

— Тушундим, — жилмайди Икром, — бошқа жойга борамиз.

Улар ташқарида узоқ суҳбатлашиб юришди. Икром кўрган тушлари-ю, масжид имоми билан гаплашганини, қорининг таклифини — ҳамма-ҳаммасини бирма-бир сўзлаб берди. Унинг гапини бўлмай, жимгина эшитиб бораётган қизнинг гоҳ киприклари пирпирар, гоҳ ҳайратланиб Икромга қараб қўяр, баъзида кўзи ёшга тўларди.

— Мана, — деди гапининг сўнгида Икром, — баридан энди хабардорсиз, хўш, мен билан бирга мулла айтган жойга кетасизми?

— Яна сўрайсиз-а! — Дилдора тўхтаб унинг бўйнидан кучоқлади ва қулоғига шивирлаб деди: — Нариги дунёга ҳам кетишга розиман.

— Нариги дунёга ҳали икковимизгаям анча бор. Мен

сени яхши кўраман, — деди Икром Дилдорани маҳкам бағрига босиб юзидан ўпаркан, илк маротаба сенсираб, — бугуноқ уйлариингга совчи боради...

У севган қизини уйигача кузатиб қўйди-да, қушдек қанот қоқиб ортига қайтди. Кўзига олам гаройиб кўринар, юраги ҳаприқиб, ичига сиғмаётган қувончини ким биландир баҳам кўргиси келарди. Уйига кириб бориши билан Самандарни ёнига чақирди.

— Келинга айтасан, — деди ҳаяжонини босиб, — бозорга тушиб, келинларга нимаики керак бўлса ҳаммасини сотиб олсин.

— Планни бажариб бўлган, ока, олганларини эскир-тиргунча, беш-олти йил ўтиб кетади, — дея жавоб қилди хожасининг гапига ажабланган Самандар.

— Келин ўзига эмас, кеннойингга олади, тушундингми? — деди Икром кўзлари чақнаб.

— Йўғ-э! — таажжубланди Самандар. — Ока, кимга уйланаёпсиз? Ёнингизда шунча юриб, биз билмаймизми кеннойимларнинг кимлигини?

— Ҳали билиб оласан, хуллас, келинга айт, пулдан кўпроқ бер, энг тоза нарсалардан олсин, бор, энди айтганларимни тезроқ бажар.

Самандар кетганидан кейин Икром уйда ўтиролмади. Ўйлаб-ўйлаб, охири қорининг ёнига боришга қарор қилди.

Машинани ўзи ҳайдаб кетди. Уни ёлғиз жўнатишни истамаган шотирлари ёнига ўтирмоқчи бўлишганида: “Энди ҳожатхонага боришимгаям қоровуллик қилинлар!” дея жеркиб берди.

Икром Норбой қорини бу сафар ҳам масжиддан топди. Шундан билдики, қори уйида камдан-кам бўларкан, вақтини деярли масжидда ўтказаркан. Шуниси Икромга ғалати туйилди.

— Гапларим кўп ўтиришмадим, деб ўйлагандим, — деди уни кутиб олган қори.

— Йўқ, қайтанга айтган пайтингиздаёқ маъқул келганди... Кароче, — Икром гапиришдан тўхтади, русча сўз ишлатганидан ноқулай аҳволга тушиб, бир неча сония гарангсиб турди-да, сўнг: “қисқаси”, деб гапини тўғри-лаб олиб, давом этди: — Қиз мен билан бирга кетишга рози бўлди. Энди унинг уйига бемалол боравериш мум-

кин... Фақат илтимос, тўйни тезлаштирайлик, бу ерларда ортиқча юргим йўқ.

Қори бошини сарак-сарак қилиб жилмайди, сўнг:

— Аввал ота-онасининг розилигини олайлик, ундан кейин, балки, айтганингиздай, тезлаштирармиз, — деди.

* * *

Маҳфуза касалхонада узоқ ётолмади. Айниқса, ҳамшира эрининг ўлганлигини айтганидан сўнг чидолмади. Дўхтирларнинг қаршилигига қарамай чиқиб кетди. Аввал Шокирдан ёдгорлик бўлиб қолган уйга бориб, озроқ пул олди-да, сўнг ўликхонага равона бўлди. Унинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди. Ҳамма ёқ қоронғи, зимистон, милт этган ёғду кўринмайди. “Медсестранинг гаплари ёлғон, англашилмовчилик бўлган, Шокир акам тирик, фақат у бошқа балнисада ётибди”, деган хаёлга бориб, ўзини ҳам бу фикрга ишонтирмоқчи бўларди.

Ўликхонадагилар дастлаб уни ичкарига киритишмади. Турли баҳоналар тўқиниб йўлини тўсиб тураверишди. Маҳфуза кўп ялинди. Фойда бермагач, йиғлашга тушди. Умрининг асосий қисмини майитлар орасида ўтказгани боис дийдаси қотиб кетган ўликхона ходимлари унинг йиғисига парво ҳам қилишмади. Фақат Маҳфузанинг чўнтагидан беш сўмлик яхлит пул чиққанидан сўнггина кўнгиллари юмшаб, рухсат беришди. Шунда ҳам мурдани кўриб, дарров ортингга қайтасан, деб тайинлашди.

Маҳфуза ўликхонани тасаввур ҳам қилмаганди. Шу боис, биринчи эшикдан ичкарига дадил кирди. Аммо кейинги эшикдан қадам қўйиши билан жойида таққа тўхтади. Ранги бўздай оқариб, лаблари титради. Ортига тисарилди. Аммо чиқиб кетмади. Эрини кўриш иштиёқи бу ерни тарк этишга йўл қўймади. Айни чоғда, галати ҳид анқийётган муздай хонанинг ўртасида қорни ёрилиб, ичаклари чиқиб ётган мурдага кўзи тушиб оёқлари қалтираб кетди.

— Шокир дедингизми отини? — майитхона ходими устига оқ мато ёпиб қўйилган мурдаларнинг устига ёпиб қўйилган оқ матони бирма-бир очиб, оёқларининг бармоқларига боғлаб қўйилган қоғозларни ўқиб кўра бошлади.

Маҳфуза жавоб беролмади, бош силкишгагина қурби етди, холос.

— Та-а-а-к, — деди навбатдаги майитнинг оёғидаги қоғозчага синчиклаб қараган ходим, — мана шу ўлик.

— А-а! — дея қичқириб юборди Маҳфуза ва бирдан қўрқувни унутиб, югурганча майитхона ходимининг ёнига борди, — юз... юзини очинг.

Нурсиз кўзлари очиқ, ранги қордай оқ Шокир тошдай қотиб ётарди.

— Бечорагинам, дунёга тўймаганим, — зўрға оёқда турган Маҳфуза титраган бармоқлари билан бир-бир бо-сиб эрининг кўзларини ёпди.

— Ҳе, — деди майитхона ходими илжайиб, — икки кишилашиб уриниб ёполмадик.

Маҳфузанинг икки томчи ёши Шокирнинг муздай юзи-га оқиб тушди. Қиз бу ерда ортиқ туролмади. Томоғи бўғилиб, нафас олиши қийинлаша бошлади. Шу боисдан ҳам югурганча ташқарига чиқиб кетди.

Қанча юрди, билмайди, тумандан бошқа ҳеч нимани кўрмади. Шокир билан ўтказган лаззатли онларидан бошқа нарсани ўйламади. Ён-веридан ўтиб кетаётганлар кўринишидан туппа-тузук бўлса-да, мастдек тебраниб, онда-сонда ўзига-ўзи бир нарсалар деб гапириб кетаётган телбанамо қизга ажабланиб қарашарди. Маҳфуза эса, атрофидагиларга эътибор бермас, уларни кўрмасди.

Орадан бир соатлар вақт ўтганидан сўнг оёқларининг дармони қуриб, серқатнов кўчадаги автобус бекатига бо-риб ўтирди. Унинг боши ғувиллар, нима қиларини, қайга борарини билмасди. Охири хаёлига опаси Феруза келди. “У касалхонада эди. Ойимлар ҳам у билан бирга, тузалиб чиқишдимикан? Нега мени қидиришмади?.. Қаёқдан топ-син, у бечоралар ҳам кўчада қолди-ку!..” дея ўйлади ва яна кўзи ёшга тўлди. Ўзининг гариблигидан ўкириб-ўки-риб йиғлагиси келди.

Маҳфуза ўйлай-ўйлай, охири, касалхонага боришга қарор қилди. “Балки улар ҳали чиқишмагандир”, деган хаёлга борди.

Бу сафар адашмабди. Ойиси Хонбиби каравотида де-вор томонга ўгирилиб ётар, Феруза эса, дераза ёнидаги столда қандайдир китобни ўқиш билан овора эди. У

муголаага шунчалик берилиб кетган эдики, синглицининг келганини сезмади ҳам. “Кўп ўқиган одам сал жиннироқ бўлади”, деган фикр ўтди Маҳфузанинг хаёлидан.

— Опа, — деди Маҳфуза Феруза у томонга қарайвермагач.

Китобдан кўз узмай ўтирган қиз илкис бошини кўтариб у томонга қаради-да:

— Маҳфуза! — дея қичқириб юборди ва ирғиб ўрнидан турди. Шу пайт каравот гичирлаб, Хонбиби ҳам эшик томонга қаради.

Маҳфуза югурганча бориб Ферузанинг бўйнига осилиб йиғлаб юборди.

— Ўзимнинг ширин синглим, — дея эркалаб юзидан ўпди Феруза, — нега йиғлайсан?

— Опажон, опажон, сиздан бўлак ҳеч кимим қолмади!..

— Нега энди? — Феруза ойиси томонга қараб олди, — эринг, ойимлар борлар, кўпчиликмиз биз...

— Опажо-он! Шокир акамни ўлдириб кетишди!

— Вой шўрим, шу каммиди бизга?! — Хонбиби сапчиб ўрнидан турди ва келиб қизларини кучоқлади. Учаласи анча вақт йиғлашди. Даҳлиздан ўтиб кетаётган врач уларнинг овозини эшитиб кириб қолмаганида, йиғи-сиғи ҳали-бери тўхтамасди.

— Йиғи-сиғи нимаси?! — деди жаҳли чиққан дўхтир, — бу ерда сиздан бошқа касаллар ҳам бор, бўлди қилинглар!

Феруза билан ойиси бирдан жимиб қолишди. Лекин Маҳфуза унинг пўписасидан кўрқадиганлар хилидан эмасди. Айниқса, бундай пайтда. Шу боисдан ҳам:

— Йўқолинг бу ердан! — деб қичқириб юборди.

— Тушунмадим, — деди дўхтир қовоғини баттар уйиб.

— Нимаси тушунарсиз? Бизни озгина бўлсаям ўз ҳолимизга қўясизларми-йўқми, жонимизга тегиб кетдинглар-ку!

— Ўзингизни босинг, синглим, бақир-чақирингизни уйингизга борганда қиласиз, бу ер касалхона!.. Шунинг учун тез ўзингиз чиқиб кетинг!

— Биз ҳам кетамиз, — деди ўксик овозда Феруза ва бирдан стол устидаги китобларини, тумба ичидаги нарсаларини йиғиштиришга тушиб кетди.

Врач уларга бир оз қараб турди-да, сўнг бошини сарак-сарак қилиб чиқиб кетди.

— Қаерга борамиз энди? — деди Феруза кўчага чиққанларидан сўнг.

— Шокир акамнинг уйи менга қолди. Вақтинча шу ёқда яшаб турайлик. Кейин амакиваччамизга худо инсоф бериб, уйимизни тиклаб олишимизга ёрдам берар, — дея унга жавоб қилди Маҳфуза ва зувиллаб бир-бирини қувиб ўтаётган машиналарга қўл кўтара бошлади.

Ёшлигидан кенг-мўл хоналарда яшаб, ҳовлида бемалол сайр қилиб юришга ўрганиб қолган Феруза каталакдай квартирада ғалати бўлиб кетди. Хўрсиниб, хоналарни бирма-бир кўриб чиқди. Уларнинг торлиги камлик қилгандай, ҳаммаёқнинг тўзиб ётгани дилини баттар хира қилди. Синглисининг кийимлари Шокирники билан бирга аралаш-қуралаш бўлиб ётганини кўрганида пешонаси тиришди.

— Маҳфуз, — деди синглисининг ёнига келиб, — бу уйда одам яшаганми?

— Ўзим ҳам бугун келдим. Ҳеч нарсага қаролганим йўқ ҳали, — ўзини оқламоқчи бўлди сингил.

— Бирон жойга кетсанг, мана шунақанги қилиб кийимларингни сочиб кетишинг керакми?

— Шошгандим-да, опагон, — деди Маҳфуза чуқур хўрсиниб, сўнг полга ўтирди.

Синглисига ачиниб қараб турган Феруза унинг қаршисига чўккалаб сочларини силади. Маҳфуза ютиниб қўйди-да, алам билан бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир гапира бошлади. Унинг кўзларидан ёш қуйилар, овози ғамгин, ўксик эди. Ора-сира бурнини тортиб қўяр, гоҳида сўзлашдан тўхтаб, бир нуқтага тикилиб қоларди.

Ферузанинг ҳам кўзларидан тинмай ёш оқар, овоз чиқариб йиғлаб юбормаслик учун тишларини бир-бирига маҳкам босиб, синглисининг ҳикоясини тинглашга уринарди.

— Шунақа гаплар, — деди Маҳфуза бошидан ўтказган воқеаларни сўзлаб бўлгач, — Шокир акамдан қолгани мана шу уй. Бошқа ҳеч вақо. Мен уни бошда севмаганман. Ишимни битириб олиш учунгина керак эди у. Энди эса севиб қолганимга тўла ишониб ўтирибман. Лекин

энди у йўқ. Ўзига ўхшаган ўликлар билан моргда ётибди.

— Қўй, синглим, — Маҳфузани кучоқлади Феруза, — ҳали ёшсан. Ҳаётинг изига тушиб кетади.

— Қаранг, ўша мараз Икром ҳам адажонимдан, ҳам севган эримдан айирди... барибир бир кунмас-бир кун ундан қасд оламан. Ўлигини кўрмагунча тинчимайман...

— Бас! — дея бақриб юборди кутилмаганда Феруза.

Маҳфуза унинг товушидан чўчиб тушди ва киприкларини пирпиратиб опасига қаради. Ўғай қизларининг суҳбатига аралашмай, хоналардан бирини йиғиштиришга тушиб кетган Хонбиби қилаётган ишини жойида тўхтатиб, уларнинг ёнига келди.

— Етар! — деди бир оз титраб турган Феруза, — энди йўл қўймайман. Адам ўғри-каззоблар тўдасининг одами эдилар! Эринг ҳам! Бир кунмас-бир кун шундай бўлиши аниқ эди!.. Бир марта қасд оламан деб кўрдинг, гапларимга қулоқ солмадинг, нима бўлди?! Ўзингнинг ўлиб кетишингга оз қолди-ку! Ҳаммасини худога соламиз! Худо барини кўриб-билиб турибди! Жазосини беради. Сен эса бошқаларга ўхшаб яшайсан! Агар менинг айтганларимга кирмасанг, ўзбошимчалик қиладиган бўлсанг, билиб қўй, кечирмайман!..

Маҳфуза хангу манг бўлиб унга тикилиб қолди. Лаблари титраб бирон нима демоқчи бўлди-ю, лекин гапиролмади.

— Тур энди, — унинг юзини силади меҳрибонлик билан Феруза, — уйингни... уйимизни тартибга келтирайлик. Кейин ўзим сенга ширин овқат пишириб берман... Энди битта кулиб бер.

Маҳфуза опасини аввалгидан ҳам кўпроқ яхши кўриб кетди. Лекин унинг айтганини қилолмади. Базўр жилмая олди, холос.

— Ана, — деб сингисининг бурнини чимдиди Феруза, — доим мана шундай кулиб юришингни истайман. Ҳали ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан, дунёнинг энг бахтли қизи сен бўласан. Ҳамма ҳавас қилади сенга. Шундай чиройли қиз бахтли бўлиши шарт, — деб опасингилга термилганча деворга суяниб турган ўғай онаси Хонбибига қаради: — шундайми?

— Ҳа, — ниҳоят тилга кирди Хонбиби, — ҳали ҳаммаси олдинда.

Шундан сўнг учаласининг ҳам кайфияти анча ўзгариб, иштиёқ билан хоналарни тозалашга киришишди. Маҳфуза шкаф тортмалари ичини тартибга келтираётганида, каттагина кўк рангли қутичага кўзи тушди. Ҳайрон бўлиб, қўлига олди-да, у ёқ-бу ёғига қараб, секин қопқоғини кўтарди-ю, кўзлари олайиб кетди. Қутида икки тахлам бели букилмаган эллик сўмлик турарди.

— Вой, — деб юборди бирдан у.

Унинг овозини даҳлизда турган Феруза эшитди ва кўнглига алланечук гўлгула тушиб, дарҳол овоз чиққан хонага кириб, шкаф ёнида қўлида қандайдир қутини ушлаганча қотиб турган синглисининг ёнига келди. У ҳам пулларни кўриб, ҳаяжонланиб кетди:

— Қаердан олдинг?!

— Шкафнинг тортмасида турган экан, — жавоб қилди Маҳфуза, — аввал кўрмагандим. Шокир акам қачон қолдирган эканлар?! Бечорагинам! Ўлган бўлсалар ҳам менга ёрдамлари тегаяпти.

Шундай дея Маҳфуза йиғлаб юборди. Феруза уни кучиб юзидан ўпди-да, қўлидаги қутичани олди ва секин пулларни чиқарди. Бу пайтда Маҳфуза қутича олинган шкаф томонга қараган ва у ерда қоп-қора тўппонча ҳам борлигини кўриб қолганди. Шу лаҳзанинг ўзидаёқ, тагин унинг феъли айниди. Бу талотўп бор-йўғи бир неча сонияда бўлиб ўтди.

— Юринг, юринг, — деди у опасини чалғитиш мақсадида, — ойимларга кўрсатамиз, хурсанд бўлиб кетадилар.

— Тўхта, — деди пешонаси тиришган Феруза, — бу пуллар қаердан келиб қолган? Кимники?

— Во, опажон, ғалатисиз-а, кимники бўларди, Шокир акамларники-да! Улардан бошқа ким ҳам шкафга пул кўйиши мумкин? Юринг, ойимларга кўрсатамиз.

Феруза карахт бир аҳволда синглисига эргашиб хонадан чиқди. Унинг хаёлини пулнинг эгаси кимлиги эмас, балки бу пулни ишлатса бўладими-йўқми, деган ўй банд этганди. Чунки отасининг ҳаром-ҳариш пуллари орқасидан мана шу кўйга тушганини у касалхонада англаб етди ва: “Бир ердан топиб олсам ҳам, бир тийин бўлсин, ишлатмайман, эгаси топилмаса, бирон жойга ташлаб кетаман”, дея онт ичди.

Хонбиби ҳам Ферузанинг қўлидаги пулларни кўриб ҳовлиқиб кетди. У эри тириклигида бундан ўн ҳисса кўпини ҳам кўрганди. Лекин энди ўша пуллар йўқ, ҳам-маси уй билан бирга ёниб кулга айланган.

Маҳфуза ойиси билан опасининг довдираб қолганлигидан фойдаланиб тезда орқасига қайтиб келди ва тўппончани олиб, шкафдаги кичик сочиқлардан бирига ўраб, жойига қўйди. Сўнг қилган ишидан ўзича мамнун ҳолда уларнинг ёнига борди.

— Нима қиламиз бу пулларни, сингилжон? — ундан сўради опаси.

Маҳфуза пешонасини тириштириб бир оз ўйлаган бўлиб:

— Ишлатамиз-да, — деди жилмайиб.

— Маҳфуз, бу пуллар ҳаром-ку, қайсидир бечорани зор қақшатиб тортиб олинган. Яхшиси, кўчадаги тиланчиларга бериб юборайлик. Шунда...

— Шунда, — деб унинг гапини бўлди Маҳфуза, — ўзимиз тиланчига айланиб қоламиз. Кейин бизга кимдир ўша ҳаром-ҳаришдан топган пулларини худди биз бергандек беришади. Фақат майдалаб, жуда узоқ муддатда. Уларни йиғиб олгунимизча, учаламиз ҳам одам қаторидан чиқиб кетамиз. Шу керакми сизга? Ёки сизнинг бирон жойга яшириб қўйган бойликларингиз борми?

— Синглингнинг гапида жон бор, қизим, — деб Ферузага юзланди Хонбиби, — бирон жойга ишга жойлашиб оёққа туриб олгунимизча бу пуллар керак бўлади. Балки, куёв биз ўйлаганчалик, ҳаромдан топмагандир...

Феруза чуқур хўрсинди ва қўлидаги қутичани Маҳфузага узатиб:

— Пул сеники, нима қилсанг ўзинг биласан, мен ба-рибир бирор тийинини ишлатмайман, — деди.

— Бўпти, опажон, сиз у ёғидан хавотир олманг, ҳам-маси жойида бўлади... Ҳа, уйда умуман егулик қолмаган, бозорга тушишимизга тўғри келади.

Синглисининг гапидан Ферузанинг ингичка қошлари чимирилди, юзи бироз қизарди. Бирон нима демоқчи бўлди-ю, лекин гапирмади, гапиролмади, жаҳлини ичига ютди.

Лекин Маҳфуза бозорга бирга бориб келишни таклиф қилганида унга қаҳрланиб қаради-да:

— Мен бормайман, ўзинг ўша пулларни ишлатиб келавер, олиб келган нарсаларингдан оғзимгаям солмайман. — деди.

— Опажон, — дея Маҳфуза Ферузанинг бўйнига осилиб, — оёним айтдилар-ку, бу пулларнинг қандай топилгани бизга номаълум, деб. Менга эримдан мерос қолган, бор гап шу. Кейин ҳадеб ўлиб кетган одамнинг номига ёмон гаплар айтаверишимиз ҳам яхши бўлмаса керак. Келинг, ҳамма нарсани эсдан чиқарайлик... Ҳеч бўлмаса, сиз мени ўйланг. Қийналиб кетаяпман, опажон! Ўзимни бир нима билан андармон қилмасам, касал бўлиб қоламан, кейин... Кўйинг, айтмайман ҳеч нарсани, бормасангиз борманг, емасангиз ҳам ихтиёрингиз...

Унинг кўзларидан ёш томчилади. Чўк тушиб ўтирди-да, бошини кафтлари орасига олиб, ҳўнграб юборди. Унинг аҳволини кўрган Феруза чидаб туrolмади. Синглисини кучди, ўпкаси тўлиб йиғлади. Шундан сўнг, бирга бориб келишга, ҳатто олинган неъматлардан тўйиб-тўйиб ейишга ҳам рози бўлди.

Тўппончани кўргандаёқ Маҳфузанинг юрагига шайтон қутқу солган эди. Қизнинг хаёлида душмани у билан аниқ дуч келиб қоладигандек, ҳисоб-китоб вақти етгандек тўйиларди. Шайтоннинг измига кирган Маҳфуза опасига билдирмасдан сумкасига тўппончани жойлади...

* * *

Икром Самандарга керакли нарсаларни қаллиғи билан бирга сотиб олишни тайинлаганидан сўнг, уйда ўтиролмади. шотирларисиз, бир ўзи йўлга отланди. У Дилдорага антиқа совға қилишни кўнглига туккан, шу боис, бозорга йўл олди. Бориб бозорнинг биқинидаги заргарлик дўконига кирди ва қимматбаҳо брильянт кўзли узукни харид қилди. Ёнига икки жуфт тилла занжир ҳам қўшиб сотиб олди. Сўнг савдосидан мамнун бўлиб, ташқарига чиқди.

Бу пайтда Маҳфуза опаси билан айнаи шу дўкон ёнидан ўтиб кетаётганди. Унинг кўзи Икромга тушди-ю, юраги шигиллаб, ҳаяжонланиб кетди. Сўнг тезда ақлини йиғиб, сумкасидан тўппончани олди-да, Икромга ўқталиб туриб, ҳеч иккиланмай тепкини босди.

Тўппонча ўқланмаган экан, “тарс” этган овоз чиқди, холос. Рўпарасида тўппончали қизнинг пайдо бўлгани ва фавқулодда қуролини ўзига ўқталгани Икромни довдиратди. Ҳатто хаёлидан яшин тезлигида: “Наҳотки шундай осон, бир ожизанинг қўлида ўлиб кетсам?!” деган ўй ўтди. Қизнинг қўлидаги матоҳи иш бермай қолганини кўрганидан кейин эса, чуқур нафас олиб Маҳфузага яқинлашди.

Синглисидан бироз олдинда кетаётган Феруза Маҳфузанинг сумкасидан тўппонча чиқарганини кўрмаганди. Аммо унинг бегона йигитга қурол ўқталганини кўриб, эҳсонаси чиқиб кетди. Ҳайҳайлашга улгурмасидан синглиси тепкини босди. Опанинг юраги така-пука бўлиб, бир зум ақли шошди, сўнг ўзига келиб, қизнинг қўлига ёпишди.

— Менга беринг! — деди Икром тўппончани қўлига олган Ферузага.

— Акажон! Акажон! — деди Феруза титраб-қақшаб. — Билмасдан қилиб қўйди... Бу... бу ўйинчоқ, ҳазиллашди, тўғрими? — дея у Маҳфузага юзланди.

— Кўрамиз, ўйинчоқми ёки ҳақиқийми? — деб хотиржам гапиришга уринди Икром.

— Опа! — дея қичқирди Маҳфуза. — Бу ўша! Адамнинг қотили, бера кўрманг!

Аммо у кечиккан, ўзини йўқотиб қўйган Феруза тўппончани Икромнинг қўлига тутқазиб қўйганди. Айни дамда бутун вужуди карахт, синглисининг гаплари қулоғига кирмади.

Икром атрофга одамлар тўпланаётганини сезиб, тўппончани дарров чўнтагига солди ва Маҳфузанинг қўлидан ушлаб:

— Қани, қизалоқ, бир милисахонага борайлик-чи, ўша ерда менинг кимлигимни яхшилаб билиб оласиз, — деди.

Қиз бир-икки силтаниб, Икромнинг чангалидан чиқиб кетмоқчи бўлди, аммо удалай олмади. Шундан сўнг:

— Қўйвор, қўйвор, мараз! — дея чинқириб юборди.

— Ўзингни бос, қизча, — деди унинг қулоғига шивирлаб Икром, — мен сенга зиён етказмайман, ҳамма гапни айтиб бераман.

Маҳфуза унинг юзига тикилиб, қотиб қолди.

— Илтимос, акажон! — ялинишга тушди Феруза. — Бизнинг ҳеч кимимиз йўқ, раҳмингиз келсин.

Икром унинг гапларига эътибор қилмай, Маҳфузани стаклаб тўпланаётган одамлардан узоқлашди. Кўзидан ёши селдай оқаётган Феруза уларнинг орқасидан эргашди.

Икром эллик қадамча юрганидан кейин орқасига ўгирилиб, томошатабларнинг тарқалганига ишонч ҳосил қилгач, тўхтаб Маҳфузага юзланди:

— Синглим, — деди мумкин қадар босиқлик билан, — мен сенинг отангни ўлдирганим йўқ. Аввалги сафар айтмаган эдим. Ўша, сен билан бирга келган Шокирнинг ўзи тушунтириб қўяр деб ўйлагандим. Кўриб турибман, эшакмия ҳеч нарса демабди.

— Унда ким ўлдирди?! — кўзларида ёш билан жавдираб, ишониб-ишонмай қаради унга Маҳфуза.

— У одамлар ҳозир йўқ. Шунинг учун иккинчи марта бунақа қилиқ қилма, ҳар доим ҳам кечириб кетавераман, деб ваъда беролмайман... Қолаверса, тўппончани аввал текшириш керак эди. Лекин мен сенинг қотил бўлиб қолишингни хоҳламайман.

— Раҳмат, акажон, — деди боядан бери Икромга тикилиб турган Феруза, — биз аллақачон ҳаммасини унутганмиз. Синглим озгина ёшлик қилиб қўйди-да. Адамни ўлдирганни худога солдик. Яратганнинг ўзи унга жазосини беради.

Унинг гапи Икромнинг кўксини гўё тешиб ўтгандай бўлди, боши бир нарсага қаттиқ урилгандай сесканиб кетди. Бироқ у ўзини йўқотмади ва ёнидан бир даста пул чиқариб, Маҳфузага узатди:

— Бирор корларингга яраб қолар.

Феруза синглиси омонатгина ушлаб турган пулни юлқиб олди-да, Икромга қайтариб:

— Керакмас, — деди бошини чайқаб.

— Майли, — деди ўнғайсизланиб Икром, — лекин... ҳеч кимимиз йўқ дегандингиз-ку.

— Ёш бола эмасмиз. Бир амаллаб йўлимизни топиб кетамиз.

Икром пулларни чўнтагига қайтариб солди-да, қизлардан узоқлашди. Опа-сингил унинг ортидан термилиб қолишди.

— Кетдик, — деди бироздан кейин Феруза Маҳфузанинг қўлидан тортқилаб, — ана, эшитдинг ҳаммасини, адамни ўлдирган одам яшамаётган экан. Худо жазосини берибди. Энди кўнглинг хотиржам бўлсин.

Маҳфуза энтикди.

* * *

— Ҳанифа, — дея хотинини кучди Самандар уйга кирибди, — мен қандай янгилик билан келганимни топ-чи!

— Билмадим, — елка қисди келинчак.

— Хўжайиннинг бизга ҳаваси келганга ўхшайди.

— Уйланмоқчимми?

— Бўлмасам-чи.

— Ҳалигача бўйдоқ юрганмиди, мен у кишининг хотини бор деб ўйлаган эканман.

— Ҳе, билганингда тегиб олармидинг? — ўшшайди Самандар.

— Қаёқда! У одамни кўрсам юрагим ёрилади. Тегишдан худо асрасин.

— Мендан кўрқмайсанми?

— Сизни ҳурмат қиламан.

— Демак, кўрқасан. Кўрқмаганингда ҳурмат қилмасдинг. Хотин кишининг кўрқиб турганиям яхши, тили узун бўлмайди.

— Худди аввал уйланиб қўйган одамдай гапирасиз-а, қаёқдан биласиз кўрқса гапирмаслигини?

— Сенинг хабаринг бўлмаслиги мумкин-ку...

— Ни-ма?! — кўзи косасидан чиқиб кетгудай бўлди Ҳанифанинг. — Аввал ҳам хотинингиз бормиди?

— Йўқ, — деди бу сафар Самандар кўрсалик билан, — кўрдингми, дарров ҳамма нарсани билгинг келиб қолади... Хўш, бозорга борасан, келинга кўйлак-пўйлак... хуллас, нима керак бўлса, ҳаммасини оласан. Ҳе, энди бир қайноналик қилиб юборасиз-да, хоним, — дея Самандар ўзининг гапи ўзига нашъа қилиб кулиб юборди.

— Мен? — деди ҳайрон бўлган Ҳанифа. — Ҳазиллашяпсизми?

— Ҳазиллашаётганим йўқ, гапларим чин...

— Нима олишни билмайман-ку! Балки келиннинг онаси қизининг сепини тахт қилиб қўйгандир... Қишлоқнинг қизи бўлсам, бу ернинг удумини билмасам...

— Эй-й, анави Дилоромнинг ёнига борасан, шу билан бирга бозор қиласан.

— Қайси Дилором? — қошлари чимирилди келинчакнинг.

— Шернинг қизи, туйгаям келувди... Эй-й, барибир ҳозир айтганим билан эслолмайсан, кел, кейинроқ уларникига обораман.

Шундай деб Самандар хотинининг юзидан ўпиб, уни кучоғидан бўшатди-да, ташқарига чиқиб кетди.

Келин-кўёвни Санобар опа ўзгача бир хурсандчилик билан кутиб олди. Келин бўсағани ҳатлаб уйга кираётганида оёғининг тагига оппоқ поёндоз ёзди. Барча расм-русумларни бажариб, Ҳанифани ичкарига таклиф қилди. Қизлар эса унинг атрофида гирдикапалак — роса айланиб-ўргилишди. Сўнг дастурхон атрофида қалдирғочлардай тизилишди. Самандар кўп ўтирмади. Ишлари кўплигини баҳона қилиб, суюкли хотинини ишониб ташлаб кетаётганини писанда қилиб чиқиб кетди.

Дилором Ҳанифанинг ёнида эди. Соддагина, уятчан, қимтинибгина ўтирган қишлоқ қизи унга ёқиб қолган, шу боис, келинчакнинг қўлини ушлаб олганди. Талай муддат улар чой устида кулишди, ҳазиллашишди. Сўнг Санобар опа қизларидан бири билан ошхонага кетди.

— Дилоромхон, — деди Ҳанифа ёнидаги қизга, — сизда озгина иш бор эди.

— Жоним билан, сиз айтасиз-у, мен йўқ дейманми? — жавоб қилди Дилором кулиб.

— Ҳалиги, иккаламиз бирга бозорга тушиб келишимиз керак экан, акангиз шундай деб тайинлади.

— Зўр-у! — деди Дилором қувончдан кўзлари порлаб. — Савдо-сотик менинг жону дилим! Қайси бозорга тушамиз?

— Бунисини сиз билан маслаҳатлашсам дегандим, — деди Ҳанифа келинларга хос ибод билан. — Чунки мен қишлоқнинг қизиман, шаҳарнинг удуми, шаҳарлик келинлар нима кийиншини билмайман.

— Мана, — Дилором Ҳанифанинг эғнидаги кўйлакни кўрсатди. — Шунақа кияди. Кейин, сал бошқачароқ бўлиши ҳам мумкин... Нима, акамлар бошқача кийинасан деяптиларми?

— Йў-ўқ, қанақа кийинишим билан у кишининг ишлари йўқ, ҳар қалай, ҳозирча менга шундай туйилаяпти. Ҳамма нарсани шаҳарлик қизга оламиниз-да.

— Хў-ўш, — деб Дилором боядан бери уларнинг гапларини диққат билан эшитиб ўтирган синглисига маъноли қараб қўйди, — ким экан ўша шаҳарлик қиз?

— Билмадим. Ҳали кўрганим йўқ.

— Унда ким уйланыпти?

— Анави, Самандар акамнинг хўжайини бор-ку, исми Икром...

— Ни-ма?! — дея беихтиёр бақириб юборди Дилором, унинг ранги оқарди, киприклари пирпиради. — Икром акам уйланыптиларми?! Ким... Кимга экан?!

Бир Дилоромга, бир унинг синглисига қараган Ҳанифа уларнинг юзларидаги ўзгаришларни кўриб ҳайрон бўлди. “Бирор ножўя гап гапириб қўйдимми?” деган ўйда ўзини ноқулай сеза бошлади.

Вужудида билинар-билинемас титроқ турган Дилором берган саволининг жавобини ҳам кутмай, секин ўрнидан турди ва эшик томон юра бошлади. Бундан баттар таажжуби ошган Ҳанифа унинг синглисига савол назари билан қаради. Қиз кўзини олиб қочди.

Ҳар тугул Дилором чиқиб кетмай эшик ёнида тўхтади ва ортига ўгирилиб, келинчакка жилмайган бўлиб:

— Охирги пайтларда озгина мазам йўқ. Эътибор қилманг, ўтиб кетади, — деди.

Ҳанифа енгил тортгандай бўлди-ю, лекин барибир кўнгилхиралиги кетмади. Ҳаёлан минг бир кўчага кириб чиқди: “Икром билан Дилором юрган, кейин ё улар уришиб қолган ёки йигит уни ташлаб кетган. Мана энди мен унинг ярасини янгилаб, дилини хуфтон қилиб қўйдим”, дея тусмолларди ўйида.

Дилором унинг ёнига қайтиб келиб ўтирди, сўнг қўлини ушлаб:

— Жудаям чиройли келин бўпсиз, очиғи, сизга ҳавасим келаяпти, — деди.

— Сиз мендан ҳам гўзал келин бўласиз, ҳозир ҳам чиройлисиз, — дея жавоб қайтарди Ҳанифа табассум билан.

Шу маҳал Санобар опа кириб келди. У ҳам Ҳанифани

алқаб, гапининг охирида: “Ҳамма қизлар сиздайин бахтли бўлсин”, дея дуо қилди.

Орадан бир соатлар вақт ўтиб, ош тортилди. Палов ҳиди келинчакнинг димоғига урилиши билан кўзлари чарақлаб кетди. Иштаҳаси очилиб, оғзининг суви қочдики, мезбонлар олдида уялиб қолмаслик учун зўрға ўзини босиб турди.

Санобар опа ундаги ўзгаришни дарров сезди ва мийиғида кулиб, “Ишқилиб, кўчқордай ўғил кўринг”, дея хаёлидан ўтказди ва келинчакни ош ейишга кўпроқ ундайверди...

Дилором бозорни айланиб, дўконларга кириб юрганида ҳам ўзига кела олмади. Айниқса, зиракларни (Дилором тақинчоқ олмоқчи эмасди, Ҳанифага ҳам бунақанги удум йўқлигини айтганди. Лекин қишлоқдан келган қиз: “Кўпроқ нарса олинглар, айниқса, тақинчоқлар беш-олти хил бўлсин, деб тайинлаганди Самандар акам”, дегач, ноилож заргарлик дўконига ҳам кирди) ўзи тақиб, ойнага қараганда, юраги гупиллаб уриб кетди. “Нега бу нарсалар мен учун эмас, бошқа бир қизга олинапти? Қани инсоф? Ахир, Икром акамни мен кўпроқ яхши кўраманку, унга мен кўпроқ ҳақли эмасманми?” дея ўйлади. Ўйлагани баробарида кўзидан ёш сизиб чиқди. Айниқса, Ҳанифанинг: “Сизга жудаям ярашди”, деган гапидан кейин лаблари титраб, бақириб юборай деди. Назарида, ўзининг бўйнига ўзи сиртмоқ солаётгандай эди.

Ҳанифа буларнинг барини сезмасдан қолмади. Дилоромга ичи ачиди, айни чоғда Икромни ёмон кўриб кетди. Шунингдек, ўзидан ҳам нафратланди. Чунки унинг ўйлашича, Дилоромнинг яраси янгиланишига айнан ўзининг бефаросатлиги сабаб бўлган...

Доимий диққат бўлиб юриш барибир Дилоромга кучини кўрсатди. У уйига қайтиб келди-ю, хонасига кириб ётиб қолди. Иситмаси чиқиб, ўзини лоҳас сезди. Шундай бўлса ҳам уйдагиларга чарчаганлигини айтиб, кўрпага ўраниб олди. Кейин йиғлади. Кўз ёшидан болиши жиққа ҳўл бўлди. Сўнгра худога ёлвориб, эртароқ жонини олишни сўради. Ўксиб-ўксиб йиғлаганча ухлаб қолди.

Юрак ютиб Дилоромдан нималар бўлганини сўролмаган Ҳанифа уйига бориб, эридан ҳамма нарсани билиб

олиш ниятида эди. Бироқ ўзи эркалаган пайтларидагина очилиброқ гаплашадиган Самандар бошқа кезларда ўта жиддий эди. Унга бирон нима дейишга Ҳанифа ботинолмас, қурқарди. Шу боисдан Икром билан Дилором воқеаси уни жуда қизиқтирса ҳам индамай қўя қолишни маъқул кўрди.

* * *

Норбой қори иккинчи сафар хотинига қўшилиб ўзи ҳам совчиликка борганида ўзларини кутиб олган Абдулазиз акага зеҳн солиб кўрди. Абдулазиз аканинг юзида ним табассум бордай эди. Қори шуни сезиб, бироз хотиржам тортди.

Бир пиёладан чой ичилганидан кейин Норбой қори секин мақсадга кўчди. У ҳазил аралаш:

— Энди қизимизни берасизлар-да, — деди.

— Қори ака, — деди бироз ерга қараб турган Абдулазиз ака бошини кўтариб, — сиз ҳақингизда илгари кўп эшитганман. Ҳатто бир марта амри-маъруфингизни ҳам тинглаганим эсимда бор. Ўзимга кўп нарсани олганман ўшанда. Намоз ўқишгаям қарор қилувдим. Кейин нимадир баҳона бўлиб, қолиб кетди... Лекин ҳалиям ўқиш ниятим бор. Хуллас, сизга ҳурматим баланд. Аёлингиз келиб кетганидан кейин уйдагилар билан маслаҳатлашиб кўрдим. Ўғлимнинг айтишига қараганда, йигит қайсидир тўдада бош эмиш... Бошқа одам келганида бирдан: “Йўқ, бермайман”, деб юборар эдим. Лекин сизга бундай дейишга тилим бормайди. Шунинг учун, ўзингиз билан бир маслаҳатлашай... Унақанги йигитлар анча баджаҳл, қаҳри қаттиқ бўлишади. Якка-ю ёлғиз қизим эртага азобланиб қолмайдими?

— Шундай дейишингизни аввалдан билган эдим. Шу боис тайёргарлигим бор эди бу гапларингизга жавоб беришга. Икромжон мени бир сафар ўзига ўхшаган одамлар қўлидан қутқариб қолган, — деб қори Абдулазиз акага бир қараб қўйди-да, Икром билан қандай қилиб танишиб қолганини-ю, йигитнинг ҳозир қандай дард билан юрганлигигача босиқлик билан, шошмасдан, ўзининг табиатига хос мулойим овозда гапириб берди.

Абдулазиз ака унинг гапларини қулоқ қоқмай эшитди.

— Мана шунақа гаплар, — дея ҳикоясини тугатди қори,

— энди ўйланг, бир одам иймонга, динга қайтса, биз ёрдам бериш ўрнига, унинг йўлини тўсиб чиқишимиз керакми? Асло. Менинг ишончим комил, агар Икромнинг ота-онаси бўлганида, пенюнасида битта қаллобнинг қўлига тушиб қолиш бўлмаганида у ҳеч қачон жиноятчи бўлмасди. Билишимча, қизингиз ниҳоятда ақлли, фаросатли экан, Икромни тўғри йўлга солиб, бахтли яшаш қўлидан келади. Яна битта томони, йигит билан қиз бир-бирига кўнгил қўйибди.

— Бошим қотиб қолди, қори ака, нима қилишга ҳам ҳайронман. Ҳар не бўлганда ҳам жиноятчи барибир жиноятчи-да, эрта бир кун эски амалини қўмсаб, қизимни абгор қилиб қўядими, деб қўрқаман...

— Оила муқаддас, унга билиб-билмай аралашиб бўлмайди. Мен Икромжондан қўрққаним ёки қилган ёрдами учун аралашаётганим йўқ. Ҳали айтганимдай, аввал роса синадим, ўйлаб кўрдим. У мени уялтириб қўймаслигига ишончим комил бўлгачгина, уйингизга қулчиликка келдим. Менимча, унга қизингизни берсангиз, хато қилмайсиз.

Абдулазиз ака чуқур хўрсинди ва қорига қараб:

— Онаси, акаси билан яна бир гаплашиб кўрайин. Шундан кейин бирон нима дерман, — деди-да, ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди.

Абдулазиз ака шу кетганича ярим соатлардан кейин қайтиб келди. Унинг юзида алланечук бесаранжомлик бор эди. Буни қори у кириши билан сизди ва ичидан зил кетиб, “Наҳотки, кўнмаган бўлса?” деган ўй ўтди хаёлидан. Шу боисдан ҳам:

— Уй қачон қурилган? — дея Абдулазиз акани чалғитди.

— Йигирма беш йилча бўлди-ёв, — дея Абдулазиз ака бир шифтга, бир деворларга қараб қўйди.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим. У пайтларда иморатлар пишиқ қурилган.

— Ҳа, роса ишлаганмиз, — деб Абдулазиз ака қорининг рўпарасига ўтириб, гапини давом эттиролмай бироз каловланиб қолди.

Қори ўзи гап бошлаши зарурлигини дарров англади ва томоғини қириб:

— Энди натижани айтсангиз, мен борай, ҳали-замон намоз вақти бўп қолади. Ундан кейин бир-иккита одам қидириб келиб қолиши ҳам мумкин, — деди.

— Уйдагилар билан гаплашдим, — деди Абдулазиз ака чуқур хўрсинишдан кейин, — уларга сизнинг ҳамма гапингизни тушунтирдим. Қизимиз рози, яна орага илмли одам аралашиб турибди, деб кўнишди. Лекин менинг кўнглимда бир хижиллик бор-да...

— Албатта, қиз бола жигарнинг бир парчаси, уни вақти-соати келиб бериб юбориш ҳамма отага ҳам осон эмас. Лекин не қиласиз, таомил шунақа, иккинчидан, ниҳоятда савобли иш. Ҳазрат Шайх Ҳотам Асим фикрича, беш ишда шошилмоқ раҳмонийдир: меҳмонга маҳозир, яъни, таом қўймоқ; ўликни кафанлаб дафн қилмоқ; қарзни адо қилмоқ; гуноҳга тавба қилмоқ ва қизни куёвга бермоқ. Қолган ишларда шошилмоқ шайтонийдир. Келинг, кўлимизни дуога очайлик, сизга куёв — ўғил муборак, бизга — қиз.

Абдулазиз ака қорининг ортидан дуо қилар экан, “Қизим, бошинг тошдан бўлсин, кўз ёшингни кўрмайин”, дея хаёлидан ўтказди...

Эртасига қори келиб тўйни тезлатишса маъқул бўлишини айтди. Бундан Абдулазиз ака бутунлай довдиради. Шунингдек, қоридан шубҳаланиб ҳам қолди. Лекин гумонсираётганини билдирмаслик мақсадида:

— Бизнинг тайёргарлигимиз йўқ эди. Бирор икки-уч ойдан кейин ўтказсак деб ўйлаб тургандик, — деди.

— Ҳали мен сизга айтганим, куёвингиз қилган ишларига эртароқ тавба қилмоқчи, тўйи бўлиши биланоқ бирор жойга қизингиз билан бирга жўнайти...

— Нима, қизим, келинлик чилласи чиқмай... шу ерда бўлмайдими?! — дея гапга аралашди ҳаяжонланиб кетган Назира опа.

— Ҳали мен кеча келганимда, қизингизнинг ниҳоятда ақлли эканлигини айтган эдим. Бу ердаги об-ҳаво уларга тўғри келмайди. Асосийси, қизингизнинг бахтли бўлиши билан бирга битта йигитнинг иймонга қайтиши. Ана шунда ҳаммамиз савобга қоламиз. Агар Икромжон шу ерда қолиб, яна ўша ишини давом этказса, ёмон ишларга тагин қўл уриб қўяди... Шошилаётганимизнинг боиси

ҳам ана шунда: эртароқ уни ёмон одамлар орасидан чиқариб олиш. Ундан кейин, худо хоҳласа, ҳаммаси секин-аста жойига тушиб кетади.

Қорининг бу гаплари ҳам таъсирсиз қолмади. Бироз жим турганидан кейин Абдулазиз ака розилигини билдирди. Шу билан тўй ўн кундан сўнг, ҳафтанинг жума кунига белгиланди.

Хушxabардан эртасига эрталаб хабар топган (ўша куни негадир ота-онаси унга тўй ҳақида айтишмади. Қизнинг ўзи эса уялганидан сўрамади) Дилдоранинг боши осмонда эди. У шунчалик шошиб қолган эдики, нима қилишни ҳам билмасдан уйига қамалиб олиб, гоҳ кўзгу ёнига борар, гоҳида ўрнига ётиб ўзини оппоқ либосда тасаввур қилишга уринарди. Бир маҳал Назира опа унинг хонасига кириб келди.

— Нима ётиш бу, қизим? — деди у Дилдоранинг чўзилиб олганидан бироз жаҳли чиқиб, — турмушга чиқаётган қиз, эртароқ кам-кўстини тўғрилаш ўрнига ухлаши керакми?

— Ойи, ҳаммасига улгураман, — деди Дилдора ўрнидан жилмайиб турар экан.

— Вақт қисқа, қизим. Бирпасда кун ўтиб кетади, сезмай ҳам қоласан. Тез ҳозир кеннойинг билан бирга бозорга тушиб, дўконларни айланиб, ўзингга керакли бўлган нарсаларни олиб кел. Бизниям ташвишимиз бошимиздан ошиб ётибди...

— Ойи, намунча шошасизлар? — деб Дилдора Назира опанинг бўйнига осилиб унинг юзидан ўпди. — Мен бўлсам нимадан бошлашни билмай бошим қотиб ўтирибман.

— Айтганларимдан бошласанг, у ёғи ўз-ўзидан бўй чўзиб келаверади. Одамлар икки-уч ойдаям камчиликларини битиролмайди. Сен бўлсанг ҳаммасини ўн кунда бажариб удаллашинг керак... Ҳа, эсимга келганида айтиб кўяйин, кейин вақтим бўладими-йўқми, худо биледи. Бундан бу ёғига уйимизда одам кўп бўлади, сен билан очилibroқ гаплашишга имкон бўлмаслигиям мумкин. Шунинг учун қулоқ сол, қизим. Қайнона-қайнотанг йўқлигини биздан яхши биласан, шунинг учун ҳам Икромжонни авайла. Чунки шу пайтгача унга юмшоқ гапира-

диган, дардини тинглайдиган одам бўлмаган, бунисини унинг ўзи ҳам сенга айтган бўлса керак. Иккинчи томондан, бундан бу ёғига у бутун умр сенинг ёнингда бўлади. Ҳар доим оғирингни енгил қиладиган энди ўша. Ҳар куни бўлар-бўлмасга жанжал қилаверсанг, тўғри келган аёл, қиздан рашк қилаверсанг, билиб қўй, унинг умрига биринчи навбатда ўзинг зомин бўласан. “Аввалги бахтинг — ой бахтинг, кейингисида сувга оқдинг” деб бежизга айтишмаган. Яна асло қўпол бўлма, унинг ёнида овозингни баландлатма, шу қусуринг ҳам бир кун келиб куёвинг қўнглига таскин бериши мумкин бўлган бошқа аёлни қидириб қолишига сабабчи бўлиши мумкин. Кейин у гапираётганида диққат билан эшит. Агар гапнинг сенга мутлақо қизиқ жойи бўлмаса ҳам, жуда зерикиб, битта гап ортиқчалик қилиб турган бўлса ҳам. Орачора унинг гапларини маъқуллаб, шундайям унга ёқадиган қилиб, бирон нима де. Ҳеч нарса тополмаганингда жилмайиб қўй. Ана шунда у сени энг яқин суҳбатдошидай қабул қилади. Нима дарди, сири бўлса сенга айтадиган бўлади, ҳурматинг ошади. Кейин уйга келганида ҳам, албатта, тагига икки қават кўрпача тўша, буям эътиборнинг битта кўриниши...

— Вой, ойижоним-эй, — деб Дилдора Назира опани янада маҳкамроқ кучоқлаб эркаланди, — ҳеч бунақанги насиҳатлар қилмасдингиз-ку.

— Шунинг учун ҳам ҳозир гапираяпман-да, қизим. Чунки сенга йўл-йўриқ кўрсатадиган одам бўлмайди энди, — дея Назира опа кўзига ёш олди, — қийналиб қолмагин дейман-да, болам. Куёв бола бемаза болаларга қўшилиб қолибди. Унақаларнинг асаблари салга ўйнаб кетади. Эришгунча ўлдим-қуйдим, дейди-ю, кейин феъли айниб қолиши ҳеч гап эмас... Ишқилиб, ўзингдан тинчиб, бахтли яшасанг, шунинг ўзи менга етарли... Ҳали сендан айрилишга қандай чидайман...

Унинг кўз ёши йиғига айланиб кетди. Онасига Дилдора ҳам қўшилди. Улар бир муддат шу аҳволда туришди.

— Ойижон, — деди Дилдора кафти билан кўз ёшини артар экан, — ҳали ҳаммаси яхши бўп кетади. Аитганингиздай қиламан. Улар яхши одамлар. Мен биламан.

Опа-сингилнинг ортидан қараб қолган Икромнинг муштлири тугилди. Лабини асабий ҳолда қаттиқ тишлади. Илк маротаба ёлғон гапиргани учун ўзини ёмон кўриб кетди. Айниқса, ожизалар ёнида ўзини оқламоқчи бўлганидан, кўрқоқлик қилганидан йигитлик гурури қийнала бошлади. Бир хаёли опа-сингилнинг ортидан бориб, “Отангни мен ўлдирганман. Энди қўлларингдан нима келса қилинглар”, демоққа ҳам чоғланди. Бироқ ўша заҳоти ниятидан қайтди. “Нима қиламан, яна ҳаммаёқни чигаллаштириб, аслидаям Қосимни бўғизлашга буйруқ берган Икром йўқ-ку, мен энди ўзгаришга аҳд қилдим, деб қорига ваъда бердим-ку”, деган ўйга борди-да, секин-аста юриб машинаси томон юрди.

Икром қоридан эшитган хушхабардан кейин элнинг оғзига тушадиган катта тўй қилмоқчи бўлди, аммо эндиликда маънавий падарига айланган Норбой қорининг маслаҳати билан бу ўйни миясидан чиқариб ташлади. Шундай эса-да, югур-югур кўп бўлди. Юмушларни шотирларига буюрмасдан ўзи бажаришига тўғри келди. Айниқса, Дилдораларнинг уйи билан боғлиқ нарсаларни ўзи қилди. Шотирлари уларнинг уйини билишини истамасди, эртанги кунини ўйлади. Азбаройи қаттиқ ишонганидан, укасидай кўрганидан гоҳ-гоҳида Самандарни ҳам ўзи билан бирга олди. Норбой қори: “Келиннинг уйига асло ортиқча одам олиб борманг, сизнинг қайси кўчадан, кимнинг қизини олаётганингизни билишмагани маъқул. Чунки эртага нима бўлади — ёлғиз худога аён. Энди отонали бўлдингиз, уларнинг хавфсизлиги ҳам сизнинг зиммангизда”, дея тайинлаган эди.

Кўз очиб-юмгунча тўй куни ҳам келди. Куёвжўраликка Икром ўзиникилардан фақат Самандарни олди, қолган йигитларни Норбой қори топиб берди. Улар келиннинг уйида ҳамма расм-русумни бажариб қайтишди. Никоҳ ҳам ўқилди. Энди ресторанда, юз кишига мўлжалланган жойда ихчамгина тўй ўтказилиши керак эди...

Дилором бир ҳафтача шу тахлит ётди. Тинимсиз исит-малайвериб, алаҳсирайвериб уйидагиларининг юрагини ёрди. Дўхтир келиб кўрди-ю, бироқ аниқ ташхис қўёлма-

ди, тинчлантирувчи укол қилиб, тезда касалхонага олиб бориш кераклигини айтди. Бироқ “Тез ёрдам” келгунча Дилором ўзига келди. Аввал кўзини очиб, шифтга тикилиб ётди. Сўнг бошини кўтарди. Унинг тепасида гам-гуссага кўмилиб ўтирган сингиллари-ю Санобар опанинг юраклари ҳаприқиб кетди.

— Дилором! Қизим! — деди Санобар опа ўпкаси тўлиб нафас оларкан. — Тузукмисан!

Дилором жилмайиб:

— Кўриб турибсиз-ку, ойижон, — дея жавоб қайтарди.

— Вой худойим-эй, мени адо қилдинг-ку!

— Опажон, одам ҳам шунақанги бўладими?! — деб гапга аралашди кичик сингил. — Юрагимизда юрак қолмади-ку!

— Шунақаям ҳазиллашадими?!

— Нима қипман?! — деди Дилором ўрнидан туришга уринар экан. — Шунчаки бир-икки соат бошим оғриди. Шунга ваҳима қилаяпсизларми?

— Вой, буларни қаранглар! — деди чарос кўзлари яна бироз каттарган кичик сингил. — Бир ҳафта ҳаммамизни обориб олиб келдингиз-ку!

— Йўғ-э, бир ҳафта ўтиб кетдими?! — деди ажабланиб Дилором ва онасига қараб: — Ойижон, кечиринг, мен... мен... — деди.

У бошқа гапиролмади, кучи етмади, ёнгинасига ўтирган Санобар опанинг бағрига ўзини ташлади...

Тўйнинг бунчалик тез ўтиши унинг тушига ҳам кирмаган эди, шу боисдан ҳам кечки пайт Санобар опадан янгиликни эшитганида бироз гарангсиб қолди. Онаси ҳам бу хабарни хурсандчилик билан айтмади. Худди кимдир вафот этган-у, унинг таъзия кунини маълум қилаётгандай, бошини эгиб алланечук титроқ билан бу хабарни қизига етказди. Чунки унинг ҳам Икромдан умиди бор эди. Куёв қилишга орзуманд эди. Шу боис, қизи қанча вақт унинг ёнида юрганида индамади. Мана энди ишонгани мутлақо бошқа қизга уйланмоқчи.

— Жуда зўр бўпти! — деди Дилором кўзлари қувнаб.

Санобар опа унга “ялт” этиб қаради, қошлари чимирилди. У қизидан мутлақо бошқа муносабатни кутганди. Унинг касал бўлиб қолишига ҳам шу сабаб бўлган, деб ўйлаганди.

— Ишқилиб, тўйга бизни айтишибдими? — дея гапини давом этказди қиз юзида табассум билан. Дилором кўнглидаги ўкинчни сездирмади, шунга ўзида куч топа олди.

Санобар опа жавоб бермади, бош силкиб тасдиқ ишорасини қилди, холос. Ана шу маҳал Дилором шайтоний хаёлни кўнглига тугди: “Келинни заҳарлаб ўлдираман!”

Дилором Самандарнинг тўйига кийганидан ҳам чиройли, эркакларнинг кўзини ўйнатадиган, елкалари очиқ кўйлагини кийди. Бундан ҳатто сингиллари ҳам ажабланишди, “жиблажибон” лақабли кичик синглиси ўзини тутиб туролмай:

— Опа, бунча очиқ-сочиқ кийинаяпсиз? — деб сўради.

Дилором унга кўзини олайтириб қараб қўйди-ю, лекин ҳеч нарса демади.

Улар тўйга деярли ҳаммадан кейин кириб боришди. Шу боис, кўпчиликнинг нигоҳи уларга тушди, айниқса, эркакларнинг кўзлари сузилди. Дилоромни ҳаяжон босиб, кўкраги тез-тез кўтарилиб туша бошлади. Эркаклар: “Баримиз бир йўла еб қўйгудек қарадик, шекилли, қиз бечора шошиб қолди”, деган фикрга боришди. Аслида Дилором тўйда Икромнинг ёнида бошқа бир гўзал ўтиргани учунгина ҳаяжонланаётган эди. У келин-куёвга яқинроқ жойга ўтирди ва ёнидагиларга илиқ табассум билан бош силкиб салом берган бўлди. Сўнг келин-куёв томонга қаради. Икромнинг ёнида ўтирган санамнинг кўзига кўзи тушиб, вужуди титраб кетди ва беихтиёр жилмайишга уринди. Табассуми сохта чиқди. У дарҳол келин-куёвдан кўзини узиб, ёнида ўтирган синглисига:

— Менга ароқ қуй, қадаҳни тўлдириб, — дея пичирлади алам билан.

— Опа, жиннимисиз, нима деяпсиз? Шундоғам ҳамманинг кўзи бизда. Шуларнинг олдида энди ароқ ичмоқчимисиз? — дея ҳам жаҳл, ҳам кўрқув билан Дилоромга термилди сингил.

— Ишинг бўлмасин. Айтганимни қил.

— Шунчалик ўлиб ўтирган бўлсангиз, ана, ўзингиз куйиб ичаверинг.

Дилором синглисига ўқрайиб қараб қўйди-да, шишага қўлини узатди.

— Опа, — деди синглиси, — дунёда эркак зоти қуриб кетмаган-ку, ана, қанчаси сизга маҳтал бўлиб термилиб турибди. Ҳаммаси сизга жонини беришга тайёр. Орасидан биттасини танланг, тамом-вассалом.

Дилоромнинг бу сафар жилмайганини кўрган одам уни йиғлаяпти, деб ўйларди. Унинг ўзи эса ичидаги алами аллақачон юзига кўчганидан беҳабар: “Ҳали ҳам бояғидай шўх, табассум билан ўтирибман”, деган хаёлда эди. Лекин буни Икромнинг ёнида гулдай очилиб ўтирган Дилдора аллақачон сезганди. Дилором ресторанга кириб келаётганида Икром уни кўрган ва бир муддат тикилганди. Буни иллаган Дилдора ҳам очиқ-сочиқ кийинган, ниҳоятда гўзал қизга қараб, уни зимдан кузатди. Қиз ўтирганидан кейин улар томонга нигоҳини ташлади ва Дилдоранинг кўзлари билан тўқнаш келди, ана шунда келин бу қизнинг қарашидаги ғуссани сезди ва ундан кўзини узмай ўтирди. Фақат Дилором қалаҳга ароқ тўлдираётган пайтдагина юзини Икром томонга буриб:

— Анави қиз ким? — дея сўради юраги рашкдан гупиллаб уриб.

— Шернинг қизи, — деди Икром ҳам паст овозда.

— Жуда ғалати қаради.

— Озгина эси пастроқ.

— Шер деганлари ким?

— Кейин айтиб бераман.

Шу пайт меҳмонлардан бири қўлига микрофонни олиб, келин-куёвни табриклай бошлади. Келин-куёв ўринларидан туришди ва уларнинг суҳбати узилиб қолди.

Дилдора бошини бироз эгиб тураркан, беихтиёр Дилором ўтирган столга қаради ва эътиборини тортган қизнинг ароқ ичаётганини кўрди. Икромнинг “эси пастроқ”, деган гапи тўғрилигига иқрор бўлиб, қизга ичи ачиди.

Тўй қизигандан қизиб борарди.

Бу орада Дилором дадил бўлиб олиш учун бир қадаҳ ароқ ичиб, сингиллари билан очилиб гаплашди ва яна қадаҳини ароққа тўлдириб, сумкачасидан ҳеч кимга билдирмай бармоқдай шишачани олиб, ичидаги суюқликни қадаҳдаги ароққа қўшиб юборди. Ўша маҳал шўх мусиқа янграб, кўпчилик рақсга тушиб кетмаганида, Дилором-

нинг атрофидагилар унинг нима қилаётганини, эҳтимол, кўриб қоларди.

Ҳамманинг, ҳатто аёлларнинг ҳам эътиборини тортган, йигитларни эса буткул мафтун этган соҳибжамол (қизиқ, айти пайтда Дилоромнинг очиқ кийингани бировнинг гашига тегмасди, баъзи қизлар, келинчаклар ҳам унга ҳавас қилишаётган, ҳатто Самандарнинг сулув хотини Ҳанифа ҳам Дилором билан кўришиб, бу жоду кўзли қизнинг ўзи билан танишлигини бошқаларга билдириб қўймоқчи эди) секин ўрнидан турди. Йиғилганлар унинг ҳусну жамолига маҳлиё бўлиб, қўлидаги қадаҳга эътибор беришмади. Дилором эса, аччиқ кулимсираган кўйи бир-бир қалам ташлаб келин-куёвга яқинлашди.

Уни аввал Дилдора, кейин Икром кўрди. Улар бир-бирига қараб олишди. Келиннинг ёноқлари бироз қизарди. Унинг нигоҳидан: “Бошқаси ҳам бормиди, унда бунақанги томошанинг кимга кераги бориди?” деган мазмунни уқиш мумкин эди.

— Ҳурматли келин-куёв, — деди Дилором уларнинг яқинига келиб, — мен сизларни чин қалбимдан табриқлайман. Бир-бировларингга роса мос тушибсизлар, келин, сиз худди фаришталарга ўхшайсиз! Худо хоҳласа, умрбод фаришта бўп қоласиз!

— Раҳмат, — деди Икром ташаккур билдиришга оғиз жуфтлаган Дилдорадан олдин, бироз жилмайиб.

— Рухсат этинглар, сизлар билан озгинадан олай! — деди Дилором жонни олувчи кўзлари билан кулиб. — Шундай базму жамшидда ичмасдан бўларканми?!

Дилдора бу нотаниш қизнинг гапларига тушунмай, қайлигига қаради.

— Майли, — деди Икром, — озгинадан оламиз. Фақат ароқ эмас, шампан ичамиз.

— Келишдик, — дея кулди Дилором кўрсаткич бармоғини юқорига қилиб, — фақат битта шарт бор. Шампанни қадаҳларга мен қуяман. Қўлимдагини эса келин-бола билан тенгма-тенг бўлишамиз.

Икром унга жавобан ҳеч нима деёлмади. Аксига олиб бундан сал олдин шотирлари шампан виносини очиб кетишган, уни қадаҳларга қўйиш муаммо эмасди.

Дилором Икромнинг қадаҳини тўлдирди, келин билан

Ўзиникини эса ярим қилди. Қолганига ўзи билан олиб келган оғу аралаш ароқни қуйди. Ароқ билан шампан виносининг аралашгани одамнинг мазасини қочириб қўйишини Икром яхши билгани боис бироз асабийлашди, ён-атрофига аланглаганча, шотирларини қидириб, “манавини бу ердан олиб кетинглар”, демоқчи бўлди. Аммо шотирларини кўриши билан шаштидан қайтди. Чунки Дилоромнинг ўзига бўлган муносабатини яхши биларди, шу боис, индамай қўяқолди.

— Бу дунёда ҳамма бахтли бўлсин! — деди Дилором. Аммо баланд мусиқа ва қўшиқ унинг овозини босиб кетиб, келин-куёв эшитмади. У қўлидаги қадаҳни аввал Икром билан, сўнг Дилдора билан тўқиштирди ва куёв болага “қани, бошланг”, қабилида ишора қилди. Икром бир нафасда қўлидаги идишни бўшатди.

— Қани, энди навбат сизга, — дея Дилором келинга юзини яқинроқ тутди. — Ҳеч қурса мен учун бир култум ичинг!

Шундай деди-ю, унинг нигоҳи Дилдораники билан тўқнашди. Келинчакнинг кўзларидан самимият, беғуборлик ва чексиз бир мунислик уқди ва шу ондаёқ: “Ичманг, бу заҳар”, демоқчи бўлди. Бироқ энди кеч бўлганди. Келинчак ундан кўзини узмаган қўйи қадаҳини лабига яқинлаштирган, яна бир неча сония ўтиб у, албатта, заҳарли суюқликни ютарди. Дилоромнинг киприкларини пирпираб қўли қалтираб кетди ва қўлидаги идишни тушириб юборди. Ликопча қиррасига тушган қадаҳ чилчил бўлиб синиб, ичидаги суюқлик Дилором билан келиннинг устига сачраб кетди. Бундан чўчиб тушган Дилдора ҳам қўлидаги қадаҳни лабига тёккизар-теккизмас ташлаб юборди.

Келин билан Дилором бир вақтда:

— Вой! — дея қичқириб юборишди ва бир-бирига термилганча қотиб қолишди.

Сўнг ҳар иккиси ҳам бирданига кулиб юборишди. Икром ғалати бир аҳволга тушди. Унинг назарида, иккала қиз аввалдан танишдай, бир пайтлар Дилоромнинг унга суйкалишлари, инон-ихтиёрини топшириши синовдай туйилди ва шу ондаёқ қойил қолди.

— Бахтли бўлинглар! — деди Дилором кулгидан ўзини зўрға тийиб. — Кўз тегмасин!

У келин-куёв ўтирган жойдан узоқлашаркан, кўзидан тинмай оқаётган ёшни кафти билан артар эди.

Дилдора тўй охирлаб, расм-русумлар тугагунча зўрға чидади. Ичини бир нарса куйдирар, хаёлидан: “Икром акам ўша қизни алдаб ташлаб кетган”, деган ўй кетмасди. Ўзини ўша қиз олдида айбдор ҳис қиларди. Ниҳоят у Икром билан чимилдиқда ёлғиз қолди.

Дилдора гапни нимадан бошлашни билмай бошини ҳам қилганча жим ўтирди. Вужудида енгил титроқ пайдо бўлди.

Икром унинг қизариб кетганини, пастки лабини беозор тишлаб олганини бошқача тушунди ва секин ёнига бориб:

— Жоним, — деди Дилдоранинг елкасига қўлини қўйиб.

— Икром ака! — деди Дилдора у томонга ўгирилиб. — Мени севасизми?!

— Севиш ҳам гапми, сиз учун жонимни беришга тайёрман! — жавоб қилди Икром уни қучмоқчи бўлиб.

Дилдора ўзини орқага олди ва кўзидан оқиб тушаётган ёшларига эътибор ҳам бермасдан:

— Анави қиз ким эди?! — деб сўради.

— Тўйда айтгандим-ку.

— Илтимос, ҳечам менга ёлғон гапирманг. Мен сизнинг ҳамма айтган гапларингизга ишонишни истайман. Фақат... Фақат гапириб ўзингизни қийнайдиган бўлсангиз, индамаганингиз маъқул, шунда мен... мен ҳамма нарсани тушуниб оламан. Шунда ўйлаганларим ҳақиқат бўлиб чиқади!

— Унда ҳаммасини бир бошдан айтиб беришга мажбур эканман. Токи кўнглингизда шубҳа қолмасин! — деди Икром ҳам энди ҳаяжонланиб.

Шундай деди-ю, у бироз жим қолди. Сўнг иккала қўли билан юзини артиб, сўзлай бошлади.

Дилором билан қандай танишганидан тортиб шу бугунги кунгача унга тааллуқли бўлган ҳамма воқеани гапириб берди. Фақат ўша — бир-икки марта Дилором билан жуда яқин бўлиб қолишига озгина қолганини айтмай ўтди.

— Билмадим, — деди сўзининг якунида у хўрсиниб қўйиб, — балки у ҳақиқатан ҳам яхши кўргандир. Ҳар

қалай, қилиқларидан шунга шаъма бордай эди. Яна билмадим.

— Бечора, — деди Дилдора бироз сўлиш олиб, — мендан ҳам чиройли экан. Ҳар қандай эркакни бахтли қилолади, менимча. Сизган экансиз, нега уйлана қолмадингиз?

— Биринчидан, чирой кишига бахт беришига ишонмайман. Иккинчидан, мен сизни яхши кўраман...

— Сен денг, — дея Икромнинг гапини бўлди Дилдора, — шунда мендан кўп тортинмайсиз...

Икром унга юзланди. Меҳри жўш уриб, хушбўй ҳид таратиб турган қоп-қора сочларини қўлига олиб, узоқ ҳидлади...

* * *

Икром ўрнидан сакраб туриб сочларини гижимлади.

— Сен... Сен! — деди аламидан бўғилиб. — Сен ҳам мени алдамоқчи бўлдингми?! Айтмайсанми шуни аввалдан! Эндигина одамларга ишона бошлагандим, эй, худо!

— Икром ака! Акажон, тил тортмай ўлай, бирорта эркакнинг яқинига йўлаган бўлсам... Билмадим! Билмади-и-им!!! Ўлдинг мени, чидаёлмайма-а-а-н! — дея бақриб йиғлаб Дилдора юзини ёстиққа босди.

Икром кўзидан ўт чақнаб, унинг елкаларидан ушладида, болишдан бошини узди.

— Бўлмаса, нега... айт, тушунтир, ишонайин гапларингга! Менинг эркаклигим ер билан битта бўлаяпти, ишонасанми, ер билан битта!.. Кўзларимга қара! — деди бўғилиб.

Дилдоранинг кўзидан тинмай ёш оқар, ёноқлари қипқизил бўлиб кетганди. Фақат бош қимирлатарди у.

— Тўхта, — дея уни қўйиб юборди Икром, — тўхта, ҳаммасини аниқлаймиз, тагига етаман барчасининг! Агар бирортаси билан аввал ҳам юрган бўлсанг-у, буни менга бир оғиз ҳам айтмасдан эрга теккан бўлсанг, айтиб кўяй, соғ қуимайман!

— Майли, — деди Дилдора қон йиғлаб, — дўхтирга олиб боринг, текширтиринг, гапларингиз тўғри чиқса, ўлдирсангиз ҳам розиман, лекин нотўғри бўлса, аввало, сиз билан бир кун ҳам яшамайман. Кейин ўзимни ўзим ўлдираман, бошқаси билан ишим йўқ!

Бу гаплардан кейин Икром бир қалқиб тушди ва хавотир билан хотинига қаради. Шу кўйи талай муддат шифтга тикилиб ётди. Агар Дилдоранинг ўрнида бошқа бўлганида ҳозирнинг ўзида бўғиб ўлдирарди. Лекин ҳозир ожиз қолди, қўлидан ҳеч вақо келмади. Бунинг устига, Дилдоранинг гапидан кейин ўзидан ҳам гумонсирай бошлади. Бироз ўтиб гумони икки ҳисса ошди ва Дилдоранинг елкасига қўлини юборди. Келинчак аввал унинг қўлини силтаб ташлади. Бироқ Икром ўжарлик қилиб иккинчи бор тегингач, индамади.

— Дилдор... Дилдор... Сизни алдамадим дегин, қиз бола бўлиб эрга тегдим, деб айтгин... Жонимни бераман сенга! — деди Икром. Унинг овози алланечук титраб чиқди.

— Икром ака, бундан икки йилча бурун, битта газетада ўқиб қолган эдим, — деди бир оз ўзини тутиб олган Дилдора ўйчан қиёфада. — Баъзи қизларда... ўша нарса бўлмаскан...

— Йўғ-э? — дея ҳайратланди Икром.

— Келиб-келиб мен бечорага... тўғри келадими?! — деб Дилдора яна кўзига ёш олди. — Балки гапларимга ишонмассиз... Дўхтирлардан бир сўраб келинг. Чунки мен сизни бошқача ишонтиролмайман. Кейин... Кейин умр бўйи гумон билан яшашингизга ҳам чидолмайман. Ўзимни бир бало қилиб қўйишим аниқ... Илтимос, дўхтирлардан сўранг! Мени текширтурсангиз ҳам майли.

— Аҳмоқ эмасман, сени дўхтирга кўрсатгани...

— Одатда бунақанги дўхтирлар аёл бўлишади... Кейин кўпчиликда анча ичкаридалиги ёзилган ўша газетада...

— Унда нега қараб турибмиз! — деб Икром Дилдорани кучди ва ўпа бошлади.

Ҳартугул, ўша кеча Дилдоранинг юзи ёруғ бўлди. У хурсандлигидан эрини маҳкам қучар экан, “Мен сизни севаман!!! Севаман!!!” дея оламга жар солгиси келарди.

Икромнинг ғам-ғуссаси тумандай тарқаб кетди. Эрта-лаб у ўзгача бир хушкайфиятда ташқарига чиқди. Бу маҳалда қуёш аллақачон ёйилиб кетган, келинчак аллақачон ҳовлини супуриб бўлиб, нонушта тайёрлаганди.

— Қачон туришга улгурдинг? — деди Икром унинг юзидан ўпиб қўяр экан.

— Ҳали тонг отмаганди, — дея жилмайиб жавоб қилди келинчак.

— Ухламабсан-да...

— Ўзингиз-ку... — дея унинг биқинига туртиб қўйди Дилдора ноз билан.

Бундан Икромнинг шўхлиги тутиб, хотинини маҳкам қучоқлаб олди.

— Жиннивой... Жиннивой, биров келиб қолади! — дея типирчилади Дилдора унинг қучоғидан чиқишга уриниб.

— Ҳеч ким келмайди. Бизни бирортаси ҳам безовта қилмайди.

— Барибир... Келинг, аввал чойингизни ичинг!

Икром ўн кун уйидан чиқмади. Худди бошқа оламга кириб қолгандай сархуш эди. Шотирлари ҳам буни сезишди, шекилли, безовта қилишмади. Ора-сира келиб турган Самандар билан Соли хожасининг ўзгариб қолганидан, ҳаддилари сиғиб ҳазиллашиб: “Кеннойи ўткир экан, сиздай одамни қўлга олволди”, дейишарди. Албатта, бу гап Икромнинг шаънига тўғри келмас, хотинга қул бўлиш иблис салтанати одамлари, айниқса, унинг бошлиқлари учун ўлим билан баробар эди. Ҳар қанча ҳазилга хотин аралашмаслиги керак, деган ёзилмаган, айтилмаган, фақатгина ҳис қилиш мумкин бўлган қонун бор эди. Аммо ҳар қанча асаби ўйнаган эса-да, Икром шотирларига индамади. Бунинг ўрнига:

— Аввал хотин кўрмагандан кейин аҳвол шунақа бўлади, — деб кулиб қўйди.

Ниҳоят ўн биринчи кун у масжидга бориб қори билан учрашди. Кетиш кунини у билан белгилади. Сўнг қайтиб келиб Дилдора билан Абдулазиз аканикига боришди. Қайнона-қайнотаси уларни ўзгача бир шодлик билан кутиб олишган эса-да, номаълум муддат қизларини кўролмасликларини эшитганларидан кейин анча ташвишланиб қолишди.

— Қолишларингнинг ҳеч иложи йўқми? — деди Назира опа кўзига ёш олиб.

— Афсус, — деди Икром бошини эгиб.

— Ҳечқиси йўқ, — деди Абдулазиз ака куёвининг ёнини олиб, — қаерда бўлишсаям бошлари омон бўлсин. Келиб туришади-да. Агар келишмаса, биз борамиз. Қайтанга,

ййраб тоза ҳаводан нафас олиб келамиз. Гашти бўлакча бўлади-да, тоғ ҳавосининг. Ҳа, келиб айтиб кетасизларда, қаерга жойлашганларингни. Ёки бирорта одамдан айтиб юборсанглар ҳам бўлади.

У гапини қувонч билан, ҳазил аралаш айтмоқчи эди. Бироқ ўйлаганидай чиқмади. Қайғураётгани сезилиб қолди.

Икром унга қараб “раҳмат” маъносида кулиб қўйди...

Икром уйига қайтиб келганидан кейин қаттиқ ўйга чўмди. Бир хаёли шотирларининг ҳаммасини тарқатиб юбормоқчи, шу билан барча “ўйин”га барҳам бермоқчи бўлди. Лекин бошқалар келиб бу ерга эга чиқишидан чўчиди ва Самандарга “салтанат”ни топширишга қарор қилди. Албатта, ёрдамчисининг ишни олиб кетишига унинг кўзи етмасди. Соли анчадан бери ғалати қараш қилиб юрганини, чаққон Жўмард унинг йўқлигини сезиб қоладиган бўлса, “тож”га эга чиқиш учун курашни бошлаб юборишини биларди. Шундай эса-да, унинг бошқа иложи йўқ эди.

Эртасига эрталаб ёнига Самандарни чақириб, унинг елкасига қўлини қўйди-да:

— Оғайни, мен дам олгани бир жойга кетаялман. Ўзинг ҳаммасига бош-қош бўлиб турасан, — деди.

Хабар Самандарни қувонтириб юборди. Ахир, бир кун бўлса ҳам бош бўлиш... Лекин буни билдирмаслик мақсадида, ўзини ҳайрон бўлган қўйга солиб киприкларини пирпиратиб Икромга юзланди.

— Дарров қайтиб келарсиз, унгача...

— Дарров қайтаманми ёки беш-ўн кун қолиб кетаманми, нима бўлган тақдирда ҳам бу ер қаровсиз қолмаслиги керак. Келин билан бизнинг уйга кўчиб келасан.

— Хўжайин, — деди энди чиндан таажжубланган Самандар, — болалар қараб туришади. Менинг келишим... жуда ғалати-да.

— Ғалатимас, айтганимни қил... Ҳа, айтиб қўяй, бекордан-бекорга бировнинг бурнини қонатма, оқибати ёмон бўлади. Ҳаддингни бил. Қўлингдан келмайдиган ишга бошингни суқма. Тушундингни?

Самандар “ҳа” дегандек бошини қимирлатди.

— Унда яхши, — деди Икром жилмайиб, — энди уйингга бориб, кўчишга тайёргарлик кўр.

— Нима, ҳозирдан кетмоқчимисиз?

— Гаплашиб кўйганман. Биласан-ку, ваъдамни бузишни ёмон кўраман.

— Адресни айтсангиз, сизни кўриш баҳонасида...

— Ўзи сенлардан қутулмай овораман... Жа, сенларга кўзим учиб тургани йўқ... Бўпти, гап кўп бўл кетди, бориб айтганларимни қилгин.

Икромнинг кутилмагандаги бу қарори Самандар туғул, бошқа йигитларни ҳам ҳайрон қолдирди. Илгари ҳам бошқалар тоғдан келса, Икромнинг боғдан келадиган одати бор эди. Одатда, у бундай мулоҳазага қалтис пайтлари келар, лекин бу сафар ҳаммаёқ осойишта, ишлари изига тушиб кетган, уларнинг олдини кесиб ўтадиган зор қолмаганди. Икром бирорта шотирини қўриқчиликка ҳам олмай дам олишга кетаяпти. Яна қачон қайтиши даргумон. Бундан-да ажабланарлиси — бораётган манзилени биров билмайди. У шотирларига буйруқ бераётганида ўзини жуда ғалати тутаётгандики, шотирлари: “Бу, энди, бизниям бир ёқли қилиб ташламайдими?” деган ўйга ҳам боришдан ўзларини тия олмагандилар...

Шаҳардан чиқиб кетаётган яп-янги оппоқ “Жигули”да Икром билан Дилдорадан ташқари қори ҳам бор эди. Қори диннинг фазилатлари, бу дунёнинг ўткинчилиги, охират ҳақида кўпроқ ўйлаш кераклигини гапирар, гапларини ҳадислар билан боғлаб далилларди. Дилдора унинг сўзларидан сеҳрланганди, борлиқни унутиб, бутун диққатини қорининг гапларига қаратганди. Айни чоғда, гарчи ҳеч ким эътибор бермаётган эса-да, кийган кўйлагининг этаги тиззасидан юқорилигини, енгсизлигини ўйлаб, уялаётганди ҳам. “Ҳеч қурса бирорта рўмол олмаган эканман, ташлаб олардим... Борайин, буларнинг бирортасини ҳам киймайман, намоз ўқишни ўрганаман, Икром акамни ҳам шунга даъват қиламан”, дея ўйлар эди у...



5000

Адабий-бадиий нашр

Ўзбек тилида

Нуриддин Исмоилов

ИБЛИС САЛТАНАТИ

Саргузашт-детектив роман

(Иккинчи китоб)

Иккинчи наشري

Муҳаррир Аҳмад Отабой

Дизайнер Сергей Бауэр

Техник муҳаррир Зокиржон Алибеков

Мусахҳиҳ Отабек Сафаров

Саҳифаловчи Фафуржон Мадалов

Босишга 23.01.2008 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32. Шартли босма табоғи 13,44.

Адади 3 000.

08-520-сонли буюртма.

Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

РАССЫЛКА